



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФУҚАРОЛИК
КОДЕКСИНИНГ
ИККИНЧИ ҚИСМИГА
ШАРҲЛАР

"Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи



Тошкент 1998

Ўзбекистон Республикаси
Адлия Вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ
ИККИНЧИ ҚИСМИГА
ШАРҲЛАР

III
жилд

Тошкент
1998



**ЎзР ФА мухбир аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан
арбоби, юридик фанлари доктори,
профессор Раҳмонқулов Ҳожи-Ақбарнинг
умумий таҳрири остида**

Масъул муҳаррир:

юридик фанлари номзоди, доцент
Анортоев Исмоил,

Такризчилар:

юридик фанлари доктори, профессор
И.Б.Зокиров

юридик фанлари номзоди, доцент
М.К.Азимов

юридик фанлари номзоди
З.С.Убайдуллаев

**Фуқаролик Кодексига шарҳлар китобининг III жилдини
тайёрлашда иштирок этган муаллифлар:**

1. Анортгов И. 71-боб. Коллизион нормалар, 7-§. Ворислик ҳуқуқи (1197-1199-моддалар).

2. Муҳамедов Р.М. 5-бўлим. Ворислик ҳуқуқи, 66-боб. Ворислик тўғрисидаги умумий қоидалар (1112-1119-моддалар), 67-боб. Васият бўйича ворислик (1120-1133-моддалар), 68-боб. Қонун бўйича ворислик (1134-1144-моддалар), 69-боб. Меросни эгаллаш (1145-1156-моддалар).

3. Насриев И. 4-бўлим. Интеллектуал мулк, 59-боб. Умумий қоидалар (1031-1040-моддалар), 60-боб. Муаллифлик ҳуқуқи (1041-1073-моддалар), 61-боб. Турдош ҳуқуқлар (1074-1081-моддалар), 62-боб. Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ (ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқуқ) (1082-1090-моддалар).

4. Оқйўлов О. 63-боб. Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқ (1091-1094-моддалар), 64-моддалар. Ошкор этилмаган ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш (1095-1097-моддалар), 65-боб. Фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни хусусийлаштириш воситалари, 1-§. Фирма номи (1098-1101-моддалар), 2-§. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) (1102-1107-моддалар), 3-§. Товар чиқарилган жой номи (1108-1111-моддалар).

5. Рашидов К. 5-бўлим. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш. 70-боб. Умумий қоидалар (1158-1167-моддалар), 71-боб. Коллизион нормалар, 1-§. Шахслар (1168-1178-моддалар), 2-§. Шахсий номулкий ҳуқуқлар, интеллектуал мулк (1179-1180-моддалар), 3-§. Битимлар. Вакилик. Даъво муддати (1181-1183-моддалар).

6. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига умумий тавсиф (III жилд). 4-§. Ашёвий ҳуқуқлар (1184-1188-моддалар), 5-§. Шартнома мажбуриятлари (1189-1192-моддалар), 6-§. Шартномадан ташқари мажбуриятлар (1193-1196-моддалар).

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ ИККИНЧИ ҚИСМИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

(учинчи жилд)

Мазкур янги Фуқаролик Кодекси иккинчи қисмини ташкил қилган қуйидаги учта бўлим нормаларига берилган шарҳларга бағишланади:

1. Интеллектуал мулк (IV бўлим);
2. Ворислик ҳуқуқи (V бўлим);
3. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш (VI бўлим).

1. Интеллектуал мулк бўлими 81 моддадан (1031-1111-моддалар) иборат бўлиб, 7 бобни (59-65-боблар) ўз ичига олади. 65-бобга киритилган нормалар эса ўз навбатида учта параграфларга ажратилган.

Ушбу бўлимнинг моддаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган асосий қоидалар, халқаро ҳуқуқнинг эътироф этилган нормалари батафсил акс эттирилган. Конституциянинг 42-моддасига мувофиқ “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг моддий, илмий ва техникавий ривожланишига ҳам-хўрлик қилади”.

Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мазмун жиҳатдан Фуқаролик Кодексининг I-моддасида мужассам тонган асосий тамойилларга амал қилинган ҳолда белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ фуқаролик қонун ҳужжатлари, жумладан муаллифлик ҳуқуқи ва саноат ҳуқуқи нормалари воситасида тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлигини эътироф этишга, мулкнинг, жумладан интеллектуал мулкнинг дахлсизлигига, барча шартномалар, шунингдек интеллектуал фаолият соҳасида тузиладиган шартномаларнинг эркинлигига, хусусий ишларга, айниқса ижодий меҳнатга нисбатан бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан ара-

лашишга йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари, жумладан интеллектуал объектларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг тўсиқсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади.

Интеллектуал мулк объектларининг турлари, уларга бўлган шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар халқаро ҳуқуқ нормалари, давлатлар ўртасида тузилган шартномалар асосида ифодаланган. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида интеллектуал мулк соҳасидаги бир неча халқаро жамиятларга, иттифоқларга аъзо бўлди, конвенцияларга қўшилди, шартномалар тузди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси сифатида бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини (БИМТ-ВОИС) таъсис этувчи Конвенциянинг иштирокчиси, Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенциясининг қатнашчиси, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартноманинг иштирокчиси, Бельгияларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид келишувининг, Маҳсулот ишлаб чиқилган жойнинг номи ҳимоя қилиш тўғрисидаги Лиссабон кенгашининг, саноат намуналарини депонент қилиш бўйича Гаага келишувининг, Адабиёт ва санъат асарларини муҳофаза қилиш бўйича Берн конвенциясининг ва шунга ўхшаш қатор халқаро ташкилотларнинг аъзоси ёки иштирокчиси бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги халқаро ташкилотлар, жамиятларнинг ҳужжатларида, конвенцияларида, келишувларида мужассамлашган ва халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этиб, тан олинган асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг интеллектуал мулк бўлимини ташкил қилувчи нормаларида ҳам ўз аксини топган.

Интеллектуал мулк Кодексининг асосий бўлимларидан бири бўлиб, республикамиз ва хорижий мамлакатларнинг юқори малакали, юрист мутахассислари иштирокида бир неча бор алоҳида ўрганиб чиқилди, муҳокама қилинди ва экспертизадан ўтказилди. 1985 йил октябрнинг 4-18 кун-

лари Голландияда махсус ушбу бўлимнинг ўзи БИМТ-ВО-ИСнинг, АҚШнинг йирик экспертлари, Голландиядаги Лейден университетининг юрист профессорлари иштирокида ўрганиб чиқилди ва халқаро мезон талабларига мос ҳужжат сифатида баҳоланди.

Олдинги Кодексда ижодий фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқ учта бўлим ва 55 моддадан иборат бўлиб, бўлимлар қуйидагича номланган эди: авторлик ҳуқуқи (4-бўлим); кашфиётчилик ҳуқуқи (5-бўлим); ихтирочилик ҳуқуқи (6-бўлим). Буларни умумлаштиришда, бобларга ва қисмларга ажратишда сўнгги йилларда пайдо бўлган ижодий фаолиятнинг янги турлари, ўзгача тушунчаларини ифодалаш учун халқаро қонунчилик тажрибасида фойдаланиб келинган атамаларни ҳисобга олиб, “Интеллектуал мулк” деган ном билан яхлит бўлим тарзига келтирилди ва уч қисмдан иборат бўлган 1031-моддасида интеллектуал мулкнинг объектлари шаклида батафсил белгилаб берилди. Шунинг билан бирга аввалги Кодексда бўлган “Кашфиётчилик ҳуқуқи” бўлими умуман тушириб қолдирилди. Чунки кашфиёт моддий дунёнинг муқаддам номаълум бўлган, объектив равишда мавжуд қонуниятлари, хоссалари ва вақеликларини очишдан, белгилашдан иборат бўлиб барча ҳолларда қонун йўли билан ҳимоя қилинмайди. Масалан, география, археология, палеонтология, шунингдек фойдали қазилмаларнинг конларини топиш ва ижтимоий фанлар соҳасидаги янгиликлар кашфиёт сифатида ҳимоя қилинмайди. Кашфиёт сифатида билдирилган маълумотни қўриқлаш учун бу кашфиёт муайян янгиликка эга бўлиши, яъни муқаддам Ўзбекистонда ҳам, чет мамлакатларда ҳам маълум бўлмаган бўлиши керак. Бундан ташқари, таклиф қилинган кашфиёт илм соҳасига тубдан ўзгартишлар киритиши лозим. Билим соҳасига асосли равишда ўзгартишлар киритмайдиган айрим фактлар, шунингдек қонуниятлар, хоссалар ва воқеликлар туғрисидаги маълумотлар кашфиёт сифатида тан олинмайди. Янгиликнинг кашфиёт сифатида тан олинishi ёки тан олинмаслиги ва шу туфайли вужудга

келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш чет элларда ҳам фуқаролик қонун ҳужжатлари билан амалга оширилмайди.

Мазкур бўлимда муаллифлик ҳуқуқи билан узвий боғлиқ ижодий фаолиятнинг турларидан бири сифатида “Турдош ҳуқуқлар”га махсус боб ажратилди. Турдош ҳуқуқнинг субъектлари, ижрочиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фонограммалар тайёрлаш, асарларни фазо, сунъий ер йўлдошлари ёки симлар, радио, телевидение орқали эшиттириш, узатиш ёки кўрсатиш каби ижодий фаолиятга оид қоидалар биринчи марта Кодексда назарда тутилди.

Бўлимга “Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ”қа оид янги боб киритилди. Саноат ҳуқуқининг турлари сифатида ихтирога, саноат намунасига бағишланган моддалар назарда тутилди. Ишлаб чиқариш сирларига, селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқларга алоҳида янги боблар ажратилди. Ушбу ҳуқуқларни гувоҳлантирувчи ҳужжат сифатида патент, унинг тушунчаси, патент берилиши ва муҳофаза қилинишининг тартиб ва усуллари, ундан муаллифнинг ёки учинчи шахсларнинг фойдаланиш ҳуқуқлари, патентнинг амал қилиш муддати, унга нисбатан лицензия шартномасининг тузилиши ва патент асосида вужудга келадиган бошқа ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар батафсил ёритиб берилди.

Тегишли моддаларда фойдали модель сифатида тан олинadиган ечимлар, таклиф, муаллифнинг ҳуқуқлари, ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари селекция ютуқлари деб тан олиниши, уларга нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, уларнинг муҳофаза қилинишига оид қоидалар назарда тутилади.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқига бағишланган янги бобда ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау) аҳамиятига эга бўлган техникавий, ташкилий тижорат маълумотлари ва бу маълумотларнинг ошкор этилмаслиги, сирларни муҳофаза қилишга оид қоидалар назарда тутилади.

“Фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситалари” деб аталган янгидан ишланган махсус бобда фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш, товар чиқарилган жой номига бағишланган қоидалар назарда тутилади. Ушбу бобда фирма номига бўлган ҳуқуқлар, фирма номидан товар белгисида фойдаланиш, товар белгисининг тушунчаси, товар ва хизмат белгиларини рўйхатдан ўтказиш ва гувоҳлантириш тартиби, тегишли белгилар эгаларининг мутлақ ҳуқуқлари, белгиларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, фойдаланиш учун бошқа шахсга бериш, маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик қоидалари ёритилган. Товар белгисига берилган гувоҳноманинг амалда бўлиш муддати ва уни эгасининг аризасига мувофиқ ҳар гал яна узайтирилиши мумкинлиги ҳисобга олинади. Товар белгиси эгасининг ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик адолатли тadbиркорлик фаолиятига хос бўлган талабларга риоя қилишни таъминлаш нуқтаи назаридан белгиланади.

Мазкур бобнинг махсус моддалари товар чиқарилган жой номи, яъни маълум хусусият ва хоссаларга эга бўлган маҳсулот тайёрлаб чиқарадиган жуғрофий объект (минтақа, туман, аҳоли пункти) номига бағишланади. Бунда ушбу номнинг тушунчаси, унга бўлган ҳуқуқ ва шаҳодатнома, жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи ва ушбу ҳуқуқ бузилганлиги учун жавобгарлик қоидалари белгиланади.

Юқорида қисқача ифодалаб берилган маълумотлар интеллектуал мулк ҳуқуқининг объекtlари, субъекtlари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига тааллуқли қоидаларнинг янгилigidан, ушбу қоидаларни белгилашда халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилинганлигидан дарак беради.

2. Ворислик ҳуқуқи бўлими 4 боб ва 45 моддадан иборат. Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ жамиятда хусусий мулк ҳуқуқининг жорий қилиниши ва мазкур Кодекснинг 207-моддасига асосан хусусий мулкнинг миқдор ва қиймат жиҳатидан чекланмаслигига оид асосий қоидалар ушбу бўлимга киритилган нормаларнинг

мазмунда уз аксини топган дейиш мумкин. Масалан, хусусий мулкнинг объекти сифатида Кодекснинг 1152-моддасига биноан корхонага нисбатан ворислик ҳуқуқи белгиланади. Бунда корхона ҳозирги шароитда фуқароларнинг ва эридик шахсларнинг хусусий мулки бўлиши ҳисобга олинган. Мерос таркибига кирган корхона барча меросхўрларнинг келишуви билан бўлиб оlinиши ҳам мумкин, агар бундай келишув бўлмаса корхона натура ҳолида тақсимланмайди ва меросхўрларнинг ҳар бирига тегишли улушларга мувофиқ уларнинг умумий улуши мулкига айланади.

Ўтмишда ворислик ҳуқуқи нормаларининг моҳияти ва мазмуни ҳамма жиҳатдан чекланган шахсий мулк ҳуқуқининг доirasида инфодаланарди. Эндиликда фуқаролар ўзларига тегишли бўлган мол-мулк ҳуқуқидан тўла ҳажмда фойдаланиш имкониятига эришдилар. Ушбу ҳолат ҳисобга оlingан ҳолда бўлимда васият бўйича ворислик биринчи (67-боб), қонун бўйича ворислик эса (68-боб) иккинчи ўринда назарда тутилади. 1963 йилдаги Кодексда эса бунинг акси эди.

Мероснинг таркибий қисми ва ворисликка чақириладиган меросхўрларнинг таркибий қисми сезиларли равишда кенгайтирилган. Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг вафотидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киритилади. Шунинг билан бирга мерос таркибига киритилиши мумкин бўлмаган ҳамда мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ белгилаб берилган.

Қонуний ворислар олти навбатга бўлинади, аввалги Кодекс бўйича эса улар асосан икки навбатдан иборат эди. Марҳумнинг ота-она томонидан бўлган амаки, тоға, амма ва холалари учинчи навбатдаги қонуний ворисларга бўлинади. Фарзандликка оlingан болалар ва фарзандликка олганларнинг ҳуқуқлари меросга нисбатан ҳақиқий фарзанд ва ҳақиқий ота-она ҳуқуқлари билан тенглаштирилади. Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги нав-

батдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, мерос қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирдагина ворислик ҳуқуқига эга бўлиши назарда тутилади. Марҳумнинг васияти ёки ворисларнинг меросдан воз кечиши ё уларнинг бўлмаслиги ва бошқа сабабларга кўра мерос мулк фуқароларнинг узини узи бошқариш органига, шунингдек давлат мулкига ўтиши назарда тутилади.

Мазкур бўлимда аввалги Кодексдаги меросга гувоҳнома бериш тартиби, меросдан воз кечиш ҳуқуқи ва унинг чекланиши, васият мажбуриятидан воз кечиш ҳуқуқи, меросни тақсимлаш, мерос очилган пайтда ҳозир бўлмаган меросхўрнинг ҳуқуқлари, айрим меросхўрларнинг имтиёзли ҳуқуқлари, мерос ҳисобидан туланиши лозим бўлган харажатлар, кредиторларнинг талабларини мерос мулкдан ундириш ва бошқа масалалар туғрисидаги моддалар деярли сақланиб қолди. Лекин уларга мазмун ва таҳрир жиҳатдан сезиларли ўзгартишлар киритилди.

3. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш туғрисидаги бўлим икки боб, 7 параграф ва 41 моддадан иборат.

Ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида хорижий мамлакатлар билан бевосита мулоқотда бўлиш учун кенг имкониятларга эришганлигини ҳисобга олган ҳолда қатор янги қоидалар назарда тутилади. Улар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ мақомини, уларга тегишли ашёвий, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларини, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини белгилашда ва амалга оширишда, шартномага асосан ва шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларнинг турлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда, шунингдек бошқа мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қайси мамлакатнинг ҳуқуқи татбиқ қилиниши лозимлиги туғрисидаги қоидалардан иборат.

Аввалги, яъни 1963 йилдаги Кодексда бундай бўлим “Чет эл граждaнларининг ва граждaнлиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати. Чет давлатларнинг граждaнлик қо-

нунларини; халқаро шартномаларни ва битимларни татбиқ қилиш” деб номланарди. Ушбу бўлим атиги 8 моддадан иборат эди. Улар асосан чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати, ташқи савдо соҳасидаги битимлар, уларнинг шакли, уларга ва ворисликка нисбатан татбиқ қилинадиган қонунлар тўғрисидаги қоидаларга бағишланган бўлиб, асосий масалаларнинг ҳал қилиниши собиқ СССР қонунлари билан белгиланиши лозимлиги назарда тутилган эди.

Янги Кодексда назарда тутилган умумий қоидага биноан чет эл фуқаролари ёки чет эл юридик шахслари иштирокидаги ёхуд чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ ушбу Кодекс, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари асосида, шунингдек тарафларнинг келишуви асосида белгиланади (1158-модда).

Мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар деб, ушбу муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг, яъни фуқаронинг турли давлат фуқаролигига мансуб бўлганлиги ёки юридик шахсидан иборат эканлиги, улар ўртасида вужудга келадиган шахсий ва мулкӣ муносабатлар ўша давлатларнинг қонунлари билан тартибга солиниши назарда тутилган ҳолларда ушбу муносабатларга нисбатан уларнинг моҳияти ҳисобга олинган ҳолда у ёки бу давлатнинг қонунини қўллаш лозимлиги, баъзи ҳолларда эса зарурлигига айтилади.

Чет эл фуқаролари ёки чет эл юридик шахслари иштирокидаги ёхуд Ўзбекистонда вужудга келадиган чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган қоидаларни Кодексда белгилашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Ёши Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг ушбу 6 ва 7-моддаларидаги: “Ҳар бир инсон у қарда бўлишидан қатъи назар, узининг ҳуқуқ эгаси экан-

лигини эъгиروف этилиши ҳуқуқига эга. Барча одамлар қонун олдида тенгдирлар ва ҳеч бир тафовутсиз қонун томонидан тенг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эгадирлар” деб белгиланган қоидаларга тула амал қилинади.

Ҳар бир давлат, жумладан Ўзбекистон ҳам уз ҳудудида ва ундан ташқарида яшовчи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларининг ва юридик шахсларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Умумий қоидага кўра башарти, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган Халқаро шартномада республикамиз қонунларидан, жумладан Кодексдан бошқача қоида белгиланган бўлса Халқаро шартномадаги қоида қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Фуқаролик Кодексининг 1169-моддасида кўзда тутилдики, Ўзбекистонда яшаб турувчи чет эл фуқаролари республикамизнинг фуқароларига тегишли бўлган ҳуқуқ лаёқатидан тенг фойдаланади. Бу умумий қоида. Бироқ айрим давлатларнинг фуқаролари учун бу қоида қўлланилмаслиги, бинобарин уларнинг ҳуқуқ лаёқатлари чекланиши мумкин, агар уша давлатларда яшовчи Ўзбекистон фуқаросининг ҳуқуқ лаёқати уларнинг қонунлари билан чекланган бўлса (мазкур Кодекснинг 1167-моддасига қаралсин).

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи чет эл юридик шахсларига нисбатан ҳам умумий қоидага биноан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари татбиқ қилинади, агар ушбу ҳужжатлар билан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса (мазкур Кодекснинг 1177-моддаси). Масалан, 1995 йил 30 августда қабул қилинган “Концессия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ чет эл инвесторлари билан тузилган шартнома бўйича улар маълум турдаги хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ер участкаси ва ер ости бойликларини ишлаб чиқариш ҳуқуқларига эга бўладилар. Лекин, шунинг билан бирга Ўзбекистон ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ ер участкаси ва ер ости бойликларига нисбатан бўлган тасарруф қилиш ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Демак, концессия шартномасини Ўзбекистонда туз-

ган чет эл инвесторларининг ҳуқуқ лаёқати Қонунга мувофиқ ер участкасидан фойдаланиш ва ер ости бойликларини ишлаб чиқариш билан чекланади.

Ўзбекистон ўзининг мустақилликка эришган биринчи кунларидан бошлаб бошқа мамлакатлар билан турли соҳаларда муносабатларни ўрнатишга бағишланган қонунларини қабул қила бошлади. Иқтисодий муаммоларга оид қонунларида чет эл инвесторларига ва бошқа тадбиркорларига ўз фаолиятларини унумли амалга оширишлари учун кенг имкониятлар яратди ва буни тегишли кафолатлар билан таъминлади. Масалан, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда чет эл валютаси билан республикада ва чет элларда операцияларни амалга оширишга оид қоидалар назарда тутилди. 1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонун мулкчилик шаклларида қатъи назар, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва молмулки халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган нормаларига мувофиқ муҳофаза қилинишини таъминлашга, республика иқтисодиёти жаҳон иқтисоди тизимига самарали равишда қўшилиши учун ҳуқуқий асос яратиб беришга қаратилди. 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси билан халқаро молия институтлари ўртасидаги халқаро заём ва кафолатли шартномалар ҳамда битимларни тузиш ва денонсация қилиш тартиби тўғрисида”ги Қонун чет эл сармояларини жалб этиш жараёнини тезлаштиришни таъминловчи зарур ҳуқуқий шароитларни яратишга бағишланди. Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси тула ҳуқуқли аъзо бўлган халқаро Молия институтлари билан заём ва кафолатли шартномалар ҳамда битимларни имзолаш ва денонсация қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раисига ва у ваколат берган идораларга тегишли бўлиши назарда тутилди. 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолат-

лари туғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий асосларини, кафолатлар билан таъминлашга доир қоидаларини белгилаб берди. Бу қоидалар 1998 йил 29 апрелда қабул қилинган чет эл инвестициялари ҳақидаги қонун, чет эл инвесторлар фаолиятининг кафолатлари ҳақидаги қонунда янада чуқурлаштирилди ва такомиллаштирилди.

Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг фуқаролари, юридик шахслари иштирокида савдо ва иқтисодий муносабатларнинг турли соҳаларига оид кўнгина қонун ва қонун ҳужжатлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари)ни қабул қилиш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси турли халқаро аҳднома (пакт)ларни, конвенцияларни ратификация қилди ёки уларга қўшилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1994 йил 6 майдаги қарори билан 1994 йил 17 мартда Вашингтон шаҳрида имзоланган Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестицияларга оид низоларни ҳал этиш тартиби туғрисидаги Конвенция ратификация қилинди; 1995 йил 24 февралдаги қарори билан Ўзбекистон Халқаро шартномалар туғрисидаги Вена шартномасига қўшилди; 1995 йил 6 майдаги қарори билан Ўзбекистон 1929 йилда имзоланган халқаро ҳаво йўлларига оид айрим қоидаларни бир хил қилиш ҳақидаги Конвенцияга қўшилди; 1995 йил 31 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар туғрисидаги 1966 йил 16 декабрдаги Халқаро пактга қўшилди; 1995 йил 31 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон Халқаро йўлларда юк ташиш шартномаси туғрисидаги 1956 йилдаги Конвенцияга қўшилди; 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари туғрисидаги 1947 йилги Конвенцияга қўшилди; 1996 йил 30 августдаги қарори билан БМТнинг Халқаро товарлар

олди сотдиси тўғрисидаги Конвенциясига ва бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш ёки қўшилиш йўли билан жаҳон бозорига чиқди, купгина мамлакатлар билан бевосита савдо ва иқтисодий муносабатларни ўрнатиш имкониятига эришди.

Конвенциялар ва бошқа халқаро пактлар, ҳужжатлар давлатлар ва уларнинг ишбилармон тадбиркорлари ўртасидаги турли шахсий ва мулкий муносабатларни бир хил ҳуқуқий тартиб асосида амалга ошириш имкониятини беради. Бу ҳолат халқаро иқтисодий муносабатларда жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки турли давлатларда муайян бир масалани ҳал қилиш бўйича турлича ҳуқуқий тартиб ўрнатилган бўлиши ёки давлат тадбиркорлари иштирокида тузилган шартномага нисбатан қайси давлатнинг қонунини татбиқ қилиш тўғрисидаги қоидалар ҳам турлича белгиланган бўлиши мумкин. Ҳар хил давлатда халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинишининг турлича бўлиши улар ўртасида низоларни вужудга келтирувчи сабабга айланиши мумкин. Халқаро Конвенцияларда, шартномаларда барча давлатларнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда бир хил ҳуқуқий тартибнинг жорий қилиниши улар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларнинг олдини олади ва уларга йўл қўймайди. Мазкур Кодекснинг 6-бўлимида ўрнатилган нормалар ҳам худди шу масалани очишга қаратилган. Ушбу нормаларни қўллаш учун зарур бўлган асосий белги мулкий муносабатларнинг иштирокчиси бўлган фуқароларнинг турли давлат фуқаролигига мансуб бўлиши, юридик шахсларнинг эса турли давлатларга тегишли бўлишидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига ва унга асосан мазкур Кодекснинг 7-моддасида белгиланган қоидага мувофиқ Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари унинг ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмидан иборат. Ушбу 7-моддага биноан агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади. Демак, халқаро шарт-

нома ва битимларнинг устуворлиги тан олинади. Кодекснинг 6-бўлимини ташкил қилувчи нормалар ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатдан ушбу устуворликка жавоб беради.

Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан сиёсий ва иқтисодий муносабатларда мустақил қатнашиши, бу борада қабул қилинган қонунлар, тузилган шартномалар ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар ҳисобга олинган ҳолда Кодекснинг 6-бўлими янгидан тузилди. Бўлимда чет давлатлар ҳуқуқий нормаларининг мазмунини аниқлаш, қўллаш ёки қўлланишининг чекланиши, фуқароларининг ва юридик шахсларининг ҳуқуқ лаёқати, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари асосли белгилаб берилди.

Мазкур бўлимнинг тегишли моддалари шартнома мажбуриятлари (1189-1192) ва шартномадан ташқари мажбуриятлар (1193-1196) бўйича ҳуқуқ ва бурчларнинг келиб чиқиши қайси давлатнинг қонунларига биноан белгиланишига оид қоидаларга бағишланган. Тарафларнинг ўзаро келишуви бўлмаган тақдирда битимларнинг турлари ва хусусиятлари (олди-сотди, ҳадя, ижара, пудрат, омонат, воситачилик, топшириқ, йўловчи, багаж ва юк ташиш, транспорт экспедицияси, суғурта, қарз (кредит), кафиллик, гаров ва ҳоказо) ҳисобга олинган ҳолда уларни тузиш мазкур корхона ёки ташкилот таъсис этилган доимий турар жойига ёки асосий фаолият жойига эга бўлган томон жойлашган давлатнинг ҳуқуқий ҳужжатлари асосида амалга оширилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик Кодекси мазмуни жиҳатдан аввалги Гражданлик кодекси билан ҳеч қандай умумийлиги бўлмаган қоидалардан иборат деб тушунмаслик керак.

Гражданлик кодекси қаттиқ талабчан режа, маъмурий тартиб шароитида тайёрланган ва қабул қилинган бўлса-да, унга хос шаклланган тизим ва унинг ҳозирги бозор иқтисодиётида товар-пул муносабатларини тартибга солувчи қоидалардан иборат баъзи нормалари ўзгартиришлар билан янги Фуқаролик Кодексида сақлаб қолинди.

Республикамизда қабул қилинган ва янги иқтисодий тизимга ўтиш билан боғлиқ ҳамда ушбу ўтишни таъминлаб беришга қаратилган мулкчилик, кооператив, корхоналар, тадбиркорлик, биржалар, жамоа ҳужаликлари, бирлашмалар, банклар ва уларнинг фаолияти, ташқи иқтисодий муносабатлар, мулкни хусусийлаштириш, инвестиция ҳақидаги ва бошқа қонунлар, меъёрий (норматив) ҳужжатлар Кодекснинг мазмун ҳамда шакл жиҳатдан сифатли бўлиши ва ҳозирги замон талабларига жавоб беришга лаёқатли бўлиши учун ёрдам берди дейиш ўринлидир.

Кодекснинг мазмуни мустақил Ўзбекистонимизнинг эркин дунёда бошқа давлатлар билан ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда яшаётганлиги ҳисобга олинганлигидан дарак беради. Тараққий этган ва биринчи галда бизга қўшни давлатлар қонунларида мустаҳкамланган илғор тажриба ва асосий умуминсоний ҳамда ахлоқ қонун-қоидаларига барча ривожланаётган жамиятлар халқларининг маънавий мулки сифатида қараш зарурлиги нуқтаи назаридан Кодексда акс эттирилган қоидалар ўзбек халқининг манфаати учун хизмат қилади.

* * *

Мустақил Республикамизда қонунчилик фаолиятини ривожлантириш учун кенг шароит яратилди. Республикамиз мустақил қонун чиқариш имкониятига эришди. Ўтмишда собиқ Иттифоқ қонунлари тўлалигича республика қонунларига айлантирилар эди. Бу республика учун қонунчилик соҳасида вазиятдан ҳеч қандай қийинчиликсиз, осонгина чиқиш имконини берарди. Салбий оқибатларини ўйламай амал қилинган бундай ёндашув, биринчидан, қонунларни, ҳаёт тарзини, урф-одатларни бутун Иттифоқ миқёсида умумлаштиришга олиб келди. Иккинчидан, маҳаллий қонунчилик ташаббусини чеклади, сусайтириб юборди, республикада ўз қонунчилик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга тўсқинлик қилди. Учинчидан, қонунлар-

нинг биринчи нусхалари фақат рус тилида ёзилиб, бунинг оқибати бизнинг ўзбек тилидаги юридик атамаларнинг унутилишига олиб келди. Эндиликда барча қонунлар, фармонлар, қарор ва фармойишлар ўзбек тилида ёзилмоқда. Жумладан Фуқаролик Кодексининг лойиҳаси ҳам ва унга берилган шарҳлар ҳам ўзбек тилида ёзилди.

Ўзбекистон Республикаси янги Фуқаролик Кодексида халқларнинг эркин ва мустақил диёрда яшаётганлиги ўз ифодасини топган.

Айни вақтда бу мустақиллик ва эркинлик ўз иқтисодий негизига эга бўлмоғи лозим. Бозор муносабатлари тизими ҳудди шундай негизни шакллантиради. Айнан шу сабабли ҳам “бозор муносабатларининг Конституцияси бўлган Фуқаролик кодексининг” мамлакатимизда иқтисодий-мулкӣ муносабатларни тартибга солувчи асосий юридик манба сифатидаги мавқеи ўсиб бормоқда. Унинг таъсири остида бўлган, ўз фаолиятида ва кундалик турмушида у билан тўқнаш келадиган кишилар орасида Фуқаролик кодекси мазмунини англаб етиш, унинг нормалари мағзини чақишга қизиқувчан шахслар доираси кенгайиб бормоқда. Тақдим этилаётган ушбу шарҳлар барча қизиқувчилар учун ўзига хос билимлар манбаи бўлиб қолишидан муаллифлар жамоаси умидвор эканлиги шубҳасиз ва бунга эришиш асосий мақсадимиздир.

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби ЎзРФА мухбир аъзоси,
юридик фанлари доктори, профессор
РАҲМОНҚУЛОВ Ҳожии-Акбар*

IV бўлим. Интеллектуал мулк

59-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1031-модда. Интеллектуал мулк объектлари

Интеллектуал мулк объектлари жумласига қуйидагилар киради:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттиришлари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуқлари;

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

фирма номлари;

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

товарлар чиқарилган жой номи;

3) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида, ўзига хос объектидир. “Интеллект - ақл” лотинча сўздан олинган. Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари - ашёлар, қимматлик қоғоз кабилардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

а) кўп ҳолларда интеллектуал мулк объектлари моддий кўринишда эмас, балки ғоя, билим, ахборот шаклида намоён бўлади. Обьектив шаклда ифодаланган ғоя ёки билим моддий элтувчи, моддий ифодада, масалан, чизма, макет, аппарат, қурилмада мужассамлашган бўлиши мумкин, бироқ бунда ғоя, билим бирламчи, унинг моддий мужассами ҳар доим иккиламчи бўлади;

б) гоя, билим шаклидаги интеллектуал мулк объектига одатдаги моддий ашёга эгалик қилинганидек эгалик қилиш мумкин эмас;

в) бундай объектлардан бир вақтнинг ўзида чекланмаган миқдордаги шахслар фойдаланиши мумкин;

г) Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги ҳақидаги қоида (ФКнинг 164-моддаси) қўлланилмайди. Бинобарин аксарият кўпчилик ҳолларда (ноу-хауга нисбатан истиснони назарга олмаганда) интеллектуал мулк ҳуқуқининг амал қилиши қонунларда белгиланган муддатлар билан чегараланган;

д) қонунларда белгиланган муддатлар ўтиши билан интеллектуал мулк ҳуқуқи эгасининг муайян шундай мулкка нисбатан ҳуқуқлари бекор бўлиб, бу объектлар умуминсоний бойликка айланади ва ҳар ким ундан маълум шартлар асосида (муаллиф шахсий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда) текин ҳамда рухсатсиз фойдаланиши мумкин;

е) интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари гоя кўринишида бўлган ҳолларда уларга одатдаги ашёларни эгаллаш тартибини татбиқ этиш мумкин эмаслиги, улардан бир вақтнинг ўзида чексиз миқдордаги шахсларнинг фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги сабабли бундай объектларга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда виндикацион даъво (ФКнинг 228-моддаси) қўлланмайди;

ж) интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан одатдаги мулк ҳуқуқи эмас, балки мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалар қўлланилади (ФК 1034-модда шарҳига қаранг);

з) интеллектуал мулк ҳуқуқининг амал қилиши айни вақтда маълум ҳудуд билан ҳам чегараланади. Масалан, ихтирога нисбатан Ўзбекистон Республикаси Патент идораси томонидан берилган патент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро конвенциялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама шартномалар асосида белгиланган ҳудудларда амал қилади;

и) купгина интеллектуал мулк объектларига нисбатан муаллифларининг шахсий ҳуқуқлари мавжуд бўлиб, бу объектлардан фойдаланувчилар ушбу шахсий ҳуқуқларга риоя қилишлари лозим.

Интеллектуал мулк объектлари бу объектларнинг қандай фаолият маҳсули эканлиги, уларнинг ҳуқуқий режими каби хусусиятларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

интеллектуал фаолият натижалари. Интеллектуал фаолият ўз хусусиятига кўра инсон фаолиятининг энг олий кўриниши-ижодий фаолият ҳисобланади. Инсон ижодий фаолияти одатдаги кундалик фаолиятдан фарқ қилади. Одатдаги кундалик фаолият доимий ва такрорланиб туради. Бунда фаолият ўзи ҳам, ундан вужудга келадиган натижалар ҳам илгаридан маълум бўлади. Шу сабабли ҳам одатдаги, кундалик фаолият репродуктив (тикланувчи, такрорланувчи) фаолият ҳисобланиб, бунда тайёр уй-фикрлар формал мантиқ ёки бошқа қонун-қоидалар асосида қайтадан такрорий ҳосил бўлади.

Ижодий фаолият ақлий (тафаккур, интеллектуал) фаолият бўлиб, унинг натижасида фан, техника, адабиёт ёки санъат соҳасида янги, ижодий мустақил маҳсул яратилди (қаранг: Иоанас В.Л. Произведения творчества в гражданском праве. М. 1972., 9-10-бет).

Интеллектуал фаолият натижаларига қуйидагилардир: фан, адабиёт, санъат асарлари (ФКнинг 60-боб моддалари шарҳига қаранг);

эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттириш-кўрсатувлари (ФКнинг 61-боб моддалари шарҳига қаранг);

электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари (ФКнинг 1042-моддаси шарҳига қаранг);

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари (ФКнинг 62-боби моддалари шарҳига қаранг);

селекция ютуқлари (ФКнинг 63-боби моддалари шарҳига қаранг);

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари - ноу-хау (ФКнинг 64-боби моддалари шарҳига қаранг).

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар. Бундай воситаларга булган ҳуқуқларга нисбатан ҳам мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалар қўлланилади. Маълумки фуқаролик муомаласида турли-туман субъектлар иштирок этиб, айна вақтда муомалала хилма-хил маҳсулотлар ва хизматлар ҳаракатда бўлади. Мана шундай шароитда субъектлар, улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатадиган хизматлар алоҳида фарқлаш белгиларига эга бўлиши шарт, акс ҳолда турли англашилмовчилик, қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Ана шундай фарқлаш белгилари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ўзларини, улар ишлаб чиқарган товарлар, бажарадиган ишлар ва кўрсатадиган хизматларининг хусусий аломатларини (индивидуал белгиларини) акс эттирувчи воситалар бўлиб ҳисобланади. Бундай алоҳида фарқлаш белгилари қуйидагилар:

фирма номлари (ФКнинг 1098-1001 моддалари шарҳига қаранг);

товар (хизмат кўрсатиш) белгилари (ФКнинг 1002-1007 моддалари шарҳига қаранг);

товар чиқарилган жой номи (ФКнинг 1008-1006 моддалари шарҳига қаранг).

Ушбу шарҳланаётган модданинг 3-қисмида ФК ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари ҳам интеллектуал мулк объектлари эканлиги таъкидланган. Маълумки, интеллектуал фаолият тез суръатлар билан ривожланаётган жараёндр. Бу жараён натижасида интеллектуал фаолиятнинг янги маҳсуллари вужудга келмоқда. Масалан, топграл ва интеграл схемалар. Гарчи булар мавжуд моддаларда назарда тутилмаган бўлса-да, уларга нисбатан ФКнинг мазкур моддаси 3-қисмида белгиланган қоидалар мазму-

нидан келиб чиқиб интеллектуал мулкка тааллуқли қоидалари қўлланилади. Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг улар ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатадиган хизматларининг ҳам янги фарқлаш белгилари вужудга келиши мумкин ва бундай ҳолда ҳам уларга нисбатан ФК IV бўлимининг тегишли қоидалари қўлланилади.

1032-модда. Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилганлиги туфайли ёхуд ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколат берилган давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза берилиши натижасида юзага келади.

Ошкор этилмаган ахборотга ҳуқуқий муҳофаза бериш шартлари қонун билан белгиланади.

Ушбу шарҳланаётган моддада интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари белгиланган. Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда бу объектларга нисбатан субъектив ҳуқуқлар эгасининг ҳуқуқларини қонуний жиҳатдан қўриқлаши асослари тушунилади. Бинобарин, интеллектуал мулк объектнинг ўзи эмас, балки бу объектга нисбатан субъектив ҳуқуқларга эга шахслар (муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари, мутлақ ҳуқуқлар эгасининг ҳуқуқлари, лицензия асосида фойдаланувчининг ҳуқуқлари, аввалдан фойдаланувчининг ҳуқуқлари ва бошқалар)нинг ҳуқуқлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазага олинади.

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза остига олиш:

уларнинг яратилганлик факти асосида;

ФК ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати берилиши асосида вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотга нисбатан ҳуқуқий муҳофаза бериш шартлари қонун билан белгиланган.

Интеллектуал мулк объектларининг қуйидаги турлари буйича уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилиш (вужудга келиш) факти асосида содир бўлади:

фан, адабиёт, санъат асарлари;

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

ижролар, ижроларни саҳналаштириш, эшиттириш ва курсатувлар;

топологик ва интеграл схемалар.

Бунда ахборот ижодкор томонидан оғзаки, ёзма, тасвир шаклида ёки уни бошқалар томонидан идрок этиш (қабул қилиш) учун имкон берадиган бошқа объектив шаклда мужассам этилиши билан у яратилган ҳисобланади. Бинобарин шу вақтдан бошлаб унга нисбатан бошқа шахсларда субъектив ҳуқуқлар вужудга келади ва ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Бундай ҳолда объектдан учинчи шахслар фойдаланганда объектнинг руйхатдан ўтказилиши ёки бошқа расмийликларга риоя қилиш талаб этилмайди. Ҳатто объектни кейинчалик руйхатдан ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги қоида мавжуд бўлса ҳам (масалан, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари учун давлат руйхати мавжуд), бу ҳолат уларнинг ҳуқуқий муҳофазасига таъсир этмайди. Бунда интеллектуал мулк объектнинг Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат ҳудудида яратилганлиги факти аҳамиятга эга эмас.

Яратилиш факти буйича ҳуқуқий муҳофазага олинадиган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза тартиби ҳамда шартлари ҳақида батафсил ФКнинг 1041 ва 1074-моддалари шарҳига қаранг.

Бир қатор интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ФК ёки бошқа қонунларда (масалан, ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари, селекция ютуқлари ҳақидаги қонун ва ш.к.) белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза берилиши орқали вужудга келади. Бунинг учун интеллектуал мулк объектига нисбатан ўз субъектив ҳуқуқларини эътироф этилишига ҳақли манфаатдор фуқаро ёки юридик шахс белгиланган тар-

тибда ваколатли давлат органига мурожаат этиши ва ўз талабига асос буладиган ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Талаб қаноатлантирилган тақдирда ваколатли давлат органи фуқаро ёки юридик шахснинг интеллектуал мулк объектига нисбатан субъектив ҳуқуқлари муҳофазага олинганлигини билдирувчи ҳужжат (патент, гувоҳнома, қайд этилганлик ҳақидаги шахолатнома) - ҳуқуқий муҳофаза ёрлигини беради. Ваколатли давлат органи бундай талабни рад этган тақдирда бу ҳақда асослантирилган қарор чиқаради. Ушбу қарор устидан Апелляция кенгаши ёки судга қонунларда белгиланган тартибда шикоят берилиши мумкин.

Ваколатли давлат органи (Ўзбекистон Республикаси фан ва техника қумитаси, Патент идораси куп объектлар буйича ваколатли давлат органи ҳисобланади) ҳуқуқий муҳофаза ёрлигини беришда қуйидаги ҳолатларни албатта ўрганиб чиқади:

а) ҳуқуқий муҳофаза берилиши сўралаётган объект интеллектуал мулк объекти сифатида тегишли хусусиятларга эгами - йўқми;

б) ўз номига ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилишини сўраб мурожаат қилаётган фуқаро ёки юридик шахснинг талаби қонуний асосланганми;

в) ҳуқуқий муҳофаза ёрлигининг берилиши бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларига путур етказмайдими ва ҳоказолар.

Айрим турдаги интеллектуал мулк объектларининг ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида қўриқлаш тартибини белгилашнинг аҳамияти шундан иборатки, бунда, биринчидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи интеллектуал мулк объектининг сифат талабларига жавоб бера олиши лозимлиги, иккинчидан, номига ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олган шахснинг субъектив ҳуқуқларини тасдиқловчи ва бу ҳуқуқларга бошқалар томонидан риоя этилишини таъминловчи восита эканлиги гувоҳлантирилади. Айни вақтда бундай тартиб ҳуқуқий муҳофаза вужудга келиши ва уни амал қилишининг тугаш муддатларини белги-

лашда баҳс-низоларга урин қолдирмайди, шунингдек бошқа мамлакатлар ҳудудида ушбу объектга худди шундай муҳофаза ёрлиғи олинишини осонлаштиради. Баъзи объектлар буйича эса шу объект ижодкорининг муаллифлик шахсий ҳуқуқларини ҳам ўзига хос тарзда гувоҳлантиради. Объектга нисбатан ҳуқуқий ёрлиқнинг мавжудлиги ёрлиқ эгасининг субъектив ҳуқуқлари бузилган тақдирда уни суд йули билан ҳимоя қилиш учун асос бўлади.

Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ваколатли давлат органи томонидан қуйидаги ҳуқуқий муҳофаза ёрлиқлари:

ихтиро, саноат намунасига патент (ФКнинг 1082-моддаси шарҳига қаранг);

фойдали моделга гувоҳнома (ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси);

селекция ютуқларига патент (ФКнинг 1091-моддаси шарҳига қаранг);

товар (хизмат кўрсатиш) белгисига давлат рўyxатидан ўтказиб, гувоҳнома (ФКнинг 1102-моддаси шарҳига қаранг);

фирма номи давлат рўyxатидан ўтказилиб (реестрга киритилиб) бу ҳақда далолатнома (ФКнинг 1098-моддаси шарҳига қаранг);

товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқ давлат рўyxатидан ўтказилиб, ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши билан (1108-модда шарҳига қаранг) вужудга келади.

Интеллектуал мулк объектига берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғида объект номи, унинг алоҳида хусусиятлари, ушбу объект муаллифи (ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари, селекция ютуқларига нисбатан ҳуқуқлар эгасининг номи, ҳуқуқий муҳофаза муддатининг бошланиш ва тугаш вақти, ушбу ёрлиқни берган ваколатли давлат органининг номи) кўрсатилади, уни раҳбар имзолаб, муҳри билан тасдиқлайди. Фирма номига берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғининг амал қилиши муддат билан чегаралан-

майди. Товар (хизмат кўрсатиш) белгиси, товар чиқарган жой номига бўлган ҳуқуққа берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлигининг амал қилиш муддати ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда узайтирилиши мумкин. Саноат намунаси ва фойдали моделга берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи чекланган муддатга узайтирилади.

Ваколатли давлат органидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олиниши шарт бўлган мулк объектларига нисбатан ҳуқуқлар бундай ёрлиқ олинмаган ҳолларда суд ёки бошқа давлат органлари томонидан ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди.

Ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ҳар қандай давлат органи ёки жамоат ташкилоти томонидан эмас, балки қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатли давлат идораси томонидангина берилиши лозим.

Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан интеллектуал мулк объектига берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлигининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги халқаро конвенциялар, шартномалар, икки ёки кўп томонлама битимлар ёхуд Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат идоралари рўйхатидан ўтказиш ёки тегишли ҳуқуқий ёрлиқ берилиши асосида вужудга келади.

Ошқор этилмаган ахборотларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш қонунларда белгиланган қатор шартлар (ФКнинг 98-моддаси, Корхоналар ҳақидаги Қонуннинг 34-моддаси, давлат сирларини сақлаш ҳақидаги Қонуннинг 5-моддаси, ахборотлар ҳақидаги Қонуннинг 23-моддаси) асосида амалга оширилади.

Кўп ҳолларда бундай шартлар ошқор этилмаган ахборот эгасининг бу ахборотга нисбатан танҳо эгалик ҳолатига асосланади. Танҳо эгалик ҳолати қуйидаги шартларнинг бир вақтда мавжудлигини билдиради:

а) ошқор қилинмаган ахборотнинг учинчи шахсларга номаълум бўлиши;

б) худди шу номаълумлиги сабабли у ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлиши;

в) учинчи шахсларда бундай ахборотдан қонуний асосларда эркин баҳраманд бўлиш (танишув, хабардор бўлиш, фойдаланиш) имкониятларининг бўлмаслиги;

г) ахборот эгаси унинг махфийлиги (сирлиги)ни сақлаш бўйича барча чораларни кўрган бўлиши шарт.

Танҳо эгалик ҳолатини ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи бериш, рўйхатдан ўтказиш (бундай ахборот ноу-хау сифатида лицензия шартномаси асосида берилиши ҳолларидан ташқари) ёки бошқа расмийлаштирилган қарор қилиш тартибидан расмийлаштирилиши шарт эмас.

Ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларига учинчи шахсларнинг инсофсиз ҳаракатлари, фирром рақобат (саноат жосуслиги, ходимни сотиб олиш) орқали путур етказилганда, у суд йўли билан ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Ошкор этилмаган ахборотлар учинчи шахслар томонидан инсофли асосларда олинганда ёки у мустақил равишда изланиш туфайли топилганда ошкор этилмаган ахборотга нисбатан ҳуқуқ эгасининг субъектив ҳуқуқлари ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди.

Ошкор этилмаган ахборот турлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар мазмуни, ҳуқуқий муҳофаза шартлари ва тартиби ҳақида батафсил ФКнинг 1095-моддаси шарҳига қаранг.

1033-модда. Интеллектуал мулк объектларига шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларга эга бўладилар.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкый ҳуқуқларидан қатъи назар тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкый ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтган тақдирда унинг ўзида сақланиб қолади.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (бундан буён матнда - хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулкый ҳуқуқлар тегишли бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи) шахсий номулкий ҳуқуқ

ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди.

Агар натижа икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар ҳисобланадилар. Интеллектуал мулкнинг айрим объектларига нисбатан қонунда асарнинг тўлалигича ҳаммуаллифлари деб ҳисобландиган шахслар доираси чеклаб қўйилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Интеллектуал фаолият натижалари тушунчаси, турлари ва доираси ҳақида батафсил 1031-модда шарҳига қаранг.

Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари деганда мулкий мазмунга эга бўлмаган, ушбу натижага нисбатан ижодкор-яратувчи сифатидаги мавқеини эътироф этиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган мутлақ (абсолют) ҳуқуқлар тушунилади ва бу ҳуқуқлар муаллифнинг фақат ўзигагина тегишли бўлиб, бошқа бировга ўтказилиши, яъни муаллифдан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Шахсий номулкий ҳуқуқлар мазмуни, доираси ҳар бир интеллектуал фаолият натижаси учун алоҳида ўзига хос тарзда белгиланади. Масалан, муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан муаллифлик шахсий номулкий ҳуқуқларининг (муаллифлик ҳуқуқи, номига бўлган ҳуқуқ, асар дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ ва ҳоказолар) доираси кенг қилиб белгиланган. Баъзи объектлар бўйича эса (масалан, селекция ютуқларида) шахсий ҳуқуқ объект муаллифи сифатида тан олинishi ҳуқуқи ва ном қўйиш билан кифояланади.

Интеллектуал фаолият натижалари муаллифи шахсий номулкий ҳуқуқлар билан бир қаторда ушбу натижага нисбатан мулкий ҳуқуқларга ҳам эга. Мулкий ҳуқуқ мазмуни муаллифнинг мазкур яратган интеллектуал фаолияти натижасидан ўзи фойдаланиши, бошқаларга ҳақ эвазига фой-

даланишга бериш ёки ҳақ эвазига фойдаланиш учун рухсат бериш ёхуд ҳақ эвазига бу натижага нисбатан ҳуқуқларни бошқаларга ўтказиш имкониятлари билан белгиланади.

Муаллиф мулкӣ ҳуқуқларининг ҳажми тўлиқ ёки чекланган бўлиши мумкин. Интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар (ФКнинг 1034-модда шарҳига қаранг) муаллифнинг ўзига тегишли бундай мутлақ ҳуқуқлари бошқа шахсга тегишли бўлса, муаллифнинг интеллектуал фаолият натижасига мулкӣ ҳуқуқлари чекланган бўлади (масалан, муаллифлик ҳуқуқида улуш ҳуқуқи, селекция ютуқлари бўйича селекционерларнинг патент эгасидан мукофот олиш ҳуқуқи, ихтирочининг ихтиродан илмий тадқиқот ва шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи кабилар).

Шахсий номулкӣ ҳуқуқлар муаллифга унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъи назар тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкӣ ҳуқуқлари бошқа шахсларга ўтган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий номулкӣ ҳуқуқлар фақат ижодкор-яратувчи (муаллиф)нинг ўзига тегишли бўлиб, мулкӣ ҳуқуқлар эса учинчи шахсларга ҳам тегишли бўла олади (масалан, буюртма асосида яратилганда). Мулкӣ ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида фаол ҳаракатда бўлиши, яъни: у бошқаларга ҳақ эвазига ёки текинга ўтказилиши, гаров предмети бўлиши, мерос тартибда ўтиши мумкин. Шахсий номулкӣ ҳуқуқлар эса ижодкор-муаллифнинг шахси билан боғлиқ бўлиб, ундан бегоналаштирилиши, бировга ўтказилиши мумкин эмас. Бинобарин, интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида қандай ҳаракатда бўлишидан қатъи назар, шахсий номулкӣ ҳуқуқлар фақат ижодкор-муаллифнинг ўзида сақланиб қолади ва мулкӣ ҳуқуқлардан фойдалувчилар ижодкор-яратувчи (муаллиф)нинг шахсий номулкӣ ҳуқуқларига риоя қилишлари шарт (масалан, асарга нисбатан мутлақ ҳуқуқни сотиб олган нашриёт асарни нашр этишда муаллиф номини кўрсатиши, асар дахлсизлигига риоя қилиши лозим).

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулкӣ ҳуқуқлар тегишли бўлади.

Алоҳида фарқлаш белгилари (хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқлар интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан бўлган ҳуқуқлар каби икки турга, яъни шахсий номулкий ва мулкӣ тарздаги ҳуқуқларга бўлинмайди ва унга фақат бир хил, яъни мулкӣ тарздаги ҳуқуқ сифатида қаралади. Бинобарин хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларга нисбатан ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи фақат мулкӣ бўлади. Демак, бу ҳуқуқ маълум тартиб ва шартларга риоя қилинган ҳолда ҳақ эвазига ёки текинга вақтинча бошқаларга ўтказилиши, фойдаланиш учун берилиши мумкин (фирма номига бўлган ҳуқуқдан ташқари).

Муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи) шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади.

Интеллектуал фаолият натижаси (ихтиро ёки асар)ни ўз ақлий, ижодий фаолияти, меҳнати билан яратган шахс ушбу натижанинг муаллифи деб тан олинади, эътироф этилади. Бу ҳуқуқ ижодий фаолият маҳсулига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи деб аталиб, қолган барча шахсий номулкий ҳуқуқларнинг ўзагини ташкил этади. Бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ушбу ҳуқуқ мавжуд бўлган тақдирдагина, ундан келиб чиқувчи ўзига хос ҳосила, иккиламчи ҳуқуқдир. Муаллиф сифатида тан олиншига бўлган ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади, яъни биринчидан, ижодкор-яратувчи шахси билан боғлиқ, иккинчидан мулкӣ-иқтисодий мазмунга эга эмас, учинчидан, ҳуқуқ эгасининг ўзидан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Бундай ҳуқуқ ижодий меҳнати билан (ижодий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида 1031-модда шар-

ҳига қаранг) интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли. Ижодий хусусиятларга эга бўлмаган, одатдаги, механик тарздаги меҳнати билан ижодий фаолият натижасини яратишда қатнашган шахслар муаллифлик ҳуқуқига эга бўлмайди (масалан, ихтирочи чизмаси асосида ихтиро қурилмасини ясаган чилангар ва ҳоказо).

Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди. Ижодий фаолият натижасига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ижодкор яратувчининг ўзигагина тегишли, ундан ҳар қандай тарзда, ҳар қандай асосда бегоналаштирилиши, бошқа бировга ўтказилиши мумкин эмас. Шу сабабли ҳам муаллифлик ҳуқуқини битим ёки шартнома асосида бошқа бировга ўтказиш (сотиш, ҳады қилиш) ёки ундан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш муаллифнинг ўз эрки, ихтиёри ва хоҳиши билан содир бўлса-да, ҳақиқий ҳисобланмайди. Бинобарин, бир шахснинг иккинчи шахс учун, унинг номидан диссертация ёзиб бериши, асар ёзиб бериш ҳақидаги келишувлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва қонунга номувофиқ битим саналади. ЎзР Жиноят кодексининг 149-моддасида интеллектуал мулк объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Агар ижодий фаолият натижаси (ихтиро, асар) икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлик ҳисобланади. Ҳаммуаллифларнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари умумий қоидалар бўйича тенг бўлиши эътироф этилади. Мулкӣ ҳуқуқлар ҳажми эса ҳаммуаллифлар ўртасида ўзаро келишув асосида белгиланади ва нотенг ҳажмда бўлишига йўл қўйилади. Қонунда интеллектуал мулкнинг айрим объектларига нисбатан асарнинг тўлалигича ҳаммуаллифлари деб ҳисобланадиган шахслар доираси чеклаб қўйилиши мумкин. Ушбу қоида интеллектуал мулк объектини яратишда ғоят кўпчилик қатнашадиган турларига нисбатан амал қилади. Масалан, кинофильм худди шундай объектдир. Бу жараёнда жуда кўпчилик ўз ижодий меҳнати билан қатнаш-

са-да, кинофильмнинг муаллифи бўлиб сценарий муаллифи, сахналаштирувчи режиссер, бош оператор, бош расом каби чекланган доирадаги шахслар ҳисобланади.

Яратилиш факти сабабли ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган объектларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқлари ушбу яратилиш факти асосида вужудга келади ва расмиятчиликларга риоя этилиши талаб қилинмайди. Ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида ҳуқуқий муҳофазага олиннадиган интеллектуал мулк объектга нисбатан муаллифлик ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ҳужжати ёки бошқа ҳужжат асосида гувоҳлантирилади. Масалан, селекция ютуқлари ҳақидаги Қонуннинг 4-моддасига асосан Патент идораси томонидан ўзи яратган объектга нисбатан патент эгаси бўлмаган ҳар бир селекциячига муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи селекциячи гувоҳномаси берилади.

Барча шахсий ҳуқуқлар каби муаллиф-яратувчи ҳуқуқлари мuddатсиз ҳимоя қилинади.

1034-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулк ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг розилиғи билан йўл қўйилади.

Интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишига руҳсат беришга ҳақли ва, агар бу ушбу Кодекс ва бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга, шу жумладан интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли билан чеклашга, бу ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топишга ва улар-

ни тугатишга (бекор қилишга) ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда, доираларда ва тартибда йул қўйилади.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга, агарда бундай чеклаш интеллектуал мулк объектдан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини камситмаган тақдирда йул қўйилади.

Ушбу шарҳланаётган моддада интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар мазмуни очиб берилган. Фуқаролик ҳуқуқи назариясида мутлақ ҳуқуқлар дейилганда бундай ҳуқуқ соҳиблари (эгалари)ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш кабилар)га ҳақли ҳамда ваколатли эканлиги ва айна вақтда бошқа ҳар қандай шахсларга юқорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишни тақиқланишини таъминловчи субъектив мутлақ (абсолют) ҳуқуқ тушунилади (қаранг: Гражданское право. М.БЕК, 1994, т. I, 314-б.). Мутлақ ҳуқуқларнинг ҳуқуқий механизми одатдагидек эгаллаб туриш мумкин бўлмаган, айна бир вақтда номуайян шахслар фойдаланиши мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ эгасининг мулкый ҳуқуқларини амалга ошишини таъминловчи муҳим воситадир. Бироқ мулкый ҳуқуқ ва мутлақ ҳуқуқлар, асло, айна бир хил тушунчалар эмас (уларнинг фарқлари ҳақида 1031-модда шарҳига қаранг).

Интеллектуал фаолият натижасида ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкый ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Ушбу шарҳланаётган моддада назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлар ўз хусусияти ва мазмунига кўра мулкый ҳуқуқ ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш дейилганда ҳуқуқ эгасининг ўз эрки, иродаси билан, ҳеч қандай мажбурлашсиз, тазйиқларсиз фойдаланиш тушунилади.

Объектлардан ҳар қандай шаклда ва турли усулда фойдаланиш дейилганда ундан турли объектив шаклларда қўлёзма, босма асар, аппарат, қурилма, этикетка, ҳар хил ёрлиқлар, партетура, макет, иншоотлар, ҳайкаллар ва шу кабиларда ҳамда турли воситалар ёрдамида қўлёзма шаклида тарқатиш, нашр этиш, оғзаки ўқиш, реклама проспектларига жойлаштириш, қурилишларда мужассамлаштириш ва ҳоказо усулларда фойдаланиш (эксплуатация қилиш) тушунилади.

Объектдан фойдаланиш шакллари ва усуллари қонун йўл қўйган асосларга тула мувофиқ бўлиши шарт. Бунинг учун мутлақ ҳуқуқ эгаси белгиланган талабларга риоя қилиши керак. Масалан, янги ихтиро асосида автомобиль ясаган ихтирочи бу автомобилни тегишли давлат идораларида (масалан, Давлат автомобиль назоратида) қайд эттирган бўлиши шарт. Спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларига нисбатан товар белгилари болалар муассасаларида реклама проспектларига жойлаштирилиши мумкин эмас. Янги дори-дармонлар яратган шифокор ундан фойдаланишда қонунда белгиланган талабларга риоя қилиши шарт. Акс ҳолда интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш қонуний ҳисобланмайди.

Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишга фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агарда мутлақ ҳуқуқ бир неча шахсга тегишли бўлса (масалан, ҳаммуаллифларга), учинчи шахслар мутлақ ҳуқуқ объектдан фойдаланиш учун барча ҳуқуқ эгаларидан рухсат олиши шарт.

Учинчи шахсларнинг мутлақ ҳуқуқ эгасидан объектдан фойдаланишга олинган розилиги аниқ-яққол ифодаланган ва тегишли ҳуқуқий шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Индамаслик, сукут розилик аломати ҳисобланмайди.

Кўпгина интеллектуал мулк объектларидан айни бир вақтда чексиз миқдордаги учинчи шахсларнинг фойдала-

ниш имконияти мавжуд. Бироқ учинчи шахслар бундай имкониятдан ҳар доим фақат мутлақ ҳуқуқ эгасининг розилиги асосларидагина фойдаланиши шарт.

Интеллектуал мулк объектдан мутлақ ҳуқуқ эгасининг розилигини олмасдан фойдаланган учинчи шахслар тегишли фуқаролик-ҳуқуқий тартибида жавобгар бўлади. Ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишни, учинчи шахслардан ҳуқуқни бузиш ҳаракатларини тўхтатишни, келтирилган ҳамма зарарни, шу жумладан маънавий зарарнинг қопланишини, учинчи шахсларнинг ҳуқуқбузарлик натижасида олган барча даромад ва фойдаларини ўзига ундириб берилишини талаб қилишга ҳақли.

Интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишга рухсат беришга ҳақли ва, агар ФК ва бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Умумий қоидага кўра интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ мулкӣ ҳуқуқ сифатида фуқаролик муомаласида эркин ҳаракатда бўлади. У турли битимлар ва шартномалар нарсаи (предмети) бўлиши мумкин. Бинобарин, интеллектуал мулк объектга бўлган мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни ҳақ эвазига ёки текинга бошқа шахсларга тўлиқ ё қисман ўтказиш (сотиш, ҳадя қилиш, маълум чекланган доирада фойдаланишга рухсат бериш кабилар)га ҳақли.

Мутлақ ҳуқуқ тўлиқ ўтказилганда ҳуқуқ эгаси мутлақ ҳуқуқни тўлиқ ҳажмда учинчи шахсга ўтказиши, демак у бу ҳуқуқни ўзидан тўла бегоналаштиради, натижада учинчи шахс мутлақ ҳуқуқ эгасига айланади.

Мутлақ ҳуқуқ қисман ўтказилганда ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқининг маълум қисмини ўзида сақлаган ҳолда қолганини учинчи шахсларга ўтказиши.

Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказишнинг ҳуқуқий расмийлаштириш шартлари ва тартиби ҳақида ФКнинг 1035-моддаси шарҳига қаранг.

Интеллектуал мулк объектдан бошқа шахсларнинг фойдаланишига рухсат бериш бу объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасининг ваколатига киради. Объектдан фойдаланишга рухсат беришда мутлақ ҳуқуқ объект эгасининг ўзида қолади, ундан бегоналаштирилмайди, бунда учинчи шахсларда объектдан фойдаланиш ҳуқуқигина вужудга келади. Фойдаланиш шартлари ва тартиби мутлақ ҳуқуқ эгаси билан фойдаланувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси ўз ҳуқуқини ФК ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳар қандай тарзда тасарруф этишга ҳақли. Масалан, мутлақ ҳуқуқлар эгаси бу ҳуқуқларни ўз мажбурияти ёки учинчи шахслар мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаровга қўйиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқини қонунда ман этилган тарзда тасарруф қилишга ҳақли эмас. Ҳуқуқни тасарруф этишнинг қонунда ман этилган усули ФКда ёки амалдаги қонунларда бевоcита кўзда тутилади. Масалан, конституциявий тузумга қарши, уруш, миллатлараро адоват, беҳаёликни тарғиб этувчи асарларни (ҳақ эвазига ёки текинга) тарқатиш қонунга асосан тақиқланади. ФКнинг 1101-моддасига асосан, юридик шахс қайта ташкил этилган ёки бошқа шахсга ўтказилган ҳоллардан ташқари, юридик шахснинг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқининг ўзгаларга ўтказилишига рухсат берилмайди.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга, шу жумладан интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли билан чеклашга, бу ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топишга ва уларни тугатишга (бекор қилишга) ФКда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда, доираларда ва тартибда йўл қўйилади.

Қуйидаги интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқларини чеклаш ҳоллари, тартиби қонунларда назарда тутилган:

ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан (ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги Қонуннинг 12-моддаси);

селекция ютуқлари учун (селекция ютуқлари ҳақидаги Қонуннинг 32-моддаси);

ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан (ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақидаги Қонуннинг 12-моддаси);

муаллифлик ҳуқуқи объектларида (ФКнинг 1058-1061-моддалари).

Мутлақ ҳуқуқлар интеллектуал мулк объектидан бошқа шахсларни фойдаланишига имконият бериш орқали қонунларда назарда тутилган ҳолларда чекланиши мумкин. Бундай ҳолатлар қуйидаги объектларга нисбатан мавжуд:

саноат мулки объектларидан “Ихтиролар, фойдали моделлар ва намуналар ҳақидаги Қонун”нинг 11-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда учинчи шахсларнинг фойдаланиши учун мажбурий лицензия бериш тартибида;

саноат мулки объектларидан аввалдан фойдаланиб келувчи шахсларга (Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги Қонуннинг 30-моддаси);

ошкор этилмаган ахборотлардан фойдаланишда (ФКнинг 1096-моддаси 4-қисмида белгиланган ҳолларда);

муаллифлик ҳуқуқи объектларида (муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳақидаги Қонуннинг 27-33-моддаси);

Фирма номи, товар (хизмат кўрсатиш) белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни чеклаш Қонунларда назарда тутилмаган.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ҳам амалдаги қонунларда аниқ белгилаб қўйилган:

саноат мулки объектларига нисбатан берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиқлари ҳуқуқий муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган объектларга нисбатан ёки ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олишга ҳақли бўлмаган шахс номига берилган ҳолларда;

селекция ютуқларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ селекция ютуқлари ҳақидаги Қонуннинг 35-моддасида кўрсатилган ҳолларда;

товар (хизмат кўрсатиш) белгисига нисбатан “Маҳсулот (хизмат) белгилари ҳақидаги Қонун”нинг 27-моддасига белгиланган ҳолларда ва тартибда;

бошқаларнинг асарларини ўзлаштириш орқали ушбу асарларга нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг олган ҳуқуқи ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди.

Интеллектуал мулк объектларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топиш бундай ҳуқуқларни вужудга келиши учун асос бўлган ҳуқуқий муҳофаза ёрлигини берган ваколатли давлат органи, Апелляция Кенгашлари ёки суд томонидан (муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан) амалга оширилади. Бундай мутлақ ҳуқуқ аввал бошдан (қарор чиқарилган пайтдан эмас) ҳақиқий саналмайди. Бинобарин мутлақ ҳуқуқи ҳақиқий эмас деб топилган шахснинг бундай ҳуқуқдан фойдаланиш натижасида олинган барча даромадлари мутлақ ҳуқуқнинг ҳақиқий эгаси фойдасига ундирилиши мумкин.

Баъзи интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар бошқа асосларда муддатидан олдин бекор бўлиши ҳам мумкин:

селекция ютуқларига нисбатан (селекция ютуқлари ҳақидаги Қонуннинг 37-модда, I-қисм, 2-4-бандлари);

ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан (ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги Қонуннинг 28-моддаси, I-қисм, 2-3-бандлари);

товар (хизмат) белгиларига нисбатан (маҳсулот (хизмат кўрсатиш) белгилари тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддаси I-қисм, 2-қисмнинг 2, 4, 5, 6-бандлари).

муаллифлик ҳуқуқлари объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқдан ихтиёрий воз кечган ҳолларда;

ошкор этилмаган ахборотлар уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиниши шартларидан (ФКнинг 98-моддаси) бири мавжуд бўлмай қолган ҳолларда унга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ҳам бекор бўлади.

Мутлақ ҳуқуқни ҳақиқий эмас деб топишда мутлақ ҳуқуқ илгаридан мавжуд эмас деб ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқ муддатидан олдин бекор бўлганда эса у бекор қилин-гунга қадар мавжудлиги тан олинади ва фақат кейинги давр учун ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтирмайди.

Мутлақ ҳуқуқларни чеклашга бундай чеклаш интел-лектуал мулк объектдан нормал фойдаланишга зарар ет-казмаган ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини камситмаган ҳолларда йўл қўйилади.

Қонунлар интеллектуал мулк объектга нисбатан мут-лақ ҳуқуқларни чеклаганда (ушбу модда шарҳининг 5-қис-мига қаранг) энг аввало ижтимоий ва давлат манфаатлари-ни назарда тутиб белгилайди. Лекин бу чеклашлар қонунда қатъий белгиланган ҳолларда, шартларда ва тартибда амал-га оширилади. Бундай чеклашлар натижасида учинчи шахс-лар интеллектуал мулк объектдан вақтинчалик, қисман ёки маълум бир масалалардагина фойдаланишга ҳақли бўла-дилар (баъзи ҳолатларда фақат ҳақ эвазига). Бундай чек-лашлар асосида учинчи шахсларда мутлақ ҳуқуқ асло ву-жудга келмайди.

Интеллектуал мулк объектдан нормал фойдаланишга зарар етказиш энг аввало мутлақ ҳуқуқ эгасининг бу объ-ектдан фойдаланиш имкониятларининг чекланишида, тур-ли тўсқинликларда намоён бўлади. Интеллектуал мулк объ-ектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасининг қонуний ман-фаатларининг камситилиши унинг объектдан олаётган ёки оладиган даромадларининг камайишида, шахсий ҳуқуқла-рини бузилишида кўринади. Агар мутлақ ҳуқуқни чеклаш-лар юқоридаги оқибатларга олиб келса, ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилинишини талаб қилишга ҳақли.

1035-модда. Мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа шахсга утиши

Интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эга-сига тегишли мулкӣ ҳуқуқлар, агар ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси то-монидан шартнома бўйича бошқа шахсга тулик ёки қисман утқа-

зилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс - ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Мулкий ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлақ ҳуқуқлар унда аниқлаб қўйилгани лозим. Шартномала бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Мутлақ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтда бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкий ҳуқуқлар, агар ФКда ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс - ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Ушбу белгиланган қоидага биноан интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкий ҳуқуқлар ҳуқуқ эгасидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Бунда назарда тутилган ҳуқуқлар фақат мулкий тарзга эга бўлади, шахсий номулкий ҳуқуқларга нисбатан ушбу қоида тааллуқли эмас. Ўтказилаётган мулкий ҳуқуқлар мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқиши ва фақат ҳуқуқ эгасига тегишли бўлиши шарт. Мулкий ҳуқуқлар деганда, интеллектуал мулк объектдан шахсан фойдаланиш ёки уни ҳақ эвазига фойдаланишга бериш бўйича ҳуқуқ эгасига тегишли ваколатлар тушунилади. Мулкий ҳуқуқ тўлиқ ўтказилганда ҳуқуқ эгаси ундан маҳрум бўлади ва у учинчи шахсларда вужудга келади. Мул-

кий ҳуқуқ қисман ўтказилганда ҳуқуқ эгаси унинг маълум қисмини ўзида сақлаб, қолганини ўтказди. Мулкӣ ҳуқуқлар фақат шартнома асосида ўтказилади. Шартнома мулкӣ ҳуқуқ эгаси билан бу ҳуқуқ тўлиқ ёки қисман ўтказилаётган шахс ўртасида тузилади. Бундай шартномаларга нисбатан, агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ФКнинг 26-боби (шартнома тушунчаси ва шартлари), 27-боби (шартнома шартларини ўзгартириш ва шартноманинг бекор бўлиши)да белгиланган қоидалар қўлланилади.

Шартномада тузувчи тарафлар - интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасининг ва мутлақ ҳуқуқдан вужудга келувчи мулкӣ ҳуқуқлар ўзига ўтказилаётган шахснинг номлари, агар мутлақ ҳуқуқ ваколатли давлат органи томонидан интеллектуал мулк объектига нисбатан берилган ҳуқуқӣ муҳофаза ёрлиғи асосида вужудга келган бўлса, ушбу ёрлиқ номи ва қайд рўйхатининг рақами, унинг амал қилиш муддати, ўтказилаётган мулкӣ ҳуқуқ мазмуни ва ҳажми, ундан фойдаланиш шартлари, муддати агар шартнома ҳақ бараварига тузилаётган бўлса, туланадиган ҳақ миқдори ва тўлаш тартиби, мулкӣ ҳуқуқ қисман ўтказилганда эса ундан фойдаланиш устидан ҳуқуқ эгасининг назорат қилиш бўйича ваколатлари, тарафларнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги кабилар кўрсатилиши лозим. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб тегишли шаклда расмийлаштирилиши керак. Шартнома шакли турли интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари учун турлича бўлиши қонунларда белгилаб қўйилган. Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар ўтказилганда шартнома ёзма равишда тузилиб, нотариал гувоҳлантирилади. Мутлақ ҳуқуқ ваколатли давлат органи томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан берилган ҳуқуқӣ муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома) асосида вужудга келган бўлса, бунда мулкӣ ҳуқуқни ўтказиш ҳақидаги шартнома ёзма тузилиб, нотариал гувоҳлантирилиб, ваколатли

давлат идорасида руйхатдан ўтказилиши лозим. Ушбу қоида ноу-хауга нисбатан ҳам амал қилади. Акс ҳолда шартнома ҳақиқий саналмайди.

ФКда ва амалдаги қонунларда айрим интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқувчи мулкый ҳуқуқларни ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсларга ўтказиш масаласида юқоридаги қоидалардан истиснолар мавжуд. Масалан, ФК 1109-модда, 3-қисмига асосан товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказишга йўл қўйилмайди ва мабодо шундай шартнома тузилган бўлса, у ҳақиқий саналмайди. ФКнинг 1101-моддасида фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тартиби ҳамда шартлари белгиланган ва у юқоридаги умумий қоидалардан фарқ қилади. ФКнинг 1105-моддаси, 2-қисмига асосан товар белгисига бўлган ҳуқуқни, башарти у товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида чалғишга сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар мерос тартибида ҳуқуқ эгаси вафотидан кейин қонуний меросхўрларга ёки васият асосида бошқа шахсларга ўтади. Бунда вужудга келадиган муносабатларга нисбатан ФКнинг V-бўлимида ворислик ҳақидаги белгиланган нормалар қўлланилади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси юридик шахс бўлса, у қайта ташкил этилган ҳолларда (уни бошқа бир юридик шахс билан қўшиб юборганда, қўшиб олганда, бўлинганда, ажратиб чиқарилганда, ўзгартирилганда - ФКнинг 49-моддаси) мутлақ ҳуқуқ ҳуқуқий ворислик тартибида янги ташкил этилган юридик шахсга ўтади. Қайта ташкил этишнинг бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш ҳолларида янги вужудга келган юридик шахсларнинг қайси бирига мутлақ ҳуқуқ ўтиши уларнинг ўзаро келишуви асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда суд томонидан белгиланади.

Мерос тартиби ва ҳуқуқий ворислик тартиби билан мутлақ ҳуқуқларнинг ўтиш фактида нотариус томонидан

берилган мерос гувоҳномаси, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи мавжуд бўлса, ушбу ёрлиқни мутлақ ҳуқуқнинг янги эгаси номига расмийлаштириш ҳақида ваколатли давлат идорасининг тегишли ҳужжатини олиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш шарт.

Мулкий ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқларини ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ушбу қоида ижодий фаолият натижасини яратувчиси муаллифнинг бу натижаларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эга бўлган ҳолатига тааллуқлидир. Бундай ҳолда агарда муаллиф мутлақ ҳуқуқдан келиб чиқувчи мулкий ҳуқуқларни шартнома асосида бошқа учинчи шахсларга ўтказса ёки муаллиф вафоти туфайли у умумий (универсал) ворислик тартибида ворисларга ўтса ҳам муаллиф шахсий номулкий ҳуқуқлари, бошқа мутлақ ҳуқуқлар (унинг ўзида бегоналаштирилмайдиган ва бошқа бировга ўтказилмайдиган) асло бекор бўлмайди, чекланмайди ёхуд уларнинг ҳам шартнома асосида учинчи шахсларга ёки ворисларга ўтишига олиб келмайди. Ҳатто, мутлақ ҳуқуқ эгаси муаллифнинг ўзи бўлмай бошқа шахс бўлган тақдирда ҳам, мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқувчи бошқа мулкий ҳуқуқлар бу ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома асосида учинчи шахсга ёки умумий (универсал) ворислик тартибида ворисларга ўтганда ҳам, бу ҳолат муаллифнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳамда бошқага ўтказилмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқларини ўтишига, бекор бўлишига ёхуд чекланишига олиб келмайди.

Ижодий фаолият натижаси яратувчиси - муаллифнинг фақат ўзигагина тегишли, бошқа бировга ўтказилмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган мутлақ ҳуқуқлари доираси, турлари ва мазмуни ҳақида батафсил ФКнинг 1033-моддаси шарҳига қаранг.

Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши ҳақидаги шартлар кўзда тутилган шартнома муаллифнинг ўзи билан учинчи шахс ўртасида ёки интеллектуал мулк объектининг яратувчиси бўлмаган мутлақ ҳуқуқ эгаси билан учинчи шахс ўртасида тузилганидан қатъи назар, шартноманинг ўша шартлари назарда тутилган қисми ҳақиқий саналмайди ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат вужудга келтирмайди. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайди ва унга нисбатан ФКнинг 113-модда 3-қисми қоидалари қўлланилади.

Шартноманинг юқоридаги шартларини ҳақиқий эмас деб топишда суд томонидан қарор чиқарилиши талаб этилмайди.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқлари бу объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида қанча шахсларга ўтиш орқали ҳаракатда бўлганидан қатъи назар муаллифнинг ўзида сақланиб қолади. Бошқача айтганда, объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар бошқа учинчи шахсларга неча марта ўтса-да, муаллифнинг ўзига тегишли ва ундан бегоналаштирилиши мумкин бўлган ҳуқуқларининг амал қилишига бирон-бир даражада тўсқинлик қилмайди.

Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлақ ҳуқуқлар унда аниқлаб қўйилиши лозим. Шартномада бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган ҳисобланади.

Маълумки мутлақ ҳуқуқ мулкӣ ҳуқуқлар мажмуи сифатида ҳуқуқ эгаси интеллектуал мулк объекти бўйича ўзи содир этишга ҳақли бўлган, бошқаларга содир этишга рухсат бера оладиган ёки содир этилишини тақиқлаб қўйишга ҳақли бўлган хилма-хил ваколатларни ўз ичига олади. Шу сабабли ҳам мутлақ ҳуқуқлар шартнома асосида ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилганда айнан қандай ҳуқуқ (масалан, маълум ҳудуд доирасида шахсан танҳо фойдаланиш, бошқа фойдаланувчилар ҳам мавжуд бўлган асос-

да фойдаланиш, бошқа ҳудуд доирасида бу ҳуқуқни амалга ошириш назарда тутилаётганлиги ва ҳоказолар) утказилаётганлиги ва бу ҳуқуқдан келиб чиқувчи ваколатларни аниқ белгилаб, шартномада акс эттириш лозим. Шартномада назарда тутилмаган (мутлақ ҳуқуққа оид) қолган барча ҳуқуқлар шартнома бўйича утказилмаган деб ҳисобланади, токи бунинг акси исботланмагунча. Бунинг маъноси шундан иборатки, агар шартнома асосида мутлақ ҳуқуқлардан бир қисмини ўзига олган шахс бу ҳуқуқларга қўшимча мутлақ ҳуқуққа оид бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга оширса, бу ҳолда уша қўшимча ҳуқуқларни мутлақ ҳуқуқлар эгасининг розилиги ёки рухсати билан амалга оширганлигини тегишли далиллар асосида исботлаб бериши шарт. Акс ҳолда у қўшимча ҳуқуқларни ўзлаштириб олган ҳисобланади. Қўшимча ҳуқуқларни мутлақ ҳуқуқлар эгасининг розилиги ёки рухсати асосида олинганлигини исботлаш мажбурияти фақат учинчи шахс зиммасида бўлади. Масалан, ихтирога нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгаси энгил машиналар ишлаб чиқарувчи корхонага маълум русумдаги энгил машинани ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун шартнома асосида ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқини утказган бўлса, корхона бошқа русумдаги энгил автомобилларга нисбатан ушбу ихтиронини қўллаш олмайди (агар бу тўғрида мутлақ ҳуқуқлар эгасининг махсус рухсатини олмаган бўлса).

Мутлақ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтда бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Бунинг маъноси шундан иборатки, ФКнинг 1035-моддаси 1-3-қисмида кўзда тутилган қоидалар мутлақ ҳуқуқлар шартнома асосида ёки умумий (универсал) ворислик тартибида бундай мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилишини барча қолган муддати бўйича учинчи шахсга утиши назарда тутилган ҳолларга нисбатан тааллуқлидир. Агар мутлақ ҳуқуқлар эгаси бу ҳуқуқларни бошқа шахсларга вақтинчалик утказса (маълум чегараланган муддаг давомида), у ҳолда

бундай шартнома лицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензия шартномасига доир қоидалар ҳақида 1036-модда шарҳига қаранг.

1036-модда. Лицензия шартномаси

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсатнома беради.

Лицензия шартномаси бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқлаши лозим.

Лицензия шартномаси пуллик ҳисобланади.

Лицензия шартномаси лицензиатга қуйидагиларни беришни назарда тутиши мумкин:

интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияни бериш ҳуқуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

қонунда йул қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.

Агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланади.

Лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли.

Қўшимча лицензиатнинг ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсатнома беради.

Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектларидан учинчи шахсларнинг фойдаланишига имкон берувчи муҳим фуқаролик-ҳуқуқий воситаси ҳисобланади. Лицензия шартномаси-интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсат бериш ҳақидаги келишувдир. Мутлақ ҳуқуқлар эгаси (патент эгаси, товар белгиси эгаси, муаллифлик ҳуқуқи объектнинг эгаси, ошкор этилмаган ахборотлар эгаси)нинг ҳуқуқий муҳофазадаги объектдан фойдаланишда ўзига тегишли ҳуқуқларни белгиланган тартибда маълум шартлар асосида учинчи шахсларга бериши лицензия (рухсатнома) дейилади (қаранг: Гражданское право. М.БЕК., 1994 й., 248-249 б.).

Лицензия шартномаси ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра анъанавий олди-сотди ва мулкий ижара белгиларига ўхшаб кетса-да, бу шартномалардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, олди-сотди ва мулк ижараси шартномалари сотувчининг ёки ижарага берувчининг мулк ёхуд ашёвий ҳуқуқига асосланади. Лицензия шартномаси эса лицензия берувчининг интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқига асосланади.

Иккинчидан, олди-сотди ёхуд мулк ижара асосида ашё олувчига ёки ижарачига топширилади ва бу ашёга нисбатан айни бир вақтда икки тарафлама эгалик қилиш мумкин эмас. Мутлақ ҳуқуқ объектини эса кўп ҳолларда топширишга ҳожат йўқ: ихтиро, саноат намунасининг мазмуни ёки товар белгисининг тасвири эълон этилади ва ҳамма у билан танишиш, хабардор бўлиш имконига эга. Бу объектдан бир вақтнинг ўзида лицензия берувчи (лицензиат) ҳам, номуайян доирадаги учинчи шахслар (лицензиарлар) ҳам фойдаланиши мумкин. Ушбу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, олди-сотди шартномаси бўйича ФКнинг товарни топшириш юзасидан сотувчининг мажбуриятлари (ФКнинг 388-моддаси), сотувчининг сотилган товарни сақлаш мажбурияти (ФКнинг 391-моддаси), сотувчининг товар камчилиги ҳамда нуқсонлари учун жавобгарлиги (ФКнинг 409-моддаси) кабиларни, мулк ижара шартно-

маси буйича қатор қоидаларни лицензия шартномасига кура амалда қўллаб бўлмайди.

Лицензия шартномасининг предмети (нарсаси) ҳуқуқий муҳофазадаги ижодий фаолият натижаси (фан, адабиёт, санъат асарлари, компьютер дастурлари, ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ва ҳоказолар) ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита (фирма номи, товар (хизмат) белгиси) ҳисобланади. ФКнинг 1109-модда 3-қисмига асосан товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи лицензия шартномасининг предмети бўла олмайди. Шартномада қатнашувчи тараф-интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси-лицензиар ҳисобланади. Мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқлари қонуний асосга кура вужудга келган ёки ваколатли давлат идораси берган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи билан гувоҳлантирилган бўлиши шарт. Шартномада қатнашувчи бошқа тараф-интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома олган шахс-лицензиат деб аталади.

Лицензия шартномаси бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқ белгилаб қўйиши лозим.

Юқорида кўрсатилганидек интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар доираси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг. Бундай ҳуқуқларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: ҳуқуқ эгасининг объектдан шахсан фойдаланиши, бошқаларга фойдаланишга рухсат бериши, бошқаларнинг фойдаланишини тақиқлаб қўйиши. Айни вақтда бу ҳуқуқлар ҳам турлича кўринишларда намоён бўлиши мумкин: ўзи фойдаланиши, бошқага ҳам фойдаланишга рухсат бериш; фақат ўзи фойдаланиши; ўзи фойдаланмай бошқага фойдаланишга рухсат бериш. Бошқага фойдаланишга беришда бундай фойдаланиш ҳудуди, фойдаланиш ҳажми ва миқёслари (ўзи хоҳлаган маълум технологик жараён ёки ишлаб чиқаришда, маълум маҳсулотга нисбатан ва бошқалар) ҳам аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Лицензия шартномасида лицензия асосида лицензиатнинг интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш муддати

аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Бу муддат лицензия берилган вақтдан бошланиши ва объектни ҳуқуқий муҳофаза қилиш муддати доирасидан қисқа бўлиши шарт. Масалан, ихтирога берилган патент 20 йил амал қилади, айтайлик ушбу ихтиродан фойдаланишга лицензия берилганда патентнинг амал қилиш муддати 10 йил қолганди. Лицензия муддати ана шу қолган муддатдан кам бўлиши шарт. Агарда объектдан фойдаланишга берилган рухсатнома муддат билан чегараланмаган, яъни объектнинг ҳуқуқий муҳофаза муддати давомида амал қиладиган бўлса, у ҳолда фойдаланиш лицензия шартномаси орқали расмийлаштирилмайди, бунда ФКнинг 1035-модда 1-қисм қоидалари қўлланилади.

Лицензия шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Одатда лицензия шартномасига ҳақ тўлашда икки хил шакл кенг қўлланилади: бир вақтнинг ўзида ҳақнинг ҳаммасини тўлаш (паушал тўлов) ва лицензия асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки сотилган товардан олинган даромадлардан ҳисса ажратиб бериб туриш (роялти). Баъзан ҳар иккаласи биргаликда қўлланилади - бунда дастлаб кафолатланган қатъий миқдордаги ҳақ ва кейинчалик ҳар белгиланган даврда фойдадан улуш ажратиш орқали. Баъзи ҳолларда ҳақ натура шаклида ҳам олиниши мумкин.

Тўловнинг қайси шаклини танлаш тарафларнинг келишуви асосида белгиланади.

Лицензия шартномасида лицензиатга қуйидагиларни беришни назарда тутиш мумкин:

интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номуллақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияларни бериш ҳуқуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

қонунда йул қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.

Оддий номутлақ лицензияда интеллектуал мулк объектдан мутлақ ҳуқуқ эгасининг ўзи (яъни лицензиар), лицензиат ва айни вақтда мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олган бошқа учинчи шахслар ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бинобарин, бундай ҳолда лицензиат лицензия асосида фойдаланишга рухсат олган объектдан мутлақ ҳуқуқ эгасининг фойдаланишга, шунингдек лицензиатдан олинган лицензия асосида олдиндан мавжуд ёки кейинчалик пайдо бўлувчи бошқа лицензиатларни объектдан фойдаланиш ҳуқуқларига эътироз билдиришга ҳақли эмас. Бунда лицензиатга объектдан бошқалар қатори фойдаланиш ҳуқуқи утади холос.

Мутлақ лицензияда объектдан лицензиат ҳам, лицензиар ҳам фойдаланишга ҳақли. Бироқ лицензиар яна бошқа учинчи шахсларга объектдан фойдаланишга лицензия беришга ҳақли эмас. Бинобарин, мутлақ лицензия шартномаси амал қилган даврда лицензиар ҳам, лицензиат ҳам объектдан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга. Шартнома муддати тугаганидан кейин ёки у муддатидан аввал бекор бўлганда мутлақ ҳуқуқ лицензиарда тула ҳажмда тикланади.

Қонунларда, шунингдек, лицензиянинг мажбурий лицензия, очиқ лицензия берилиши шарт бўлган турлари ҳам мавжуд.

Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги Қонунинг II-моддасига асосан патент, дастлабки патент ёки гувоҳноманинг қайд этилиш санасидан бошлаб уч йил давомида саноат мулки объекти мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан фойдаланилмаса ёки етарли даражада фойдаланилмаса, бундай объектдан фойдаланишни хоҳлаган ва унга тайёр бўлган ҳар қандай шахс, агарда унинг лицензия шартномаси тузиш ҳақидаги таклифи мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан рад этилган бўлса, ўзига номутлақ лицензия берилишини сўраб судга илтимос билан мурожаат қилишга ҳақли. Агарда мутлақ ҳуқуқ эгаси саноат мулки объектдан фойдаланмаганлиги ёки етарли даражада фойдаланмаганлиги узрли сабабларга кўра рўй берганлигини исботлаб бера ол-

маса суд юқорида курсатилган шахсга фойдаланиш доираси, ҳажми, муддатлари ва ҳақ тулаш тартибини белгиланган ҳолда мажбурий лицензия беришга ҳақли. Бунда туланадиган ҳақ миқдори лицензиянинг бозор баҳосидан кам бўлмаслиги шарт.

Селекция ютуқлари ҳақидаги Қонуннинг 41-моддасига асосан башарти патент эгаси патент ёки гувоҳнома берилган санадан эътиборан уч йил давомида селекция ютуғидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланмаса ҳамда лицензия шартномаси тузишни рад этса ва агар мазкур селекция ютуғидан фойдаланмаслик жамият манфаатларига зарар етказса, бу селекция ютуғидан фойдаланишни истанган шахс ўзига номутлақ мажбурий лицензия берилишини сўраб ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Мажбурий лицензия олган шахс патент эгасидан дастлабки уруғлик, кўчат ёки насл материални талаб қилиб олишга ҳақли. Мажбурий лицензия ҳар қандай шахсга эмас, балки селекция ютуғидан йўл қўйиладиган услубда ва лицензияга мувофиқ фойдаланишни таъминлай оладиган шахсгагина берилади. Мажбурий лицензия патент эгасининг муҳофазадаги селекция ютуғидан ўзи фойдаланишига ёки ундан фойдаланиш лицензиясини бошқа шахсларга берилишига тўсқинлик қилмайди. Патент идораси мажбурий лицензиялар берилганлиги ҳақидаги маълумотларни эълон қилади.

Мажбурий лицензиянинг яна бир кўриниши - берилиши шарт бўлган лицензия ҳисобланади. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги Қонуннинг 31-моддасига кўра агар саноат мулки объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу объектда муҳофазадаги бошқа объектдан фойдаланганлиги ва унга нисбатан ҳуқуқ бошқа жисмоний ёки юридик шахсга тегишли эканлиги сабабли фойдалана олмаса, у ҳуқуқ эгаси бўлган шахсдан шартномада курсатилган шартлар асосида объектдан фойдаланишга лицензия берилишини талаб қилишга ҳақли.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг баъзи объектларига нисбатан очиқ лицензия шартлари қўлланилади. Ихтиро-

лар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги Қонуннинг 31-моддасига асосан патент эгаси Патент идорасига ҳар қандай шахсга саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бериши ҳақида ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бундай тартибда олинадиган лицензияга очиқ лицензия дейилади. Очиқ лицензия сотиб олиш истагида бўлган шахс патент эгаси билан туловлар ҳақида шартнома ёхуд номутлақ лицензия бериш ҳақида шартнома тузиши лозим. Шартнома шартлари бўйича низо чиқса, ҳужалик судларида кўрилади. Патент эгасининг очиқ лицензия бериш ҳақидаги аризасини қайтариб олиш мумкин эмас.

Селекция ютуқлари ҳақидаги Қонуннинг 40-моддасига асосан патент эгаси Патент идорасига селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга бериши тўғрисида ариза топширишга ҳақли. Бу ҳолда патент ёки гувоҳнома ўз кучини сақлаганлиги учун ундирилдиган бож ёки йиғим 50 фоизга камайтирилади. Патент эгасининг очиқ лицензияга бўлган ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги аризаси чақириб олинмайди. Очиқ лицензия сотиб олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан туловлар ҳақида шартнома тузиши шарт. Шартнома шартларига доир низолар суд томонидан ҳал этилади.

Интеллектуал мулк объектдан мутлақ ҳуқуқ эгасидан лицензия олмасдан фойдаланишга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл кўйилади. Бундай фойдаланиш ҳақ эвазига ёки текинга бўлиши мумкин. Масалан, ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги Қонуннинг 30-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда саноат мулки объектдан аввалдан фойдаланувчи лицензия олмасдан текин фойдаланишга ҳақли. Ушбу Қонуннинг 31-моддаси 5-қисмига асосан миллий хавфсизлик манфатларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси мутлақ ҳуқуқ эгасига тегишли ҳажмда ҳақ тўлаб, унинг розилигини олмасдан саноат мулки объектдан фойдаланишга руҳсат беришга ҳақли. Бунда тўлов ҳажми тўғрисидаги низолар Олий Ҳужалик суди томонидан ҳал этилади.

Лицензия шартномаси ёзма равишда тузилади. Саноат мулки объектлари (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар (хизмат) белгиси)дан фойдаланиш, шунингдек селекция ютуқларидан, ноу-хаудан фойдаланишга берилган лицензия Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт, акс ҳолда ФКнинг 112-моддаси 1-қисмига кўра улар ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Муаллифлик лицензия шартномасининг узига хос хусусиятлари ҳақида ФКнинг 1071-моддаси шарҳига қаранг. Гарчи Қонунлар бевосита талаб қилмаса ҳам яратилиш факти бўйича мутлақ ҳуқуқ вужудга келадиган ва ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган объектлардан фойдаланишга лицензия бериш ҳақидаги шартномалар нотариал тартибда гувоҳлантирилиши мақсадга мувофиқ.

Лицензия шартномаси мазмунида қуйидагилар ўз ифодасини топмоғи лозим: тарафларнинг номлари, лицензиарнинг объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқларини гувоҳлантирувчи (тасдиқловчи) ҳужжат ҳақида маълумотлар, объектдан фойдаланиш бўйича берилаётган ҳуқуқ ҳажми, фойдаланиш доираси, услуби, чегараси, фойдаланиш муддати, ҳақ тулаш шакли, миқдори ва тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ва ҳоказо. Бундан ташқари шартномада лицензиарларнинг лицензиатга берилаётган ҳуқуқлардан реал фойдаланишини таъминлаш мажбурияти (зарур ҳужжатларни бериш, буюмларни намуналари билан топшириш, техник ёрдам кўрсатиш, ўз мутахассисларини юбориш, махсус қурилмалар, асбоб-ускуналар, хом ашё билан таъминлаш ва бошқалар) кўзда тутилиши мумкин. Шунингдек лицензиар лицензия учун асос бўлган патентнинг амал қилишини таъминлаш (божларни тулаб туриш, учинчи шахсларнинг даъволаридан ҳимоя қилиш), лицензиат эса техник шартларга ва йўл-йўриқларга риоя қилган ҳолда лицензия асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан амалга ошириш ва зарур кўрсаткичларга эришиш учун жавобгардир. Баъзи ҳолларда тарафлар томонидан патентларга тааллуқли маълумотларнинг сир сақ-

ланиши лицензия шартномасининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шартномада бу мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Интеллектуал мулк объектларининг баъзи турлари бўйича лицензия шартномасида назарда тутилиши мажбурий бўлган шартлар қонунда бевосита кўрсатилган. Масалан, ФКнинг 1101-моддаси 2-қисмига асосан фирма номидан фойдаланишга лицензия берилганда, шартномада истеъмолчини чалғитиб қўйишни истисно этувчи чоралар шарт қилиб қўйилиши лозим. Маҳсулот (хизмат) белгиси ҳақидаги Қонуннинг 21-моддаси 3-қисмига асосан товар белгисидан бошқа шахсга лицензия асосида фойдаланиш ҳуқуқи берилганида шартномада лицензиат маҳсулотининг сифати паст бўлмаслиги ва лицензиар ана шу шартга амал қилаётганлигини назорат этиб туриши ҳақида шарт бўлиши лозим.

Агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланади. Бунинг маъноси шундан иборатки, лицензия шартномасида лицензиар томонидан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш кўрсатилган бўлиши мумкин. Ушбу объектдан лицензиарнинг ўзини фойдаланиши ёки бошқаларга фойдаланишга рухсат бериши ҳақида кўрсатилмаган бўлса ҳам, бундай ҳуқуқнинг мавжудлиги ҳақидаги эҳтимол тутиш амал қилади. Бинобарин, бундай шартнома номутлақ лицензия шартномаси ҳисобланади ва лицензиат бунга эътироз билдиришга ҳақли эмас.

Лицензияни оловчи томонидан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома сублицензия (иккиламчи ёки ҳосила лицензия) шартномаси ҳисобланади. Лицензияни оловчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли. Бинобарин бундай турдаги лицензияни фақат мутлақ ва тулиқ лицензия эгаларигина бера олади. Бунда сублицензиатга бериладиган фойдаланиш ҳуқуқининг ҳажми сублицензиарнинг бирламчи ли-

цензия шартномаси асосида лицензиат сифатида олган ҳуқуқлари ҳажмидан ошмаслиги шарт. Асосий (бирламчи) лицензия шартномаси ҳақиқий эмас деб топилганда ёки муддати тугаганда сублицензия ҳам ўз-ўзидан бекор бўлади.

Қўшма (иккиламчи) лицензиатнинг ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади. Масалан, қўшимча (иккиламчи) лицензиат айби билан лицензия учун асос бўлган патентга доир маълумотларнинг махфийлиги сақланмай, ошкор қилинганда, асосий лицензиар олдида лицензиатнинг ўзи жавобгар бўлади. Ўз навбатида асосий лицензиат иккиламчи (қўшимча) лицензиатга нисбатан регресс даъво қўзғаш ҳуқуқига эга. Умумий қоида бўйича сублицензиатнинг ҳаракатлари учун асосий лицензиар олдида лицензиат айби бор-йўқлигидан қатъи назар жавобгар бўлади. Лицензия шартномасида сублицензиатнинг лицензиар олдида бевосита ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўлиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

1037-модда. Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома

Муаллиф интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича келгусида асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва узининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартнома яратилиши лозим бўлган интеллектуал фаолият натижасининг хусусиятини, шунингдек ундан фойдаланиш мақсадлари ёхуд усуллари белгилаши лозим.

Муаллиф зиммасига ушбу муаллиф келгусида яратадиган ҳар қандай интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқларни бирорта шахсга бериш мажбуриятини юклайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартноманинг муаллифнинг келгусида муайян турдаги ёхуд муайян соҳадаги интеллектуал фаолият натижаларини яратишини чеклайдиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Муаллиф интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича келгусида асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва узининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин.

Ҳар бир ижодкор шахс ўз интеллектуал фаолиятини ўз хоҳишига кўра ўз ташаббуси ва маблағлари асосида, иш берувчиси билан тузилган меҳнат битими, контракт ёки иш берувчиси бўлмаган бошқа шахс буюртмасига биноан шартнома негизда ташкил этиши мумкин.

Муаллиф-ижодкорнинг ўз ташаббуси ва маблағлари асосида яратилган ижодий фаолият натижасига нисбатан шахсий номулкий ва мутлақ ҳуқуқлар фақат унинг ўзигагина тегишли. У ижодий фаолият маҳсули бўлган объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ўз хоҳишига кўра эркин тасарруф этади.

Муаллиф-ижодкорнинг бошқа бир шахс (иш берувчи) билан меҳнат муносабатида бўлгани ҳолда меҳнат битимида шарт қилиб қўйилган ижодий фаолиятни амалга ошириши, иш (топшириқ) бажариши асосида вужудга келган ижодий фаолият маҳсулига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга ушбу ФКнинг 1062, 1087-моддаси ва бошқа қонун ҳужжатларида (масалан, селекция ютуқлари ҳақидаги Қонуннинг 5-моддаси, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари ҳақидаги Қонуннинг 8-моддаси кабилар) белгилаб қўйилган қоидалар ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси нормалари қўлланилади.

Муаллифнинг ижодий фаолият маҳсулини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги бошқа ҳар қандай учинчи шахс билан тузадиган шартномаси ўз мазмунига кўра фуқаролик - ҳуқуқий тарзидаги шартнома ҳисобланади ва ушбу шартномага нисбатан ФКнинг тегишли нормалари қўлланилади. Муаллифнинг келгусида ижодий фаолиятни амалга ошириши ва унинг натижасида яратиладиган ижодий фаолият маҳсули шартнома предмети бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, тарафлар шартнома тузган вақтда ҳали ин-

теллектуал фаолият маҳсули вужудга келмаган бўлади. Шартнома тузиш вақтида амалда яратилган, мавжуд бўлган ижодий фаолият маҳсулига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар учинчи шахсларга ФКнинг 1035-моддасида белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартнома ижодкор-шахс билан буюртмачи ўртасида тузилади. Унга асосан ижодкор шахс (ижрочи, бажарувчи) ижодий фаолиятни амалга ошириш асосида интеллектуал мулк ҳуқуқи объектини яратиш ва ундан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуқни буюртмачига топшириш, буюртмачи эса бажарувчини тегишли маблағлар билан таъминлаш ва ҳақ тўлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартномалар нарчаси унинг объектига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

илмий-текшириш, тажриба - конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси (ФКнинг 693-702-моддалари шарҳига қаранг);

муаллифлик шартномаси (ФКнинг 1067-моддалари шарҳига қаранг).

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома яратилиши лозим бўлган интеллектуал фаолият натижасининг хусусиятини, шунингдек ундан фойдаланиш мақсадлари ёхуд усуллари ни белгилаши лозим.

Интеллектуал фаолият натижасининг хусусияти, характери энг аввало унинг маълум сифат курсаткичларида намоён бўлади. Бундай сифат курсаткичлари объектнинг техник-иқтисодий тавсифида, ҳуқуқий мезонларга мослигида (масалан, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғини олиш - патентга лаёқатлилик даражасида эканлиги) ва бошқаларда ифодаланади.

Шартномада ўз аксини топиши лозим бўлган ҳолатлардан яна бири - интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиш мақсадлари (масалан, ихтиродан қайси тармоқда,

қандай махсулотда ёки илмий асардан тижорат мақсадида ёки ўқув - таълим мақсадларида ва ҳоказолар) ёки фойдаланиш усуллари (масалан, адабий асарни нашр этиш ёки саҳналаштириш ёки кинофильм қилиш) ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатлар интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартноманинг зарур шартлари бўлиб, кўпинча бу шартлар тарафлар зиммасига юкланган мажбурият тариқасида ифодаланади. Масалан, объектнинг маълум сифат хусусиятларига эга бўлиши учун ижодкор - муаллиф масъул бўлса, объектдан фойдаланиш мақсади ва усуллариغا риоя қилиш буюртмачи зиммасига юкланади.

Ҳар доим келгусида яратиладиган, муайян хусусиятларга эга ва аниқ белгилаб қўйилган асар, ихтиро, селекция ютуғи ва шу кабилар интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартноманинг предмети бўлиб ҳисобланади. Ушбу шарҳланаётган модда мазмунига кўра, агар ижодкор-муаллиф зиммасига у келгусида яратадиган ҳар қандай интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқларни бирорта шахсга (буюртмачига ёки бошқа учинчи шахсга) бериш мажбурияти юкланган бўлса, бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди ва у ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтирмайди. Бинобарин, буюртмачи унинг ижросини талаб қила олмайди. Ушбу қоида ФКнинг 23-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган фуқаролик ҳуқуқи лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги умумий тамойил билан чамбарчас боғлиқ. Ижодкор-муаллифнинг келгусида яратадиган ҳар қандай асарига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш мажбурияти шу сабабли ҳам унинг ҳуқуқ лаёқатини ғайриқонуний чеклаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида фуқароларнинг ижод эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Унда кўрсатилишича, ҳар қандай шахсга илмий ва техникавий ижод эркинлиги кафолатланади. Бинобарин, ин-

теллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги шартномада агар муаллиф-ижодкорнинг келгусида муайян турдаги ёки муайян соҳадаги интеллектуал фаолият билан шуғулланмаслик ёки бу фаолият натижасини яратмаслик мажбуриятлари белгилаб қўйилган бўлса, у ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. ФКнинг 23-моддасида кўрсатилишича, фуқаронинг ҳуқуқ лаёқатидан тула ёки қисман воз кечиш ва ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Демак, иждокор - муаллифнинг ўз ихтиёри, эрки, иродаси билан бундай шартни шартнома мажбурияти сифатида ўз зиммасига олганлиги аҳамиятга эга эмас. Албатта, иждокор-муаллиф ўз эрки, ихтиёри билан амалда маълум турдаги интеллектуал фаолият билан шуғулланмасликка ҳақли, бироқ бу ҳолат шартнома предмети ёки шартнома шартни сифатида намоён бўлганда ҳар доим ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

1038-модда. Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар мавжуд бўлади.

Маълумки, ФКнинг 1031-моддасига берилган шарҳда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларининг асосий хусусиятлари, унинг анъанавий мулк ҳуқуқи объектларидан фарқлари ҳақида батафсил тўхтаб ўтилган. Бинобарин, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ билан ушбу объектнинг моддийлашган ифодасига, моддий элтувчисига нисбатан мулк ҳуқуқини фарқламоқ лозим. Шарҳланаётган ушбу модда мазмунига кўра интеллектуал фаолият натижаси (асар, ихтиро кабилар)га ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита (масалан, товар белгиси)га нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар, унга боғлиқ бўлма-

ган ҳолда, ундан мустақил равишда мавжуд бўлади. Масалан, асарнинг минглаб нусхада китоб шаклида нашр этилиши, ихтиро асосида маҳсулотлар (масалан, қурилма, ускуна, дори-дармон ва бошқалар) ишлаб чиқилиши мумкин. Бунда албатта, нашр этилган асарнинг китоб шаклидаги нусхаларини сотиб олган шахсда, ихтиро асосида чиқарилган маҳсулотни сотиб олган шахсларда уша китобга нисбатан, уша маҳсулотга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади, бироқ асарга нисбатан ёки ихтирога нисбатан мутлақ ҳуқуқ вужудга келмайди. Интеллектуал мулк объектлари турли моддий воситаларда ифодаланиши, чексиз нусхаларда мавжуд бўлиши ва фуқаролик муомаласида ҳаракат қилиши ҳамда бундай моддий воситалар ашёлар тарзида қурилиши мумкин, бироқ бундай ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқи унинг келиб чиқиши, яратилиши асоси бўлган ғоявий (идея) негизи, яъни интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга асло таъсир қилмайди.

Интеллектуал фаолиятнинг айрим натижалари узининг ғоявий негизи ва бу негизнинг моддий мужассами билан узвий боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиши мумкин (масалан, ягона нусхадаги ҳайкал, портрет, усимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зотлари кабилар). Бундай объектлар фуқаролар муомаласида ҳаракатда бўлган мутлақ ҳуқуқ билан мулк ҳуқуқининг мазмуни ва таъсир доираси асло чалкаштирилмаслиги шарт. Масалан, портрет рассом томонидан бошқа шахсга сотилганда рассом ушбу портретдан нусхалар кўчириш ва уларни кўпайтириб эркин тасарруф этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши мумкин. Бунда рассом ушбу портретга нисбатан, унинг муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўлган асарга нисбатан мутлақ ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, бироқ портретнинг асл (оригинал) нусхасига нисбатан мулк ҳуқуқи сотиб олган харидорга ўтади.

Ягона нусхали, уникал (такрорланмас) объектлар фуқаролик муомаласида ҳаракатда бўлганда уларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқ, баъзи истисноларни назарга олмаганда айнан бир хил ҳисобланиши мумкин. Бундай

ҳолларда объектнинг моддий-ашёвий негизида ажралмас-лигини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан мулк ҳуқуқи қоидаларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Бундай объектни ўзидан бегоналаштирувчи шахс бир вақтнинг ўзида ҳам мулк ҳуқуқи, ҳам мутлақ ҳуқуқни бир хил йўналишда ва услубда ўзидан бегоналаштирмоғи лозим.

Бошқа ҳар қандай ҳолларда мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи ўртасида коллизия вужудга келганда, мутлақ ҳуқуқ устуворликка эга бўлади. Бу ҳолат, масалан, селекция ютуқлари ҳақидаги Қонуннинг 31-моддасида ўз ифодасини топган, масалан, ҳеч ким янги нав буғдойни мутлақ ҳуқуқ эгасидан берухсат кўпайтиришга ёки тарқатишга ҳақли эмас, гарчи у уни қонуний асосларда олган бўлса ҳам.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мутлақ ҳуқуқ ҳам бу воситалар ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар, у билан боғлиқ эмас ва мустақил ҳолда амал қилади. Масалан, товар белгиси ифодаланган реклама панносини сотиб олган шахсда бу паннога нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади ва ундан қонуний асосда ўз хоҳишича фойдаланишга ҳақли, бироқ товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуққа бу ҳол таъсир этмайди. Восита ифодаланган моддий объектлар жуда кўп ва хилма-хил бўлиши, у турли шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши мумкин. Бироқ бу воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ягона шахс бўлиб қолади ва бу мутлақ ҳуқуқ мазмунига, уни амалга оширилишига асло тўсқинлик қилмайди, халақит бермайди. Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи бир-биридан қатъи назар мавжуд бўлади.

1039-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган муддат мобайнида амал қилади.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар муддатсиз амал қилади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиши ундан муайян вақт мобайнида фойдаланилмаслиги оқибатида бекор қилиниши мумкин.

Маълумки, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни амал қилиши абадий, муддатсиз бўлмай, маълум муддат вақт билан чегараланган бўлади. Бироқ бу муддат барча объектлар учун бир хилда эмас. Турли объектларга нисбатан муддатнинг бошланиш, амал қилиш, бекор бўлиш, баъзи ҳолларда эса узайтириш тартиби ҳар хил.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати бевосита ФКда ёки бошқа амалдаги қонунларда назарда тутилиши мумкин.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати давомида ҳуқуқ эгасининг бу мутлақ ҳуқуқлардан келиб чиқувчи субъектив ҳуқуқлари ҳуқуқий муҳофазада бўлади ва қуриқланади, барчанинг бу ҳуқуқларга риоя қилиши ва бузмаслиги шарт, башарти уларни кимдир бузса, бузилган ҳуқуқ - ҳуқуқ эгасининг талаби билан суд орқали ҳимоя қилинади, зарур ҳолларда бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши қонуний тартибда давлат томонидан мажбурий таъминланади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан сўнг у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб эллик йил давомида амал қилади. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган мутлақ ҳуқуқлар учун бундай эллик йиллик муддатнинг бошланиши энг узоқ яшаган ҳаммуаллиф вафотидан кейин бошланади.

Яширин тахаллус билан ёки имзосиз чоп этилган асарга бўлган мутлақ ҳуқуқ асар чоп этилганидан кейинги йилнинг 1-январидан бошлаб эллик йил давомида амал қилади.

Агар асар муаллиф вафотидан кейин эллик йил ичида биринчи марта чоп этилса, мутлақ ҳуқуқ асар чоп этилган

нидан кейинги йилнинг 1-январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади (ФКнинг 1065-моддаси).

Турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар қуйидаги муддатларда амал қилади:

ижрочининг ҳуқуқлари биринчи ёзув (ижрони ёзиб олиш) ёки биринчи ижро (саҳналаштириш) пайтидан эътиборан эллик йил;

эфир, кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришга бўлган ҳуқуқи уни биринчи марта эфир ёки кабель орқали трансляция қилиш вақтидан бошлаб эллик йил (муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳақидаги Қонуннинг 51, 58, 59-моддалари);
ихтирога нисбатан патент 20 йил (устуворлик санасидан бошлаб);

саноат намунасига нисбатан патент 10 йил (устуворлик санасидан бошлаб);

фойдали моделга бўлган гувоҳнома 5 йил.

Саноат намунасига бўлган патент ва фойдали моделга бўлган гувоҳноманинг амал қилиш муддатлари узайтирилиши мумкин (патентга 5 йил, гувоҳномага 3 йил); ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги Қонуннинг 3-моддаси.

Селекция ютуқларига бўлган патент селекция ютуғи Давлат реестрига киритилган вақтдан бошлаб 20 йил давомида, ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон усимликлари, шу жумладан уларнинг пайвандтаглари учун 25 йил давомида амал қилади ва у 10 йилга узайтирилиши мумкин (селекция ютуқлари ҳақидаги Қонуннинг 13-моддаси).

Маҳсулот (хизмат) белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқларни гувоҳлантирувчи гувоҳнома устуворлик санасидан бошлаб 10 йил давомида амал қилади ва ҳар гал 10 йилга узайтирилиши мумкин (маҳсулот белгиси ҳақидаги Қонуннинг 23-моддаси).

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг амал қилиш муддати чекланмаган бўлиб, юридик шахс тугатилган ёхуд номи

ўзгарган ҳоллардагина бекор бўлиши мумкин (ФКнинг 1100-моддаси).

Ошкор этилмаган ахборотларга бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати (ҳуқуқий муҳофаза қилиниши) ҳам, ФКнинг 1095-моддасида белгиланган шартлар мавжуд бўлган ҳолларда муддат билан чегараланмаган.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати қатъий белгилаб қўйилган ҳолларда, бу муддат ўтганидан кейин (агарда уни узайтириш мумкин бўлмаса) ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқлари бекор бўлади. Бунинг маъноси шундан иборатки, бундай объектлар ижтимоий бойлик, ижтимоий неъматга айланади, яъни ҳар ким ундан эркин ва текин фойдалана олади (объект муаллифининг шахсий номулкий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда).

Маълумки интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ўз мазмуни ва хусусияти бўйича мулкый ҳуқуқлар мажмуини ташкил этади ва бинобарин улар қонун асосида маълум белгиланган муддат давомида амал қилади. Мутлақ ҳуқуқлардан фарқли равишда интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлар муддатсиз амал қилади, яъни уларга риоя этилиши вақт билан чегараланмайди (шахсий номулкий ҳуқуқлар тушунчаси, таркиби ва турлари ҳақида 1033-модда шарҳига қаранг). Бундай шахсий номулкий ҳуқуқлар интеллектуал фаолият маҳсули муаллифига ҳам (масалан, муаллифлик ҳуқуқи), учинчи шахсларга ҳам (масалан, рассом томонидан портретда ифодаланган шахснинг ўз киёфасига бўлган шахсий ҳуқуқ) тегишли бўлиши мумкин. Шахсий номулкий ҳуқуқлар мутлақ ҳуқуқлар кимга тегишли эканлигидан қатъи назар амал қилади. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида эркин ҳаракат қилади, бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин, шахсий номулкий ҳуқуқлар эса, ҳуқуқ эгасининг ўзидан бегоналаштирилмайди ва бошқа шахсларга ўтказилмайди.

Мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддатининг тугаши ёки унинг муддатдан олдин, қонунда белгиланган асосларда бекор бўлиши, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқ эгасининг вафот этиши бундай шахсий номулкий ҳуқуққа бошқалар томонидан рия этилиши шартлигига асло таъсир этмайди. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати тамом бўлганлиги сабабли бу объектларнинг ижтимоий бойлик неъматига айланиши факти ҳам уларга нисбатан муаллифнинг ёки учинчи шахсларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларининг бекор қилинишига сабаб бўлмайди. Бундай шахсий номулкий ҳуқуқлар қонун билан муддатсиз қуриқланади.

Ушбу шарҳланаётган моддада назарда тутилган қоидага асосан агарда қонунда белгилаб қўйилган ҳолларда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига бўлган мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан бундай мутлақ ҳуқуқлардан муайян вақт давомида фойдаланилмаганда бекор қилиниши мумкин. Маълумки, умумий қоида бўйича мутлақ ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқидан ўзи мустақил, эркин ва ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақли. Айрим ҳолларда қонун мутлақ ҳуқуқ эгаси зиммасига ўзига тегишли бўлган мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш бўйича фаол ҳаракатлар содир этиш мажбуриятини юклайди, ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда ҳуқуқ эгаси учун қатор салбий оқибатлар вужудга келиши қонунларда белгилаб қўйилган. Масалан, дастлабки патент ёки гувоҳнома рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил давомида патент эгаси саноат мулки объектдан бутунлай ёхуд етарли даражада фойдаланмаса ва бу узрли сабабларга кўра рўй берганлигини исботлаб бера олмаса, объектдан фойдаланишни хоҳловчи бошқа шахслар объектдан фойдаланишга мажбурий лицензия берилишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли (ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги Қонуннинг 11-моддаси).

Маҳсулот белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни гувоҳлантирувчи ҳужжат - гувоҳноманинг амал қилиши маҳсулот белгиси рўйхатдан ўтказилгандан кейинги беш йил даво-

мида ишлатилмаган ёки ушбу ариза берилгунга қадар ўтган беш йил давомида умуман фойдаланилмаган бўлса, агарда маҳсулот (хизмат) белгиси эгаси белгидан узига боғлиқ бўлмаган, узрли сабабларга кўра фойдаланилмаганлигини исботлаб бера олмаса, исталган шахснинг аризасига мувофиқ Олий Суд чиқарган қарор асосида тулиқ ёки қисман муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин (Маҳсулот, хизмат кўрсатиш ҳақидаги Қонуннинг 4-қисми).

1040-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу Кодекснинг II-моддасида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шунингдек:

мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, уша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш орқали;

йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

қонунда назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

Шарҳланаётган ушбу моддада интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари уз ифодасини топган. Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари деганда бундай ҳуқуқларни ҳамма томонидан эътироф этилиши, риоя қилиниши, бажарилиши, қўриқланиши, улар бузилган тақдирда уларни тиклаш, бузилиш оқибатларини бартараф этилишини таъминловчи юридик воситалар, чоралар ва йўллар тушуниларди. Бундай усуллар доираси, турлари, уларни амалга ошириш тартиби қонунларда белгилаб қўйилади.

Маълумки интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ўз мазмуни ва характерига кўра фуқаролик-ҳуқуқий ҳисобланади ва бинобарин ФКнинг II-моддасида назарда тутилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларига доир қоидалари уларга нисбатан тўла таълоққидир. Демак, мутлақ ҳуқуқлар қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

мутлақ ҳуқуқни тан олиш (бунда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектга нисбатан ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан ёхуд давлат, жамоат органи томонидан ёхуд суд томонидан эътироф этилади. Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ тегишли эканлиги бўйича баҳс-низолар мавжуд бўлган ҳолда ҳам, шунингдек бундай баҳс-низо бўлмаган тақдирда ҳам, масалан, мутлақ ҳуқуқ вужудга келганлиги ва маълум шахсга тегишли эканлиги фактини гувоҳлантириш учун ҳам ушбу усулдан фойдаланиш мумкин. Агарда ҳуқуқни тан олиш илгари бундай ҳуқуқни бузган шахс томонидан содир этилса, содир этилган ҳуқуқбузарлик шаклига ҳуқуқни тан олиш шакли мос келиши лозим. Масалан, маълум ихтирога нисбатан ўзининг патент олинганлиги ҳақида вақтли матбуотда ёлғон хабар тарқатган шахс томонидан ҳуқуқнинг тан олинishi худди уша вақтли матбуот нашрида ушбу ихтирога нисбатан патент ҳақиқатда кимга тегишли эканлиги ҳақида хабар чиқарилиши орқали амалга оширилади);

мутлақ ҳуқуқнинг бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиш хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш (ҳуқуқ бузишдан олдинги ҳолатни тиклаш мутлақ ҳуқуқни нормал амал қилиш учун шарт-шароитлар яратиб берилишидан иборат бўлади. Бунда албатта мутлақ ҳуқуқни бузиш ҳаракатларига барҳам берилиши, унинг оқибатлари бартараф этилиши ва ҳуқуқбузар зиммасига ҳуқуқни бузиш ҳаракатларидан тийилиши мажбурияти юкланади);

мутлақ ҳуқуқларни бузишга қаратилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқи-

батларини қўллаш (ФКнинг 113-моддасига асосан ҳақиқий бўлмаган битимлар низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларга бўлинади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келувчи битимлар, агарда бундай битимларни ёзма тузиш ва рўйхатдан ўтказиш талабларига риоя қилинмаганда, бундай битим шартлари қонун талабларига мувофиқ келмаганда ва ФКда назарда тутилган бошқа қатор ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайди. Бундан ташқари қатор ҳолларда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузишга олиб келувчи битимлар мутлақ ҳуқуқ эгасининг янглишиши, алданиши, унга нисбатан зўрлик, қўрқитиш орқали тузилган бўлса, мутлақ ҳуқуқ эгасининг ёки бошқа шахсларнинг талаби бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир. Битим ҳақиқий бўлмаганда, тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани аслича қайтариб бериши, мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш натижасида олинган даромадларни, етказилган зарарларни қоплаш ҳаракатлари бажарилиши лозим);

Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиши (бунда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузишга олиб келувчи ва давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан чиқарилган ҳужжат юқори давлат органи томонидан ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади);

мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши (бунда мутлақ ҳуқуқ эгаси тегишли давлат органига ёки судга мурожаат қилмасдан, бузилган мутлақ ҳуқуқларини шахсан ўзи ҳимоя қилади. ФКнинг 13-моддасига асосан мутлақ ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда

ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак. Ҳуқуқ эгаси ўз мутлақ ҳуқуқларини шахсан ўзи ҳимоя қилганда ҳуқуқбузарга нисбатан номажбурлов тарзидаги чоралар, яъни ҳуқуқбузарлик содир этилганини, уни тўхтатишни, оқибатларини бартараф этишни тушунтириш ва таклиф этиш, бу ҳақда учинчи шахсларни ҳам хабардор қилиш, шунингдек қонун йўл қўйган шакллардаги мажбурлов чоралари орқали қўллаши ҳам мумкин. Мажбурлов чоралари қўлланганда у содир этилган ҳуқуқбузарлик характериға мувофиқ келиши лозим. Бунда учинчи шахслар ёрдамидан фойдаланишга йўл қўйилади, бироқ учинчи шахслар ўз ташаббуси ва иродаси билан ҳаракат қилмасдан, мутлақ ҳуқуқ эгаси ташаббуси ва йўл-йўриқлари асосида ҳаракат қилмоғи лозим);

бурчни аслича (натура ҳолида) бажаришга мажбур қилиш (бундай усул шартномавий муносабатларда кенг қўлланади, масалан ўсимликнинг янги навига нисбатан мутлақ ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказилганда албатта янги навнинг уруғи, кўчати ҳам берилиши, ушбу мажбурият фақат натура шаклидагина ижро этилиши мутлақ ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ҳимоя қилиниши учун энг зарур шарт бўлиб ҳисобланади);

зарарни тўлаш (мутлақ ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқининг бузилиши натижасида ўзига етказилган зарарни тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. ФКнинг 14-моддасига асосан зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, шунингдек бу шахсга ўз мутлақ ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Мутлақ ҳуқуқларнинг бузилиши натижасида ҳуқуқ эгасига кўпроқ унинг фойда олишига халақит берилади ва у олиши лозим ёки мумкин бўлган даромадларнинг ҳуқуқбузар томонидан олиниши юз бериб, зарар етказилади. Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс (яъни

мутлақ ҳуқуқ эгаси) бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойданинг даромаддан кам бўлмаган миқдорда туланишини талаб қилишга ҳақли);

бурдсизлик тўлови (неустойка) ундириш (ФКнинг 260-моддасига асосан қонун ҳужжатлари ёки шартномада белгиланидек, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тулаши шарт бўлган пул суммаси бурдсизлик тўлови(неустойка) ҳисобланади. Неустойка ундириш орқали мутлақ ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули мутлақ ҳуқуқ эгаси билан бошқа учинчи шахслар ўртасида мутлақ ҳуқуқ объекти билан боғлиқ бўлган шартномавий муносабатларда қўлланади. Бунда қонунга ёки шартномага асосан учинчи шахс мутлақ ҳуқуқ эгасига бу ҳуқуқни бузгани учун бурдсизлик тўловини тулайди. Уни тулаш ҳақидаги талаб бўйича мутлақ ҳуқуқ эгаси мутлақ ҳуқуқ бузилиши натижасида ўзига етказилган зарарни исботлаши шарт эмас. Неустойка жарима ёки пеня кўринишида бўлади. Агар у қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган бўлса, у шартнома шартларида ўз ифодасини топмаган бўлса ҳам, тарафлар томонидан қўлланилади. Шартномавий неустойка албатта ёзма ифодаланган бўлиши шарт. Унинг миқдори қонун ҳужжатларида ёхуд тарафларнинг келишуви билан белгиланади);

маънавий зиённи қоплаш (маънавий зиён тушунчаси, уни қоплаш усули ва миқдори ҳақида ФКнинг 1021 - 1022-моддаси шарҳига қаранг. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳуқуқлари бузилган тақдирда унга моддий зарар билан бир қаторда маънавий зарар ҳам етказилиши мумкин. Маънавий зарар кўп ҳолларда мутлақ ҳуқуқ эгаси, у ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳақида салбий тасавурларнинг вужудга келишида, бошқа субъектларда унга нисбатан ишончининг йўқолиши ва шу кабиларда ифодаланади. Бундай ҳолларда мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳуқуқбузардан ўзига етказилган маънавий зарарни пул кўринишида қоплашни талаб қилишга ҳақли);

ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш (маълумки ҳуқуқий муносабат турли ҳуқуқ субъектлари

Ўртасида субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бурчларни бажариш бўйича рўй берадиган ўзаро ижтимоий муносабат, субъектлар ўртасидаги ўзаро юридик боғланиш, алоқа маъносида тушунилади. Бинобарин, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун гурли бошқа субъектлар билан ҳуқуқий муносабатларга киришади. Бундай ҳуқуқий муносабат ичида энг кенг тарқалгани шартномавий муносабатлардир. Агарда мана шундай ҳуқуқий муносабат жараёнида унинг бошқа иштирокчилари томонидан мутлақ ҳуқуқ бузиладиган бўлса, мутлақ ҳуқуқ-эгаси ёки суд бундай ҳуқуқий муносабатни бекор қилиши ёки ҳуқуқий муносабатни ҳуқуқбузарликка йўл қўймайдиган қилиб ўзгартириши мумкин, масалан, шартномани бекор қилиш ёки шартнома шартларини ўзгартириш);

давлат органини ёки фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги (мутлақ ҳуқуқларни бундай усул билан ҳимоя қилишда қўйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

а) давлат органи ёки фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан чиқарилган ҳужжат қонунга албатта зид бўлиши керак;

б) бундай ҳужжатни ФКнинг II-моддасида белгиланган асос бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш имкониятлари бўлмаслиги ёки унинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аён бўлиши лозим).

Мана шундай ҳолатда суд юқоридаги ҳужжатни қўлламайди ва бу орқали бузилган мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилади.

Мутлақ ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларида яна бири мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш ҳисобланади. Ушбу усул интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларнинг барча турлари бўйича кенг қўлланилади. Олиб қўйиш маъмурий тартибда ҳам (масалан, муаллифлик

ҳуқуқи объектлари бўйича контрафакт нусхаларни чегарадан олиб ўтишда божхона органлари томонидан), суд орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Олиб қўйишда бундай моддий объектлар фуқаролик муомаласидан чиқарилади, уларни сотиш, сотиб олиш, ҳада қилиш, фойдаланишга бериш, фойдаланиш ҳаракатларини содир этиш тақиқланади. Ушбу объектлар ҳуқуқбузарлардан ҳам, учинчи шахслардан ҳам олиб қўйилиши мумкин. Учинчи шахслар олиб қўйиш тўғрисида ушбу қонуннинг 1040-модда 2-қисмида белгиланган тартибда амалга ошириб бўлмайди).

Олиб қўйилган моддий объектлар ҳуқуқбузарнинг ҳисобидан йўқ қилиниб ташланади ёхуд мутлақ ҳуқуқ эгасининг ихтиёрига берилиши мумкин. Агарда мутлақ ҳуқуқ эгаси розилик билдирса, бундай объектлардан хайр-саховат мақсадларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ, масалан, ўзганинг товар белгиси билан тайёрланган кийим-кечаклар, товар белгиси эгаси розилик билдирсагина болалар уйлари, қариялар уйларига берилиши мумкин.

Низо бўлмаган тақдирда олиб қўйилган моддий объектлар тегишли давлат органи, низо бўлган тақдирда эса суд томонидан тасарруф этилади ва бунда мутлақ ҳуқуқ эгасининг истак-хоҳиши албатта инобатга олинishi шарт.

Мутлақ ҳуқуқни бузишга ёрдам берган моддий объектларни олиб қўйишда уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишдаги вазифасини эътиборга олмақ лозим. Агар ушбу объект ҳуқуқбузарлик содир этиш учун махсус ясалган, тайёрланган бўлса (масалан, мутлақ ҳуқуқ эгасидан берухсат тайёрланган ихтиро қўрилмаси). у албатта олиб қўйилиши шарт. Агарда бунда ҳуқуқбузар махсус тайёрланмаган моддий объектдан фойдаланган бўлса (масалан, асарни рухсатсиз тижорат мақсадларида компьютер орқали кўпайтириш), олиб

қўйиш ушбу объектга қаратилмасдан, балки натижага қаратилиши ҳам мумкин.

Йўл қўйилган ҳуқуқбузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унда бузилган ҳуқуқ кимга тегишли эканлиги туғрисидаги маълумотларни айтиш орқали мутлақ ҳуқуқлар ҳам, шахсий ҳуқуқлар ҳам ҳимоя қилиниши мумкин. Бундай усул ҳуқуқи бузилган шахснинг талаби билан суд қарори асосида амалга оширилади. Маълумотларни эълон қилиш (радио, телевидение, газета-журналлар ва ҳоказо) ҳуқуқбузарнинг ҳисобидан амалга оширилади. Мажбурий суратда эълон қилдириладиган маълумотномада муайян интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар қандай бузилгани, ким томонидан бузилгани ва бу мутлақ ҳуқуқлар эгаси ким эканлиги албатта кўрсатилиши шарт. Хабарнома матни суд томонидан белгиланади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Масалан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳақидаги қонуннинг 16-моддасига асосан муаллифлик ҳуқуқи объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларини ҳимоя белгилари орқали муҳофаза этилишини таъминлашга ҳақли. Ушбу қонуннинг 49-моддасида эса турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгилари назарда тутилган. Ушбу ҳимоя белгилари улар туширилган объектларга нисбатан мутлақ ҳуқуқ кимга тегишли эканлиги ва унинг амал қилиш даври қачон бошлангани ҳақида барча тегишли шахсларни хабардор қилади ва бинобарин бошқа шахслар томонидан бундай объект бўйича мутлақ ҳуқуқларнинг бузилишини ўзига хос тарзда олдини олади, ҳимоя қилади.

Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси (1967 йилдаги Стокгольм ҳужжати) фирром рақобатнинг олдини олишни интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усулларида бири сифатида назарда тутди. Бинобарин, фирром рақобатга йўл қўймаслик, унинг оқибатларини бартараф этиш ва қирром рақобатчини жавобгарлигини

таъминловчи ҳуқуқий воситалар мажмуи ҳам мутлақ ҳуқуқларни ҳамоя қилишнинг бевосита усулларида бири сифатида қаралиши мумкин. Фирром рақобат тушунчаси, унинг намоён бўлиш шакллари ва унга қарши ҳуқуқий жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қонун”да белгилаб қўйилган.

Маълумки, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини яратиш шартномалар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай шартномаларнинг турлари, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида ФКнинг 1037-моддаси шарҳига қаранг.

Интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда ФКнинг ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларининг мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалари қўлланилади. Жавобгарлик асослари ФКнинг 324 - 329-моддаларида белгилаб қўйилган. Айни вақтда ФКнинг мажбуриятларнинг алоҳида турларини тартибга солувчи қисмларида илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари лудраи шартномаси (ФКнинг 693-702-моддалари), муаллифлик шартномаси (ФКнинг 1067-моддаси) бўйича шартнома мажбуриятларини бузганлик учун тарафлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган.

60-БОБ. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

1041-модда. Муаллифлик ҳуқуқи билан кўриқланадиган асарлар (муаллифлик ҳуқуқи объектлари)

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим.

Ёзма шаклдаги ёки моддий жисмда бошқача усулда ифодаланган асар (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзувлар, техника воситалари ёрдамидаги ёзув, шу жумладан аудио ёки видео ёзув, икки ўлчовли ёки ҳажмий-фазовий шаклда яратилган тасвир ва ҳоказо), ундан учинчи шахсларнинг фойдаланиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Оғзаки ёки моддий жисмда ифодаланмаган бошқа асар, башарти у учинчи шахслар идрок эта оладиган ҳолга келган бўлса (омма олдида сузлаш, оммавий ижрочилик ва ҳоказо), объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи эълон қилинган (ошкор қилинган, чоп этилган) асарларга нисбатан ҳам, эълон қилинмаган асарларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан утказиш ёки бошқа бирон-бир расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Ушбу модда мазмунидан асар шахснинг ижодий фаолият натижаси эканлиги англашилиб турибди.

Фақат инсонгагина хос бўлган тафаккур қилиш жараёнида ижодий фаолият натижалари юзага келади. Бундай натижалар янги, илгари номаълум бўлган ва асл (оригинал) бўлсагина ижодий меҳнат самараси ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг салобатли институтларидан бири бўлган муаллифлик ҳуқуқи инсон тафаккурининг муттасил ишлаши - ижодий фаолият жараёнини тартибга

солмасдан, балки бундай ижодий фаолият натижасида юзага келган фан, адабиёт, санъат аарларини ўз муҳофазасига олади.

Ижодий меҳнат самараси моддий эмас, балки маънавий объект ҳисобланганлиги учун ҳам асар маънавий объект ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда бундай маънавий натижалар объектив (моддий) шаклни олган пайтдагина муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланади. Муаллифлик ҳуқуқи асарнинг мақсади, кадр-қимматидан, ифодаланиш усулидан қатъи назар уни қўриқлайди. Албатта бадиий нуқтаи-назардан шубҳали, бундан ташқари антимиллий асарлардан фойдаланиш фойдасиз бўлса-да, аммо бундай асарлар ҳам муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектив шаклга эга бўлмаган баъзи оғзаки ёхуд моддий жисмда ифодаланмаган бошқа асарлар учинчи шахслар идрок этадиган шаклга келган бўлса, бундай асарлар купчилик олдида сўзланган, куйланган ҳолларда объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Мазкур Кодекснинг 1042-моддасида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг (“Халқ сўзи”, 17 сентябрь 1996 йил) 6-моддасида куп тарқалган объектив шаклда акс этган бир қатор муаллифлик ҳуқуқи объектлари берилган.

Муаллифлик ҳуқуқи билан объектив шаклни олган бутун асарнинг фақат ўзигина тўлалигича қўриқланмасдан, балки уни ташкил қилувчи мустақил асл (оригинал) қисмлар ҳам унинг ўзи сингари алоҳида қўриқланиши мумкин (бу ҳақда ушбу Кодекснинг 1043-моддаси шарҳига қаранг).

Бундан ташқари ҳар қандай асар алоҳида-алоҳида унсур (элемент)лар (масалан, бадиий образлар, диалоглар, тил, сюжет, мавзу, ғоя, гипотеза, илмий факт)лардан иборат бўлади. Бундай унсурларнинг айримлари асарнинг шаклига тааллуқлидир (масалан, бадиий образлар, тил); бошқа унсурлар эса бевосита асар мазмунига дахлдор, масалан, сюжет, ғоя. Муаллифлик ҳуқуқи асар мазмунини ташкил қилувчи

унсурларни асарда акс этган шаклда қўриқлайди. Чунончи, гоյ муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланмаса-да, аммо у асарда қандайдир шаклда ифодаланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, агарда илмий мақолада кашфиёт баён қилинса, бундай кашфиёт баён қилинган шаклда қўриқланади. Шарҳланаётган модданинг 6-қисми мазмуни айнан шундан иборат.

1042-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига қуйидагилар киради:

адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, уқув, публицистик ва бошқа асарлар);

драматик ва сценарий асарлар;

матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;

мусиқали-драматик асарлар;

хореография асарлари ва пантомималар;

аудиовизуал асарлар (кино, теле ва видео фильмлар, слайд-фильмлар, диафильмлар ва бошқа хил кино, теле ҳамда видео асарлар), радио асарлар;

рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари;

манзарали-амалий ва сахна безаги санъати асарлари;

архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;

фотография асарлари ва фотографияга ухшаш усулларда яратилган асарлар;

жуғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жуғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар;

барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари;

ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа асарлар.

Шарҳланаётган ушбу моддада муаллифлик ҳуқуқи нормалари билан қўриқланадиган асарларнинг турлари санаб ўтилган. Ушбу рўйхат тахминий бўлиб, улар фан, маданият, техника ривожланган сари тобора кенгайиб бораверади.

Шунинг учун ушбу модданинг охирги бандида “Кодекснинг 1041-моддасида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа асарлар” ҳам муаллифлик ҳуқуқининг объектлари жумласига киритилиши мумкин деб қайд этилган.

Янги Фуқаролик Кодексида муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланидиган объектлар доираси анча кенгайди. Чунончи, аудиовизуал асарлар, барча турдаги электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, боғ-парк барпо этиш санъати асарлари, амалий дастурлар, операция тизимлари шулар жумласидандир.

Электрон ҳисоблаш машиналари билан яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси туғри-сидаги Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 136-модда) ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Қонуннинг 3-моддасида ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига киритилган.

Юқорида санаб ўтилган объектлар эълон қилинган (ошкор қилинган, чоп этилган) ёхуд эълон қилинмаган асарлар бўлишидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланади.

Бундай объектларнинг рўйхатдан ўтказилиши ёхуд бирон бир расмийликка риоя қилиши талаб қилинмайди, яъни юқоридагилардан қатъи назар буларга муаллифлик ҳуқуқи жорий қилинади. Муаллифлик ҳуқуқи асарнинг яратилиш пайтидан бошлаб вужудга келади.

Муаллифлик ҳуқуқининг объектлари ҳисобланмайдиган асарлар ва уларга ўхшаш фаолият натижалари рўйхати Кодекснинг 1044-моддасида санаб ўтилган.

Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳалари муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида қандайдир хусусиятларга эга бўлиши кераклиги мазкур Кодекснинг 1045-моддасида мустақамланган.

Қонунга биринчи марта муаллифлик ҳуқуқи билан қуриқланадиган объектлар жумласига “манзарали амалий ва саҳна беазаги санъати асарлари” киритилди.

Манзарали амалий санъат асарлари жумласига амалда фойдаланиладиган буюмларга кўчирилган икки ўлчовли ёхуд уч ўлчовли, шу жумладан бадиий ҳунармандчилик асари ёки саноат иули баған тайёрланган асарлар киради.

Аудиовизуал асарлар ҳам худди шунингдек биринчи марта муаллифлик ҳуқуқи билан қуриқланадиган объект сифатида кўрсатиб ўтилди. Аудиовизуал асарлар уз ичига кино, теле ва видео асарларни қамраб олиб, бир вақтнинг ўзида ҳам кўриш, ҳам эшитиш орқали инсон қабул қиладиган асарлар ҳисобланади.

Аудиовизуал асарлар жумласига жанридан (бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабон, ўқув, мултипликацион ва бошқалар), ҳажмидан (тулиқ метражли, қисқа метражли, кўп серияли ва бошқалар), ижро этиш шаклидан (товушли, оққора, рангли, кар-соқовлар учун кўрсатув ва эшиттиришлар ва бошқалар) қатъи назар, ҳар қандай кино, теле ва видеофильмлар билан бир қаторда слайдфильмлар, диафильмлар ва бошқа кино ҳамда теле асарлар киради. Амалий жиҳатдан баҳоланганда барча аудиовизуал асарлар турли-туман санъатларни ўзида органик жиҳатдан ягона бадиий шаклда мужассамланишидир. Масалан, кино ёхуд теле асари сценарий муаллифи, рассом, композитор, оператор, актёр ва бошқа шахсларнинг меҳнати муҳаррир томонидан ягона бадиий асарга бирлаштирилиши натижасида вужудга келади.

1043-модда. Асарнинг қисмлари ва ҳосила асарлар

Ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгилаб қўйилган талабларни қаноатлантирувчи асарларнинг қисмлари, уларнинг номи ва ҳосила асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектларидир.

Ҳосила асарлар жумласига қуйидагилар киради:

бошқа асарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил этилган асарлар (ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар ҳамда фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги шунга ўхшаш бошқа асарлар);

таржималар;

материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси булган тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумот базалари) ва бошқа жамлама асарлар.

Ҳосила асарларнинг яратилиши учун асос булган ёки улар уз ичига олган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари булиши ёки булмаслигидан қатъи назар, ҳосила асарлар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади.

Асарнинг қисмлари муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида ва ҳосила асарлар руйхати янги ФК ида биринчи марта ўз аксини топди. Кодекснинг 1041-моддасида муаллифлик ҳуқуқи билан қуриқланадиган асарларга қўйиладиган талаблар мустаҳкамланган. Шарҳланаётган модданинг мазмуни шундан иборатки, асар тўлалигича қандай муҳофаза қилинса, уни ташкил қилувчи қисмлар ҳамда ҳосила асарлар ҳам худди шундай муҳофаза қилинади.

Асар турли қисмлардан иборат булиши мумкин, масалан, кинофильмда алоҳида фрагментлар, алоҳида кадрлар, шеърда алоҳида мисралар, бошқа шеърларга ухшамайдиган қофиялар булиши мумкин. Мана шундай асарни ташкил қилувчи қисмлар ҳам муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади.

Ҳар қандай асар алоҳида-алоҳида унсур(элемент)лар (масалан, бадиий образлар, диалоглар, сюжет, мавзу, ғоя, гипотеза, илмий фактлар)дан иборат булиб, бу элементларнинг айримлари асар шаклига (тил, бадиий образлар), бошқалари эса асар мазмунига тааллуқлидир (масалан, сюжет, ғоя).

Муаллифлик ҳуқуқи асар мазмунини ташкил қилувчи унсурларнинг айнан ўзини қуриқламасдан, балки бундай унсурларни асарда ифода қилинган шаклда қуриқлайди.

Асар номининг қуриқланиши муаллифнинг асар дахлсизлигига булган ҳуқуқини қуриқлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки асар номи асар мазмунининг таркибий қисми ҳисобланиб, асарнинг узига хос ташрифномасидир.

Ушбу шарҳланаётган модда асарнинг номи мазмунидан ва асардан алоҳида ҳолда ҳам ҳуқуқий муҳофаза объек-

ти бўла олиши мумкинлигини назарда тутати. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 7 майда қабул қилинган “Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари туғрисида”ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 224-модда) 6-моддаси 2-банди, 3-қисмида мустақкамлаб қўйилган нормага асосан муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг меросхўрлари розилигини олмаган тарзда Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган буюк асарлар, адабиёт, санъат асарлари номларини маҳсулот ва хизмат кўрсатиш белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш мумкин эмас.

Бинобарин, асар номидан маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш белгиси сифатида фойдаланишнинг алоҳида тартиби мавжуд. Эндиликда асар номидан бошқа мақсадларда фойдаланишда чегара мавжуд. Асарга ном қўйишда муаллиф алоҳида ёндошиб, ўз эрк-иродасига асосан иш кўриб яратади. Асар номи муаллиф фантазиясининг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Асарнинг номи унинг таркибий қисми сифатида муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўлиб, уни белгилашга нисбатан мутлақ ҳуқуқ муаллифга берилган.

Айни вақтда муаллиф бу номдан маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш белгиси сифатида фойдаланишга рухсат берса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи бу номни ўз маҳсулотининг белгиси сифатида расмийлаштириши ва унга нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳиби бўлиши мумкин.

Муаллиф асар номидан худди шундай тартибда фойдаланишга ҳақ эвазига ҳам, текинга ҳам рухсат бериши мумкин. Кўп ҳолларда бу ҳақ эвазига амалга оширилади. Асар номи кўриқланишининг қонунда мустақкамланганлиги асардан ўзига хос тарзда фойдаланиш ҳуқуқининг бир кўриши сифатида майдонга чиқади. Асар номидан муаллиф мулкий манфаат кўришни хоҳламаса, у ҳолда бу ҳуқуқ шахсий номулкий ҳуқуқ тарзида намоён бўлади. Асарга топиб қўйилган ном баъзи ҳолларда унинг муваффақиятини таъ-

минлаши мумкин. Агар адабий асар вақтли матбуотда эълон қилинганда асар номи матбуот ходимлари томонидан муаллифнинг фикр-мулоҳазаси билан ҳисоблашмасдан ёхуд унга зид равишда ўзгартирилган бўлса, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига зид хатти-ҳаракат содир этилган ҳисобланади.

Ушбу моддада ҳосила асарлар руйхати ҳам кўрсатилган. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ҳосила асарлар мустақил асар бўлмай, балки унинг келиб чиқиши дастлабки асар билан боғлиқ ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига берилган шарҳлар ҳосила асарлар жумласига қиради. Таржималар ҳам ҳосила асарлар жумласига киритилган бўлиб, таржимон ўз таржимасига нисбатан муаллифлик ҳуқуқига эга. Шу билан бир қаторда таржиманинг мустақил асл нусха асардан ҳосила, иккиламчи асар эканлиги шарҳланаётган моддада таъкидланади.

Материалларнинг танланганлиги, жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижалари бўлган тўплам (бундан буён тўплам) тузувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқлари бирон-бир шахснинг муаллифлик ҳуқуқи предмети бўлиб ҳисобланмаган асарлар тўпламларига, гарчи: қонунлар, суд қарорлари, бошқа расмий ҳужжатлар тўпламларига, муаллифлари номаълум бўлган халқ ижодиёти асарлари, қадимги ҳужжатлар ва ёдгорликлар, шунингдек муаллифлик ҳуқуқи билан қуриқланмайдиган бошқа асарлар тўпламларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи, башарти тўпламга киритилган материал мустақил тарзда ишлаб чиқилган ёхуд тизимлаштирилган бўлса, шу тўплам тузувчиларга тегишли бўлади.

Бундай тўпламларнинг яратилишига асос вазифасини ўтаган асарлар муаллифлик ҳуқуқининг объектлари бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, қонунлар, суд қарорлари ва бошқаларни тўплаш натижасида ҳосила асар яратилса, бундай тўпламни яратиш учун асос бўлган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди. Аксин-

ча, энциклопедия тузилган ҳолларда, уни ташкил қилувчи мустақил асарлар тўплами муаллифлик ҳуқуқи билан қуриқланадиган объект бўлиши мумкин.

1044-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган асарлар ва уларга ўхшаш фаолият натижалари

Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди: расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, тўхтамлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);

халқ ижодиёти асарлари;

оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;

инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштирокисиз, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

Ушбу моддада муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган асарлар ва уларга ўхшаш фаолият натижалари жой олган. Гарчи буларда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг белгилари мавжуд бўлса-да, аммо қонунда тўғридан-тўғри бундай объектларнинг муаллифлик ҳуқуқининг объекти эмаслиги мустақамланган.

Қонунлар, қарорлар, тўпламлар ва шу кабилар жумласига меъёрий тусдаги ҳужжатлар, йуриқномалар, кўрсатмалар, тўхтамлар, андоза (стандарт)лар, услубий тавсияномалар, юридик шахсларнинг Уставлари, суд қарорлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳужжат (акт)лари, жумладан айблов хулосаси, прокурорнинг тақдимномаси, дастлабки тергов органларининг ҳужжат (акт)лари, шунингдек ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан жўнатиладиган ҳисоботлар, маълумотномалар, эътирозномалар, даъво аризалари ва бошқа расмий ҳужжатлар киради.

Давлатнинг расмий рамзи ва белгилари, унинг байроғи, герби, орденлари, мадҳияси (гимни), пул белгилари ва бошқаларнинг аксарияти ижодий фаолият натижасида юзага келса-да, улар объект ҳисобланмайди.

Ҳақиқатан ҳам бундай тарздаги асарлар аксариятининг муаллифлари маълум бўлиб, булар шахс ижодий фаолияти самараси бўлиши мумкин. Шу маънода олганда бундай асарлар одатдаги муаллифлик ҳуқуқи билан кўриқланадиган асарлардан фарқ қилмайди. Аммо бу тарздаги асарлар давлат органи томонидан қабул қилинган рамз ёхуд давлат белгиси сифатида тасдиқланган, маъқулланган пайтдан бошлаб расмий ҳужжат мақомини олади. Асарлар ҳуқуқий мақомининг бундай ўзгариши ёхуд ҳуқуқий мақом олиш вақтининг белгиланиши вужудга келиши мумкин бўлган низоларни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Халқ ижодиёти асарлари, жумладан, фольклор асарларга дostonлар, мақоллар, латифалар, рақслар, халқ бадиий тўқималари, халқ кийимлари ва анъанавий архитектура ва бошқалар кириши мумкин.

Бундай халқ ижодиёти асарларининг муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига киритилмаслигига сабаб бундай асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтиб кетганлиги эмас, албатта. Балки бундай халқ ижодиёти наъмуналарининг яратувчиси муайян шахс сифатида маълум эмас, чунончи бундай асарларнинг муаллифи халқ бўлиб ҳисобланади. Бундай асарларни муаллифи кўрсатилмаган ҳуфёна асарлардан фарқлаш лозим.

Оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий воқеалар ҳақида хабарлар жумласига у ёки бу жинойат ҳодисалари тўғрисида маълумот бериш, телеграф ахборот агентлигининг хабарлари ва бошқалар мисол бўла олади. Бундай маълумотлар тезкорлиги, тўғрилиги жиҳатидан аҳамиятга эга бўлиб, жуда қисқа шаклда берилади. Бунда муаллифнинг якка шаклда намоён бўлишига ҳожат йўқ. Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунининг 18-моддасида “бундай маълумотларни тайёрлаган муаллифни ёхуд ушбу маълумотларни биринчи марта эълон қилган оммавий ахборот воситасини кўрсатиш шарти билан бундай маълумотни тарқатишга йўл қўйилади” деб ёзиб қўйилган.

Инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштирокисиз, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар, шу жумладан нусха кўчириш аппарати орқали олинган натижа, техника ёрдамида андозалар яратиш, андоза орқали маълум жисмлар, шакллар ва бошқалар яратиш муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўла олмайди.

1045-модда. Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларига бўлган ҳуқуқлар

Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойиҳани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишлидир.

Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларини ишлаб чиққан шахслар, башарти бундай лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берган орган томонидан тақиқланмаган бўлса, ўзлари яратган лойиҳаларни эълон қилишга ҳақлидирлар. Лойиҳани эълон қилишда уни ишлаб чиққан шахслар ўз исmlарини кўрсатишга ҳақлидирлар.

Ваколатли орган расмий ҳужжат тайёрлаш учун лойиҳадан, башарти лойиҳа уни ишлаб чиққан шахс томонидан эълон қилинган ёки тегишли органга юборилган бўлса, мазкур шахснинг розилигисиз фойдаланиши мумкин.

Лойиҳа асосида расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгилар тайёрлаш чоғида расмий ҳужжат, рамз ёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойиҳага қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Ваколатли орган лойиҳани маъқуллаганидан кейин лойиҳадан уни ишлаб чиққан шахснинг исми-шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш мумкин.

Кодекснинг 1044-моддаси шарҳида расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳалари гарчи ижодий тафаккур натижасида вужудга келган бўлса-да, бундай объектлар қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилганлиги сабабли муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланмаслиги таъкидланган эди. Бундай асарлар муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланмаса-да, аммо уни яратган (ишлаб чиққан) шахс

мазкур объектнинг лойиҳасига нисбатан муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлади. Гап шундаки, бундай асар белгилари мавжуд объект лойиҳалари тегишли тарзда тасдиқланган, маъқулланган вақтдан бошлаб рамзи ҳужжат, рамз ва расмий белги мақомини олади. Масалан, давлат расмий ҳисобланган давлат гимни давлат рамзи сифатида қабул қилинган (тасдиқланган, маъқулланган) пайтдан бошлаб расмий рамз мақомини олган. Таниқли шоир А.Орипов сўзи ва мусиқа-шунос М.Бурҳонов мусиқаси билан Ўзбекистон Республикasinинг давлат гимни яратилган. Буюк истеъдод эгаларининг лойиҳани яратишда меҳнатлари беқиёс бўлган. Мазкур гимнга нисбатан бу шахслар муаллиф бўлиб ҳисоблансаларда, у давлатнинг рамзига айланган. Ваҳоланки, муаллиф рухсати олинмасдан ундай фойдаланиш мумкин.

Шарҳланаётган модда бундай расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларини эълон қилишда ўз исmlарини кўрсатиб чоп қилиш ҳуқуқини унинг муаллифларига беради. Аммо лойиҳа асосида бундай объектларни тайёрлаш вақтида муаллиф рухсатисиз расмий ҳужжат, рамз ёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойиҳага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бундай тарздаги расмий ҳужжатлар қабул қилингунига қадар, топшириқ берган орган томонидан унга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши асар дахлсизлигининг бузилиши сифатида қаралмаслиги керак.

Лойиҳа ваколатли орган томонидан маъқулланганидан сўнг ундан ишлаб чиққан шахснинг исmini кўрсатмасдан фойдаланиш мумкин.

Баъзан расмий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида маълум орган топшириқ беради. Топшириқ асосида тегишли расмий ҳужжат (йўриқнома, услубий тавсиянома ва бошқалар) тайёрланади. Ушбу топшириқ берган ваколатли орган рухсатисиз муаллиф объект лойиҳаларини эълон қилишга ҳақли эмас. Агар махсус тақиқлаш мавжуд бўлмаса, муаллифлар ўз исmlарини кўрсатган ҳолда бундай объект лойиҳаларинигина эълон қилишга ҳақли.

1046 -модда. Асар муаллифи. Муаллифлик презумпцияси

Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади.

Асар биринчи марта эълон қилинганда муаллиф сифатида курсати пан шахс, башарти бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки таҳаллус остида эълон қилинган тақдирда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарда исми-шарифи ёки номи курсатилган ношир, башарти бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ҳолда бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунича ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунича амалда бўлади.

Асарга нисбатан субъектив ҳуқуқларга эга бўлган шахс муаллифлик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонуллари бўйича муаллифлик субъектив ҳуқуқларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқаролари, уларнинг ворислари ва бошқа ҳуқуқни қабул қилувчилар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ўзи эга бўлиши мумкин. Юқоридаги ҳар бир субъект учун асарга нисбатан ҳуқуқ турлича юридик фактлар асосида вужудга келади. Бири учун ижодий фаолияти натижа-сида асар яратинг асос бўлиб хизмат қилса, иккинчиси – ворислик бўйича муаллифлик ҳуқуқларини олса, учинчиси муаллифлик шартиномаси ва ҳоказо орқали субъектив ҳуқуқларга эга бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқининг муҳим субъекти ўз ижодий фаолияти билан асар яратган шахс ҳисобланади. Жинсидан, ёшидан, муомала лаёқатидан қатъи назар, ҳар қандай шахс асар муаллифи бўлиши мумкин. Нафақат асл (оригинал) асар ижодкорларининга, балки ҳосила асарларга нисбатан ҳам муаллифлик ҳуқуқи тан олинади (ушбу Кодекснинг 1043-моддасига қарап).

Бундан ташқари, ижодий асарлар вояга етмаганлар, ўсмирлар томонидан, шунингдек муомалага лаёқатсиз ёхуд

муомала лаёқати чекланган шахслар томонидан ҳам яратилиши мумкин. Бундай тоифадаги шахсларнинг муаллифлик ҳуқуқлари уларнинг ота-оналари, васий ёки ҳомийлари томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаганлар ва муомала лаёқати чекланганларнинг муаллифлик ҳуқуқларини амалга ошириш бирмунча узгачароқ. Ун тўрт ёшга тўлмаган, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб танилган шахсларнинг муаллифлик ҳуқуқларини уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва васийлари амалга оширади. Жумладан, вояга етмаганлар номидан муаллифлик шартномаларини уларнинг ота-оналари ёхуд қонуний вакиллари тузади. Бу нарса ота-оналар, қонуний вакиллар ушбу шартнома бўйича ўзларига қандайдир мажбуриятлар олади ва уларнинг бажармаслиги учун жавобгар бўлади деган маънони билдирмайди. Шартнома бўйича тараф бўлиб вояга етмаган шахснинг ўзи қатнашади, ота-оналар ва қонуний вакиллар эса, вояга етмаган номидан қатнашади, холос.

Ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ўз муаллифлик ҳуқуқларини мустақил амалга оширади (ФК нинг 27-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича жисмоний шахслар билан бир қаторда юридик шахслар ҳам муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлиши мумкин. Агар юридик шахслар ижодкор ҳуқуқларини қабул қилувчи бўлиб ҳисобланса, унинг муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлиши ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Масалан, юридик шахс айрим муаллифлик ваколатларига муаллиф хизмат вазифасини бажариш вақтида асар яратган ҳолларда эга бўлиши мумкин. Барча ҳолларда юридик шахс илк маротаба жисмоний шахс-ижодкор эга бўлган муаллифлик ҳуқуқларига қонунда кўрсатилган асослар бўйича ҳосила тарзда эга бўладилар. Чунки ижод қилиш, яратиш фақат инсонгагина хос хусусиятдир. Муайян жисмоний шахс (шахслар)нинг ижодий меҳнатини ўз ичига қамраб олмаган юридик шахснинг қандайдир ижодий фаолияти тўғрисида сўз юритиш мантиққа

зид бўлган бўлур эди. Юридик шахс фақатгина жисмоний шахсларнинг эркин ижод қилиши учун моддий шарт-шароит яратишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар кўрганлиги тўғрисида гапириш мумкиндир, аммо бундай хатти-ҳаракатлар юридик шахснинг дастлабки муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлишини билдирмайди.

Шу билан бирга муаллифлик ҳуқуқларининг субъектлари нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган ёки чоп этилмаган бўлса-да, асл нусхаси бирон-бир объектив шаклда унинг ҳудудида турган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Бундай ҳолда муаллифлик ҳуқуқи муаллифга ва унинг меросхўрларига, шунингдек фуқаролигидан қатъи назар, муаллифнинг бошқа ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муаллифлик ҳуқуқининг субъекти турли-туман шахслар бўлиши мумкин, аммо асар муаллифи деб ижодий меҳнат билан асар яратган шахс-нигина тушунамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк тўғрисидаги Намунавий Қонунида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида муаллифлик презумпцияси ўз аксини топган. Бу презумпцияга асосан, агар бошқача далил, исботлар бўлмаса асар биринчи марта эълон қилинганда асарнинг асли ёки унинг нусхасида муаллиф деб кўрсатилган шахс номи кўрсатилган ношир асар муаллифи деб тан олинади. Бинобарин, ижодкор шахс узининг муаллифлигини, то бошқа шахслар бунинг аксини исботламагунича, ҳеч кимга исботлаб ўтиришга мажбур эмас. Ваҳоланки, унинг муаллифлиги сўзсиз тан олинishi керак.

1047-модда. Ҳаммуаллифлик

Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Башарти асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, башарти уларнинг ўртасидаги келишувда узгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан уз хоҳишига кура фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, келишув асосида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади.

Башарти ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб таққаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас.

Асар бир неча ижодкор шахсларнинг биргаликда, ҳамкорликда қилган меҳнатлари натижасида юзага келиши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқида биргаликда ижод қилган икки ёки ундан ортиқ шахсларга ҳаммуаллифлар дейилади. Масалан, проф. Ҳ.Р.Раҳмонқулов таҳрири остида чиқарилган бир неча муаллифлар томонидан ёзилган “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига шарҳлар” ва шунга ўхшаш бошқа дарсликлар, мусиқалар ҳаммуаллифликда вужудга келган асарлардир.

Шуни таъкидлаш лозимки, асар яратишда техникавий, молиявий ва бошқача ҳамкорлик қилиш ҳаммуаллифликни келтириб чиқармайди. Энг асосийси, ҳаммуаллифлар ўз ижодий меҳнатлари билан асар яратишда иштирок этган бўлишлари керак.

Ҳаммуаллифликда юзага келган асарлар иккига бўлинади:

Биринчидан, мазмун жиҳатидан булинмайдиган асарлар; уни яратишда ўз ижодий меҳнати билан қатнашган шахсларнинг ҳар бири асарнинг у ёки бу қисмини яратиши мумкин, аммо асар мазкур қисмларсиз ўқилганда тўла мазмун келиб чиқмайди. Масалан, Фуқаролик ҳуқуқи бўйича дарсликнинг битимларга ёхуд юридик шахсларга, даъво муддатига бағишланган бирон-бир боби олиб ташланса, мазкур дасрлик ўз функциясини бажаришга қодир бўлмайди. Шу сабабли бундай асар мазмун жиҳатидан булинмайдиган асар ҳисобланади.

Иккинчидан, мазмун жиҳатидан бўлинадиган асарлар; бундай асарларнинг маълум қисмлари мустақил мазмуни бўлади, шунинг учун уни маълум қисмларга бўлиб ўқилганда мустақил хулоса чиқариш мумкин. Бундай тарздаги муаллифликда юзага келган асарлар жумласига мусиқали драма, опера кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида таъкидланган икки турдаги ҳаммуаллифликда яратилган асарлар уларнинг ҳаммуаллифларига биргаликда тегишли бўлади. Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири яратган асарнинг ўзлари томонидан яратилган ва мустақил аҳамиятга эга бўлган қисмига муаллифлик ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар уларнинг ўзаро келишуви билан белгиланиши мумкин. Бундай келишув бўлмаганда, бундай асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳаммуаллифлар асар яратишда бошқа шахслар билан муносабатларга киришишлари натижасида, бундай шахслар муаллифларга бевосита ижодий фаолият билан боғлиқ бўлмаган техникавий ёрдамлар, жумладан тажриба ишларини ўтказиш, маблағ билан таъминлаш, турли жадваллар тузиш ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳамкорлик қилган шахсларнинг хатти-ҳаракатида ижодий фаолиятнинг аломатлари бўлмаганлиги сабабли, бундай шахслар муаллифлик ҳуқуқидан фойдалана олмайди.

Илмий тўпламлар, энциклопедик луғатлар ва бошқа вақтли матбуот нашрини мустақил равишда ёки бирон-бир нашриёт воситасида чиқарувчи шахслар ана шу яхлит ўз нашрларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлади. Бундай асарларга киритилган асарларнинг муаллифлари ўз-ўзидан муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлади.

Кинофильм ва бошқа хил фильмларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи унинг муаллифларига ушбу фильмни олган юридик шахсга тегишли бўлади.

Саҳнага қуювчи муҳаррирга, бастакорга, рассомга, шунингдек кинофильмга таркибий қисм бўлиб кирган бошқа асарларнинг муаллифларига муаллифлик ҳуқуқи ҳар кимнинг ўз асарига нисбатан тегишли бўлади.

Радио ва телевидение кўрсатув-эшиттиришларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи буларни етказиб берувчи ташкилотларга, бу эшиттириш-кўрсатувларга киритилган асарларга нисбатан эса уларнинг муаллифларига тегишли бўлади.

Биргаликда қилинган бундай ҳаммуаллифликдаги меҳнатнинг хусусияти шундан иборатки, бунда биргаликдаги меҳнат жараёнига эмас, балки биргаликда маълум ижодий натижага эришилади.

У ёки бу шахсларни ҳаммуаллиф деб тан олишнинг асосий шартларидан бири - улар ўртасидаги ўзаро келишувнинг мавжудлигидир. Чунончи бундай келишув муаллифларнинг асар яратишга қаратилган биргаликдаги ижодий меҳнатлари уларнинг ўз эрк-иродалари асосида амалга оширилган бўлиши керак. Бундай келишув ҳар қандай шаклда ва асар устида ишлашнинг ҳар қандай жараёнида содир бўлиши мумкин. Келишув предмети тугатилган асарга қўшимча киритишга қаратилган бўлиши ҳам мумкин.

Келажакда тайёрланиши лозим бўлган асарни ижодий ҳамкорликда яратиш учун келишув ҳеч қандай юридик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлмаган дастлабки келишувдир, бинобарин юридик оқибатлар келиб чиқиши учун бундай ҳаммуаллифлар томонидан асар яратилган бўлиши лозим.

Баъзан вафот этган муаллифларнинг асарларини қайта ишлаш натижасида ҳаммуаллифлик келиб чиқиши мумкин.

Бунда ҳаммуаллифлик тегишли ворислар ёхуд асар дахл-сизлигини қуриқлаш зиммасида бўлган шахслар розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

1048-модда. Ҳосила асарларнинг муаллифлари

Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларнинг тузувчилари тегишинча ҳосила асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилади.

Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамлама асарга киритилган асар муаллифининг ҳуқуқларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асарлар яратувчиларининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг муқаддам фойдаланилган асарлар асосида уз ҳосила асарларини яратишига тўсқинлик қилмайди.

Ҳосила асарлар жумласига кирувчи асарлар ушбу Кодекснинг 1043-моддасида курсатиб утилган. Бундай асарлар бошқа муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ижодий фаолияти натижалари бўлган фан, адабиёт, санъат асарларини қайта ишлаш, шунингдек таржима қилиш, тўплаш (йиғиш) ва бошқа хил тарзда жамлаш натижасида вужудга келиши мумкин. Шунинг билан бирга бундай асарларни яратиш учун асос бўлган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ушбу Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига шарҳлар ҳосила асар бўлиб, бундай асар уз ичига муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланмайдиган асарни (кодексни) олган. Аксинча, роман ёхуд пьесанинг таржимаси албатта ҳосила асар ҳисобланса-да, аммо у муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланган асарни таржима қилиш натижасида бунёдга келади.

Умуман қонун билан қуриқланадиган мустақил ва ҳосила асарларга бўлишнинг амалий аҳамияти шундаки, мустақил асарлардан фойдаланилганда унинг муаллифи ихтиёри, эрк-иродаси ҳисобга олинади, ҳосила асарлар яратилганда ва фойдаланилганда бундай ҳосила асарларни яратиш учун асос бўлган ижодий асар муаллифларининг розиликлари керак бўлади.

Ҳосила асарни бунёдга келтирувчилар тегишли ҳосила асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилади.

Ҳикоя услубидаги асарни драма асари ёхуд драма асарни сценарий асарига айлантириш, босилиб чиққан айрим асарларни ҳамда улардан олишган парчаларни илмий укув ишларда кучириб босиш ёхуд бундай асарлар тўғрисида вақтли матбуотда, радио, телевидениеда хабар бериш, жумладан аннотация, реферат шаклида хабар бериш, омма олдида сузланган нутқларни, докладларни киноларда акс эттириш, босилиб чиққан асарни магнит лентасига ёхуд бошқа техник воситалар ёрдамида ёзиб олиш, тасвирий санъат асаридан саноат буюмларида фойдаланиш каби бир қатор қайта ишлашлар, жамланшлар туфайли ҳосила асарлар яратилиши мумкин. Аммо мазкур ҳосила асарнинг муаллифи уз асарига киритилган асар муаллифларининг бир қатор шахсий номулкий ҳуқуқларига, чунончи, муаллифлик, муаллифлик номига бўлган, асарнинг дахлсизлигига бўлган, фойдаланиш каби ҳуқуқларига риоя қилган тақдирдагина, ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Асарни босиб чиқариш мақсадида бошқа тилга таржима қилишга ушбу асар муаллифи ёхуд унинг муаллифлик ҳуқуқини олган шахслар розилиги билангина пул қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари Ўзбекистон қонунларида белгиланган тартибда, тегишли ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қатнашаётган халқаро шартномалар шартларига риоя қилиб, асарни бошқа тилга таржима қилишга ва бу таржимани босиб чиқаришга рухсат беришлари мумкин.

Асарни таржима қилиш ёхуд таржима қилишга рухсат бериш муаллифнинг асардан фойдаланиш ҳуқуқининг унсури, бошқача қилиб айтганда таркибий қисмларидан биридир.

Асардан фойдаланиш ҳуқуқи эса уз навбатида муаллифни бунинг учун ҳақ олиши муқаррарлигини келтириб чиқаради.

Муаллифнинг таржимага рухсат бериш ҳуқуқи муаллифнинг асар дахлсизлигига бўлган ҳуқуқи билан чамбар-

час боғлиқдир. Асл нусха (оригинал) асар муаллифи таржимадан таржимонга нисбатан кам манфаатдор эмас. Худди шу сабабли у таржимонни танлаш ҳуқуқига эга. Шунинг учун амалиётда “муаллифлаштирилган таржима” кўплаб учрайди.

1049-модда. Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (энциклопедияларнинг ноширлари, фильмларнинг тайёрловчилари, продюсерлар ва шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ ушбу Кодекс ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шундай асарлардан фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга эга бўладилар.

Энциклопедиялардан, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ва бошқа даврий нашрлардан фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқлари уларнинг ноширларига тегишлидир. Бундай нашрдан ҳар қандай тарзда фойдаланилганида ҳам ношир ўз номини кўрсатишга ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, башарти асар яратишга доир шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, тўлиқ нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган алоҳида ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Аудиовизуал асар, шу жумладан фильм яратиш хусусида шартнома тузиш, башарти бундай шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, мазкур асар муаллифларининг асарни такрорлашга, уни тарқатишга, омма олдида ижро этишга, барчанинг эътиборига етказиш учун кабель орқали беришга, эфирга узатиш ёки асардан бошқа ҳар қандай тарзда оммавий фойдаланишга, фильм матнини субтитрлаш ва дубляж қилишга бўлган алоҳида ҳуқуқларининг асарни тайёрловчига ўтишига олиб келмайди. Мазкур ҳуқуқлар аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати давомида амал қилади.

Фильм тайёрловчиси бу асардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганида ҳам ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга ёхуд исми-шарифи ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Фильм омма олдида намойиш этилганида мусиқа асарининг муаллифи узининг мусиқа асари (матнли ёки матнсиз) омма олдида ижро этилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Фильм муаллифи ва фильмга бўлган мулкӣ ҳуқуқнинг бошқа эгалари розилигисиз фильмнинг охирги вариантини (ёзувнинг асл нусхасини) йуқ қилиб юбориш тақиқланади.

Ушбу Кодекснинг 1046-моддасида асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилиши лозимлиги тўғрисидаги қонда мустаҳкамланган.

Кодексда энциклопедиялар, энциклопедик лўғатлар, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламлари, газета ҳамда журналлар ва бошқалар нашрини мустақил равишда ёхуд бирон-бир нашр воситасида чиқарувчи ташкилотлар, ана шу яхлит ўз нашрларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлмасдан, балки бундай нашрлардан фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқларигина уларнинг нашрларига тегишли бўлиши мумкинлиги ушбу модданинг 2-қисми мазмунини ташкил қилади.

Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида сўз бораётган аудиовизуал асар тўғрисида ушбу Кодекснинг 1042-моддаси шарҳида тушунча бериб ўтилган. Амалий жиҳатдан барча аудиовизуал асарлар турли-туман санъат турларини ягона бадиий бутунликка органик жиҳатдан бириктирилишидир. Кино, телефильм каби комплекс асарларни яратишда сценарий муаллифи, расом, бастакор, оператор, актёр ва бошқа шахсларнинг ижодий меҳнатлари муҳаррирнинг санъати билан янги бадиий бутунликка сунъий равишда бирлашиб кетади. Аудиовизуал асар бадиий жиҳатдан ягона бир бутун асар бўлиш билан бирга фильмнинг баъзи компонентлари бўлган мусиқа, фотосуратлар, андозалар, костюмлар, чизмалар ва бошқалар фильмдан алоҳида равишда фойдаланилиши ва мавжуд бўлиши мумкин. Шунингдек, булар муаллифлик ҳуқуқининг мустақил объектлари сифатида аҳамиятли бўлиши мумкин. Бошқа турдаги компонентларни, жумладан муҳаррирнинг, операторнинг, актёрнинг ва бошқа шахсларнинг ижодий ҳиссаларини фақат назарий жиҳатдангина мустақил алоҳида-алоҳида объектларга ажратиш мумкин.

Хар қандай фильм (ҳаваскорлик фильмидан ташқари)га нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ушбу фильмни олган корхонага тегишли бўлишлиги тўғрисидаги қоида илгари амалда бўлган қонунларда ҳам мустақкамланган эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши билан бу масалага ўзгача ёндашилади. Мазкур Қонуннинг 12-моддасига биноан кинофильм, телефильм ва видеофильмнинг тўлиқ муаллифлари (ҳаммуаллифлари) бўлиб, уни саҳналаштирувчи режиссёр, сценарий муаллифи, муайян аудиовизуал асар учун махсус яратилган матн-сиз ва матнли мусиқа асарининг муаллифи, саҳналаштирувчи оператор ҳисобланади.

Бундай асарнинг ҳаммуаллифлари таркибига айтиб ўтилган муаллифлар билан келишувга биноан фильмда фойдаланилган бошқа асарларнинг муаллифлари киритилиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада таъкидланган аудиовизуал асар муаллифлари дейилганда юқорида таъкидлаб ўтилган муаллифлар тушунилмоғи лозим ва мазкур ҳаммуаллифларнинг асарни такрорлашга, тарқатишга бўлган ушбу моддада таъкидланган бошқа ҳуқуқлари асарни тайёрловчига ўтказилиши мумкин эмас (фильм тузиш шартномасида кўзда тутилган ўзгача ҳоллар бундан мустасно), яъни тайёрловчи шахс бундай асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлмайди. Булар бундай асарлардан фойдаланишдагина алоҳида ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

1050-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгилари

Алоҳида муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор этиш учун асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттириладиган ва куйидаги уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин:

айлана ичига олинган лотинча “С” ҳарфи;
алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи);
асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисида курсатилган шахс, башарти бошқа ҳол исботланмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқининг вужудга келиши, амалга оширилиши, қўриқланиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёхуд бирон-бир расмийликларга йўл қўйилмайди (Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни 5-моддаси, 7-қисми). Муаллифлик ҳуқуқи асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа бирон-бир тарзда объектив шаклда ифодаланиш фактининг содир этилиши билан, асарларга нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда мазмуни бирон-бир расмийликка риоя қилиш лозимлигини эмас, балки муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор этиш учун асарнинг ҳар бир нусхасида акс этириладиган ушбу моддада кўрсатилган ҳимоя белгиларидан фойдаланиши мумкинлигини билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, асарда бундай ҳимоя белгисининг қўйилиши Ўзбекистон Республикаси асарларининг айрим мамлакатларда қўриқланишини таъминлайди. Чунки Мексика, Филиппин давлатларида бизнинг давлат асарлари қўриқланиши учун асарда мана шундай белгининг қўйилган бўлиши шарт ҳисобланади. Аммо чет мамлакатларнинг аксариятида бундай белгиларнинг асарда қўйилган ёхуд қўйилмаганлигининг ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамияти йўқ.

“Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 5 май Қонунининг 4-моддаси 6-қисмида шундай дейилган: “Ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш мақсадида ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасининг биринчи бор босиб чиқарилишидан эътиборан муаллифлик ҳуқуқининг уч қисмдан: доира ёки кичик қавс ичига олинган “С” ҳарфи, ҳуқуқ эгасининг номи (исми), ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси биринчи бор босиб чиқарилган йил кўрсатилган ёзувдан таркиб топган ҳимоя белгисини қўллаши мумкин” дейилади.

Бундай ҳимоя белгисини қўллаш алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг ихтиёрига боғлиқ. Бу алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг розилигисиз ҳеч кимнинг асардан текин фойдаланишга ҳаққи йўқлигини билдиради. Асар барча шахслар танишиш, ўқиш, ўрганиш учун имкон берадиган ҳолатда бўлса ҳам, алоҳида муаллифлик ҳуқуқларининг эгаси ҳимоя белгиси орқали барча учинчи шахсларнинг ўз асаридан рухсатсиз фойдаланишини тақиқлайди.

1051-модда. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари

Асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

муаллифлик ҳуқуқи;

муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ;

асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари-муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ, асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари бошқа шахсий ҳуқуқлардан шуниси билан фарқ қиладики, муайян фуқарога тегишли ҳуқуқ ушбу фуқаро билан боғлиқ бўлса, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари муаллифнинг шахси билан боғлиқ бўлмай, балки муаллифнинг ижодий фаолияти натижалари бўлган унинг асари билан узвий боғлиқдир.

Муаллифлик ҳуқуқининг объектлари бозор иқтисоди шароитида ўзига хос мулк ҳисобланади. Бундай мулклар, яъни объектлар номоддий (ноашёвий) кўринишдаги инсон тафаккурини, ақл-идрокиннинг маҳсули, натижасидир. Баъзан асар моддий бўлган ҳайкал, сурат ёки қўлёзма шаклида бўлиши мумкин. Муаллифнинг юқоридаги асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи моддий объектларга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқидан кескин фарқ қилади. Масалан, расом ўз ижодий меҳнати билан вужудга келтирган асарини

сотиши, ҳада қилиши мумкин, бунда буюмлашган асар муаллифдан бегоналаштирилади. Лекин муаллифга тегишли шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллиф (ижодкор)нинг ўзида у билан боғлиқ равишда сақланиб қолади.

Муаллифнинг юқоридаги шахсий номулкий ҳуқуқлари муаллифдан бегоналашмайдиган, ундан ажралмайдиган ҳуқуқлар бўлиб ҳисобланади.

Бундай шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бошқа шахсий ҳуқуқлардан ажратиб турадиган ўзига хос белгилари қуйидагилардир:

а) объектларнинг номоддийлиги;

б) мазкур ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва тугалланишининг ўзига хослиги;

в) асарнинг уни яратган ижодкорга танҳо тегишлилиги кўриниб туради.

Асар муаллифининг шахсий номулкий ҳуқуқларининг номоддийлиги шундаки, булар иқтисодий мазмунга эга эмас, бундай ҳуқуқлар баҳоланмайди, уларни амалга ошириш бошқа шахсларга нисбатан иқтисодий эквивалент мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Баъзи шахсий номулкий ҳуқуқлар маълум ҳодиса, яъни инсон ақл-идрокига боғлиқ бўлмаган ҳолда, инсоннинг туғилиши, маълум ёшга етиши каби сабаблар орқали вужудга келади, баъзи номулкий ҳуқуқлар эса битимлар тузиш (масалан, ёзишмаларни сир тутишга бўлган ҳуқуқ, почта экспедицияси шартномаси) орқали келиб чиқиши мумкин.

Муаллифга тегишли шахсий ҳуқуқлар эса, ижодий фаолият натижаси бўлган фан, адабиёт, санъат асарлари моддий объектив шаклни олган вақтдан бошлаб вужудга келади.

Бундан ташқари, бундай шахсий номулкий ҳуқуқларнинг танҳо унинг ижодкоригагина тегишли эканлигини шундай изоҳлаш мумкин, яъни фикр ҳам бошқа ҳодисалар каби ривожланади, гоё ўзгариб боради. Муаллифнинг қариндош-уруғлари, яқинлари муаллифнинг улимидан кейин ҳаёт шарт-шароитлари ўзгариши туфайли унинг асари мазмунига ўзгар-

тиришлар киритиши мумкинми? Бинобарин ҳар бир муаллиф томонидан ёзилган асар жамият ривожининг маълум босқичини, унинг алоҳида хусусиятларини акс эттирган бўлади, албатта. Шундай экан муаллифнинг фикри унинг ўзи ҳаётлигида ўзгарса, у ўз асарига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин. Мутлақо бошқа бирон кишига бундай ҳуқуқ берилмаган, чунончи, ижодий меҳнат якка, танҳо характер касб этиб, у фақат ижодкор яратувчининг шахсий нуқтаи-назарини, фикрини, ички дунёсини намоён этади. Шундай экан, муаллиф ижодий меҳнатининг самараси бўлган унинг асари ҳамма даврда ҳам ўзининг асл ҳолатини сақлайди ва абадий шундай қолиши керак. Шу маънода асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ танҳо ижодкорнинг шахсан ўзига тегишли бўлган ҳуқуқдир.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари биринчидан, иқтисодий мазмунга эга бўлмаган; иккинчидан ижодкор яратувчини ўз ижодий меҳнат натижалари билан чамбарчас боғлаб турган; учинчидан, махсус асосларда вужудга келадиган ва бекор бўладиган; тўртинчидан, муаллифнинг интеллектуал даражасини белгилаб турган; бешинчидан, асарни яратган шахсга муддатсиз тегишли бўлган; олтинчидан, бошқаларнинг аралашувига, халақит беришига йўл қўймайдиган ҳуқуқлардир.

Муаллифга тегишли шахсий номулкий ҳуқуқлар ўз мазмуни ва хусусиятига кўра мулкый ҳуқуқлар билан ўзаро боғлиқ бўлиши ҳам боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Мулкый ва шахсий номулкий ҳуқуқларнинг муштараклиги, айниқса асар муаллифининг асарга нисбатан муаллифлиги (ҳаммуаллифлик) ҳуқуқи билан муаллифнинг асаридан бошқа шахсларнинг фойдаланганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқининг узвий боғланишида яққол намоён бўлади. Чунончи, муаллифнинг мулкый ҳуқуқлари унинг муаллифлик шахсий номулкий ҳуқуқидан келиб чиқади. Бошқача айтганда асар муаллифи бўлган шахсина асарга нисбатан мулкый ҳуқуқларга эга бўлади. Муаллифлик ҳуқуқини шу маънода олганда ўзига хос ўзак, негиз ҳуқуқ дейиш мумкин. Бун-

дай ҳуқуқ бирламчи ҳуқуқ бўлиб, мулкӣ ҳуқуқлар эса улардан ҳосила сифатида келиб чиқади.

Ҳамма вақт ҳам муаллиф шахсий номулкӣ ҳуқуқлари унинг мулкӣ ҳуқуқлари билан худди шундай узвий боғлиқликда эмас. Масалан, муаллифнинг номига бўлган ҳуқуқ унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъи назар, улар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ва мустақил равишда амалга оширилиши мумкин.

Муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларнинг мазмунини ташкил этиб, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарзида намоён бўлади. Аниқроғи, бундай ҳуқуқлар реал амалга оширилишида ҳар доим ҳам субъектив ҳуқуқ тарзида қаралади. Фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлари иштирокчиларига тегишли бўлган ҳуқуқ субъектив фуқаролик ҳуқуқи деб, уларга тегишли бўлган мажбуриятлар эса, субъектив фуқаролик ҳуқуқи мажбурият сифатида қаралади.

Шарҳланаётган моддадан муаллифга тегишли шахсий номулкӣ ҳуқуқлар субъектив ҳуқуқ тарзида ҳуқуқӣ муносабатда ҳам, ҳуқуқӣ муносабатдан ташқарида ҳам вужудга келиши мумкинлиги англашилади. Масалан, муаллиф ўз асарини нашриётга босиб чиқариш учун топшириб, у билан шартнома тузганда, шартнома унсури сифатида муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқларига риоя қилиш мажбурияти босмаҳона зиммасига юклатилади. Бинобарин, босмаҳона асарни нашр этганда муаллифнинг муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ, асар дахлсизлигига бўлган ҳуқуқига қатъий риоя қилишга мажбур. Муаллиф эса ўз навбатида шахсий номулкӣ ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишлардан ҳимоялаш ҳуқуқларига эга.

Субъектив ҳуқуқни ҳуқуқ лаёқати + муомала лаёқати + ҳуқуқ субъективлиги + юридик факт сифатида формал мантиқӣ баҳолаш ашёвий ҳуқуқ ва мажбурият ҳуқуқӣ муносабатларига дахлдор. Муаллифлик субъектив ҳуқуқларини белгилашда бундай формал мантиқӣ баҳолаш шаклидан фойдаланиб бўлмайди, чунки ёш ижодкор муомала

лаёқатига эга бўлмаса-да, ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиниши мумкин.

1052-модда. Муаллифлик ҳуқуқи

Муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айна шу асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф қилинишини истисно этади.

Муаллиф шахсий ҳуқуқлари ичида унинг энг асосий, марказий ҳуқуқларидан бири - асарга муаллифлик ҳуқуқи муҳим аҳамиятга эга.

Шахс асарнинг муаллифи бўлган тақдирдагина у асарга нисбатан бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик Кодекси қабул қилингунга қадар Ўзбекистоннинг мавжуд бўлган 1963 йилдаги Гражданлик Кодексида муаллифнинг бу ҳуқуқи бевосита ўз аксини топган эмас эди, аммо ҳуқуқий адабиётларда унинг мавжудлиги доимо эътироф этилган.

Муаллифлик ҳуқуқининг моҳияти шундан иборатки, асарни ижодий меҳнати билан яратган шахс ўз асарининг муаллифи сифатида, унинг яратувчиси сифатида ҳамма томонидан эътироф этилиши ва тан олиниши лозим. Муаллифнинг муаллифлик ҳуқуқи билан унинг номга бўлган ҳуқуқини аралаштириб юбормаслик керак. Муаллифлик ҳуқуқи муаллифлик номига бўлган ҳуқуқнинг таркибий қисми ҳам эмас. У муаллифнинг алоҳида марказий ва мустақил ҳуқуқларидан биридир.

Муаллиф ўз муаллифлигини бошқалар томонидан ўзлаштирилган ҳолларда, ўзининг муаллиф деб аталишида манфаатлари ҳимоя қилинишини талаб қилар экан, у қандайдир бошқа ҳуқуқ ва ваколатларга эмас, балки айнан муаллифлик ҳуқуқига таянади.

Муаллифлик ҳуқуқи мулк ҳуқуқидан шу билан фарқ қиладики, бунда муаллиф билан унинг асари орасида узвий боғланиш мавжуд. Бу боғланиш муаллиф томонидан асарни яратилиш фактига асосланади ва муаллифлик ҳуқуқида намоён бўлади. Мулк ҳуқуқида эса мол-мулк билан мулк-

дор ўртасида алоҳида хусусият, яъни узвий боғланиш йўқлиги туфайли, мулкдорнинг моддий ашёга нисбатан алоҳида ҳуқуқига зарурат йўқ. Чунки мулкдор ашёни бегоналаштирганда унга нисбатан бирон бир ҳуқуққа эга бўлмайди.

Муаллифлик ҳуқуқи Халқаро Берн Конвенциясининг 6-моддаси, 1-моддасида ўз ифодасини топган. Унга асосан, муаллифнинг мулкий ҳуқуқларидан қатъи назар, ҳатто, у уларни бошқа бировга ўтказган тақдирда ҳам узининг муаллифлигини тан олиншини талаб қилар экан, бошқа шахслар бу талаб ҳаққоний эканлигини турли шаклларда эътироф этадилар. Худди шундай эътироф этиш усули номга бўлган ҳуқуқнинг рўёбга чиқиши орқали амалга оширилади.

Муаллифлик ҳуқуқида муаллиф эканлик фактини белгилашда патент ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, устуворлик санаши амал қилмайди. Бундан муаллифлик ҳуқуқида асар мазмунан эмас, балки шаклан қуриқланиши келиб чиқади. Бир даврда яшаган икки муаллифнинг асарлари мазмунан бир-бирига мос тушиши мумкин, аммо шаклан ҳар доим бир-биридан фарқ қилади. Масалан, ўзбек адабий адабиёти газал жанрида кўплаб газал байтлари бўлишига қарамасдан, улардан ҳеч қайсиси бир-бирини такрорламайди. Шунини айтиш керакки, улар мазмунан олганда ўхшаш сўзлар (булбул, ишқ, ёр, висол ва бошқалар) билан бир-бирига айнан мос тушади. Баъзан ушбу ўхшашликлар бошқа газаллардан ўзлаштирилганга ўхшаб кўринса-да, аммо шаклан бир ёхуд икки, уч сўз ва ифодаларда фарқ бўлганлиги туфайли, ижодкорлар алоҳида-алоҳида асарларнинг муаллифлари сифатида тан олинади.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллиф вафотидан кейин ҳам эътироф этилади. Ҳуқуқ субъекти жисмоний жиҳатдан мавжуд бўлмаса-да, унинг муаллифлиги жамият аъзолари томонидан тан олинishi лозим ва қонун томонидан муҳофаза қилинади. Ушбу ҳуқуқ ўзига хос ижтимоий ҳодиса бўлиб, у ҳуқуқ субъекти вафот этганидан кейин ҳам сақланиб қолади. Ушбу муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ёки унга

путур етказилиши жамиятда ижтимоий адолатнинг бузилишига олиб келади. Шу маънода муаллифлик ҳуқуқи муддатсиз қўриқланади.

Муаллифнинг муаллифлик ҳуқуқи билан унинг муаллифлик номига бўлган ҳуқуқи ҳамisha узвий боғланишда, аммо муаллифлик ҳуқуқига эга бўлмасдан туриб, муаллифлик номига нисбатан ҳуқуққа эга бўлиш мумкин эмас. Муаллифлик ҳуқуқи мазмунига муаллифнинг асардан фойдаланишда ўз номи албатта кўрсатиб ўтилишини талаб қилиш ваколати ҳам киради. Бу боғланиш муаллифлик ҳуқуқи билан муаллифлик номига бўлган ҳуқуқни қўшиб юбориш учун асос бўла олмайди. Бу ўринда энг аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг асосий ҳуқуқи сифатида, ҳатто, у ўз муаллифлигини билдириш усули (ўз номи, тахаллуси, имзоси ва бошқалар)дан фойдаланмаган тақдирда ҳам мавжуд бўлади.

Ушбу муаллифлик ҳуқуқи бузилмаган ҳолда муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа путур етказилиши мумкин. Масалан, муаллифнинг нашриёт билан тузилган шартномасида асарнинг тахаллус асосида чиқарилишини шарт қилиб қўйилади, бироқ нашриёт асарни муаллифнинг расмий номи билан нашр қилади. Бундай ҳолда муаллифлик ҳуқуқи бузилмаган ҳолда, муаллифлик номига бўлган ҳуқуқига нашриёт томонидан риоя қилинмаган ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи бузилганда, бу ўз навбатида муқаррар равишда муаллифнинг бошқа шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлари бузилишини келтириб чиқаради. Аммо муаллифлик номига бўлган ҳуқуқнинг ўзинигина бузилиши муаллифнинг бошқа ҳуқуқларини, жумладан муаллифлик ҳуқуқини бузилишини ўз-ўзидан келтириб чиқармайди.

Муаллифлик ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг бир унсури бўлиб намоён бўлади ва бу ҳуқуқ ҳар қандай шахсга муаллифнинг мазкур ҳуқуқини бузишдан ўзини тийиб туриш мажбуриятини юклайди.

Ушбу ҳуқуқнинг бузилиши мазкур ижодкор учун қатор руҳий, ижтимоий, ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Бундай оқибат қуйидагиларда ифодаланади:

биринчидан, муаллиф ўз ижодий меҳнати билан маълум асарни яратиб, инсоният маънавий дунёсининг бойиши учун ҳисса қўшган бўлса-ю, ушбу меҳнат эътироф этилмаса, қадрланмаса, албатта ижодкорга маънавий зарар етказилади. Ушбу маънавий зарар шахснинг камситилган меҳнати, қадрланмаган киши сифатида ички изтиробли кечинмаларида намоён бўлади;

иккинчидан, ижодкор ўз асаридан фойдаланиш орқали олиши мумкин бўлган мулкӣ даромаддан маҳрум бўлади;

учинчидан, агар муаллифлик ҳуқуқи учинчи шахслар томонидан ўзлаштирилган бўлса, жамиятда ижтимоий адолат тамойили бузилади. Худди шу сабабли ушбу ҳуқуқнинг ҳар томонлама қуриқланишига эҳтиёж бор.

1053-модда. Муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ

Муаллиф асардан ўз исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга рухсат бериш борасидаги алоҳида ҳуқуққа (муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа) эгадир.

Бундай ваколатнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида ҳам акс этган бўлиб, бу муаллиф асаридан фойдаланишда уни қандай ном билан аташ ҳуқуқи танҳо муаллифга берилганлигида намоён бўлади. У асарни қонун йул қўйган барча усулларда ўз номи билан, шартли номи бўлган тахаллуси билан ёки номини кўрсатмасдан имзосиз тарзда нашр этиш, акс эттириш ёхуд тарқатиш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари, ҳеч ким муаллифнинг бундай ном танлашига ўзгартириш киритиши мумкин эмас.

Асарга муаллиф бўлиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи) муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқдир (ушбу Кодекснинг 1052-моддаси шарҳига қаранг). Муаллифлик ҳуқуқи якка тартибдаги меҳнат натижаси бўлган

асарнинг туғилиши билан вужудга келади, бунинг учун асар босилиб чиқиши шарт эмас. Агар гарчи босиб чиқарилмаса ҳам муаллифлик ҳуқуқи мавжуд бўлади, аммо номга бўлган ҳуқуқ асар ошкор қилинган вақтдан бошлаб вужудга келади. Масалан, ижро қилинадиган асарлар, аксарият ҳолларда чоп қилинмаслиги мумкин. Асар чоп қилинганда муаллифнинг номи асарда, афиша ва плакатларда кўрсатилади. Асар таржима қилинганда ҳам, албатта муаллифнинг номи кўрсатилиши шарт. Баъзан муаллифлик ҳуқуқига дахл қилмасдан муаллифнинг номга бўлган ҳуқуқи бузилиши мумкин (ушбу Кодекснинг 1053-моддаси шарҳига қаранг).

Муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади, у бошқаларга ўтказилиши мумкин эмас.

Фан, адабиёт, санъат асарини ижодкор яратувчиси муаллифининг номи унинг ўз хоҳишича ифодаланмоғи лозим. Чунончи, муаллиф яратган асарига ўзининг ҳақиқий исмини кўрсатиши мажбурий эмас. Муаллиф томонидан махсус кўрсатмалар бўлмаган ҳолларда асар муаллифнинг фамилияси, номи ва отасининг исми кўрсатилиши билан чоп этилади. Агар муаллиф томонидан номланишнинг бундай кўринишини ўзгартириш (масалан, у фамилия ва отасининг исми кўрсатилмаслигини ёхуд аксинча) талаб қилса, бундай талаб қаноатлантирилиши лозим. Бинобарин, бундай талаб муаллифнинг тахаллус танлашга бўлган ҳуқуқидан келиб чиқиб, у ўзининг ҳақиқий исми ўрнига шартли исмини (тахаллусини) кўрсатиши мумкин. Тахаллус сифатида муаллиф томонидан ўйлаб чиқарилган ҳар қандай исм танланиши мумкин.

Муаллиф аноними ва тахаллусини очиш фақат муаллифнинг розилиги билангина бўлиши мумкин. Муаллифнинг розилигисиз тахаллусни ошкор қилиш унинг шахсий номулкий ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Муаллифнинг розилигидан ташқари унинг ҳақиқий исмини матбуотда эълон қилишга жамият томонидан алоҳида қизиқиш бўлган ҳоллардагина йул қўйилади.

Шарҳланаётган модда мазмунидан англашилиб турибдики, муаллиф ўз асарининг номини кўрсатмасдан, хуфийёна тарзда эълон қилдиришга ҳам ҳақли.

Асар муаллифининг номи кўрсатилмасдан чоп этилган барча ҳолларда ижодкорнинг муаллифлигини тасдиқловчи ҳужжат асарни чоп этган босмаҳона ёки муҳарририят томонидан берилган бўлмоғи лозим. Муаллиф номсиз хуфийёна тарзда ёхуд тахаллус билан ўз асарини эълон қилдиришни хоҳласа, асардан фойдаланувчи ташкилот муаллифнинг номини ошкор этишга ҳақли эмас. Агар асардан фойдаланувчи муаллифнинг бундай шахсий ҳуқуқини бузса, у тегишли тарзда жавобгарликка тортилади. Бу ҳолатда муаллиф нима учун ўз расмий номидан фойдаланмаслик сабаблари аҳамиятга эга эмас. Муҳими муаллифнинг эркиродасига зид иш тутилганлигидир. Тасвирий санъат асарлари, саноат буюмларидаги суратлардан фойдаланишда истисноларга йўл қўйилади ва бунда муаллиф номининг кўрсатилиши шарт эмас. Бу асосли албатта.

Муаллифнинг ўз асарини тахаллус остида эълон қилиши баъзи бир ўзига хос ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Биринчи марта тахаллус остида ёки номсиз чоп этилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Башарти, ана шу муддат ичида имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган асар муаллифининг шахси маълум бўлиб қолса, муаллифлик ҳуқуқининг умумий муддати амал қилади.

1054-модда. Асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ

Муаллиф ўз асарига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда асарга ўзининг розилигисиз бирон-бир шахс томонидан ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилишидан асарини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида ҳуқуққа (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа) эгадир.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига ҳам, унинг номига ҳам,

муаллифнинг номи кўрсатилишига ҳам бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар билан, сўзбоши, хотима, шарҳ ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса муаллифнинг меросхўрлари, шунингдек қонунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ иккита турли ваколатни ўз ичига олади. Биринчиси - асарнинг ўзига ўзгартиришлар киритишни назарда тутса, иккинчиси эса - асарнинг ташқи унсурларига ўзгартиришлар киритишни қамраб олади. Мазкур ҳуқуқ ўзининг мазмуни ва номланиши нуқтаи назаридан муаллифнинг ўзига тегишли ҳуқуқ бўлиб, учинчи шахсларга қаратилган қандайдир тақиқлаш сифатида тушунилмаслиги лозим.

Ушбу ҳуқуқ муаллифнинг алоҳида мустақил шахсий номулкий ҳуқуқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Муаллиф томонидан яратилган асар қайси турда бўлишидан қатъи назар, у дахлсиз ҳисобланади. Мабодо муаллифнинг бундай шахсий номулкий ҳуқуқи бузилса, муаллиф, унинг вафотидан сўнг эса ворислари бундай ҳуқуқни тиклаш туғри-сида судга даъво қўзғатишлари мумкин.

Қонун муаллиф вафот этганидан сўнг ҳам асарнинг дахлсизлигини қўриқлашни таъминлайди ва шу мақсадда муаллифга бундай шахсий номулкий ҳуқуқни қўриқловчи шахсни тайинлаш мумкинлигини кўрсатади.

Бундан ташқари шарҳланаётган модда муаллифнинг асар дахлсизлигига бўлган ҳуқуқини мерос тариқасида ўтишини назарда тутмасдан, балки уни қўриқлаш юзасидан мустақил ҳуқуқларни муайян шахсларга ўтишини мустаҳкамлайди. Бундай ҳуқуқлар мазмуни фақат муаллифнинг ўзигагина тегишли бўлган ҳуқуқларга ўхшамайди. Бинобарин, асар муаллифи ҳаётлигида асарини ўз эрки билан ўзгартира

олса, қонунга мувофиқ зиммасида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган шахслар бундай ҳуқуқларга эга бўла олмайди.

Асарнинг дахлсизлигини қуриқловчи шахс сифатида ҳар қандай муомалага лаёқатли фуқаролар тайинланиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, муаллифнинг асар дахлсизлигига бўлган ҳуқуқи узининг мазмуни жиҳатидан унинг ворисларига ёхуд бундай кўрсатма бўлмаганда муаллифнинг меросхўрларига, шунингдек қонунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган шахсларга тегишли бўлган асар дахлсизлигини қуриқлаш ҳуқуқи билан мос тушмайди. Бошқача қилиб айтганда, булар бир хил ҳуқуқлар эмас. Асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ ворисларга тегишли бўлган асар дахлсизлигини қуриқлаш ҳуқуқидан бир мунча кенгдир. Чунки муаллиф ўзига тегишли бўлган асарнинг дахлсизлигига нисбатан ҳуқуқини амалга оширар экан, унинг ўзи шахсан асарга ўзгартиришлар киритиши, ёхуд асарнинг мазмунини тубдан ўзгартиришга рухсат бериши мумкин, аммо ворислар эса фақатгина асарнинг дахлсизлигини қуриқлайдилар, холос.

Қонунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган шахслар қаторига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик, қатор жамоат бирлашмалари, жумладан, ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, журналистлар, меъморлар, театр арбоблари уюшмалари кабиларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Булар ўз ваколатлари доирасида асарнинг дахлсизлигини қуриқлашни амалга оширадилар.

Ворислар марҳум муаллифнинг бундай шахсий ҳуқуқларини қуриқлашга ҳақли, аммо мажбур эмаслар. Одатда кўп ҳолларда марҳум муаллифнинг ворислари бўлиб унинг беваси, фарзандлари ва бошқа яқин қариндош-уруғлари ҳисобланади.

Муаллифнинг асар дахлсизлигига бўлган ҳуқуқи муаллифнинг асаридан баҳраманд бўлувчиларга хоҳлаган шаклда ва мазмунда ўз асари етиб боришини таъминловчи муҳим воситадир.

1055-модда. Асарни эълон қилиш ҳуқуқи

Муаллиф аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига имкон яратиб бериш ҳуқуқига (асарни эълон қилиш ҳуқуқига) эгадир.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш, оммага намойиш этиш йўли билан ёки бошқа тарзда оммавийлаштириш орқали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан аниқ бўлмаган доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиши учун биринчи бор имкон яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади.

Муаллиф асарни эълон қилиш туғрисида илгари қабул қилган қароридан асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли қўрган зарарнинг ўрнини, шу жумладан олинмай қолган фойдани қоплаш шarti билан воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Башарти асар эълон қилинган бўлса, муаллиф ўз асарини чақириб олганлигини оммага маълум қилиши шарт. Бунда муаллиф асарнинг аввал тайёрлаб қўйилган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, башарти муаллиф билан тузилган шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Муаллифнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири унинг асарни эълон қилиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар туғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида белгиланганидек асарни эълон қилиш (ошкор қилиш, чоп этиш) деганда, омманинг ақлий талаб эҳтиёжларини қондириш учун асарнинг, фонограмманинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда асар, фонограмма нусхаларини муомалага етарли миқдорда чиқариш тушунилмоғи лозим. Мазкур ҳуқуқ муаллифлик ҳуқуқи билан қуриқладаниган барча турдаги асарларни оммага маълум қилишга тайёрлиги масаласини ҳал қилиш билан боғлиқдир. Бундай ҳуқуқ алоҳида равишда фақат муаллифгагина тегишлидир, чунки фақат у ўз асарини омма олдида

ижро қилиш, оммага намойиш этиш ёхуд бошқа тарзда оммавийлаштиришга тайёрлиги ҳақида бир хулосага келишга ҳақлидир.

Муаллиф асарни эълон қилиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириши мумкин, чунончи шеърни, маърузани ёхуд бошқа матнни ўқиб бериши, мусиқий асарни ошкора оммавий ижро этиши ва ҳоказо. Шунингдек асарни ижро қилишда яқка шахс (хаммуаллиф)ларнинг имкониятлари чекланган бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам муаллиф ўзининг бу ҳуқуқини ноширлар, мусиқа ташкилотлари ва бошқалар орқали рўёбга чиқаради. Ўзбекистон Республикасида “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан муаллифнинг бундай имкониятлари айниқса кенгайди. Ҳақиқатан бозор шароитида бундай фаолият билан давлат ташкилотлари билан бир қаторда хусусий тадбиркорлик тузилмалари, илмий-маърифий уюшмалар ва бошқалар шуғулланиши мумкин. Энг асосийси, муаллиф асарни эълон қилиш ҳуқуқини ўз эрк-иродасига, ўз хоҳишига таяниб амалга оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, асарни эълон қилиш муҳим ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракат ҳисобланади. Чунончи, бунда асар эълон қилинган ҳисобланиб, қонунда белгиланган ҳолларда, ундан эркин ҳолда фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги нормалар амал қилади.

Шарҳланаётган моддада муаллиф асарни эълон қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан воз кечиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши мустаҳкамланган. Албатта бундай ҳолда, шундай қарор туфайли зарар кўрган фойдаланиш ҳуқуқини олган шахснинг зарари муаллиф томонидан қопланмоғи шарт. Реал зарар ва бой берилган фойдадан иборат бўлган зарарларнинг ҳаммаси ундирилади. Аммо асар эълон қилинган бўлса, ўз асарини чақириб олган муаллиф бу ҳақда оммага маълум қилиши шарт.

Шу билан бир қаторда, муаллифнинг розилигисиз унинг асари бошқалар томонидан эълон қилинган бўлса,

уз навбатида муаллиф ҳам узига етказилган барча зарарларни ундириб олишга ҳақли ҳисобланади. Юқоридаги қоидалар башарти муаллиф билан тузилган шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, хизмат асарларига ҳам татбиқ этилади.

1056-модда. Муаллифнинг асардан фойдаланиш ҳуқуқи

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга эгадир.

Асарни такрорлаш ва уни тарқатиш, бошқа йуллар билан реализация қилиш, хусусан:

асарни омма олдида намойиш этиш (кургазмага қўйиш, экспонат сифатида кўрсатиш);

асарнинг моддий жисмини ташкил этувчи нусхасини ижарага бериш;

асарни омма олдида ижро этиш;

асарни эфирга узатиш (радио ёки телевидение орқали трансляция қилиш), шу жумладан кабель ёки алоқа йулдоши орқали бериш;

асарни техника ёрдамида ёзиб олиш;

асарнинг техникавий ёзувини эшиттириш ёки кўрсатиш, шу жумладан радио ёки телевидение орқали;

асардан кейинчалик фойдаланиш мақсадида уни таржима қилиш ёки қайта ишлаш;

шаҳарсозлик, архитектура, дизайн лойиҳасини амалий рўйга чиқариш асардан фойдаланиш ҳисобланади.

Асарга унинг объектив шаклини, ақалли асл нусхасида қандай бўлса, шу ҳолдаги шаклини қайта бериш (асарни нашр этиш, аудио ёки видеоёзувлардан нусха кўпайтириш ва шу кабилар) асарни такрорлаш ҳисобланади.

Асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки улар иштирокида бошқа амалларни бажариш, шу жумладан уларни импорт қилиш асарни тарқатиш ҳисобланади.

Башарти асарнинг нусхалари қонунга асосан бошқа шахсга берилган бўлса, уларни кейинчалик муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ туламаган ҳолда тарқатишга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асар фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўлланиш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганликни англатмайди.

Ушбу моддада муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган алоҳида ҳуқуқлари унинг мулкӣ ҳуқуқи тарзида берилган. Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган алоҳида ҳуқуқи асарни рӯёбга чиқариш, ундан фойдаланиш учун рухсат бериш ёхуд бунга рухсат бермаслик каби ваколатларни ўзида мужассамлаштирган мураккаб таркибли ҳуқуқдир. Ушбу муаллифга тегишли алоҳида ҳуқуқ ўз ичига қамраб оладиган ваколатларни муаллифнинг шахсан ўзи алоҳида-алоҳида тарзда ёки қисман амалга ошириши мумкин.

Бундай ваколатлардан бири асарни такрорлаш (қайта акс эттириш)дир. Такрорлаш деганда асарни бир ёки ундан ортиқ нусхаларда ҳар қандай моддий шаклларда, жумладан овоз ёки видеоёзувларда, ЭҲМ хотирасида асарни қайта акс эттиришлар тушунилади.

Асарни тарқатишга бўлган ҳуқуқ деганда асар нусхаларини фуқаролик муомаласига чиқариш, жумладан уларни сотиш, асарнинг моддий жисмини ташкил этувчи нусхасини ижарага бериш ва бошқалар тушунилади. Шу билан бир қаторда ушбу модда асарнинг нусхалари қонунга асосан фуқаролик муомаласига чиқарилган бўлса, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ туламаган ҳолда тарқатишга йўл қўйилиши мумкинлигини назарда тутати.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”-ги Қонуннинг 28-моддасида, асардан муаллиф исми-шарифи ва олинган манбани кўрсатган ҳолда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик шарти билан ундан эркин фойдаланишга йўл қўйиладиган ҳолатлар мустаҳкамланган.

Ушбу Қонуннинг 29-моддасида эса, муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини туламаган ҳолда, лекин

асардан фойдаланилаётганда муаллифнинг исми-шарифи ва олинган манбани кўрсатиб, фойда олишни кўзламай репродукция қилишга йўл қўйилмаган ҳолатлар белгиланган.

Бундан ташқари ҳамма бемалол кўра оладиган ерларда жойлашган архитектура, фотография, тасвирий санъат асарларини муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини туламаган ҳолда такрорлаш, эфирга узатиш ва ҳамманинг эътиборига етказиш учун кабель орқали узатишга йўл қўйилади (қонуннинг 30-моддаси).

Импортга бўлган ҳуқуқ - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асар нусхаларини тарқатиш мақсадида олиб келишга бўлган ҳуқуқдир. Шунинг учун ҳам бундай нусхаларни муаллифнинг рухсатисиз Ўзбекистон ҳудудида тарқатиш мақсадида олиб келиш ўз-ўзидан муаллифлик ҳуқуқларига зид ҳисобланади.

Асарни омма олдида намойиш қилиш шундан иборатки, бунда кўргазмага қўйиш, экспонат сифатида кўрсатиш йўллари билан асарнинг, фонограмманинг асли ёхуд нусхалари етарли миқдорда чиқарилади.

Асарни омма олдида ижро қилиш деганда актёр, кўшиқчи, мусиқачи ёки роль ўйнайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ва санъат асарини бошқа бир тарзда ижро этадиган шахслар томонидан асарни омма олдида ижроси тушунилади.

Асарни эфирга узатиш (радио ва телевидение орқали трансляция қилиш), шу жумладан кабель ёки алоқа йўлдоши орқали бериш фактининг ўзи асардан фойдаланиш бўлиб ҳисобланади.

Таржимага бўлган ҳуқуқ, яъни мавжуд асарни бошқа тилга ўгиришда ҳам асардан фойдаланиш содир бўлади. Таржимон қандайдир адабий асарнинг аслини муаллифнинг розилигисиз таржима қилиш фактининг ўзи муаллиф ҳуқуқларига хилоф ҳолда иш тутиш (фойдаланиш) ҳисобланади. Чунки ушбу модда асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай

мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган ҳисобланишини таъкидлайди.

Таржимага бўлган ҳуқуқни рўёбга чиқариш, асардан фойдаланишни қамраб оладиган бошқа ҳуқуқлар, жумладан асарни такрорлаш ҳуқуқи билан бирга содир бўлади.

Асардан кейинчалик фойдаланиш мақсадида қайта ишлаш деганда асар шаклини ўзгартириш, аранжировка қилиш ва бошқалар тушунилади.

Асарга ҳатто унчалик аҳамиятга молик бўлмаган ўзгартириш (муҳаррирнинг таҳрири, картиналар билан тўлдириш ва ҳоказо)га қаратилган ҳаракатлар уни қайта ишлаш деб ҳисобланади ва бу ҳақда муаллифнинг розилиги талаб қилинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, муаллифнинг асардан фойдаланишга қаратилган алоҳида ҳуқуқлари ичида муаллифнинг ҳақ олиш ҳуқуқи санаб ўтилмаган.

Ушбу Кодекс моддаларининг мазмуни муаллифнинг ҳақ олиш ҳуқуқини бошқа мулкӣ ҳуқуқлар: такрорлашга бўлган ҳуқуқ, тарқатишга бўлган ҳуқуқ, оммавий ижро этишга бўлган ҳуқуқ кабиларни таркибий қисми сифатида қарашни тақозо қилади.

1057-модда. Асардан фойдаланиш ҳуқуқини тасарруф этиш

Муаллиф ёки ҳуқуққа эга бўлган бошқа шахс шартномага, шу жумладан очиқ савдода тузилган шартномага биноан асардан фойдаланиш борасидаги барча ҳуқуқларни ўзга шахсга бериши (фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши) мумкин.

Асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга асардан муайян доирада фойдаланиш учун рухсатнома (лицензия) бериши мумкин. Бундай рухсатнома асардан унинг дастлабки шаклида фойдаланиш учун ҳам, қайта ишланган шаклида, хусусан таржима, аранжировка тарзида ва шу каби усулларда фойдаланиш учун ҳам талаб қилинади.

Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун ҳуқуқ эгасининг махсус рухсатномаси талаб қилинади.

Ушбу моддада асардан фойдаланиш билан боғлиқ барча ҳуқуқларни муаллиф ёхуд ҳуқуққа эга бўлган шахслар

тасарруф эта олишлари ва улар бундай ҳуқуқларни шартномага мувофиқ ўзга шахсга беришлари мумкинлиги назарда тутилади.

Асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ворислик тартибида ҳам ўтади.

Муаллифлик ҳуқуқи ворисларга васият ва қонун бўйича ўтади.

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Маълумки, муаллифнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқлар, жумладан мулкӣ ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.

Муаллифга тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар фақатгина меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин (ушбу Кодекснинг 1051-моддаси шарҳига қаранг).

Асардан фойдаланиш ҳуқуқи муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқи ҳисобланганлиги сабабли у ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтади.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек муаллифнинг ҳаётлик пайтида ҳомила бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўрлар бўлиши мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлиши мумкин.

Қонун бўйича ворислар жумласига кирадиган, шунингдек кирмайдиган шахслар ҳам васият мажбурияти юзасидан муаллифнинг ҳуқуқларини олувчилар бўлиши мумкин.

Қонун бўйича меросхўрлар ушбу Кодекснинг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган навбат билан чақириладилар.

Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули, жумладан омма олдида асарни намоиш этиш (кўргазмага қўйиш,

экспонат сифатида кўрсатиш), уни нуҳасини ижарага бериш, омма олдиди ижро этиш, эфирга узатиш (радио ёки телевидение орқали трансляция қилиш), шу жумладан кабель ёки алоқа йўлдоши орқали бериш, техника ёрдамида ёзиб олиш, таржима қилиш, шаҳарсозлик, архитектура, дизайн лойиҳасини амалий рўёбга чиқариш ва бошқалар учун ҳуқуқ эгасининг махсус руҳсатномаси талаб қилинади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг “ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар шартнома бўйича узга жисмоний ва юридик шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкинлиги, шунингдек бундай объектларга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар қонунда белгиланган тартибда мерос бўлиб ўтиши тўғрисида сўз боради.

1058-модда. Муаллифлик ҳуқуқларининг чекланиши

Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги алоҳида ҳуқуқларини чеклашга ушбу Кодекснинг 1059-1063-моддаларида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади.

Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқларини қуйидаги ҳолларда чеклашга йўл қўйилади:

1) ўзганинг чоп этилган асаридан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини туламаган ҳолда шахсий мақсадларда фойдаланишга, башарти бунда асардан нормал фойдаланишга зарар етмайдиган ва муаллифнинг манфаатларига пугур етмайдиган бўлса (истиснолар ушбу Кодекснинг 1059-моддаси 3-4-бандларида берилган);

2) қонуний эълон қилинган мусиқа асарлари расмий, диний ва дафн маросимларида ижро этилганда;

3) судлов ва маъмурий иш юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадида;

4) ушбу Кодекснинг 1062-моддасида белгиланганидек, асар хизмаг топшириғини бажариш тартибида яратилган ва шартномада асардан фойдаланишнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилган ҳолларда;

5) ушбу Кодекснинг 1063-моддасида белгиланган, халқаро шартнома қоидаларида ўзгача ҳол назарда тутилган ҳолларда.

Шунингдек ушбу модданинг 1-бандида, бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ҳам муаллифнинг асардан фойдаланиш борасидаги алоҳида ҳуқуқлари чекланиши назарда тутилади.

Масалан, “ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида жумладан шундай дейилади: “ЭХМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси нусхасига бўлган эгалик ҳуқуқи ёки ўзга мулкый ҳуқуқлар ушбу нусхага эгалик ҳуқуқи биринчи марта сотилгандан кейин, ҳуқуқ эгасининг розилигини олмасдан ва унга қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда олиб сотилишига ва бошқача усулда ўзгаларга ўтказилишига йўл қўйилмайди”.

1059-модда. Ўзганинг асарини шахсий мақсадларда такрорлаш

Ўзганинг чоп этилган асаридан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда шахсий мақсадларда фойдаланишга, башарти бунда асардан нормал фойдаланилишига зарар етмайдиган ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етмайдиган бўлса, йўл қўйилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари қўйидагиларга нисбатан таъбиқ этилмайди:

бинолар ва шунга ўхшанган иншоотлар шаклидаги архитектура асарларидан фойдаланиш;

маълумот базалари ёки уларнинг муҳим қисмларидан фойдаланиш;

қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда ЭХМ учун яратилган дастурлардан фойдаланиш;

китобларни (тўлалигича) ва ногаҳи матнларни репродукция қилиш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилганидан истисно тарзида қонунда аудио ва видеоёзувлардан шахсий мақсадларда фойдаланилган тақдирда тегишли ёзувнинг муаллифи, ижрочиси ва ишлаб чиқарувчиси тегишли ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилиши мумкин.

Асарни такрорлаганлик учун ҳақ ишлаб чиқарувчилар ёки асарни такрорлаш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар (аудио аппаратлар, видеоманитофонлар ва шу кабилар) ҳамда асар моддий жисмининг (аудио ва (ёки) видео пленкалар, кассеталар, лазер дисклар, компакт дисклар ва шу кабиларнинг) импортчилари томонидан ажратмалар (фоизлар) шаклида туланади.

Аввало шунини таъкидлаш лозимки, асардан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини туламай шахсий мақсадларда фойдаланиш чоп этилган асарларга нисбатан қўлланиши ушбу модда мазмунидан кўриниб турибди. “Шахсий” мақсадлар фақатгина фуқароларда бўлиши мумкин. Юридик шахсларга ушбу модда тааллуқли эмас.

Мисол учун, магнит лентасидан асарни кўчириш, радиодан овоз ёзиб олиш, фотосуратга тушириш, шахсий нусха олиш техникаси орқали асарнинг маълум жойларини кўпайтириш, видеофильмни қайта ёзиб олиш, телевидение экранидан фильмни ёзиб олиш ва бошқалар.

Бундай тарзда асар нусхалари шахсий мақсадларга хизмат қилиши керак, аксинча, фуқаролик муомаласига (сотиш, айирбошлаш ва бошқалар) киритиш мўлжалланмаслиги лозим.

Шахсий мақсадларда асарларни қайта акс эттириш кўпинча асардан нормал фойдаланишга халақит беради. Шунинг учун мазкур модданинг 3-4 қисмлари истисно тарзда баъзан аудио ва видео ёзувлардан шахсий мақсадларда фойдаланилган ва бошқа ҳолларда муаллифнинг тегишли ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлишини қонун белгилаб қўйиши мумкинлигини назарда тутди.

Ушбу модда 2-бандининг 1-банди қоидалари татбиқ этилмайдиган ҳолатлар курсатилган. Жумладан бинолар ва шунга ухшаш иншоотлар шаклидаги архитектура асарлари-

дан фойдаланилганда, муаллифга зарар ва унинг қонуний манфаатларига путур етмайди деб бўлмайди.

Бундан ташқари, “ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси, 3-бандида “ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси жиҳатидан тўғри эга бўлган шахс муаллифнинг ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг розилиги бўлган тақдирдагина бу дастурнинг код-ланиши ва таркибий тузилишини ўрганиш мақсадида уни дикомпиляция қилиши мумкин” деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек ушбу Қонуннинг 11-моддасида “ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади” деб мустақамланган.

Худди шундай муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Қонуннинг 29-моддасида муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифи ва олинган манбани албатта кўрсатиб, фойда олишни кўзламай репродукция қилиш жумласига шарҳланаётган модданинг 2-бандида кўрсатилган, китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репродукция қилиш киритилган.

Демак, юқорида таъкидланган ҳолатларда муаллиф розилигини олиш албатта талаб қилинади.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”-ги Қонуннинг 28-моддасида, асар муаллифининг исми-шарифи ва олинган манбани албатта кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланишга зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларини камситмаслик тартиби билан эркин фойдаланишга йўл қўйиладиган ҳолатлар белгиланган.

Аммо буни бошқаларнинг чоп этилган асаридан унинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда шахсий мақсадларда асардан нормал фойдаланишга зарар етказмайдиган ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шarti билан фойдаланишдан фарқлаш лозим.

1060-модда. Асарларни омма олдида эркин ижро этиш

Қонуний эълон қилинган мусиқа асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақи туламаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади.

Эълон қилинган мусиқа асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида эркин ижро этиш амалиётда учраб туради. Албатта, омма олдида ижро этиладиган мусиқа асарлари ушбу маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда бўлиши лозимлигини ушбу модда қонуний мустақкамлайди.

Акс ҳолда, мусиқа асар муаллифи ўз асарини маросимнинг хусусиятига мос эмаслиги сабабли, бундай ҳолатга чек қўйилишини талаб қилишга ҳақли бўлади. Шунингдек эълон қилинмаган асарларни бундай маросимларда ижро этиш муаллифлик ҳуқуқларига зид хатти-ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

1061-модда. Суд мақсадлари учун асарларни эркин такрорлаш

Судлов ва маъмурий иш юритиш мақсадларини кузлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда асарларни муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақи туламаган ҳолда ижро этишга йўл қўйилади.

Умуман олганда асардан фойдаланиш асар муаллифи ёки унинг ҳуқуқини қабул қилган шахсларнинг розилиги билан амалга оширилади. Истисно тариқасида асардан эркин фойдаланиш ушбу Кодекснинг 1060, 1061-моддаларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Агар Кодекснинг 1060-моддасида эълон қилинган мусиқа асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида эркин ижро этилиши назарда тутилган бўлса, ушбу моддада асар эълон қилинган ёки эълон қилинмаганлигидан қатъи назар уни судлов ва маъмурий иш юритиш мақсадларини кузлаб эркин такрорлаш назарда тутилади. Аммо бундай тарзда асардан эркин фойдаланиш унинг мақсадларига мос бўлмоғи лозим. Акс ҳолда муаллиф бундай ҳаракатларга чек қўйилишини талаб қилишга ҳақли.

1062-модда. Хизмат асарига бўлган ҳуқуқ

Хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифлик ҳуқуқи шу асар муаллифига тегишлидир.

Хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этган усулда ва топшириқдан келиб чиқадиган доирада фойдаланиш ҳуқуқи, башарти иш берувчи билан муаллиф ўртасидаги шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асар яратиш ҳақида топшириқ берган ва муаллиф меҳнат муносабатлари ўрнатган шахсга (иш берувчига) тегишлидир. Иш берувчи бундай фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга ҳақлидир.

Иш берувчи билан муаллиф ўртасидаги шартномада хизмат асаридан фойдаланганлик учун муаллифга ҳақ тўлаш назарда тутилган ва асардан фойдаланишнинг бошқа шартлари қамраб олинган бўлиши мумкин.

Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар тақдим этилган пайтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиғи билан эса, ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва муаллифлик ҳақини олиш ҳуқуқини тулиқ ҳажмда қўлга киритади.

Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.

Қўпгина асарлар муаллифлар томонидан уларнинг хизмат (меҳнат) вазифаларини бажаришлари давомида вужудга келади. Бундай асарлар “хизмат” асарлари деб юритилади ва улар алоҳида ҳуқуқий мақомга эга.

Бундай ҳуқуқий мақом туғрисида гапиришдан олдин шуни таъкидлаш лозимки, муаллиф муайян ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлмаса, ушбу ташкилот учун унинг яратган асарини ўз-ўзидан хизмат асари дейишга ҳақли эмасмиз. Демак, меҳнат муносабатларига аниқлик киритишимиз керак.

Меҳнат муносабатларида биринчидан ишчи (муаллиф) ички меҳнат интизомига риоя қилади, иккинчидан, меҳнат жамоаси билан қўшилиб ишлайди, учинчидан, иш жараёнида “жонли” меҳнати, яратган ижодий меҳнат самараси учун муаллифлик ҳақи эмас, балки маош тариқасида иш

ҳақи олади. Агар корхона (ташкилот) шахсга меҳнат дафтарчаси юритса, таътил учун ҳақ тўласа, шубҳасиз булар меҳнат шартномасининг мазмунидан келиб чиқади. Шу билан бирга меҳнат дафтарчаси юритмасдан ўриндошликда ҳам ишлаш мумкин. Лекин юқорида келтирилган меҳнат шартномасининг белгиларидан уни муаллифлик шартномасидан ажратиш қийин эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, хизмат асари фақатгина меҳнат шартномаси доирасида бунёдга келади. Албатта, меҳнат шартномаси асосида хизмат қиладиган муаллиф яратган барча асарларни ҳам хизмат асари деб ҳисоблай олмаймиз. Хизмат асари бу - меҳнат шартномаси бўйича муаллифга муайян ёхуд умумий топшириқ сифатида юклатилган вазифани бажариш туфайли юзага келади. Шу билан бир қаторда меҳнат шартномаси орқали муаллифга юклатилмаган, қолаверса “ишдан бўш вақтда”, иш куни давомида хизмат ҳужжатларидан фойдаланиб яратилган асарни ҳам хизмат асари жумласига киритиб бўлмайди.

Хизмат асарига бўлган ҳуқуқнинг алоҳида мақоми, асослари шарҳланаётган модданинг 2-бандида кўрсатилган. Чунончи хизмат асаридан фойдаланишга бўлган алоҳида ҳуқуқ “иш берувчи билан муаллиф ўртасидаги шартномада алоҳида белгиланмаган бўлса” асар яратиш ҳақида топшириқ берган ва меҳнат муносабатлари ўрнатган шахсга (иш берувчига) тегишлидир. Демак, бу ҳақда махсус шартномада белгиланмаган бўлса, асардан фойдаланишга бўлган алоҳида ҳуқуқ тўла ҳажмда ва уни амал қилиш муддати давомида, қонун бўйича иш берувчига тегишлидир.

Шу билан бир қаторда, ушбу модданинг 4-банди муаллиф асар тақдим этилган пайтдан эътиборан 10 йил ўтгандан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдироқ (масалан, асар тақдим этилгандан 3-5 йил кейин) асардан фойдаланиш ва муаллифлик ҳақини олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда олиши мумкинлигини назарда тутаяди. Бунинг учун иш берувчи билан тузилган шартномада бирон бир шарт белгиланган ё белгиланмаганлигининг аҳамияти йўқ. Шуни таъкидлаш жоизки, иш берувчи муаллифнинг

хизмат асаридан фойдаланганда унинг шахсий номулкий ҳуқуқларига риоя қилиши талаб қилинади.

Ушбу модданинг 5-бандида мустаҳкамланган, муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи дейилганда, муаллиф бошқа мустақил асар ёзишда, топшириқ мақсади тақозо этган усулда ушбу хизмат асаридан фойдаланиш (кучирмалар олиши, мазкур асардаги ҳужжатлардан фойдаланиши ва бошқалар) назарда тутилади.

1063-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши

Биринчи марта Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган ёки чоп этилмаган бўлса-да, асл нусхаси бирон бир объектив шаклда унинг ҳудудида турган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Бундай ҳолда муаллифлик ҳуқуқи муаллифга ва унинг меросхўрларига, шунингдек фуқаролигидан қатъи назар, муаллифнинг бошқа ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асари биринчи марта чет давлат ҳудудида чоп этилган ёки бирон бир объектив шаклда ана шу давлат ҳудудида турган бўлса, бундай асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига, худди шунингдек уларнинг меросхўрлари ва бошқа ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Муаллифга халқаро шартномаларга мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя берилиши пайтида асарнинг чет давлат ҳудудида чоп этилганлиги тегишли халқаро шартнома қоидаларига биноан аниқланади.

Асарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳимоя қилиш мақсадида асарнинг муаллифи деб эътироф этиладиган шахс асар биринчи марта қайси давлатнинг ҳудудида ҳимоя қилина бошлаган бўлса, шу давлатнинг қонунларига биноан аниқланади.

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро шартномалар конвенциялар)га мувофиқ, унинг иштирокчиси бўлган ҳар қайси давлат фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг ва уларнинг ҳуқуқларини олувчиларнинг манфаатларини кўриқлаш учун барча чораларни кўришга мажбур.

Шу муносабат билан хорижий давлат муаллифлари ва улар вафот этган тақдирда уларнинг ҳуқуқларини олувчи шахслар муаллифлик ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам оладилар.

Хорижий давлатларда асарлари чоп этилган муаллифлар шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши билан бирга мулкый (муаллифлик ҳақи олинш) ҳуқуқларига ҳам эга бўлади. Хорижий мамлакатлардан келадиган муаллифлик ҳақини олишда унинг суммасидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи” тўғрисидаги қонуни бўйича давлат божи олинмайди.

1064-модда. Муаллифлик ҳуқуқи амал қилишининг бошланиши

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи чоп этилганлиги ёки этилмаганлигидан қатъи назар, асарга учинчи шахслар идрок эта оладиган объектив шакл берилган вақтдан бошлаб амал қилади. Оғзаки асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бу асар учинчи шахсларга маълум қилинган вақтдан бошлаб амал қилади.

Башарти асар ушбу Кодекснинг 1063-моддаси қоидаларининг таъсир доирасига кирмаса, бундай асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, башарти у Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган бўлса, биринчи марта эълон қилинган пайтдан бошлаб ҳимоя қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни руйхатдан ўтказиш ёки бирон бир бошқа расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди (ушбу Кодекснинг 1041-моддаси). Ижодий меҳнат самараси бўлган асар яратилгандан сўнг у ўз-ўзидан муаллифда вужудга келади ва қонунда белгиланган вақт давомида амал қилади.

Ушбу моддада айнан муаллифлик ҳуқуқи амал қилишининг бошланиши тўғрисида сўз борар экан, бундай ҳуқуқнинг амал қилиши, чоп этилган ёки этилмаганлигидан қатъи назар, асар учинчи шахслар идрок эта оладиган объектив шаклни олган вақтдан бошланади.

1065-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга булган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Биринчи марта тахаллус остида ёки имзосиз чоп этилган асарга булган муаллифлик ҳуқуқи асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Башарти ана шу муддат ичида имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган асар муаллифининг шахси маълум бўлиб қолса, ушбу модданинг биринчи қисмида айтилган муддатлар қўлланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб утилган муддатлар давомида муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг меросхўрларига тегишли бўлади ва мерос бўйича бир шахсдан бошқа шахсга ўтади. Айни ана шу муддатлар ичида муаллифлик ҳуқуқи муаллиф билан, унинг меросхўрлари ва кейинги ҳуқуқий ворислари билан тузилган шартнома бўйича бу ҳуқуқни олган ҳуқуқий ворисларга тегишли бўлади.

Муаллиф вафотидан кейин эллик йил ичида биринчи марта чоп этилган асарга булган муаллифлик ҳуқуқи асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Муаллифлик, муаллифнинг исми ва асарнинг дахлсизлиги муддатсиз ҳимоя қилинади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий воқелик маълум замонда юз беради. Бинобарин, ҳар қандай ҳуқуқ ҳам худди шу замонда вужудга келади, ўзгаради ва бекор бўлади. Замоннинг ўзига хос ўлчов мезони бўлиб давр ёхуд муддат хизмат қилади. Шу сабабли ҳам муддатлар ўзига хос ҳуқуқий категория бўлиб муаллифлик ҳуқуқий муносабатларида ҳам амал қилади.

Ушбу моддада муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати белгиланган ва бу муддатнинг ўтиши ҳуқуқий муносабат иштирокчилари учун маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради, яъни асарга муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгандан сўнг, асардан ҳар қандай шахс текинга, қалам ҳақи тўламай фойдаланиши мум-

кин. Мазкур муддат ўтгандан сўнг асар ижтимоий мулкка айланиб, шу вақтда амалда бўлган муаллифлик шартномалари ва улар орқали зиммага олинган мажбуриятларнинг тугатилишига сабаб бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатининг ўтиши - юридик факт (ҳодиса), яъни бу муддатнинг ўтиши маълум ҳуқуқий мундсабабларни вужудга келтиради, ўзгартиради, бекор қилади.

Ушбу моддада мустақамланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати муаллиф вафотидан кейин асарни биринчи марта чоп этиш амалга оширилган ҳолларда ҳам, қонун кўзда тутган муддат бундай асарларнинг етарли муҳофазасини таъминлайди, яъни муаллиф вафотидан кейин асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бу муддат 50 йил амал қилади.

Муаллифнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаллифликка ва муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ, асарнинг дахлсизлигига нисбатан ҳуқуқлар шахсий номулкий ҳуқуқлар бўлганлиги сабабли бундай ҳуқуқлар амал қилиш муддати билан чегараланмайди. Бу тоифадаги ҳуқуқларнинг қуриқланишини, уларнинг амал қилиш муҳофазасини қонун абадий таъминлайди.

1066-модда. Асарнинг ижтимоий мулкка айланиши

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати туғанидан кейин асар ижтимоий мулкка айланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон ҳимоя билан таъмин этилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади.

Ижтимоий мулк ҳисобланган асардан ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқига, муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа ва асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа риоя этилиши лозим.

Бирон бир асарга нисбатан муаллифнинг ёки унинг ҳуқуқини олувчиларнинг ҳуқуқ муддати тугаса, бундай асарлар ижтимоий мулкка айланади. Ушбу Кодекснинг 1065-моддасида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати мустақамланган.

Бундай асарлардан ҳақ тўламасдан эркин фойдаланиш мумкин экан, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари бўлган муаллифликка, муаллифлик номига бўлган ҳуқуқи ва асар дахлсизлигига нисбатан ҳуқуққа риоя этилмоғи лозим бўлади. Чунки бундай ҳуқуқлар ушбу Кодекснинг 1063-моддаси талабига мувофиқ муддатсиз қўриқланади.

Ижтимоий мулкка айланган асарнинг юқорида таъкидланган шахсий номулкий ҳуқуқларига дахл қилинадиган бўлса, муаллифнинг меросхўрлари, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш махсус юклатилган ташкилотлар бундай ҳуқуқларни қўриқлайдилар.

1067-модда. Муаллифлик шартномаси

Муаллиф ёки унинг меросхўри муаллифлик шартномаси тузиш орқали ўз асаридан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Муаллифлик шартномаси учун ҳақ тўлаш талаб қилинади.

Муаллифлик шартномаси тайёр асар учун ёки муаллиф яратишни ўз зиммасига олган асар учун (бўюртма шартномаси) тузилади. Асардан у ёки бу доирада фойдаланишга рухсатнома бериш туғрисидаги муаллиф ёки унинг меросхўрлари тузадиган шартнома ҳам (муаллифлик лицензия шартномаси) муаллифлик шартномаси ҳисобланади.

Қонунда махсус кўрсатилгандан ташқари, бошқа шахслар (фойдаланувчилар) томонидан муаллиф асаридан фойдаланиш муаллифлик шартномаси тузиш асосида амалга оширилади. Шартнома асосида асардан фойдаланиш кўпинча муаллифнинг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларини тўла-тўқис қўриқланишига олиб келади. Жумладан, фойдаланувчилар ҳам ушбу шартнома орқали асардан фойдаланиш бўйича маълум ҳуқуқларга эга бўлади, яъни тарафлар ўртасида шартнома мавжуд экан, бошқа шахслар мазкур асарни қайта акс эттириш, тарқатиш орқали фойда олишга ҳақли бўлмайди. Бундан ташқари, асардан шартнома асосида фойдаланишдан жамиятнинг ўзи ҳам манфаатдор ҳисобланади, чунки бундай тартиб ижодий ишга рағбатланти-

ради, жамият аъзоларини маънавий бойлигига бойлик қўшади. Муаллифлик шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий тарздаги шартнома бўлиб ҳисобланади. Муаллифлик - шартномавий муносабатларига фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари, жумладан, битимларнинг ҳақиқийлиги шартлари ва шакллари туғрисидаги қоидалар, мажбурият ҳуқуқининг умумий қоидалари (масалан, шартномаларни тузиш ва бажариш тартиби, уларни бажармаганлик учун жавобгарлик ва ҳоказо) қўлланилади.

Умумий қоида бўйича муаллифлик шартномаси консенсуал, икки томонлама, ҳақ бараварига тузиладиган шартномадир. Муаллифлик қонун ҳужжатларининг ажралмас қисми бўлиб, яқингача қўлланилиб келинган, муаллифлик намунавий шартномалари ҳозирги кунда мажбурийлик хусусиятини йўқотган. Эндиликда янги муаллифлик қонунчилиги шартнома эркинлиги тамойилидан келиб чиқиб, алоҳида қонун ости ҳужжати сифатида мажбурий андоза шаклидаги қандайдир намунавий шартномаларни назарда тутмайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг алоҳида тури бўлган муаллифлик шартномаси ўз навбатида турларга бўлинади. Бу турлар ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Муаллифлик шартномаси тайёр асар учун ёхуд муаллиф яратишни ўз зиммасига олган асар учун (буюртма шартномаси) тузилиши мумкин. Бундай шартномалар муаллифлик шартномаси предмети тайёр ёхуд уни келажакда тайёрлаш кўзда тутилишига қараб фарқланади.

Муаллифнинг яратишни ўз зиммасига олган асар учун тузилган муаллифлик шартномаси келажакда тайёрланадиган асарга қўйиладиган талабларни тула-туқис ўзида акс эттиради, жумладан, асарнинг жанри, ҳажми ва бошқа кўрсаткичлари, шунингдек, буюртмачига ишни топшириш муддати ва шакли, камчиликларни тузатиш тартиби каби-лар. Муаллиф бунда бўнак олишга ҳақли ва зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаган тақдирда жавобгар бўлади.

Муаллифлик шартномасининг нарчаси (предмети) тайёр асар бўлганида, бундай шартнома одатда фойдаланувчи томонидан кўриб чиқилади ва маъқулланади. Шу сабабли юқоридаги масалалар бундай шартнома учун аҳамиятга эга эмас. Бунда асосий эътибор асардан фойдаланишга қаратилади.

Асардан у ёки бу доирада фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги шартнома ҳам (муаллифлик лицензия шартномаси) муаллифлик шартномасининг бир туридир.

Юқоридаги бундай икки турдаги шартномани бир-биридан ажратиб турадиган ягона нуқтаи назар фанда ҳам, амалиётда ҳам мавжуд эмас. Асардан фойдаланиш характери билангина бундай шартномалар бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Агар шартноманинг шarti бўйича асар ўзгартиришсиз фойдаланилиши лозим бўлса, бундай шартнома асарни фойдаланиш учун топшириш шартномаси ҳисобланади. Бундан фарқли равишда муаллифлик лицензияси шартномасида асарни бир тилдан бошқасига таржима қилишга ёхуд бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгартиришга келишилади.

Муаллифлик шартномаси субъектлари бир тарафдан муаллиф ёки унинг ҳуқуқини қабул қилувчилар, иккинчи тарафдан асардан фойдаланувчилар бўлади (жамоа асаридан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома барча ҳаммуаллифлар билан тузилади). Бундай шартноманинг бир томонида албатта жисмоний шахс - асарни ўз ижодий меҳнати билан яратган шахс ёхуд унинг меросхури, иккинчи тарафида эса асосий вазифаси ноширлик, театр-томоша, кўргазма кабилар бўлган ихтисослашган ташкилотлар иштирок этади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, асардан фойдаланувчи сифатида фуқаро-тадбиркор ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Муаллифлик шартномаси муддати давомида ушбу шартномада иштирок этувчиларни алмаштиришга тўғри келса, умумий фуқаролик-ҳуқуқий қоидалар (қарздан воз кечиш, қарзни кўчириш кабилар) ушбу муносабатларга татбиқ қилинмасдан, балки ҳаммуаллифлардан бирини биринчи жалб қилиш (фойдаланувчининг розилиги билан), мабодо муал-

лиф ҳаётдан куз юмгандан кейин асар тайёр бўлса, марҳумнинг меросхўрлари билан алмаштирилади.

Муаллифлик шартномасининг хусусиятларидан бири унинг муддатидир. Муаллифлик шартномаси маълум муддатга тузилиши мумкин. Фақат қонунда кўрсатилган муддатдан ошиб кетмаслиги талаб қилинади. Шартноманинг муддати тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

1068-модда. Муаллифлик шартномасининг шартлари

Муаллифлик шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак: асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида бериладиган конкрет ҳуқуқлар):

асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун туланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) туланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тулашнинг тартиби ва муддати.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга берилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, башарти фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда шартномага биноан берилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақидаги ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси мавзуси бўлиши мумкин эмас.

Асардан фойдаланганлик учун туланадиган ҳақ миқдори тарафларнинг келишувига биноан муаллифлик шартномасида белгилаб қўйилади.

Башарти асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тулаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп тиражи белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллиф ёки унинг меросхўрларининг ҳақ олишга бўлган ҳуқуқни рад этиши ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Муаллифлик шартномаси буйича берилган ҳуқуқларни шартномадаги исталган тараф шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга гулиқ ёки қисман утказиши мумкин.

Шарҳланаётган ушбу моддада муаллифлик шартномасида акс этиши лозим бўлган шартлар мустаҳкамланган. Бу кўрсатилган қоидалардан бирининг шартномадан тушириб қолдирилиши муаллифлик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмаслигини эсдан чиқармаслик лозим. Бу нарса фақат шартноманинг бажарилишини қийинлаштириши мумкин, холос. Чунки шартномаларга бағишланган нормаларнинг аксарияти диспозитив характерда бўлиб, қонун шартномада қатнашувчи тарафларга шартнома шартларини белгилашда кенг имкониятлар беради.

Шартнома асосида бериладиган ҳуқуқлар ҳажми шартномада умумий тарзда (масалан, “асардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқнинг ҳаммаси ўтади”, “эфирга беришга бўлган ҳуқуқ ўтади”) ёхуд муайян (“асарни китоб шаклида форс тилида чоп этиш ва қайта чоп этиш ҳуқуқи ўтади”) тарзда кўрсатилмоғи лозим.

Шартнома асосида ўтказиладиган ҳуқуқлар ҳажми белгиланаётганда қуйидагиларга эътибор берилиши лозим:

- агар алоҳида ёхуд алоҳида бўлмаган ҳуқуқларнинг берилиши тўғрисида шартномада ҳеч нарса белгиланмаган бўлса, алоҳида бўлмаган ҳуқуқлар берилган ҳисобланади;

- агар асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бериладиган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чегараланади;

- шартнома бўйича берилмаган ҳуқуқларга муаллифнинг ўзи эга бўлиб қолаверади;

- шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар шартнома мавзуси бўлиши мумкин эмас.

Муаллифлик шартномаси бўйича муаллифнинг асосий бурчи асарни яратиш ва уни буюртмачи ташкилотга етказишдан иборат. Бундай бурчни лозим даражада бажариш учун аввало муаллиф шартнома шартларига мувофиқ тарзда асарни бунёдга келтириши керак.

Асарни тайёрлашда ҳаммуаллифлар таркибини ўзгартириш фақат келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Техник тусдаги ишларни, жумладан ҳужжат йиғиш, жадваллар тузиш кабиларни бажариш учун буюртмачининг рухсатсиз муаллиф шахсларни ўз ҳисобидан ишга ёллаш ҳуқуқига эга.

Қонун мазмунидан муаллиф асарни муддатидан илгари ҳам топшириши мумкинлиги англашилади, аммо шартномада бу ҳақда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, албатта. Тарафларнинг келишуви билан асар қисмларга бўлиб топширилиши ҳам мумкин.

Муаллифнинг яна бир бурчи буюртмачи-ташкilotнинг талаби бўйича у асарга қўшимчалар киритиб бериши лозим. Асар буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг, уни кўриб чиқиш жараёнида қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисида қарор қилинса, қўшимчалар киритиш асар шартнома шартларига номувофиқ яратилган бўлса йўл қўйилади, яъни асар тулалигича шартнома шартларига мувофиқ яратилган тақдирда, муаллиф бошқа қўшимчалар киритишни рад этишга ҳақли.

Буюртмачи томонидан тақдим қилинаётган ўзгартиришлар, қўшимчалар тушунарли, тўғри бўлмоғи, шунингдек буюртмачи ва муаллиф тўлдирилган, ўзгартирилган асарни тақдим қилиш учун янги муддат белгиланмақлари лозим. Бундай шарт белгиланмаслиги амалиётда низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Муаллиф асари фойдаланишга тайёрланаётганида иштирок этиши лозим. Бундай мажбуриятнинг мазмуни асарнинг турига ва унинг фойдаланиш усулига қараб, муаллифлик шартномасида аниқ белгиланган бўлади.

Шартнома бўйича асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган фойдаланувчи-ташкilot муаллифнинг барча шахсий номулкий ҳуқуқларига риоя қилиши талаб қилинади.

Асардан фойдаланиш усуллари ва ҳажми тарафлар томонидан шартномада аниқ белгиланади. Фойдаланиш ҳажми белгиланмаган ҳолларда фойдаланувчи уларни ҳар қандай тиражда чиқаришга ҳақли. Бундан ташқари, шартномада кўрсатилмаган усулда асардан фойдаланиш асардан шартномасиз фойдаланиш бўлиб ҳисобланади.

Муаллифлик шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартнома бўлганлиги учун фойдаланувчи муаллифга ҳақини беришга мажбур. Муаллифлик ҳақининг ҳажми, берилиш муддати, тўлаш тартиби янги муаллифлик қонунчилиги бўйича тарафлар ихтиёрида.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, муаллифлик ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ставкалардан паст бўлмаслиги лозим. Умумий қоида муаллифлик ҳақини тарафлар келишуви билан, асардан фойдаланиш натижасида олинадиган фойдадан фоиз миқдоридида белгиланишига ҳам рухсат беради.

Умуман олганда, муайян муаллифлик шартномасида қонун тақиқламайдиган ҳар қандай мажбурият фойдаланувчи зиммасига юклатилиши мумкин.

Муаллиф ёхуд унинг меросхўрлари ҳақ олишга бўлган ҳуқуқни рад этишга ҳақли эмас.

Шарҳланаётган модданинг охириги бандида белгиланган қонуннинг мазмуни шундан иборатки, фақат муаллифлик шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина шартнома бўйича берилган ҳуқуқлар бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Акс ҳолда шартнома шахсан бажарилиши лозим.

1069-модда. Муаллифлик шартномасининг шакли

Муаллифлик шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Албатта, тарафларнинг хоҳиши билан шартнома нота-риал гувоҳлантирилиши ҳам мумкин. Аммо қонун буни талаб қилмайди. Одатда муаллифлик шартномаси тарафлар ўртасида ягона ҳужжат тузилиши билан амалга оширилади. Энг асосийси муаллифлик шартномасида келишувга эришилиши лозим бўлган барча шартнома шартлари ўз аксини топмоғи лозим. Яъни қонун талаби билан таққосланганда муаллифнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган шартлар шартномада мустаҳкамланмаслиги керак.

Амалиётда асардан фойдаланиш истагида бўлган ташкилот муаллифларга асарни яратиш учун буюртма юбори-

ши мумкин. Агар бундай буюртмада муаллифлик шартномасининг муҳим шартлари ифодаланган бўлса, у оферта деб ҳисобланиши мумкин. Бундай буюртма-оферта ташкилот раҳбари ёхуд юридик шахс сифатида ташкилот номидан иш кўрадиган ваколатли мансабдор шахс томонидан имзоланиши керак. Ушбу офертада акцепт муддати кўрсатилган бўлса, акцепт оферта йўллаган шахс томонидан унга кўрсатилган муддат мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади (ФКнинг 372-моддаси). Агар офертада жавоб бериш муддати кўрсатилмаган бўлса, жавоб бермаслик ёхуд сукут сақлаш акцепт ҳисобланмайди (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Амалиётда баъзан асар яратишга буюртма олган муаллиф, ушбу буюртмани акцептламасдан ишни бошлаб юборади ва белгиланган вақтда буюртмачига тақдим қилади. Бундай ҳолда муаллифнинг хатти-ҳаракати бир вақтнинг ўзида янги оферта ҳисобланади ва у буюртмачи-ташкилот томонидан маъқулланиши лозим бўлади.

Шартнома шартларини ҳар қандай ўзгартириш, албатта ёзма равишда тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилмоғи лозим. Муаллифлик шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик мазкур шартноманинг ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни шартноманинг тузилганлиги, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Тарафлар шартноманинг тузилганлигини, унинг мазмунини ёки бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар орқали тасдиқлашга ҳақли.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар ҳам шартнома бўйича ўзга жисмоний ва юридик шахсларга тулик ёки қисман ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳам шартнома ёзма шаклда тузилади. Шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинишидан ташқари, қонунда назарда тутилган ҳолларда, бундай шартномалар рўйхатдан ҳам ўтказилиши талаб қилинади (“ЭҲМ учун яра-

тилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг 7, 5-моддалари).

1070-модда. Муаллифлик шартномаси бўйича жавобгарлик

Муаллифлик шартномаси бўйича мажбуриятларни умуман ёки тегишли даражада бажармаган тараф бошқа тарафга етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёхуд лозим даражада бажармаган тараф жавобгар бўлиб ҳисобланади. Муаллифлик шартномаси бўйича жавобгарлик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бир туридир. Шу сабабли мазкур жавобгарлик шартнома бўйича олган мажбуриятини бажармаган тараф ҳисобидан ҳуқуқи бузилган тараф ҳуқуқини тиклаш мақсадида мулкий тарздаги давлатнинг мажбурлаш чораси сифатида намоён бўлади.

Муаллифлик шартномасига хилоф иш тутилганида ҳуқуқбузар ва жабр кўрган шахс ўртасида вужудга келадиган жавобгарликни амалга ошириш алоҳида қуриқланадиган ҳуқуқий муносабат доирасида юз беради. Бундай алоҳида қуриқланадиган муносабат ўзининг хусусиятлари билан бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан фарқ қилади.

Энг аввало муаллифлик шартномаси бўйича жавобгарлик бошқа фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликлар сингари давлатнинг мажбурлаш чораларини ҳуқуқбузарга нисбатан қўллашда намоён бўлишини таъкидламоқ зарур. Ҳуқуқи ва қонуний муносабатларига контрагент томонидан путур етказилган шартномада иштирок этувчи тараф суд орқали ўз ҳуқуқларининг амалга оширилишини талаб қилишга ҳақли. Муаллифлик шартномасини бузганлик учун жавобгарликнинг ўзига хос томони шундаки, бу ерда мажбурлаш чораларини қўллаш имконияти, бошқа фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларга қараганда жуда кам бўлиб ҳисобланади. Чунки муаллифлик шартномаси бўйича тарафларнинг мажбуриятларини мажбурлаш йўли билан бажартириш мушкул. Масалан, муаллифни асар ёзишга ва уни буюртмачига тақдим қилишга мажбурлаш имконияти бўлмаганидек, буюртма-

чи-ташкилотни асардан фойдаланишни дарҳол бошлашга мажбурлаб бўлмайди. Шу сабабли бундай ҳолларда одатда шартнома бекор қилиниб, тарафлар дастлабки ҳолатга келтириладилар ва зарар тегишли тарзда ундирилади. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг моҳияти шундан иборатки, мазкур жавобгарлик доимо ҳуқуқбузарга қандайдир қўшимча равишда мулкӣй характердаги чораларни қўллашни назарда тутаяди. Шу сабабли қарздорга мазкур шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятни бажартириш мақсалида қарзни тўлаш, камчиликларни бартараф қилиш ва ҳоказо каби мажбурлаш чораларни қўллаш кенг маънодаги жавобгарлик ҳисобланмайди. Бундай ҳолларда қарздор мулкӣй жиҳатдан ҳеч нарса йўқотмайди, фақатгина мажбурлаш оқибатида ўзи бажариши керак бўлган вазифаларнигина адо этади. Муаллифлик шартномаси бажарилмаган ёхуд лозим даражада бажарилмаган ҳолларда ҳуқуқбузарга қўлланиладиган таъсир чораларни бу нуқтаи назардан баҳолаш, уларни жавобгарлик чоралари деб атамасликни тақозо этади. Ҳақиқатан, шартномада белгиланган муаллифлик ҳақини, асарни тақдим қилмаганлик учун бунакни қайтаришга мажбурлаш, ҳуқуқбузарлик содир бўлганлиги сабабли шартномани бир тарафлама бекор қилиш ва бошқалар ҳуқуқбузарга ҳеч қандай қўшимча чоралар юклатилишини билдирмайди, шунинг учун ҳам юқоридагиларни тор маънода олганда жавобгарлик чоралари дея олмаймиз. Аммо, кенг маънода ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган бундай таъсир этиш чоралари ҳам жавобгарлик ҳисобланади. Бошқа фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик сингари муаллифлик шартномаси бўйича жавобгарликнинг асосий мақсади - ҳуқуқбузар ҳисобидан жабр кўрган тарафнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини тиклашдир. Юқорида таъкидланган, шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган муаллифлик ҳақини ундириш, бунакнинг қайтарилишини талаб қилиш, зарарни қоплаш ва бошқа бу соҳада қўлланиладиган таъсир этиш чоралари ҳуқуқбузар шахсига эмас, балки унинг мулкига қаратилади. Бу нарса, яъни таъсир этиш чорасининг функция-

си ҳуқуқни тиклаш (қоплаш)дан иборатдир. Амалдаги фуқаролик қонунчилиги бўйича юқорида таъкидланган жавобгарликнинг функцияси айниқса кучаяди. Илгари жавобгарлик чоралари ҳажми маълум маънода чегараланган, жумладан, олинаниган муаллифлик ҳақи қатъий ставкаларда мустақамланган бўлса, эндиликда муаллифлик шартномаси бўйича мажбуриятни бажармаган ёхуд лозим даражада бажармаган тараф умумий қоида бўйича етказилган зарарни бой берилган фойда билан биргаликда тула ҳажмида тулашга мажбурдир. Муаллифлик шартномасини бажармаганлик учун жавобгарликнинг муҳим хусусияти шундаки, бунда муаллифнинг жавобгарлиги бир тарафдан, фойдаланувчининг жавобгарлиги иккинчи тарафдан узаро асослари жиҳатидан ҳам, ҳажми жиҳатидан ҳам бир-бирига мос тушмайди. Жумладан, муаллифнинг жавобгарлиги, жавобгарликнинг умумий тамойилига кўра унинг айбига асосланади, муаллифлик буюртма шартномасида эса, буюртмачига етказилган зарарни тулаш билан чегараланади. Бошқа зарарлар, жумладан буюртмачи бой берган фойда муаллифдан ундирилмайди. Фойдаланувчи эса, кўп ҳолларда шартнома бажарилмаганда унинг айби бор ёхуд йўқлигидан қатъи назар жавобгар бўлади ва муаллиф олдида тула ҳажмда жавоб беради.

Илгари амалда бўлган Намунавий шартномалар қатъий суръатда жавобгарлик асосларини, шаклини, ҳажмини тулатукис белгилаб қўйган эди, тарафлар хоҳиш иродасининг рўёбга чиқиши учун ҳеч бир урин қолмаган эди. Амалдаги фуқаролик қонунчилигимиз ҳамма юқоридаги масалаларни белгилашни тарафларнинг келишуви ихтиёрига беради. Тарафлар муаллифлик шартномасида жавобгарликнинг ҳар қандай асосларини ва шаклини белгилашда эркиндирлар. Жумладан, тарафларнинг келишуви билан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган ёхуд лозим даражада бажарилмаган ҳолларда жаримали жазо чораларини белгилашга ҳақлидирлар.

1071-модда. Муаллифлик лицензия шартномасининг амал қилиш муддати

Муаллифлик лицензия шартномаси унда назарда тутилган, аммо муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан қуп бўлмаган муддат давомида амал қилади.

Асар муаллифи ёки унинг меросхўрлари, муаллифлик лицензия шартномасига муддат тўғрисидаги шарт киритилганлиги ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, шартнома тузилган санадан эътиборан ун йил ўтганидан кейин ўз контрагентини камида олти ой олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир. Муаллиф ёки унинг меросхўрларида бундай ҳуқуқ ҳар ун йилда вужудга келади.

Шартномада асардан фойдаланиш муддатлари назарда тутилиши мумкин, бу муддатларни бузганлик ҳуқуқ эгасининг шартномани бекор қилиш ҳуқуқига сабаб бўлади.

Асардан у ёки бу тарзда фойдаланишга рухсатнома бериш тўғрисидаги муаллиф ёки унинг меросхўрлари тузадиган шартнома, яъни муаллифлик лицензия шартномаси тайёр асар учун ёки муаллиф яратишни ўз зиммасига олган асар учун тузиладиган буюртма шартномасидан шу билан фарқ қиладики, лицензия бериладиган муаллифлик шартномаси бўйича муаллиф ёхуд унинг муаллифлик ҳуқуқини олувчи шахс маълум шахсга шу шартномада тарафлар томонидан келишилган шартлар доирасида ва унда белгиланган муддат давомида, шу жумладан уни бошқа тилга таржима қилиш ёки қайта ишлаш йули билан фойдаланиш ҳуқуқини беради, фойдаланувчи эса, тарафлар бошқача келишиб олмаган бўлсалар, ўзида ана шундай ҳуқуқ берилгани учун ёки асардан шартномада кўзда тутилган шаклларда ва усулларда фойдалангани учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу модда бундай турдаги муаллифлик шартномасининг амал қилиш муддатини қатъий чегаралаб қўяди. Мазкур Кодекснинг 1065-моддасида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг

1 январидан эътиборан 50 йил давомида амал қилади деб ёзиб қўйилган. Демак, экан муаллифлик лицензия шартномасининг амал қилиш муддатини шартнома муаллиф ҳаётлигида тузилар экан, муаллиф вафотигача бўлган муддат ва вафотидан кейин 50 йиллик муддатнинг жамланмаси ташкил қилади. Агар муаллифлик лицензия шартномаси муаллифнинг меросхўрлари томонидан унинг вафотидан кейин тузилар экан, ушбу шартноманинг амал қилиш муддати муаллиф вафотидан сўнг шартнома тузилгунга қадар ўтган муддатни 50 йилдан чегириб ташлангандан кейин қоладиган муддат давомида амал қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу қоида тарафлар муаллифлик лицензия шартномасида уни қанча муддатга амал қилиши тўғрисида келишиб олмаган бўлсалар ёхуд келишиб олган бўлса-ю, ушбу муддат юқорида кўзда тутилган муддатдан ошиб кетса қўлланилади.

Бундан ташқари, ушбу моддада муаллифлик лицензия шартномасини бир томонлама бекор қилиш тартиби кўзда тутилган. Асар муаллифи ёхуд унинг меросхўрлари муддат тўғрисида шарт кўрсатилганлиги ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, ушбу моддада назарда тутилган ҳолатда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

1072-модда. Асардан шартнома тузмаган ҳолда ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик

Ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган тақдирда қоидабузар ҳуқуқ эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт. Ҳуқуқ эгаси қоидабузардан ўзи кўрган зарар ўрнига унинг қоидабузарлик оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақли.

Асардан муаллифлик шартномасида назарда тутилмаган усулда ёки бундай шартноманинг амал қилиши тухтаганидан кейин фойдаланиш асардан шартнома тузмаган ҳолда фойдаланиш деб ҳисобланади.

Қоида буйича муайян муаллифлик шартномаси буйича асардан фойдаланиш мажбуриятини олган фойдаланувчи

шартномада белгиланган муддатда асардан фойдаланмаса, у муаллифга тегишли шартномада белгиланган ҳақни тула миқдорда тулашга мажбур. Бундан ташқари, муаллиф шартномадан воз кечиб, шартнома бўйича фойдаланувчига берилган асар нусхаларини қайтариб олишга ҳақли. Купинча муаллифнинг бундай имконияти унинг танлашига қараб бир вақтнинг узида бараварига ёхуд алоҳида - алоҳида тарзда амалга оширилиши, шунингдек муаллиф ўзига тегишли ҳақни туланиши ва шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг мазмуни шундан иборатки, ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмасдан унинг асаридан фойдаланилган тақдирда, қоидабузар ҳуқуқ эгасига етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт.

Ҳуқуқ эгасининг хоҳиши билан унга етказилган зарарнинг узинигина ундириб бериш мумкин. Ёхуд ҳам етказилган зарар, ҳам бой берилган фойданинг биргаликда ундирилиши ҳуқуқ эгаси томонидан талаб қилиниши мумкин. Шунингдек ҳуқуқ эгаси қўрган зарарларини қоплаш мақсадида, қоидабузардан унинг асаридан шартнома тузмасдан фойдаланганлик оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақли.

Асардан муаллифлик ҳуқуқи шартномасида назарда тутилмаган усулда фойдаланишга мисол қилиб, фойдаланувчи ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномада асарни кўргазмага қўйиш ёхуд уни ижро этиш усулида фойдаланиш мажбуриятини олади, аммо шартномада назарда тутилмаган тарзда асар нусхаларини ижарага бериб юборган ҳолатни келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда асардан бирон бир тарзда фойдаланиш тўғрисида ҳуқуқ эгаси билан фойдаланувчи уртасида тузилган шартноманинг амал қилиши тўхтагандан сунг, фойдаланувчининг асардан фойдаланишни давом эттириши натижасида ҳуқуқ эгасига етказилган зарар ва бой берилган фойдалари ундирилади.

1073-модда. Муаллифлик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш

Муаллифлик муносабатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Муаллифлик муносабатлари ушбу Кодекс, шунингдек “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги, “ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, “Архитектура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фан, адабиёт, санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), саҳна асарлари ижроларини, фонограммаларни, эфир ва кабель орқали кўрсатув ҳамда эшиттиришлар берувчи ташкилотларнинг кўрсатув ва эшиттиришларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Башарга Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномада Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқига оид қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

61-БОБ. ТУРДОШ ХУҚУҚЛАР

1074-модда. Турдош ҳуқуқлар объекти

Турдош ҳуқуқлар саҳна асарларига, ижрога, ижронинг аудио ва видеоёзувига (ижро ёзувига), эфир ва кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришларига татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги буйича нафақат фан, адабиёт, санъат асарлари муаллифларининг ҳуқуқлари, балки ижрочиларнинг (артистлар, саҳналаштирувчи режиссёрлар, дирижёрлар, уларнинг меросхўрлари), ижро ёзувини амалга оширувчи шахслар, кўрсатув ёки эшиттиришни яратган, эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳам қўриқланади.

Маълумки, турдош ҳуқуқ объектлари ушбу Кодекс қабул қилиниши билан биринчи марта қонун муҳофазасига олинадиган бўлди.

Муаллифлик ҳуқуқи билан мужассамлашиб, у билан бирикиб кетган ҳуқуқлар турдош ҳуқуқлар ҳисобланади. Турдош ҳуқуқлар термини ҳам шундан келиб чиққан. Муаллифлик ҳуқуқи сингари турдош ҳуқуқ объектлари ҳам номоддий неъматлар жумласига киради. Бинобарин бундай объектлар ҳам ижодий фаолият натижасидир.

Муаллифлик ҳуқуқидан фарқли равишда турдош ҳуқуқлар 3 та мустақил тоифа(категория)га бўлинади:

- 1) ижрочиларнинг ҳуқуқлари;
- 2) ижро ёзувини амалга оширувчи шахснинг ҳуқуқлари;
- 3) кўрсатув ва эшиттиришни эфир орқали берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари.

1075-модда. Турдош ҳуқуқларнинг субъектлари

Ижро этиш ҳуқуқи ижрочиларга - артистларга, саҳналаштирувчи-режиссёрларга, дирижёрларга, шунингдек уларнинг меросхўрларига тегишлидир. Бундай ижродан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий ворисларга ўтиши мумкин.

Ижро ёзувига бўлган ҳуқуқ ана шундай ёзувни амалга оширган шахсга ёки унинг ҳуқуқий ворисларига тегишлидир.

Трансляция қилиш ҳуқуқи кўрсатув ва эшиттиришни яратган эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотга ёки унинг ҳуқуқий ворисларига тегишлидир.

Ушбу моддада турдош ҳуқуқларнинг субъектлари кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига тегишли ҳуқуқ ўзининг ҳажми, мазмуни ва объектлари жиҳатидан фарқланади. Масалан, ижрочининг ҳуқуқлари ушбу Кодекснинг 1077-моддасида, ижрони ёзиб олувчи шахснинг ҳуқуқлари 1078-моддада, эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари 1079-моддада кўрсатиб ўтилган.

1076-модда. Турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгилари

Ижрони ёзиб олган шахс ва ижрочи ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгисидан фойдаланишлари мумкин, аудио ёки видеоёзувнинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) улар сақланадиган филофда акс эттириладиган бу белги қуйидаги уч элементдан иборат бўлади:

- айлана ичига олинган лотинча “P” ҳарфи;
- алоҳида турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи);
- ёзув биринчи марта эълон қилинган йил.

Ушбу модда мазмуни турдош ҳуқуқ объектининг қўриқланиши учун бирон бир расмиятчиликларга риоя қилиш лозимлигини билдирмайди, балки муаллиф ўз ҳуқуқларидан бошқаларни хабардор қилиш учун бундай объект нусхаларида акс эттириладиган ушбу моддада кўрсатилган ҳимоя белгиларидан фойдаланиши мумкинлигини англайди.

Бундай белгининг қўйилмаслиги турдош алоҳида мамлакатларда ҳуқуқ объектларини қўриқланмаслигига сабаб бўлиши мумкин (масалан, Мексика, Филиппин ва ҳ.к.). Хорижий мамлакатларнинг аксариятида бундай белгининг бўлиши ёки бўлмаслигининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

Турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгисини қўллаш алоҳида турдош ҳуқуқлар эгасининг ихтиёрига боғлиқ. Бунинг маъноси шуки, алоҳида турдош ҳуқуқлар эгасининг розилигисиз ҳеч ким бундай объектлардан текин фойдаланишга ҳақли

эмас. Бундай объектлар барча шахслар танишишига имкон берадиган ҳолатда бўлса ҳам, алоҳида турдош ҳуқуқларнинг эгаси рухсатсиз ундан барча учинчи шахсларнинг фойдаланишини тақиқлайди.

1077-модда. Ижрочининг ҳуқуқлари

Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ижро вақтида, ижро ёзувининг нусхаларида, ижро трансляция қилинаётганда ёки такрорланаётганида унинг исми-шарифини кўрсатиш;

асарни бузиб ижро этишдан ҳимоя қилиш;

ижродан фойдаланишни амалга ошириш ёки фойдаланишга рухсат бериш.

Ижродан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидагиларга рухсат бериш ҳуқуқини қамраб олади:

ижрони эфир ва кабель орқали трансляция қилиш;

ижрони техника воситалари ёрдамида ёзиб олиш;

ёзиб олинган ижрони трансляция қилиш ва омма олдида такрорлаш;

ижро ёзувини кўпайтириш ва унинг нусхаларини тарқатиш.

Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро этилаётган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда рўёбга чиқарадилар.

Ижродан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш қонун билан белгилаб қўйилади.

Хизмат топшириғини бажариш тартибида амалга оширилган ижрога (хизмат ижросига) бўлган ҳуқуққа нисбатан тегишинча ушбу Кодекс 1062-моддасининг қоидалари татбиқ этилади.

Ушбу моддада турдош ҳуқуқлар субъектларидан бири бўлган ижрочилар - актёр, кўшиқчи, мусиқачи, раққос(а) ёки роль уйнайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ва санъат асарини (шу жумладан эстрада, цирк ёки кўғирчоқли номерни) бошқа бир тарзда ижро этадиган шахс, шунингдек, спектаклни саҳналаштирувчи режиссёр ва дирижёр кабиларга тегишли ҳуқуқлар санаб ўтилган.

Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро этилаётган асар муаллифларининг муаллифлик, муаллифлик номига, асар

дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларига ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларига дахл қилмасдан рӯёбга чиқаришлари лозим.

Ижрочининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида биринчи марта амалга оширган ижрога бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон ҳудудида амал қилади. Бундай ҳолларда фуқаролигидан қатъи назар, ҳуқуқ ижрога, унинг меросхўрларига, шунингдек ижрочининг бошқа ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади. Ижрочининг ҳуқуқи ижро биринчи марта чет давлат ҳудудида амалга оширилган ҳолларда ҳам унга, шунингдек унинг ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Ижрочининг ҳуқуқлари биринчи ёзув ёки ижро (саҳналаштириш) пайтидан эътиборан 50 йил давомида амал қилади. Ижродан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ижрочининг рухсати билан ёки бошқа ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида унинг рухсати билан йўл қўйилади.

Ҳуқуқ эгаси ўзининг ижродан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, шу жумладан ижродан у ёки бу доирада фойдаланиш учун бошқа шахсга рухсатнома (лицензия) бериш йўли билан ўтказиш тўғрисида шартнома тузиши мумкин.

Ижрочи ёки унинг ҳуқуқий вориси ижродан фойдаланишга рухсат этганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Фойдаланишнинг ҳар бир тури учун алоҳида ҳақ туланиши керак.

Ҳақ олиш ҳуқуқидан воз кечиш аҳамиятсиздир.

1078-модда. Ижрони ёзиб олган шахснинг ҳуқуқлари

Ижронинг аудиоёзувини, видеоёзувини, аудио-видеоёзувини амалга оширган шахс ва унинг ҳуқуқий вориси ана шу ёзувга нисбатан алоҳида ҳуқуққа эга бўлади.

Бундай ёзувдан бошқа шахсларнинг фойдаланишига ана шу ёзувни амалга оширган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворисининг рухсати билангина йўл қўйилади.

Ижрони ёзиб олган шахс ёки унинг ҳуқуқий вориси қуйидагиларни амалга оширишга ёки қуйидагиларга рухсат беришга ҳақлидир: ёзувни омма олдидан такрорлаш;

ёзувга тузатишлар киритиш ёки уни бошқа тарзда қайта ишлаш;

ёзувнинг нусхаларини тарқатиш (сотиш, ижарага бериш ва шу кабилар), шу жумладан чет элга бериб юбориш;

ёзув нусхаларини импорт қилиш.

Башарти ижро ёзувининг нусхасига эгалик қилиш ҳуқуқи ижрони ёзиб олган шахсга тегишли бўлмаса, ёзувдан фойдаланиш, шу жумладан уни тижорат мақсадида ижарага бериш соҳасидаги алоҳида ҳуқуқ ёзувни амалга оширган шахсда сақланиб қолади.

Ижрони ёзиб олган шахснинг ҳуқуқларини чеклаш қонун билан белгилаб қўйилади.

Ижро ёзувига бўлган ҳуқуқнинг эгалари ўз ҳуқуқларини асарлар муаллифларининг ҳуқуқларини ва ижрочиларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширадilar.

Фойда олиш мақсадида эълон қилинган ижро ёзувини амалга оширган шахснинг ва ижроси ёзилган ижрочининг розилигисиз, аммо албатта ҳақ тўлаган ҳолда қўйидагиларга:

- ёзувни омма олдида ижро этишга;
- ёзувни эфир орқали кўрсатиш ва эшиттиришга;
- ёзувни ҳамманинг умумий маълумоти учун кабель орқали юборишга йўл қўйилади.

Туланадиган ҳақларни жамлаш, тақсимлаш ҳамда тўлаш муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланадиган ташкилот томонидан амалга оширилади.

Турдош ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўзларига мурожаат қилган турдош ҳуқуқ эгасининг топшириғини бажаришни зиммаларига олишга мажбурлар.

Ижрони ёзиб олган шахснинг ҳуқуқи, агар бу ёзув биринчи марта Ўзбекистонда омма олдида такрорланган ёки унинг нусхаси омма орасида тарқатилган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида амал қилади.

Ижро ёзувини амалга оширган шахс ҳуқуқи Ўзбекистон ҳудудида яшаш жойи ва жойлашган манзили бўлган Ўзбекистон фуқаролари ёки юридик шахсларга ҳам тегишли деб тан олинади.

Ижро ёзувини амалга оширган шахснинг ҳуқуқлари ёзув амалга оширган пайтдан бошлаб 50 йил мобайнида ўз кучини сақлаб қолади.

1079-модда. Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатув ва эшиттиришларидан исталган шаклда фойдаланиш ва учинчи шахсларга бундай кўрсатув ва эшиттиришлардан фойдаланиш учун рухсат бериш борасида алоҳида ҳуқуқларга эгадир.

Кўрсатув ва эшиттиришлардан учинчи шахсларнинг фойдаланиши шартнома асосида амалга оширилади. Ҳуқуқ эгаси фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини чеклаш қонун билан белгилаб қўйилади.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот ўз ҳуқуқларини асар муаллифларининг ҳуқуқлари ва ижрочиларнинг ҳуқуқларини, зарур ҳолларда эса, ижро ёзувига бўлган ҳуқуқ эгаларининг ҳамда эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар турдош ҳуқуқнинг салобатли субъектларидандир.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот қуйидагиларга ҳақли:

- кўрсатув ва эшиттиришни трансляция қилиш;
- эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришни берувчи бошқа ташкилотларга ва кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларга ўз кўрсатув ва эшиттиришларини айнан бир вақтда трансляция қилишга рухсат бериш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришларини ёзиб олиш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришлари ёзувини такрорлаш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришларини трансляция қилишга ва айнан бир вақтда кабель орқали трансляция, ретрансляция қилишга ҳамда бу кўрсатув ва эшиттиришлар ёзувини трансляция қилишга рухсат бериш;
- эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини чеклаш қонун билан белгилаб қўйилади.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон ҳудудида амал қилади, ба-шарти ташкилотнинг ушбу ҳудудда жойлашган манзили

булиб, унда жойлаштирилган узаткичлар ёрдамида курсатув ва эшиттиришларни амалга ошираётган бўлса.

Эфир орқали курсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг курсатув ва эшиттиришга бўлган ҳуқуқи уни биринчи марта эфирга трансляция қилиш пайтидан бошлаб 50 йил мобайнида амал қилади.

1080-модда. Кабель орқали курсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари

Кабель орқали курсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари эфир орқали курсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ушбу Кодекс ва қонунда белгиланган ҳуқуқларига нисбатан белгиланади.

Ижро ёзувини амалга оширган шахснинг, эфир ва кабель орқали курсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг розилигисиз ва ҳақ тўламасдан ижродан, сахна асаридан, эфир орқали берилган курсатув ва эшиттиришдан ҳамда уларнинг ёзувидан фойдаланишга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

- кундалик воқеалар шарҳига ижродан, сахна асаридан, ёзувдан, эфир ва кабель орқали берилган курсатув ва эшиттиришдан унчалик катта бўлмаган парчалар қўйиш йўли билан;

- фақат ўқув ва илмий талқиқот мақсадларида;

- ижрода сахна асаридан, ёзувдан, эфир ва кабель орқали берилган курсатув ва эшиттиришдан унча катта бўлмаган парчалар келтириш шаклида, фақат бундай парчалар келтириш ахборот мақсадларида амалга оширилиши ва бунда эфир ёки кабель орқали курсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот томонидан тижорат мақсадида эълон қилинган ёзув нусхаларида исталган шаклда фойдаланиши, аммо бундай фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 55-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Фонограмма ишлаб чиқарувчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг розилигисиз эфир ёки кабель орқали берилган кўрсатув ва эшиттиришдан ҳамда унинг ёзувидан шахсий мақсадларда фойдаланишга ва фонограммани такрорлашга йўл қўйилади.

Агар қисқа муддат фойдаланиш учун ёзиш ёки такрорлаш эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот томонидан унинг ўз асбоб-ускуналари ёрдамида ҳамда унинг ўз кўрсатуви ва эшиттириши учун амалга оширилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 50,54,58 ва 59-моддаларининг ижро, саҳна асари ёки кўрсатув ва эшиттиришнинг қисқа муддат фойдаланиладиган ёзувларини амалга оширувчи, тижорат мақсадида эълон қилинган ёзувни такрорлаш учун ижрочининг ижро ёзувини амалга оширган шахс ҳамда эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг рухсатини олиш ҳақидаги қоидалари қуйидаги шартлар билан қўлланилмайди:

- эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот қисқа муддат фойдаланиладиган ёзув ёки бундай ёзувни такрорлаш амалга ошириладиган саҳна асарининг узини, ижрони ёки кўрсатув ва эшиттиришни эфирга бериш учун олдиндан рухсат олган тақдирда;

- қисқа муддат ичида фойдаланиладиган ёзув адабиёт, фан ва санъат асарларининг бундай ёзувларига нисбатан белгиланган муддат доирасида йўқ қилиб юборилган тақдирда, башарти ёзув бутунлай ҳужжат руҳида бўлса, расмий архивларда сақланиши мумкин бўлган ягона нусха бундан мустасно.

Юқорида назарда тутилган чеклашлар ижродан, ижро ёзувидан, саҳна асаридан, эфир ёки кабель орқали берилган кўрсатув ва эшиттиришдан ҳамда уларнинг ёзуви билан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ҳолда ва ижрочининг ижро ёзувини амалга оширган шахснинг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш ташкилоти ҳамда кўрсатиб ўтилган асарлар муаллифларининг қонуний манфаатларини чеклаб қўймаган ҳолда қўлланилади.

1081-модда. Турдош ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик ва асардан шартнома тузмаган ҳолда гайриқонуний равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик

Турдош ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд асардан шартнома тузмаган ҳолда гайриқонуний равишда фойдаланган шахс шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги ёхуд зарар етказганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидаларга мувофиқ жавобгар бўлади.

Турдош ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд асардан шартнома тузмаган ҳолда гайриқонуний равишда фойдаланган шахсга нисбатан шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Кодекснинг 24-бобидаги ёхуд зарар етказганлик учун ушбу Кодекснинг 57-бобидаги моддалар талабларидан келиб чиқиб, жавобгарлик белгиланади.

62-БОБ. САНОАТ МУЛКИГА БЎЛГАН ХУКУК (ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИГА БЎЛГАН ХУКУК)

1082-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйил-адиган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда патент идорасининг бундай ҳужжат бериш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади.

Саноат мулки объектлари интеллектуал мулк объектларининг таркибий қисми ҳисобланади. “Саноат мулки” иборасини том маънода тушунмаслик лозим. Ушбу иборани қўллаш XVIII-XIX асрларда Европа мамлакатларида ҳуқуқий ёрлиқ - патент орқали муҳофаза қилинадиган ихтиролар - техник тавсифдаги ечимларни асосан саноат соҳасида қўлланганлиги билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда саноат мулки нафақат саноатда, балки амалиётнинг, турмушнинг ҳамма соҳаларида кенг қўлланилади. Гарчи бу ибора унчалик аниқ, равшан бўлмаса-да, бироқ қонуншуносликда мустақкам ўрнашиб қолгани сабабли халқаро конвенцияларда, ривожланган мамлакатлар қонунларида интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида ҳимоя қилишда катта бир гуруҳ номини ифодалаш учун анъанавий қўлланиб келмоқда. Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида саноат мулкининг муҳофаза объектлари сифатида қўйидагилар кўрсатилади: 1) ихтиролар; 2) фойдали моделлар; 3) саноат намуналари; 4) товар белгилари; 5) хизмат кўрсатиш белгилари; 6) фирма номи; 7) манбани кўрсатиш; 8) товар чиқарилган жой номи; 9) фирром рақобатнинг олдини олиш (1(2)-модда).

Ушбу ФКда саноат мулкига нисбатан ҳуқуқ ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқуқ сифатида назарда тутилади.

Шарҳланаётган моддага асосан ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси яратилиш факти бўйича эмас, балки махсус ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ҳужжати-патент берилган тақдирдагина ҳимоя қилинади, қўриқланади. Ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи ихтиро ва саноат намунасига нисбатан патент, дастлабки патент деб, фойдали моделга нисбатан эса гувоҳнома деб аталади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйиладиган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда Патент идорасининг бундай ҳужжатни бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари туғрисидаги Қонун”и (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) билан белгиланади (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, 5-сон, 138-модда).

Ихтиронинг патентга лаёқатлилиқ шартлари ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан, ихтиро сифатида кўрсатилган объект, яъни амалий аҳамиятга эга бўлган муаммонинг ечими, башарти у янги, ихтирочилиқ даражасига эга бўлса ва уни амалиётда қўллаш мумкин бўлса, патент асосида ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасида маълум бўлмаса, янги ҳисобланади. Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасида яққол аён бўлмаса, очиқ-равшан кўриниб турмаса, ихтирочилиқ даражасига эга бўлади. Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги соҳаси бўйича жаҳонда оммавий, ошқора эълон қилинган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади. Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва қайтариб олинган талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Ихтиро объектлари турли-туман кўринишларга эга. Баъзи ҳолларда аввалдан мавжуд объектни янги мақсадларда қўлланиши ҳам ихтиро ҳисобланади. Масалан, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моделлар, микро-

организмларнинг штамлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турларини янги мақсадда қўлланиши ихтиро сифатида эътироф этилади.

Куйидагилар ихтиро ҳисобланмайди:

илмий назариялар ва математика усуллари;

ҳўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари;

шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;

ақлий операцияларни бошқариш қоидалари ва усуллари;

ЭҲМлар учун алгоритмлар ва дастурлар;

бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;

эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар;

интеграл схемаларнинг топологиялари;

ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар (масалан, инсонни руҳий ёки жисмоний қийноққа солиш воситалари, фаҳш-бузуқлик воситалари ва ҳоказо).

Фойдали моделларнинг патентга лаёқатлилиқ шартлари Қонуннинг 6-моддасида белгилаб қўйилган.

Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг конструктив жиҳатдан ясалиши, тайёрланиши, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари фойдали модель ҳисобланади.

Фойдали модель сифатида кўрсатилган объект башарти у янги бўлса, уни амалиётда қўллаш мумкин бўлса, гувоҳнома бериш орқали ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Ушбу талаблар ихтирога қўйиладиган талабларга ўхшаш. Айни вақтда улар ўртасида жиддий тафовутлар ҳам мавжуд. Масалан, фойдали модель ихтирочилиқ даражасига эга эмас. Фойдали модель объектларининг доираси ҳам торроқ. Жумладан, ихтиро сифатида эътироф этилган усуллар, моддалар, микроорганизм штамлари, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, шунингдек уларнинг янги мақсадда қўлланиши фойдали модель ҳисобланмайди. Айни вақтда

ихтиро бўлиб ҳисобланмайдиган объектлар ҳам фойдали модель сифатида муҳофаза қилинмайди.

Буюмпинг ташқи кўринишини ифодаладиган бадий-конструкторлик ечимлари саноат намунаси ҳисобланади. Ушбу ечимлар буюмнинг конструктив хусусиятларини эмас, балки фақат ташқи қиёфасини, ташқи кўринишини шакллантиради. Бадий-конструкторлик ечими сифатида саноат намунаси санъат асарларидан буюмнинг конструктив (техник яроқлилиқ, қулайлик хусусиятлари, ишлаш лаёқати) ва эстетик сифати (чиройлилиги, безатилганлиги)нинг узвий уйғунлашган бўлиши лозимлиги билан фарқланади.

Саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект башарти у янги, ўзига хос ва уни амалиётда қўллаш мумкин бўлса, патент бериш орқали ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади (Қонуннинг 7-моддаси). Саноат намунаси башарти буюмнинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим аломатлари мажмуи саноат намунасига устуворлик беришга қадар жаҳонда оммавий-ошкора эълон қилинган маълумотлардан аён (очиқ-равшан кўриниб турган) бўлмаса янги ҳисобланади.

Саноат намунаси, башарти унинг муҳим аломатлари мажмуи буюм эстетик хусусиятларининг ижодий тавсифи билан боғлиқ бўлса, ўзига хос (оригинал) ҳисобланади.

Саноат намунаси, башарти уни (буюмни тайёрлаш орқали) такрор-такрор ҳосил қилиш (истифода қилиш, қайта кўпайтириш) мумкин бўлса, саноат (амалиёт)да қўллаш мумкин деб саналади.

Шундай қилиб, бадий-конструкторлик ечим, агарда бадий жиҳатдан ва ахборот-маълумот жиҳатдан мужассамланган, ифодаланган, композиция яхлитлиги, оқилона, рационал шаклга эга (яъни конструктив-технологик талабга мос) ва эргономика мезонларига мувофиқ келса, саноат намунаси деб эътироф этилади.

Куйидагилар саноат намунасига киритилмайди: матбаа (нашр) маҳсулотлари (газета, журнал, китоб ва ҳоказо), меъморчилик объектлари (кичик меъморчилик шакллари

ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар, суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар, буюмнинг фақат техник функцияси билан боғлиқ ечимлар (гайка, шуруп, болт, винт кабилар), жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисларига тегишли бўлади ҳамда ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома) билан тасдиқланади.

Башарти бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда саноат мулки объектини яратган бўлса, ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи (патент, дастлабки патент, гувоҳнома)га нисбатан ҳуқуқ Патент идорасига биринчи навбатда талабнома топширган шахсга берилади.

Дастлабки патент ва гувоҳнома дастлабки экспертиза ўтказилганидан кейин, патент эса объект моҳиятан экспертизадан ўтказилганидан сўнг берилади.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгилигини, ихтирочилик даражасини, патентнинг ҳақиқийлиги ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиши, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга нисбатан мутлақ ҳуқуқини гувоҳлантиради.

Саноат намунасига берилган патент, фойдали моделга берилган гувоҳнома ҳам худди шундай вазифаларни бажаради.

Ёрлиқ эгасинини мутлақ ҳуқуқи ушбу ёрлиқ (патент, гувоҳнома, дастлабки патент) ҳақидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан бошлаб амалда ҳисобланади.

Устуворлик санасидан бошлаб ихтирога бўлган патент 20 йил, саноат намунасига бўлган патент 10 йил давомида амал қилади.

Ихтирога берилган дастлабки патент ва фойдали модель гувоҳномаси беш йил мобайнида амал қилади.

Саноат намунаси патенти, фойдали модель гувоҳномасининг амал қилиш муддати патент (гувоҳнома) эгасининг

илтимосига кўра, Патент идораси томонидан тегишлича ра-
вишда беш йилга ва уч йилга узайтирилиши мумкин.

Патент, дастлабки патент, гувоҳнома бериш тартиби
Қонуннинг 14-26-моддаларида белгилаб қўйилган.

**1083-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида фой-
даланиш ҳуқуқи**

Патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат
намунасида уз хоҳишича фойдаланишдаги алоҳида ҳуқуқ, шу жум-
ладан муҳофазаланган ечимларни қўллаган ҳолда маҳсулот ишлаб
чиқариш, патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни уз
ишлаб чиқаришида қўллаш, муҳофазаланган ечимга эга булган маҳ-
сулотларни сотиш ёки сотишга таклиф этиш, тегишли маҳсулотлар-
ни четдан келтириш ҳуқуқи патент эгасига тегишлидир.

Патент эгасидан бошқа шахслар унинг рухсатсиз ихтиро, фой-
дали модель, саноат намунасида фойдаланишга ҳақли эмас, бундай
фойдаланиш ушбу Кодекс ёки бошқа қонунга мувофиқ патент эга-
сининг ҳуқуқларини бузиш ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мус-
тасно.

Патентланган ихтирони, фойдали модель ёки саноат намуна-
сини қўллаган ҳолда маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, чет-
дан олиб келиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муома-
ласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаш, шунинг-
дек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш
ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул воситасида-
гина тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки
шу мақсадда сақлаш патент эгаси алоҳида ҳуқуқининг бузилиши
ҳисобланади.

Бошқача ҳолат исботлангунга қадар маҳсулот патентланган усул
билан тайёрланган ҳисобланади.

Ушбу шарҳланаётган моддада саноат мулки объектига
нисбатан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олган шахсининг бу объ-
ектдан фойдаланиши буйича мутлақ ҳуқуқи мазмуни, ҳажми
белгилаб берилган.

Ҳуқуқ эгаси патент (гувоҳнома) билан муҳофазалан-
ган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида уз хоҳи-
шига кўра фойдаланиш буйича мутлақ ҳуқуққа эгадир. Бун-
дай мутлақ ҳуқуқ қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

а) ҳуқуқий муҳофаза қилинган ечимларни қўллаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш;

б) патент билан (гувоҳнома) билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, жорий қилиш, амалга ошириш;

в) муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф қилиш;

г) худди шундай муҳофазаланган буюмларни импорт қилиш.

Бу таркибий қисмлар бир бутун яхлит ҳолда мутлақ ҳуқуқ мазмунини ташкил этади. Айни вақтда ҳуқуқий муҳофаза унинг айрим қисмларинигина қамраб олиши мумкин. Масалан, нефтдан бензин олиш усули. Бунда янги усулнинг ўзи ҳуқуқий муҳофазада бўлади, бу усул асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот эса ҳуқуқий муҳофазада бўлмайди.

Маълумки, ёрлиқ берилган ечим, маҳсулотга нисбатан мутлақ ҳуқуқ энг камида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Бинобарин, бундай маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш (импорт қилиш) ҳуқуқи ҳам мутлақ ҳуқуқ эгасига тегишлидир.

Бошқа ҳар қандай шахслар ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасидан патент (гувоҳнома) эгасининг рухсати ёки у билан келишув асосидагина фойдаланишлари лозим.

Қонуннинг 12-моддасига асосан қуйидаги ҳоллар патент эгаси мутлақ ҳуқуқини бузиш сифатида эътироф этилмайди:

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган қурилмаларни Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган бошқа давлат транспорт воситасида, мазкур восита Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча ёки тасодифан турган вақтда қўллаш - бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учунгина фойдаланиш шарти билан;

ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажриба утказиш;

ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, фалокатлар, эпидемия ва бошқа фавқулодда ҳолларда қўллаш;

ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, башарти бу воситалар хўжалик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;

патентлар билан муҳофазаланган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда фойдаланиш, қўллаш;

дорихоналарда шифокор рецепти бўйича бир галлик дорилар тайёрлаш;

Қонуннинг 30-моддасида белгиланган ҳолларда, тартибда ва ҳажмларда аввалдан фойдаланувчи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки объектларидан фойдаланиш.

ФКнинг 1034-моддаси, ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақидаги Қонуннинг 11, 31-моддаларига асосан саноат мулки объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ушбу объектдан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат беришга ёки фойдаланишни тақиқлаб қўйишга ҳақли. Шарҳланаётган ушбу модда бошқа шахслар томонидан содир этиладиган қандай ҳаракатлар мутлақ ҳуқуқни бузиш деб ҳисобланишини белгилайди. Бинобарин ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилган ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасидан мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олмасдан фойдаланган ҳолда, яъни

а) маҳсулот тайёрлаш;

б) технологик жараёнларни йўлга қўйиш, қўллаш;

в) четдан олиб келиш (импорт қилиш);

г) сотишга таклиф этиш, сотиш;

д) фуқаролик муомаласига бошқача йўсинда киритиш (масалан, ижарага бериш, ҳадя қилиш ва ҳоказо);

е) ҳақ эвазига ёки ҳақсиз фуқаролик муомаласига киритиш мақсадида сақлаш;

ж) ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёки ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул воситасидагина тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш (сотиш, ижарага бериш ва ҳоказо) ёки шу мақсадда сақлаш ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи эгаси (патент ёки гувоҳнома эгаси)нинг мутлақ ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади.

Патент (гувоҳнома) эгасининг саноат мулки объектдан учинчи шахсларнинг фойдаланишига рухсат бериши қатъий ифодаланган бўлиши ва тегишли шаклда расмийлаштирилиши шарт. Учинчи шахс томонидан мутлақ ҳуқуқ эгасини объектдан фойдаланиши ҳақида хабардор қилиш факти рухсат олиш ҳисобланмайди. Мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан учинчи шахсни рухсат сўраб қилган мурожаатига индамаслик рухсат берилмаганлигини билдиради. Мутлақ ҳуқуқ эгасининг рухсат бериши унинг хатти-ҳаракатларида ҳам кўриниб туриши мумкин (масалан, ихтиро қурилмасини бериш). Бундай ҳолларда (агарда рухсат олиш аниқ, равшан ифодаланиши ва тегишли шаклда расмийлаштирилиши шарт бўлмаса) мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олинган деб ҳисоблаш мумкин (ФКнинг 106-моддасига асосан).

Мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқларини бузиш тегишли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу шарҳланаётган моддада белгиланган қоидага асосан мутлақ ҳуқуқни бузган деб ҳисобланаётган шахс бунинг аксини, яъни маҳсулот патентланган усул билан тайёрланмаганлигини исботлаб бериши шарт. У бу ҳолатни исботлаб бергунга қадар маҳсулот патентланган усулда тайёрланган деб ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий презумпция Қонуннинг 29-моддасида батафсил ўз ифодасини топган. Унга асосан ихтиронинг, фойдали модель формуласининг мустақил бандига киритилган ҳар бир белгиси ёки унга муодил (эквивалент) бўлган белги қўлланилган бўлса, маҳсу-

лот (буюм) патент берилган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан муҳофаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб ҳисобланади.

Маҳсулотни олиш усулига берилган патентнинг амал қилиши айнан шу усул ёрдамида олинган маҳсулотга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Бунда бунинг аксини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги маҳсулот патент берилган усулда олинган деб ҳисобланади.

Башарти маҳсулотда патентланган саноат намунасининг барча муҳим аломатлари бўлса, у патент берилган саноат намунасидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади.

1084-модда. Патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш

Патент олиш ҳуқуқи, талабномани рўйхатдан ўтказишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар, патентга эгалик ҳуқуқи ва патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар бошқа шахсга тулиқ ёки қисман берилиши мумкин.

Патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш ҳуқуқларининг юридик тақдирини белгилашни англатади. Мутлақ ҳуқуқ соҳиби бу ҳуқуқларни шахсан ўзи амалга ошириши, бошқа ҳар қандай шахсларга тулиқ ёки қисман, ҳақ бараварига (лицензия бериш, сотиш) ёки текин (ҳадя қилиш) ўтказиш-га ҳақли.

Патентга бўлган ҳуқуқ ўз таркибига, доирасига хилма-хил ҳуқуқларни қамраб олади. Бу ҳуқуқларнинг мажмуи патентга бўлган ҳуқуқни ташкил этади. Шарҳланаётган ушбу моддада патентга бўлган ҳуқуқларнинг асосий турлари белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) патент олиш ҳуқуқи. Қонуннинг 9-моддасига асосан саноат мулки объектига саноат мулки объектининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ёки унинг (уларнинг) меросхўрлари ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома)ни олиш-га ҳақли; муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан патент, дастлабки патент ёки гувоҳномага оид талабларда

ёхуд саноат мулки объекти Патент идорасида рўйхатдан ўтказилгунга қадар топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга (улар розилиги шарт билан) - ушбу асосга кўра патент олиш ҳуқуқи ҳақ эвазига ёки текинга ҳар қандай шахсга ўтказилиши мумкин. Муаллиф билан саноат мулки объектини яратиш бўйича шартнома тузган ва шартномага кўра ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган буюртмачи ҳам ушбу асосга биноан патент олиш ҳуқуқига эга;

муаллифга иш берувчига (яъни муаллифни ишга ёлловчига) ФК нинг 1087-моддасида белгиланган ҳолларда, асосларда ва тартибда мерос бўйича ўтади;

б) саноат мулки объектига патент (гувоҳнома) бериш сўралган талабномани рўйхатдан ўтказишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар. Патент олишга бўлган ҳуқуқ Патент идорасига белгиланган тартибда патент беришни сўраб талабнома бериш (қонуннинг 14-22-моддалари) орқали оширилади. Талабнома топширилиб, у Патент идорасида рўйхатдан ўтказилгандан кейин талабнома топширган шахсда вужудга келадиган ҳуқуқлар (улар орасида марказий ўринда ўз номига патент олиш ҳуқуқи туради) бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман, ҳақ эвазига ёки текин ўтказилиши мумкин. Бундай ўтказиш тегишли шаклда расмийлаштирилиши лозим;

в) патентга эгалик ҳуқуқи; бу энг аввало патент бўйича мутлақ ҳуқуқни тўлиқ ҳолда ўз ихтиёри, эрки-иродаси доирасида ушлаб туриш, сақлаб туриш ҳисобланади. Бу ҳуқуқ мазмуни Қонуннинг 11-моддасида белгилаб қўйилган. Патентга эгалик ҳуқуқи ҳам тўлиқ ёки қисман, ҳақ эвазига ё текин бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин (у тегишли тартибга риоя қилган ҳолда расмийлаштирилиши, яъни ёзма тузилиши ва давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт);

г) патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар, яъни саноат мулки объектдан ўзи фойдаланиши, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат (лицензия) бериши ва бошқаларнинг бу

объектлардан фойдаланишини тақиқлаб қўйиши, лицензия учун тегишли ҳақ олиш, мутлақ ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарарларнинг (ҳам моддий, ҳам маънавий) қопланишини талаб қилиш каби ҳуқуқлардан иборат. Бу ҳуқуқлар ҳам бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман, ҳақ эвазига ё текин ўтказилиши мумкин.

1085-модда. Муаллифлик ҳуқуқи

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига муаллифлик ҳуқуқи ва махсус ном бериш ҳуқуқи ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг муаллифига тегишлидир.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар патентга асосланган ҳуқуқлар юзага келган пайтдан эътиборан вужудга келади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси муаллифини қонун махсус ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий тусдаги афзалликлар билан таъмин этиши мумкин.

Талабномада муаллиф тариқасида кўрсатилган шахс бошқача ҳолат исботлангунга қадар муаллиф ҳисобланади. Ҳуқуқ юзага келишидан аввал мавжуд бўлган фактлар ва ҳолатларгина далил тариқасида жалб этилиши мумкин.

Саноат мулки объекти (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси)ни ўз ижодий меҳнати билан шахсан яратган жисмоний шахс бу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Саноат мулки объектига ҳуқуқий муҳофаза ёрлигини олиш учун топширилган талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида муаллиф ариза бериб, саноат мулки объектига ўз номини ёки махсус ном бериш ҳуқуқига эга.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар патент (губоҳнома)га асосланган ҳуқуқлар билан айнан бир вақтдан бошлаб вужудга келади. Қонуннинг 3-моддасига асосан патент асосида келиб чиқувчи мутлақ ҳуқуқлар объектнинг устуворлик санасидан бошлаб амал қила бошлайди. Бинобарин, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар ҳам шу вақтдан бошлаб вужудга келади ва патентга асосланган ҳуқуқлардан фарқли равишда муддатсиз амал қилади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси муаллифига қонун ҳужжатлари асосида махсус ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий тусдаги афзалликлар берилиши мумкин.

ФКда, бошқа қонун ҳужжатларида муаллифга тегишли қуйидаги махсус ҳуқуқлар ва уларни ҳимоя қилиш бўйича меъёрлар белгилаб қўйилган:

а) объектнинг муаллифи сифатида ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғида қайд этилиши ва бу ҳуқуқнинг ҳамма томонидан тан олинishi, риоя этилишига бўлган ҳуқуқ. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 149-моддасига асосан муаллифликни ўзлаштириш, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган;

б) муаллифнинг саноат мулки объектга ном бериш ҳуқуқи;

в) муаллиф саноат мулки объектдан бу объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасидан рухсат олмай ва ҳақ тўламай илмий тадқиқот ва шахсий мақсадларда фойдаланишга ҳақли;

г) патент (гувоҳнома) эгаси бўлмаган саноат мулки объектнинг муаллифи мазкур объектдан фойдаланилганлиги ва унга доир лицензия сотилганлиги учун мукофот пули олишга ҳақлидир. Ҳақ миқдори, уни тўлаш тартиби иш берувчи, патент эгаси ёки уларнинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартнома асосида белгиланади.

Патент (гувоҳнома) эгаси уни амал қилиш муддати давомида муаллифга қуйидагилар ҳисобидан ҳақ тўлайди:

объектдан фойдаланганликдан келадиган фойда (даромад);

объект асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот (бajarилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннарни;

объект учун берилган лицензия тўловлари.

Лицензия шартномаси бўйича мукофот пули лицензия шартномасида кўрсатилган тўлов валютасида ҳам тўланиши мумкин (Қонуннинг 34-моддаси);

д) Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда саноат мулки объектнинг муаллифлари қатор им-

тиёзлар ва афзалликларга (штатлар қисқарганда ишда қолдиришда имтиёз, ижодий таътилга чиқиш ҳуқуқи кабилар) эга бўлиши, уларга давлат мукофотлари, илмий даража ва фахрий унвонлар берилиши мумкин.

Қонуннинг 15-17-моддасида кўрсатилганидек, саноат мулки объектига ҳуқуқий муҳофаза бериш ҳақидаги талабномада объектни ўз ижодий меҳнати билан яратган шахс унинг муаллифи сифатида қайд этилади. Бу ҳолатнинг акси (объектнинг муаллифи бошқа шахс эканлиги) исботлаб берилмагунча, талабномада объект муаллифи сифатида кўрсатилган шахснинг муаллифлик презумпцияси амал қилади. Муаллифлик ҳақида низо чиққан тақдирда муаллифлик ҳуқуқи вужудга келишидан аввал мавжуд бўлган фактлар ва ҳолатлар (муаллифлик ҳуқуқи даъвогарининг объект бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлиги, ижобий натижаларга эришгани ва ҳоказо) далил, исбот тариқасида жалб этилиши мумкин. Ҳуқуқ юзага келишидан кейин вужудга келган фактлар ва ҳолатлар муаллифликни тасдиқловчи далил, исбот ўрнига ўтмайди.

1086-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг ҳаммуаллифлари

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ҳаммуаллифларининг ўзаро муносабатлари улар ўртасидаги келишув билан белгилаб қўйилади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини яратишга ноижодий ёрдам бериш (техникавий, ташкилий ёки математик ёрдам, ҳуқуқларни расмийлаштиришга кўмаклашиш ва ҳоказолар) ҳаммуаллифликка сабаб бўлмайди.

Башарти, саноат мулки объекти бир неча жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси бу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифи деб эътироф этилади.

Саноат мулки объекти ҳаммуаллифларининг объект бўйича муносабатлари ўзаро келишув асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда суд томонидан белгиланади.

Саоат мулки объектини яратишда ноижодий тарздаги фаолият (техникавий, ташкилий ёки математик жиҳатдан ёрдам, ҳуқуқларни расмийлаштирилишига кўмаклашиш ва ҳоказо) орқали ёрдам бериш ҳаммуаллифликка сабаб бўлмайди. Бироқ, улар Қонуннинг 35-моддасига асосан саоат мулки объектларини яратиш ва улардан фойдаланишда кўмаклашган шахс сифатида мукофот олишга ҳақли.

1087-модда. Хизмат ихтиролари, фойдали моделлари, саоат намуналари

Ходим ўз хизмат мажбуриятларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш вақтида яратган ихтиро, фойдали модель, саоат намунасига (хизмат ихтиросига) патент олиш ҳуқуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Хизмат ихтироси, фойдали модели, саоат намунаси учун муаллифга туланидиган мукофот пули миқдори, тулов шарти ва тартиби у билан иш берувчи ўртасидаги келишув билан белгилаб қўйилади. Келишувга эришилмаган тақдирда қарорни суд чиқаради. Башарти муаллиф ва иш берувчининг хизмат ихтироси, фойдали модели ёки саоат намунасини яратишга қўшган ҳиссасини аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, иш берувчи олган ёки оладиган фойданинг ярмисига бўлган ҳуқуқ муаллифники деб эътироф этилади.

Қуйидаги ҳолларда саоат мулки объектга нисбатан (гувоҳнома) олиш ҳуқуқи объект муаллифи билан меҳнат шартномаси (битими, контракт) тузган иш берувчига тегишли:

а) объектни ходим ўз хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида яратган бўлса;

б) объект ходим томонидан иш берувчининг аниқ муайян хизмат топшириғини бажариш натижасида яратилган бўлса;

в) башарти бу ҳолат саоат мулки объектининг муаллифи билан иш берувчи ўртасидаги шартнома (контракт)да назарда тутилган бўлса (агар юқоридаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлса-ю, объектга патент олиш ҳуқуқи иш берув-

чига тегишли бўлиши ҳақида келишув бўлмаса, у ҳолда патент олиш ҳуқуқи муаллифнинг ўзида қолади).

Қонунда, шунингдек, хизматчи корхонанинг ихтисосига доир техник билимлар ёрдамида яратилган саноат мулки объектига патент олиш ҳуқуқи ҳам иш берувчига тегишли бўлиши назарда тутилади (9-модда).

Агарда иш берувчи саноат мулки объекти яратилганлиги ҳақида муаллиф хабардор қилинган санадан бошлаб тург ой мобайнида Патент идорасига талабнома топширилмаса ёки талабнома топшириш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказмаса, муаллиф ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объекти иш берувчи томонидан махфий (ноу-хау сифатида) сақлангани бўлса, муаллиф махсус ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Ходим томонидан хизмат тартибида саноат мулки объекти яратилганда муаллиф мукофот пули олишга ҳақли. Мукофот пулининг миқдори, тулов тартиби, тулов натижалари ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади. Агар тарафлар бундай келишувга эришмасалар судга мурожаат қилинади ва келишув шартлари суд томонидан аниқланади.

Одатда, объект яратилишида ходим ўз ижодий меҳнати билан, иш берувчи эса меҳнат шароитини яратиш, зарур асбоб-ускуна, адабиётлар, маълумотлар билан таъминлаш орқали иштирок этади. Объектдан фойдаланишда олинган даромадни тақсимлашда ким қанча ҳисса қўшганлиги ҳисобга олинади ва шунга мутаносиб равишда фойдадан улуш берилади. Агарда объектни яратишда ходим ва иш бажарувчи қўшган ҳиссаларни аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, объектдан фойдаланиш ёки лицензия бериш асосида иш берувчи оладиган (олган) фойданинг ярми (50 фоизи) муаллифга тегишлидир.

1088-модда. Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш туғрисидаги шартноманинг шакли

Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш туғрисидаги (патентни бериш туғрисидаги) шартнома ёзма шаклда тузилиши ва

патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Уни ёзма шаклда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Саноат мулки объектига берилган патент (гувоҳнома) патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартнома ҳақ эвазига ёки текин эканлигидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши шарт. Бундай шартномани шакллантиришда ФК нинг 107-моддасида белгилаб қўйилган битимнинг ёзма шаклига оид қоидаларига риоя қилиниши лозим.

Ёзма равишда тузилган шартнома Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказишга ваколатли давлат идораси энг аввало шартнома шартларининг қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширади. Қонунга номувофиқ шартномаларни рўйхатдан ўтказиш рад этилиб, тарафларга шартнома шартларини қонунга мувофиқлаштириш таклиф этилади.

Умумий қоидалар бўйича шартномалар рўйхатдан ўтказилишида қанчалик мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланмайди (давлат ва жамият манфаатларига атайлаб хилоф тузилган шартномалар бундан мустасно). Шартнома рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

Шартномани ёзма равишда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартномани ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади. ФК нинг 112-моддасига асосан бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Агар шартнома ёзма равишда тузилса-ю, аммо тарафлардан бири уни давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор чиқаради. Бундай ҳолда шартнома ФК нинг 112-моддаси 3-қисмига биноан рўйхатдан ўтказилади. Шартномани давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош тортган тараф шартномани тузишни кечиктирганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

Шартномадаги тарафлар томонидан ушбу шарҳланаётган модда талабларига риоя этмаслик оқибатларига нисбатан ФК нинг 113-114-моддаларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

1089-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасида фойдаланиш рухсатномасининг (лицензиясининг) шакли

Лицензия шартномаси ва қўшимча лицензия шартномаси ёзма шаклда тузилади ва патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Уни ёзма шаклда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан саноат мулки объектидан бошқа шахсга фойдаланиш учун лицензия шартномаси ҳақидаги келишуви албағта ёзма равишда тузилиши шарт. Бунда ФК нинг 107- ва 1037-моддаси талабларига риоя қилиниши лозим.

Бундай талаб асосий лицензия шартномаси учун ҳам, сублицензия (қўшимча лицензия, ҳосила ёки иккиламчи лицензия) шартномаси учун ҳам тааллуқлидир.

Ёзма равишда тузилган лицензия шартномаси Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Бунда шартнома шартлари қонунга ва алоҳида ҳолларда мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан баҳоланади. Рўйхатдан ўтказиш рад этилганда, тегишли тартибда шикоят берилиши мумкин.

Лицензия шартномаси рўйхатдан ўтказилгандан кейингина юридик кучга эга бўлиб, тарафларда шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

Агар лицензия шартномаси тарафларидан бири уни асоссиз равишда рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан шартномани рўйхатдан ўтказиш ҳақида ФК нинг 112-модда 3-қисмига асосан қарор чиқаришга ҳақли. Шартномани давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош тортган тараф шартномани тузишни кечиктирганлиги учун етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

Лицензия шартномаси тузишда тарафлар томонидан ушбу шарҳланаётган модда талабларига риоя қилмаслик шартномани 112-модда 1-қисмига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Бунда вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатларга нисбатан ФК нинг 113-114-моддасида белгиланган қоидалар қўлланади.

1090-модда. Патентни бузганлик учун жавобгарлик

Патентни бузиш патент эгасининг талаби билан тўхтатилиши, қоидабузар эса патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт. Патент эгаси қўрилган зарар ўрнига қоидабузардан қоидабузарлик оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақлидир.

Ушбу шарҳланаётган моддада саноат мулки объектига нисбатан ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати - патент (гувоҳнома) асосида амал қилувчи мутлақ ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган. Ушбу жавобгарликнинг вужудга келиш асослари ФК нинг 24-боби моддаларида назарда тутилган қоидаларда мужассамлашган.

Патент (гувоҳнома) эгасининг мутлақ ҳуқуқларини бузиш энг аввало муҳофазаланаётган объектдан бошқа шахсларнинг берухсат фойдаланаётганларида намоён бўлади (бу ҳақда 1083-модда шарҳига қаранг). Шу сабабли ҳам патент эгаси биринчи навбатда қоидабузардан ҳуқуқ бузилиши ҳаракатларини тўхтатишни талаб қилишга ҳақли.

Саноат мулки объектига нисбатан патент (гувоҳнома) эгасининг ҳуқуқларини бузган қоидабузар патент (гувоҳнома) эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт. Зарар тўла ҳажмда тўланиши лозим. Етказилган зарар моддий ёки маънавий кўринишларда бўлиши мумкин. Моддий зарар патент эгаси томонидан саноат мулки объектларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот патент эгаси ҳуқуқларининг бузилиши оқибатида бозорда ўтмай қолиши, нархи пасайиши ва шу кабиларда намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳолат нафақат маҳсулот чиқаришда, балки хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам рўй бериши мумкин. Маънавий зарар патент эгаси ҳуқуқларини бузиш натижасида

унинг касб-кор нуфузига, мутлақ ҳуқуқ соҳиби сифатидаги ҳолатига путур етишида намоён бўлади. Бундай маънавий зарар пул билан қопланишидан ташқари суд ҳуқуқбузар зиммасига патент эгасининг ишбилармонлик мавқеини қайта тиклаш учун унга суд қарорини ўз ҳисобидан эълон қилдириш мажбуриятини юклаши мумкин.

Патент эгаси кўрилган зарарнинг қопланиши ўрнига қоидабузар томонидан патент эгаси ҳуқуқларини бузиш натижасида (яъни муҳофазаланаётган саноат мулки объектларидан рухсатсиз фойдаланиш орқали) олган барча даромадларини ундириб олишга ҳақли. Бироқ бу чорадан кейин патент эгаси зарарни қопланишини талаб қилишга ҳақли эмас. Бинобарин, зарарни қоплаш ёки даромадларни қайтариш муқобил (альтернатив) жавобгарлик чоралари ҳисобланади, уларнинг қайси бирини қўллашни танлаш ҳуқуқи патент (гувоҳнома) эгасига тааллуқлидир.

ФК нинг 1040-моддасида мутлақ ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг қуйидаги усуллари ҳам назарда тутилади:

- мутлақ ҳуқуқларни бузишга қумаклашган моддий объектларни ва бундай ҳуқуқбузарлик асосида яратилган маҳсулотларни олиб қўйиш.

Олиб қўйилган ушбу моддий объектлар патент эгасининг талаби билан ҳуқуқбузарнинг ҳисобидан йўқ қилиб юборилиши ёки патент эгаси ихтиёрига берилиши мумкин.

63-БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ВА ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЯНГИ ЗОТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ

1091-модда. Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш

Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига (селекция ютуқларига) бўлган ҳуқуқлар патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.

Селекция ютуғига патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда бундай патентни бериш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади.

Селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, башарти ушбу бобнинг қоидалари ва қонунда узгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг тегишинча 1084-1090-моддалари қоидалари татбиқ этилади.

Селекция ютуқлари (ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари) илмий-ижодий фаолият маҳсули бўлиб, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларидан ҳисобланади. Селекция ютуқлари яратилиш факти асосида эмас, балки ваколатли давлат органи томонидан махсус ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати - патент берилган тақдирдагина бу объектга нисбатан ҳуқуқлар вужудга келади ва муҳофаза қилинади.

Селекция ютуғига патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда бундай патентни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Селекция ютуқлари тўғрисидаги Қонун” (бундан кейин Қонун деб юритилади) билан белгиланади (Халқ сузи, 11 сентябрь 1996 йил).

Қонуннинг 7-моддасига асосан, башарти селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, бир хиллик (ўхшашлик) ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Башарти селекция ютуғининг уруғлик, кучат ёки насл маҳсулоти патент бериш ҳақида талабнома топширилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида бир йил ёки агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон ўсимликларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин селекциячи, унинг ҳуқуқий вориси томонидан ёки унинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа бировга берилмаган бўлса янгилик ҳисобланади (Қонуннинг 8-моддаси).

Селекция ютуғи талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозим. Ушбу талаб мазмуни Қонуннинг 9-моддасида очиб берилган.

Селекция ютуғи кўпайтиришнинг ўзига хос жиҳатлари туфайли юзага келиши мумкин бўлган айрим фарқларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг белгилари бўйича етарли даражада ўхшаш (айнан бир хил, бир турли) бўлиши лозим (Қонуннинг 10-моддаси). Бунинг маъноси шундан иборатки, масалан, ғўзанинг янги нави экилганда униб чиққан кучатлар, ундан олинадиган ҳосил барча сифат кўрсаткичлари бўйича бир хилда бўлиши шарт.

Селекция ютуғи бир неча марта кўпайтирилганидан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаришсиз қолса, у барқарор (констант) ҳисобланади (Қонуннинг 11-моддаси). Бинобарин, агар селекция ютуғининг ўхшашлик белгиси бир насл авлоди учун бир хиллик сифат кўрсаткичлари ва белгилари мавжудлигини аңглатса, барқарорлик бу белгиларнинг ҳар бир насл авлодида ўзгармай сақланиб қолишини аңглатади.

Селекция ютуғига патент бериш ҳақидаги талабнома селекциячи, иш берувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан Патент идорасига топширилади. Селекция ютуғининг патентга лаёқатлилиқ хусусиятлари давлат экспертизаси - давлат синови орқали аниқланади. Селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилиқ белгиларига мос бўлса, Патент идораси се-

лекция ютуғига патент (гувоҳнома) бериш ҳақида қарор қабул қилади, селекция ютуғи Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқлари Давлат реестрига киритилади.

Патент селекция ютуғининг янгилик эканлигини, фарқланишини, ўшашлиги ва барқарорлигини, шунингдек патент эгасининг селекция ютуғи номига, унга эгалик қилишга, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патент эгасининг ҳуқуқлари селекция ютуқлари рўйхатга олинганлиги ҳақида Патент идорасининг расмий бюллетенида маълумот эълон қилинган кундан эътиборан амалда ҳисобланади.

Патентнинг амал қилиш муддати 20 йил, тоқлар, дарахтлар, ўрмон ўсимликлари ва уларнинг пайвандтаглари учун йигирма беш йилни ташкил этади. Бу муддат патент эгасининг илтимосига кўра яна ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Саноат мулки объектларига берилган патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш (ФК нинг 1084-моддаси), бундай объектларга муаллифлик ҳуқуқи (ФК нинг 1085-моддаси), ҳаммуаллифлик ҳақидаги (ФК нинг 1086-моддаси), хизмат тартибида яратилган саноат мулки объектлари (ФК нинг 1087-моддаси), патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш шартномасининг шакли (ФК нинг 1088-моддаси), бундай объектлардан фойдаланиш лицензиясининг шакли (ФК нинг 1089-моддаси), патентни бузганлик учун жавобгарлик (ФК нинг 1090-моддаси) ҳақидаги қоидалар селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларга ҳам татбиқ этилади (агарда ФК да ва Қонунда бошқача ҳолат белгилаб кўйилган бўлмаса). Бинобарин, 1091-модданинг 3-қисмида назарда тутилган ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, ФК нинг 1084-1090-моддаларига берилган шарҳлар селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқлар ва бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича муносабатларга ҳам тўла тааллуқлидир.

1092-модда. Селекция ютуғи муаллифининг ҳақ олиш ҳуқуқи

Селекция ютуғининг патент эгаси бўлмаган муаллифи селекция ютуғидан фойдаланганлик учун патентнинг амал қилиш муддати давомида патент эгасидан ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Селекция ютуғи муаллифига туланадиган ҳақ миқдори ва тулов шартлари у билан патент эгаси ўртасида тузиладиган шартномада белгилаб қўйилади.

Узининг ижодий меҳнати билан ўсимлик нави ёки ҳайвон зотини яратган (аниқлаган ё чиқарган) жисмоний шахс ўсимлик нави ёхуд ҳайвон зотининг селекциячиси (муаллифи) деб ҳисобланади.

Патент идораси патент эгаси бўлмаган ҳар бир селекциячига ўзи яратган селекция ютуғига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини, шунингдек селекция ютуғидан фойдаланганлик учун патент эгасидан мукофот олиш ҳуқуқини тасдиқловчи селекциячи гувоҳномасини беради.

Патент эгаси бўлмаган селекция ютуғи муаллифи ушбу селекция ютуғидан патент эгаси томонидан фойдаланишда олинган даромадлардан ҳисса олишга, патент бошқа шахсга сотилганда, селекция ютуғига лицензия берилгани учун олинган туловдан ҳақ (мукофот) олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ патентнинг бутун амал қилиш муддати давомида кучда бўлади (бу қоида патентнинг амал қилиш муддати узайтирилган давр учун ҳам тааллуқлидир). Бундай ҳақни тулаш мажбурияти селекция ютуғига нисбатан патент эгаси зиммасига юклатилади.

Селекция ютуғи муаллифига (ҳаммуаллифларига) туланадиган ҳақ миқдори ва тулов шартлари муаллиф билан патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси ўртасидаги шартнома асосида, бундай келишувга эришилмаган тақдирда суд томонидан белгиланади. Муаллифнинг ушбу ҳуқуқи мулкӣ (ашёвий) ҳуқуқ сифатида мерос тартибида унинг вафотидан кейин ворисларига ўтади.

Ҳақ селекция ютуғи муаллифига ундан фойдаланилган ҳисобот даври тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида туланади (Қонуннинг 5-моддаси).

Селекция ютуғини яратган шахсининг муаллифлик ҳуқуқи, селекция ютуғига ном бериш ҳуқуқи шахсий тарздаги ҳуқуқлар жумласига кириб, муддатсиз амал қилади ва ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Селекция ютуғига ҳимоя ҳужжати бериш ҳақидаги талабномада, ҳимоя ҳужжатида (патент, гувоҳнома), селекция ютуғи хусусида эълон қилинадиган барча материалларда селекциячи-муаллиф ўз номини кўрсатилишини талаб қилишга ҳақли.

1093-модда. Патент эгасининг ҳуқуқи

Селекция ютуғи патентининг эгаси селекция ютуғидан қонунда белгилаб қўйилган доирада фойдаланиш бўйича алоҳида ҳуқуққа эгадир.

Селекция ютуғига берилган патент эгасининг селекция ютуғидан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуқларининг ҳажми ва мазмуни Қонуннинг 31-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан патент эгаси селекция ютуғидан ўз хоҳишига кура фойдаланишга, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат беришга ёки фойдаланишни тақиқлаб қўйишга ҳақли. Ҳар қандай шахс муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кучат ёки насл материални:

етиштириш ва кўпайтириш;

экинбоплик меъёри (кондицияси)га етказиш;

сотиш учун таклиф қилиш;

сотиш ва бошқа усулда тарқатиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

юқорида кўрсатилган мақсадларда сақлаш учун патент эгасининг рухсатини олиши шарт. Бинобарин, юқоридаги ҳаракатлар патент эгаси томонидан эркин равишда амалга оширилади.

Патент эгасининг ҳуқуқи унинг рухсатисиз ҳужалик оборотига (муомаласига) киритилган уруғлик ёки зотли ҳайвонлардан етиштирилган ўсимлик материали ва чорва маҳсулотларига нисбатан ҳам амал қилади.

Селекция ютуғига нисбатан патент эгаси ҳуқуқлари амал қиладиган барча ҳолатлар Қонуннинг 31-моддасида ўз ифодасини топган.

Патент эгаси ҳуқуқларидан истиснолар ва патент эгаси ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланадиган ҳолатлар Қонуннинг 32 ва 34-моддаларида белгилаб қўйилган.

Селекция ютуқларига нисбатан патент эгасининг ҳуқуқлари қўйидаги ҳолларда бекор бўлади:

патентнинг амал қилиш муддати тугаганда;

патент ҳақиқий эмас деб топилганда (Қонуннинг 35-моддаси);

патент бекор қилинганда (Қонуннинг 37-моддаси);

патентдан воз кечилганда (Қонуннинг 38-моддаси);

патент амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилганда (Қонуннинг 36-моддаси);

патент бошқа шахсга ўтказилганида.

1094-модда. Патент эгасининг мажбурияти

Селекция ютуғи патентининг эгаси ўсимликнинг тегишли нави ёки ҳайвонларнинг тегишли зотини патентнинг амал қилиш муддати давомида уларни рўйхатга олиш вақтида тузилган нав ёки зот тавсифида айтиб утилган белгилар сақлаб қолинадиган тарзда асраши шарт.

Маълумки, ўсимлик ва ҳайвонот оламида, умуман бутун тирик табиатда ўзига хос эволюция (тадрижий) жараёни кечади. Бу жараён натижасида ўсимлик ва ҳайвонларнинг хосса, хусусият ва белгилари маълум ўзгаришларга учрайди. Шу сабабли ҳам ушбу шарҳланаётган моддада селекция ютуғи патентининг эгаси зиммасига ўсимликнинг тегишли нави, ҳайвонларнинг тегишли зотини патентнинг амал қилиш муддати давомида нав, зот давлат реестрида рўйхатга олинган санада тузилган уларнинг расмий тавсифида курсатилган белгиларини сақланиб қоладиган тарзда асраш мажбурияти юклатилади.

Патент эгаси ихтисослаштирилган ташкилотлар (Давлат нав синаш муассасалари) ва (ёки) Патент идорасининг

сўровига биноан назорат синовларини утказиш учун нав уруғларини ёки насл материалини жўнатиш ё жойда текшириш учун имконият яратиб бериши шарт (Қонуннинг 29-моддаси).

Селекция ютуғи ўхшашлик (бир хиллик) ва барқарорлик шартларига мувофиқ келмай қолса, бу ҳолат Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми 2-бандига биноан патентни муддатидан олдин бекор қилиш учун асос бўлади.

Селекция ютуғини сақлаб қолиш мажбурияти патент эгаси томонидан қандай бажарилишини текшириб туриш вазифаси Патент идорасига ва тегишли давлат муассасалари зиммасига юкланади. Агар патент эгаси Патент идорасининг илтимосига биноан, ўн икки ой ичида уруғлик, кўчат, насл материалларини, ҳужжатлар ва ахборотларни селекция ютуғи ўз кучини сақлаб қолганлигини текшириш учун тақдим этмаган ёки шу мақсадларда ўз жойида селекция ютуғини текшириб кўриш учун имконият яратиб бермаган бўлса ҳам патент бекор қилиниши мумкин.

64-БОБ. ОШКОР ЭТИЛМАГАН АХБОРОТНИ НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

1095-модда. Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқи

Учинчи шахсларга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат ахборотига, шу жумладан ишлаб чиқариш сирларига (ноухау) қонунан эга бўлиб турган шахс уни (ошкор этилмаган ахборотни), башарти ушбу Кодекснинг 98-моддасида белгилаб қўйилган шартларга риоя этилган бўлса, ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмийликни бажаришдан (уни рўйхатдан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга (юридик шахслар туғрисидаги, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ва мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар туғрисидаги маълумотларга, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳоказоларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 98-моддасида назарда тутилган шартлар сақланиб турган пайтга қадар амал қилади.

Ошкор этилмаган ахборот деганда учинчи шахсларга маълум бўлмаган, махфий сир сақловчи маълумотлар тушунилади.

Машина, механизмлар, қурилмалар, ускуналар, технология жараёнларини яратиш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш, қўллашга оид бўлган маълумотлар техникавий ахборот ҳисобланади.

Ташкилий ахборот деганда юридик шахснинг ташкилий структураси, ҳужалик объектлари ўзаро муносабатларининг ташкилий механизмига, меҳнат (иш) жараёнлари-

ни ташкил этиш, уларга таъсир қилиш, бошқаришга оид маълумотлар тушунилади.

Тижорат ахбороти ёки корхонанинг (хўжалик юритувчи субъектнинг) тижорат сири эса корхона (субъект)нинг ишлаб чиқариш, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириши, молияси ва бошқа фаолияти билан боғлиқ ҳамда эълон қилиш (топшириш, очилиб қолиши) унинг манфатларига зарар етказиши мумкин бўлган ва давлат сири ҳисобланмайдиган маълумотларни ўз ичига олади.

Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг таркиби, ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби корхона раҳбари томонидан белгиланади.

Ноу-хау деганда фуқарога ёки юридик шахсга танҳо эгаллик асосида тегишли, фойдали техникавий, ташкилий ва бошқа маълумотлар тушунилади.

Ошкор этилмаган ахборотларга қонуний эгаллик қуйидаги асосларда вужудга келади:

- бундай ахборотларни ўзи яратган, ишлаб чиққан бўлса;

- бундай ахборотлар эгаллик қилувчининг топшириғи, буюртмачи асосида яратилган, ишлаб чиқилган бўлса;

- бундай ахборотлар ҳуқуқий ворислик тартибида ўтган бўлса;

- бундай ахборотлар бошқа шахслардан инсофли асосларда олинган бўлса (сотиб олиш, лицензия олиш, текин фойдаланишга бериш ва ҳоказо).

Ҳар қандай маълумот ошкор этилмаган ахборот сифатида тан олинishi учун:

а) бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлиши (яъни ахборот эгаси ушбу ахборотга эгаллиги сабабли ўзи ёки ишлаб чиқарган маҳсулоти, кўрсатадиган хизмати, бажарадиган иши бошқа рақобатдош субъектлар ёхуд уларнинг маҳсулотлари, хизматлари, ишларига нисбатан афзалликка, имтиёзга эга бўлиши) шарт;

б) бошқа учинчи шахсларда қонун йўли билан бундай ахборотлардан эркин баҳраманд бўлиши, танишиб чиқи-

ши, билиб олиши мумкин бўлмаслиги, имкониятлари йўқ бўлиши лозим;

в) ахборот эгаси унинг махфийлигини, сирлигини сақлашга доир чораларни кўрган бўлиши (бундай ахборотлардан хабардор шахслар доираси қатъий чекланган, бу шахслар сир сақлаш мажбурияти ҳақида огоҳлантирилган, маълумотлардан фойдаланишнинг ёпиқ тизими ишлаб чиқилган ва ҳоказо) шарт.

Юқоридаги учта шарт ФК нинг 98-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиб, уларга риоя қилинган ҳолларда ошкор қилинмаган ахборот эгаси ундан бошқа шахсларнинг ғайриқонуний фойдаланишидан муҳофазаланиш, ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёхуд бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўнлаш учун ЎзР Жиноят Кодекси 191-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ошкор этилмаган ахборот эгаси бу ахборотга нисбатан мутлақ ҳуқуққа эмас, балки танҳо эгаллик мавқеига эга. Шу сабабли ҳам у фақат бошқаларнинг ғайриқонуний фойдаланишидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга, айти вақтда бундай ахборотларни ўзлари мустақил равишда яратган, ишлаб чиққан, инсофли асосларда олган шахсларнинг ундан фойдаланишини ёки ошкор этиши, эълон қилишини тақиқлашга ҳақли эмас.

Ошкор қилинмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи ахборот эгасида танҳо эгаллик ҳолати вужудга келиши билан пайдо бўлади ва бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмийликни бажариш (уни рўйхатдан ўтказиш, реестрга киритиш, патент ёки гувоҳнома олиш, экспертиза қилиш, сертификат олиш ва ҳоказо) талаб этилмайди. Бироқ, баъзи ҳолларда Ўзбекистон ҳудудига ноухауни лицензия асосида олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳақидаги шартномалар ваколатли давлат идораларида рўйхатдан

Ўтказиш шартлиги ҳақида қоида мавжуд. Бироқ, бунда давлат идораси зиммасига ноу-хау махфийлигини сақлаш ва таъминлаш мажбурияти юкланади.

Ушбу моддадаги айрим, яъни ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири була олмайдиган маълумотларга нисбатан татбиқ этилмаслигини белгилайди. Ушбу қоида ҳужалик юритувчи субъектларнинг хизмат ёки тижорат сири ниқоби остида ҳар хил суиистеъмолликлар, ўзбошимчаликлар ва бошқаларнинг манфаатларига зид ҳаракатлар содир этишининг олдини олади, унга ҳуқуқий тўсиқлар қўяди.

Хизмат ёки тижорат сири ҳисобланмайдиган маълумотларга мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар (банкларда омонатга қўйилган маблағлар ҳақидаги маълумотлардан ташқари) ва мол-мулк хуёусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар, битимлар, шартномалар тўғрисидаги маълумотлар, давлат статистика ҳисоботи тариқасида топшириладиган маълумотлар, умуман назорат функциясини бажарувчи давлат идораларига даврий равишда тақдим этиб туриладиган (фуқаролар ва юридик шахслар томонидан) ҳар қандай маълумотлар, ҳисоботлар киради. Худди шунингдек илгари ошкора, оммавий эълон қилинган ҳамда ҳар бир шахс эркин танишиш, билишни талаб қилиш ҳуқуқига ёки имкониятига эга бўлган маълумотлар ҳам хизмат ёки тижорат сирлари деб ҳисобланмаслиги лозим. Ҳужалик юритувчи субъект фаолияти ҳақидаги айрим маълумотлар (масалан, теварак-атрофни ифлослантираётганлиги ёки жамиятга зарар келтириши мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятларни яширишнинг олдини олиш мақсадида) ошкор қилинмайдиган ахборотлар ҳуқуқий режимига эга була олмаслиги қонун ҳужжатларида алоҳида писанда қилиб қўйилган (масалан, корхоналар ҳақидаги Қонуннинг 34-моддаси).

Ошкор қилинмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқи муддат билан чегараланмаган, бироқ ФКнинг 98-моддасида назарда тутилган шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган ва қатъий риоя қилинган пайтга қадар амал қилади.

Бу шартларнинг бирортаси мавжуд бўлмаса ёки бузилса ошкор этилмаган ахборотдан бошқа шахсларнинг фойдаланишидан ҳимояланиш ҳуқуқи ҳам уз-узидан бекор бўлади.

1096-модда. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарарни тўлаши шарт.

Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахс бу ахборотни уни тарқатишга ҳуқуқи бўлмаган шахсдан олган бўлса, ахборотни қўлга киритувчи шахс бундан беҳабар бўлса ва буни билмаслиги керак бўлса (ахборотни инсофли эгалловчи), ошкор этилмаган ахборотнинг қонуний эгаси ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан фойдаланаётганлиги ноқонуний эканлигини билиб қолганидан сўнг ошкор этилмаган ахборотдан фойдаланганлик натижасида етказилган зарарларни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахсдан ахборотдан фойдаланишни дарҳол тўхтатишни талаб қилишга ҳақлидир. Бироқ суд ошкор этилмаган ахборотни инсофли эгалловчи ундан фойдаланганда сарфлаган маблағларини инобатга олиб, бу ахборотдан ҳақ тўлаб олинадиган алоҳида лицензия асосида бундан буён ҳам фойдаланишига рухсат этиши мумкин.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни мустақил тарзда ва қонунан олган шахс бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдида жавоб бермайди.

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик (олганлик, тарқатганлик) натижасида етказилган зарарни тўла ҳажмда тўлаши шарт. Зарар ошкор этилмаган ахборотни ахборот эгаси учун мутлақ ёки нисбий тижорат қиймати (самараси)нинг пасайишида, камайишида ёки йўқолишида (касб-кор нуфузи, маҳсулот

(хизмат)нинг рақобатбардошлик даражаси, нархига салбий таъсир қилишда) намоён бўлади. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланган шахс бунинг натижасида даромад олмаганлиги зарарни ундирмаслик учун асос бўлмайди. Агар даромад (фойда) олинган бўлса, у ахборотнинг қонуний эгасига ундириб берилиши лозим.

Ушбу шарҳланаётган моддада ошкор этилмаган ахборотни инсофли эгалловчи тушунчаси берилган ва ахборотдан ноқонуний фойдаланганда унда ахборот эгаси олдида жавобгарликнинг вужудга келиш вақти белгиланган. Ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлигини билган вақтдан бошлаб, агар ахборотдан фойдаланишни давом эттирса, ахборот эгаси олдида жавобгар бўлади ва унга зарарни тўлаши шарт. Шу сабабли ҳам ахборотнинг қонуний эгаси инсофли эгалловчини ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлиги ҳақида огоҳлантириши лозим.

Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгалловчи ахборотни олган, тарқатган ёки ундан фойдаланган вақтдан бошлаб жавобгар бўлади. Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгаллашнинг кенг тарқалган усуллари - бу саноат жосуслиги ва ахборот эгаси бўлган субъектнинг ишчи-хизматчисини сотиб олиш, фирром рақобат ҳисобланади ва у фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан ташқари тегишли ҳолларда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка ҳам олиб келади.

Ошкор этилмаган ахборотга қонуний эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан бошқа шахсларнинг ноқонуний фойдаланаётганлигини билган заҳоти уни тўхтатишини талаб қилишга ҳақли. Айни вақтда ахборотни инсофли эгалловчи ундан фойдаланишни қонуний асосга ўтказилишини сўраб ахборот эгасига, у билан келишувга эриша олмаган тақдирда судга мурожаат қилишга ҳақли. Агарда инсофли эгалловчи бу ахборотлардан фойдаланиш учун сарф-харажатлар қилган (ускуналар, қурилмалар, иншоотлар тайёрлаган, қурган, сотиб олган) бўлса, суд унга бу ахборотдан ҳақ тўлаб олинаниги мутлақ лицензия асосида бундан буён ҳам фойдаланиши учун рухсат беришга ҳақли. Ҳақ миқдори тараф-

лар ўртасида келишув асосида ёки суд томонидан белгилади.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни ўзи мустақил тарзда (ўзи яратган, ишлаб чиққан, аниқлаган ёки унинг толшириғи, буюртмаси асосида бошқа шахслар яратган, ишлаб чиққан, аниқлаган бўлса) ва бундай ахборотни қонуний олган шахс (ахборотни қонуний эгасидан ҳақ бараварига сотиб олган, фойдаланишга лицензия олган, ҳуқуқий ворислик тартибида олган ва ҳоказо) бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдида жавоб бермайди. Ахборотнинг қонуний эгаси ахборотни мустақил ва қонуний олган бошқа шахсларга ундан фойдаланишларини тақиқлаб қўйишга, ҳақ талаб қилишга, шунингдек бошқача тарзда эркин тасарруф этишларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас. Агар ахборотдан хабардор бўлган барча шахслар махфийликни сақлаб қолишни хоҳласалар, уни таъминлаш бўйича ўзаро келишувга эришишлари ва ошкор этилмаган ахборотнинг шерик эгалари сифатида ҳаракат қилишлари лозим.

1097-модда. Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши

Ошкор этилмаган ахборотга эга бўлган шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳаммасини ёки бир қисmini лицензия шартномаси асосида бошқа шахсга бериши мумкин.

Лицензиат шартнома бўйича олган ахборотларнинг махфийлигини муҳофаза қилишга доир керакли чораларни кўриши шарт ва уни учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофаза қилишда лицензиарники сингари ҳуқуқларга эга. Шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ахборотларнинг махфийлигини сақлаш мажбурияти, башарти тегишли маълумотлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида қолаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейин ҳам лицензиатнинг зиммасида бўлади.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эгалик қилувчи шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳаммасини ёки бир қисmini бошқа шахсга лицензия

шартномаси асосида бериши мумкин. Лицензия олган шахсда ахборотлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ билан бир вақтда ушбу ахборотдан бошқа шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофазаланиш ҳуқуқи ҳам вужудга келади. Ошкор этилмаган ахборотлар ичида ноу-хауни лицензия асосида ўтказиш кенг тарқалган. Баъзи адабиётларда ноу-хауни соҳибида унга нисбатан мутлақ ҳуқуқ мавжуд бўлмагани учун уни бошқа шахсга топшириш лицензия шартномаси эмас, чунки бунда шартноманинг предмети бўлиб, ноу-хаудан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ эмас, балки ноу-хаунинг ўзини топшириш ҳисобланади деган қарашлар ҳам мавжуд (қаранг: Гражданское право. Т. 2. М., БЕК., 1994 й., 252-бет). Ноу-хауни ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар устав жамғармаларига эгаси томонидан улуш, ҳисса, пай сифатида қўшиш ҳоллари ҳам куп учрайди.

Лицензия шартномасининг энг асосий шартларидан бири топширилаётган ахборотнинг махфийлигини сақлашни таъминлаш. Бунда лицензиат зиммасига ахборотларнинг махфийлиги (конфиденциаллиги)ни муҳофаза қилиш юзасидан тегишли чоралар кўриш мажбурияти юкланади.

Лицензиат ҳам ошкор этилмаган ахборотларни учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофаза қилинишида лицензиарларники каби ҳуқуқларга эга (ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган зарарни ундириш, ноқонуний фойдаланишни тўхтатишни талаб қилиш ҳуқуқи ва ҳоказо).

Маълумки лицензия шартномаси маълум муддат давомида амал қилади. Бироқ, ошкор этилмаган ахборот моддий-ашёвий эмас, ғоявий негизга эга. Бундай ахборот у билан танишган, хабардор бўлган шахсдан бегоналаштирилиши, хотирадан ўчириб ташланиши амалда деярли мумкин эмас. Шу сабабли ушбу шарҳланаётган модда ахборотларнинг махфийлигини сақлаш мажбурияти, башарти тегишли мажбуриятлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида қолаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейин

ҳам лицензиат зиммасида қолиши ҳақидаги қондани назарда тутати (агар шартномада бошқача келишилган бўлмаса). Лицензияларнинг ошқор қилинмаган ахборотларга нисбатан танҳо эгаллик мавқеини йўқотиш билангина лицензиатнинг бу мажбурияти бекор бўлиши мумкин.

65-БОБ. ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ, ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ШАХСИЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

1-§. ФИРМА НОМИ

1098-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқ

Юридик шахс товарларда, уларнинг идиши ва уровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда, босма нашрларда, расмий бланкаларда ва ўзининг фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда, шунингдек маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилаётган кўرғазма ва ярмаркаларда намоиш этиш вақтида фирма номидан фойдаланишда алоҳида ҳуқуққа эга.

Юридик шахснинг фирма номи унинг уставини тасдиқлаш вақтида белгиланади ва у юридик шахслар давлат реестрига киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилиши керак.

Юридик шахснинг фирма номи тегишли юридик шахсларни айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас.

Маълумки, ҳар бир жисмоний шахс-фуқаро ўз исм, насабига эга ва бу уни бошқалардан ажратиб турувчи белгилардан биридир. Юридик шахслар ҳам ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номга эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бошқа тижоратчи ташкилотларнинг номлари ҳам юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак (масалан, “Лаззат” қандолат фабрикаси, “Камолот” жамғармаси ва ҳоказо).

Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига шундай номни ёхуд давлат рамзлари (герб, байроқ) унсурларини қўшишга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилайдиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг номи унинг таъсис ҳужжатларида курсатилади.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим ва у ундан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуққа эгадир. Ўзга фирма номидан ғайриқонуний суратда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ва етказилган зарарларни тулаши лозим (ФКнинг 46-моддаси).

Фирма номи - тижоратчи ташкилотнинг фуқаролик муомаласида иштирокида уни бошқа қатнашчилардан, уларнинг товарлари, ишлари ва хизматларидан фарқловчи, ажратиб турувчи, индивидуаллаштириш воситаси ҳисобланади. Юридик шахс фирма номидан юридик шахснинг ўзини ҳам, унинг ишлаб чиқарган товарлари, бажарган иши, курсатадиган хизматини фарқловчи, хабардор қилувчи восита, белги сифатида фойдаланишига бўлган мутлақ ҳуқуқи ушбу шарҳланаётган моддада қоида тариқасида белгилаб қўйилган.

Юридик шахснинг фирма номи, унинг таъсис ҳужжатларини (устав, таъсис шартномаси, ташкил этиш ҳақидаги қарор) тасдиқлашда муассиси (муассислари) томонидан белгиланади ва у юридик шахслар давлат реестрига киритиш йўли билан қайд этилади ва бу ҳақда юридик шахсга далолатнома берилади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ном бериш тартиби ушбу ФК билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги 1996 йил 30 августда қабул қилинган Қонун билан белгиланади. Бунга асосан корхона, муассаса, ташкилот мавқеига қараб унга ном қўйиш Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ҳокимлари томонидан амалга оширилади. Бунда тирик жисмоний шахсларнинг номларини фирма номи сифатида қўйишга рухсат этилмайди.

Бир хил номдан бир неча юридик шахснинг фирма номи сифатида фойдаланиши мумкин эмас. Фирма номлари бир-

бирларини айнан такрорламаслиги, унинг эгасини бошқа субъектлар билан чалкаштиришга, чалғитишга олиб келмаслиги шарт. Шу сабабли юридик шахснинг фирма номи бошқа юридик шахсларнинг номи билан айнан бир деб ҳисоблашга, чалғишга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган, такрорлайдиган бўлса, рўйхатга олиш ҳақидаги ариза, талабнома рад этилади ва бошқача ном белгилаш таклиф қилинади. Бир хилдаги номни олишга бир неча юридик шахс талабнома берган ҳолда, олдинроқ талабнома берган ёки бу номдан энг узоқ муддат давомида фойдаланиб келаётган юридик шахс имтиёзга эга бўлади.

1099-модда. Юридик шахснинг фирма номидан товар белгисида фойдаланиш

Юридик шахснинг фирма номидан унга тегишли товар белгисида фойдаланилиши мумкин.

Шарҳланаётган ушбу моддада белгиланган қоидага асосан юридик шахснинг фирма номидан у ишлаб чиқарган товар, бажарган иш, кўрсатган хизмат белгисида фойдаланишга йўл қўйилади.

Юридик шахс товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотларда, ҳисобварақлари, бошқа нашрлар, расмий бланкаларда ва шу каби товар (хизмат) белгисида фирма номидан фойдаланишга ҳақли.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Қонуннинг 5-моддасига асосан сотувчи (товар ишлаб чиқарувчи) ўз ташкилотининг фирма номини билдириши, хабардор қилиши шарт.

Юридик шахснинг фирма номидан товар (хизмат) белгиси сифатида фойдаланиши унга тегишли ҳуқуқ бўлиб, мажбурий эмас. Юридик шахс фирма номини товар белгисига унинг таркибий қисми, унсури сифатида ёки унга қўшимча, илова унсур сифатида киритиши мумкин. Фирма номи товар белгисининг таркибий қисми сифатида кири-

тилганида, у ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Бир юридик шахснинг фирма номидан бошқа юридик ёки жисмоний шахснинг товар (хизмат) белгисида фойдаланишига йул қўйилмайди.

1100-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг амал қилиши

Юридик шахснинг белгиси тариқасида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган номга бўлган алоҳида ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

Чет давлатда рўйхатга олинган ёки умум эътироф этган номга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида ҳуқуқ қонунда назарда тутилган ҳоллардагина амал қилади.

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг амал қилиши юридик шахс тугатилиши билан ёки унинг фирма номи узгариши билан бекор бўлади.

Юридик шахснинг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши, эътироф этилиши, муҳофаза қилинишининг зарур шarti - бу номни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат идораларида рўйхатдан утказилганлиги ва бу ҳақда далолатнома берилганлигидир.

Ушбу талабга риоя қилмаслик фирма номига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг тан олинмаслигига сабаб бўлади.

Чет давлатда рўйхатга олинган ёки умум эътироф этган номга (масалан, Самсунг, Боинг, Сони, Кока-Кола ва ҳоказо) нисбатан мутлақ ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги ҳолларда амал қилиши мумкин:

а) агар бу Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро конвенциялар, битимлар ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган бўлса;

б) агар бу Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасидаги икки томонлама, куп томонлама шартномалар, битимларда назарда тутилган бўлса.

Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 8-моддасида кўрсатиладиги, конвенциянинг иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат бошқа иштирокчи хо-

рижий давлатда жойлашган фирма номини унинг ўзида қайд этилган-этилмаганидан қатъи назар (қайд этиш ҳақидаги талаб мажбурийлигидан қатъи назар) ҳуқуқий муҳофаза қилиши, мутлақ ҳуқуқини таъминлаши лозим. Ўзбекистон Республикаси Париж конвенциясининг иштирокчисидир.

Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқ у қайд этилганидан бошлаб муддатсиз амал қилади.

Ном эгаси бўлган юридик шахс тугатилганидан бошлаб ёки унинг фирма номи белгиланган тартибда ўзгартирилганда унга бўлган мутлақ ҳуқуқ ҳам бекор бўлади. Фирма номи ўзгартирилганда, бу ошкора, оммавий эълон қилиниши шарт.

1101-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш

Юридик шахснинг фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ва ўтказишга фақат юридик шахс қайта ташкил этилган ҳамда умуман корхона бошқа шахсга берилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Фирма номига бўлган ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга узининг бу номидан фойдаланишга рухсат этиши (лицензия бериши) мумкин. Бироқ бунда лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитиб қўйишни истисно этувчи чоралар шарт қилиб қўйилиши лозим.

Ушбу шарҳланаётган моддада юридик шахснинг фирма номига бўлган ҳуқуқини бошқа шахсга ўтиш шартлари ва ҳоллари белгиланади.

Юридик шахснинг фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беришга ва ўтказишга фақат қуйидаги ҳоллардагина йўл қўйилади:

а) юридик шахс ФК нинг 49-моддасида белгиланган тартибда қайта ташкил этилганда;

б) корхона (юридик шахс) бутунлай бегоналаштирилганда (сотилган, ҳадя қилинган ва ҳоказо).

Юридик шахснинг номига бўлган ҳуқуқини бегоналаштириш ваколатли давлат органида қайд этиш ва тегишли далолатнома бериш орқали расмийлаштирилади.

Фирма номига бўлган ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга узининг фирма номидан фойдаланишга рухсат бериши (ли-

цензия бериши) мумкин (масалан, ФКнинг 862-моддасида белгиланган франшизинг шартномасини тузиш орқали). Лицензия фирма номидан фойдаланиш ҳоллари, доираси, бунинг учун олинадиган ҳақ миқдори, тулаш тартиби каби шартларни ўз ичига олиши лозим.

Айни вақтда шартномада лицензиар лицензиат зиммасига фирма номидан фойдаланишда истеъмолчини чалғитиб қуйиш, алдашига олиб келишни истисно этувчи чоралар кўриш мажбуриятини юклаши ва уни бажарилиши ус-тидан назорат қилиши лозим.

Бундай чоралар кўрилмаган тақдирда истеъмолчининг эътирозлари лицензиат (бошканинг фирма номидан фойдаланувчи)га эмас, балки лицензиарга (фирма номининг эгасига) қаратилиши мумкин.

2-§. ТОВАР БЕЛГИСИ (ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИСИ)

1102-модда. Товар белгисини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан утказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқ гувоҳнома билан тасдиқланади.

Товар (хизмат) белгиси бу бир жисмоний ёки юридик шахснинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ё жисмоний шахсларнинг бир турдаги товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун фойдаланиладиган белгилардир.

Товар белгиси сифатида сўзлар, тасвирлар, қабарик ва бошқа белгилар ёки уларнинг жамлама ифодаси рўйхатдан утказилиши мумкин. Товар белгиси исталган бир рангда ёки турли рангларда ифодаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида товар (хизмат) белгиларини рўйхатдан утказиш, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу ФК, “Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги Қонун (бундан кейин матнда Қонун деб юри-

тилади) ва тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қонунга асосан товар белгиларини рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди, агарда улар:

фарқланиш хусусиятларига эга бўлмаса;

давлат рамзлари, давлатларнинг, халқаро, ҳукуматлараро ташкилотларнинг, давлат идораларининг расмий белгилари сифатида фойдаланиб келинаётган бўлса;

муайян турдаги маҳсулотларни англатувчи белги сифатида умум истеъмолга кириб кетган бўлса;

умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар бўлса;

маҳсулотнинг тури, сифати, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги, қиймати, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқарилаётган ёки сотилаётган жойи ва вақтини ифода этса;

қалбаки ёки истеъмолчини маҳсулот ё уни ишлаб чиқарувчиси ҳақида чалғитадиган бўлса;

жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлса;

илгари Ўзбекистон Республикасида ўзга шахс номига қайд этилган ёки рўйхатдан ўтказилиши сўраб талабнома берилган ҳудди шу турдаги маҳсулотнинг белгиларини такрорласа, ўхшаш бўлса (алмаштириш ёки чалғитиш даражасида);

ўзга шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномаларига асосан рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган маҳсулот белгилари билан, белгиланган тартибда рўйхатга олинган сертификат белгилари билан бир хил ёки алмаштириб юбориш даражасида айнан ўхшаш бўлса;

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номлари (ёки уларнинг бир қисмини) такрорласа;

эгаллик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлган саноат намуналарини;

муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворисларининг розилигини олмаган тарзда Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонлари ёки ибораларини, санъат асарлари ё уларнинг куришишларини;

атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёхуд у Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги сифатида эътироф қилинган бўлса, тегишли ваколатли идоралар розилигини олмаган тарзда ана шу атоқли шахсларнинг фаолиятлари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларни, мазкур атоқли шахсларнинг портретлари ҳамда дастхатларини ўзида акс эттирган белгиларни (Қонуннинг 5-6 моддаси).

Товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг асосий шarti уни тегишли ваколатли давлат идорасида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳисобланади.

Маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахслар томонидан шахсан ё Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакили орқали (хорижий субъектлар учун) берилиши мумкин.

Умумий қоида бўйича маҳсулот белгисининг устуворлиги тегишли тарзда расмийлаштирилган талабнома Патент идорасига келиб тушган кунга қараб белгиланади. Талабнома ва талабномада ифодаланган белги белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади ва унинг натижаларига қараб товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Рад этиш ҳақидаги қарор устидан Патент идорасининг Апелляция Кенгашига шикоят қилиш мумкин. Апелляция Кенгашининг қарорига норози томон олти ой ичида Олий Судга шикоят қилишга ҳақли.

Товар белгисини рўйхатга олиш ҳақидаги қарорга асосан Патент идораси товар белгисини Ўзбекистон Республикасининг товар белгилари реестрида рўйхатдан ўтказилади. Давлат реестрига ва товар белгисини рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномага товар белгисининг тасвири, унинг

эгаси ҳақидаги маълумотлар, устуворлик санаси, рўйхатдан ўтган вақти, ушбу белгини қўйиш мўлжалланган товарлар рўйхати киритилади, бу ҳақда маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Товар белгиси Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганидан ва белгиланган бож тўланганлиги ҳақида ҳужжат олинганидан кейин уч ой ичида Патент идораси товар белгиси эгасига гувоҳнома беради.

Товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома белгининг товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлигини, товар белгисининг устуворлигини, товар белгиси эгасининг гувоҳномада кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга нисбатан мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар белгиси рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома устуворлик белгиланган санадан эътиборан ўн йил давомида амал қилади. Бу муддат тегишли бож тўлаб берилган тақдирда ҳар гал ўн йилга узайтирилади.

1103-модда. Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи

Товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида ҳуқуққа эга.

Товар белгисини қонунда белгиланган тартибда ҳар қанақасига муомалага киритиш ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисининг эгаси бу белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф қилишда мутлақ ҳуқуққа эга. Мутлақ ҳуқуқ мазмуни Қонуннинг 18-моддасида белгилаб қўйилади. Бунга асосан товар белгисининг эгаси ушбу белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда, шу жумладан ундан ўзга шахслар фойдаланишига руҳсат бериш ёки тақиқлаб қўйишда мутлақ ҳуқуққа эгадир. Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган товар белгисидан унинг эгаси руҳсатсиз ҳеч ким фойдалана олмайди.

Товар (хизмат) белгисининг Қонунда белгиланган тартибда ҳар қанақасига ва ҳар қандай тарзда фуқаролик муомаласига киритилиши ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисининг эгаси томонидан ёки қонунда белгиланган тартибда лицензия шартномаси асосида шундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан товар белгиси қайси товарларга қўйиш учун рўйхатдан ўтказилган бўлса, шу товарларда ва уларнинг ўрови устида ишлатилиши товар белгисидан фойдаланиш ҳисобланади, расмий иш қоғозларида, осиб қўйиладиган лавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш қилишда ишлатиш ҳам ундан фойдаланиш деб топилиши мумкин.

1104-модда. Товар белгисидан фойдаланмаганлик оқибатлари

Товар белгисидан у рўйхатдан ўтказилганидан кейин узрли сабабсиз узлуксиз беш йил давомида фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиниши мумкин.

Товар белгисидан фойдаланиш учун лицензия берилиши ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Қонуннинг 19-моддасига асосан товар белгисининг эгаси ундан фойдаланиши шарт. Шарҳланаётган ушбу моддада мазкур мажбурият бажарилмаганлигининг оқибатлари белгилаб қўйилган.

Товар белгиси рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатида беш йил давомида узрли сабабсиз умуман фойдаланилмаганда исталган манфаатдор шахснинг аризасига мувофиқ Олий Суд чиқарган қарор асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши мумкин. Ушбу масалани ҳал этишда товар белгисининг эгаси тақдим этган ва товар белгисидан ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра фойдаланилмаганлигини (масалан, корхона реконструкция қилинганлиги, қайта жиҳозланганлиги сабабли ёки бозорда товарга талаб бўлмаганлиги туфайли уни ишлаб чиқариш вақтинчалик тўхтатилганлиги ва ҳоказо) исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин. Узрли сабабсиз товар белгисидан фойдаланмаслик деганда ушбу товар белгиси ишлатилиши мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш ва муомалага киритишда товар белгисидан фойдаланмаслик тушунилади.

Белгиланган қоидага асосан товар белгисидан нафақат товар белгиси эгасининг ўзи фойдаланиши, балки бу белгидан фойдаланиш учун бошқа шахслар лицензия (рухсатнома) берилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш ҳисобланади. Бинобарин, товар белгисидан белги эгаси беш йил давомида ўзи фойдаланмаган ҳолда, бошқа шахсларга ундан фойдаланиш учун лицензия берилиши ФК 1104-моддаси 1-қисмини қўлламаслик учун асос бўлади.

1105-модда. Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши

Гувоҳномада кўрсатилган товарлар, ишлар ва хизматларнинг барча гуруҳларига ёки бир қисмига нисбатан товар белгисига бўлган ҳуқуқни унинг эгаси шартнома асосида бошқа шахсга бериши мумкин.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқни, башарти у товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида чалғишга сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши, шу жумладан уни шартнома асосида ёки ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга бериш патент идорасида рўйхатдан ўтказилмоғи лозим.

Ушбу шарҳланаётган моддада товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш асоси ва шартлари белгилаб қўйилган.

Гувоҳномада кўрсатилган товарлар, ишлар, хизматларнинг барча гуруҳлари ёки бир қисмига нисбатан товар белгиси қўйишдан иборат мутлақ ҳуқуқни белги эгаси шартнома асосида бошқа манфаатдор юридик ёки жисмоний шахсга бериши (ўтказиши) мумкин. Шартномада ўтказилаётган ҳуқуқнинг ҳажми аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Бундай шартнома ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам тузилиши мумкин.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқ:

а) агарда товар ҳақида истеъмолчи ёки бошқаларнинг чалғишига, янглишишига сабабчи бўлиши мумкин бўлса ёхуд

б) товарни ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ҳақида истеъмолчини чалғишига, янглишишига сабабчи бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолларда Патент идораси товар белгисига нисбатан ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномани рўйхатдан ўтказишни рад этади.

Агарда юқоридаги ҳолатлар ёки улардан бири шартнома тузилганидан кейин вужудга келган бўлса, у ҳолда шартномани бекор қилиш ҳақида талаб билан ваколатли давлат органлари, истеъмолчилар уюшмалари ёки бошқа шахслар мурожаат этишлари мумкин. Шартнома суд томонидан бекор қилинганида унинг бажарилиши натижасида вужудга келган юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш тарафларнинг зиммасига юкланиши лозим.

Товар белгисининг эгаси бу белгидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаси асосида бошқа шахсга бериши мумкин. Лицензия шартномасида лицензиат маҳсулотининг сифати лицензиар маҳсулотининг сифатидан паст бўлмаслиги ва лицензиар ана шу шартга амал қилинаётганлигини назорат этиб туриши тўғрисидаги шарт бўлиши лозим.

Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг ҳар қандай асосга кўра бошқа шахсга ўтиши, шу жумладан уни шартнома асосида (ушбу модданинг 1-қисмида белгиланган тартибда) ёки ҳуқуқий ворислик тартибида (юримдик шахслар қайта ташкил этилиши оқибатида) бошқа шахсга бериш Патент идорасида рўйхатдан ўтказилмоғи лозим.

Ушбу талабга риоя қилинмаслик оқибатлари ҳақида 1106-модда шарҳига қаралсин.

1106-модда. Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартноманинг шакли

Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги ёки лицензия бериш ҳақидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши ва патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Ёзма шаклга ва рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Ушбу шарҳланаётган моддада товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномалар

шаклига қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган. Бунга асосан товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномалар ва товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши учун лицензия бериш ҳақидаги шартнома:

а) ёзма равишда тузилиши керак (бунда битимларнинг ёзма шакли ҳақидаги **ФК** нинг 107-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилиниши шарт);

б) Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим (бунда Патент идораси шартномаларни қонунга мувофиқлигини, баъзи ҳолларда мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам - давлат ва жамият манфаатларига хилоф эмаслигини текширади. Патент идорасининг шартномаларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарори асослантирилган бўлиши лозим. Бу қарор устидан шикоят билан судга мурожаат қилиш мумкин).

Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартнома ва товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига лицензия бериш ҳақидаги шартномаларни ёзма шаклига ва рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартномаларни ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Бундай шартномалар **ФК** нинг 112-моддаси 1-қисмига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Айни вақтда ушбу қоидадан истиснолар ҳам мавжуд бўлиб, у **ФК** нинг 112-моддаси 2-қисмида белгилаб қўйилган. Бунга асосан агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим (шартнома) суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади. Шартномани давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортаётган тараф шартномани тузиш кечиктирилганлиги туфайли иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлашга мажбур.

Шартномаларни ўз-ўзидан ҳақиқий саналмаслиги оқибатлари **ФК** нинг 113-114-моддаларида белгилаб қўйилган.

Бунга асосан шартнома ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири шартнома асосида олган нарсани бошқа тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани аслича, натура ҳолида (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки курсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агарда шартнома ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини тулаши шарт.

Ҳақиқий бўлмаган шартнома унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмасдир. Бинобарин, бундай шартномалар буйича ижрони талаб қилиш, шартнома шартларини бузганлик учун тегишли жавобгарликни қўллаш ҳақида судга мурожаат қилиш мумкин эмас.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим, шартнома ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш туғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

1107-модда. Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун жавобгарлик

Товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган зарарни тулаши шарт.

Товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланаётган шахс тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини йўқ қилиши, қонунга ҳилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва уровидан йўқотиши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгилаб қўйилган талабларни бажаришнинг иложи бўлмаган тақдирда, тегишли товар йўқ қилиб ташланиши лозим.

Ушбу шарҳланаётган моддада товар белгисига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси, жавобгарлик ҳажми белгилаб қўйилган.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш деганда товар белгисидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда (товар белгисининг эгаси билан ушбу белгига бўлган ҳуқуқни ёхуд товар белгисидан фойдаланишга лицензия олиш ҳақида шартнома тузмасдан) товар белгисидан фойдаланиш тушунилади.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликка йул қўяётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб, қоидабузарликни тўхтатмоғи шарт.

Товар белгисидан қонунга хилоф фойдаланган шахс бунинг натижасида товар белгисининг эгасига (баъзи ҳолларда ушбу товар белгисидан фойдаланишга лицензия олган шахсга ҳам) етказилган зарарларни тўлаши шарт. Бунда ФК нинг 14-моддасида белгилаб қўйилган зарарни қоплаш ҳақидаги қоидалардан келиб чиқмоқ керак. Товар белгисининг эгасига етказилган зарар энг аввало унинг товар белгиси эгаси сифатидаги ҳуқуқларини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатларда, шунингдек бундай қоидабузарлик натижасида етказилган маънавий зиёнларда намоён бўлади. Агар қоидабузар товар белгисидан қонунга хилоф фойдаланиш натижасида даромад олган бўлса, олинган даромадлар товар белгисининг эгаси (баъзи ҳолларда товар белгисидан фойдаланишга лицензия олган шахс)га ундириб берилиши лозим.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиш билан бирга қўйидаги ҳаракатларни ҳам амалга оширишга мажбур:

1) тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини (этикеткалар, ёрликлар, тамғалар, муҳрлар, реклама проспектлари кабилар) йўқ қилиб ташлаши шарт;

2) қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан ёхуд унинг идиши ва ўривидан йўқотиши (ўчириб ташлаши, қириб ташлаши, қирқиб ташлаши, бўлиб ташлаши) шарт.

Юқоридаги ҳаракатларни қоидабузар ўзи амалга оширмаганида уни суд томонидан қоидабузар ҳисобидан мажбурий амалга оширилади.

Агарда қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан, унинг идишидан ва ўровидан йўқотишнинг иложи бўлмаса, тегишли товар (идиши, ўрови) йўқ қилиб ташланиши лозим. Йўқ қилиб ташлаш қоидабузар зиммасига юклатилади. Йўқ қилиб юбориш усули йўқ қилиб юборишни амалга оширувчи шахс томонидан танланади.

Қоидабузар ўз ихтиёри билан товарни йўқ қилиб юбормаган тақдирда, йўқ қилиб юбориш суд қарори асосида мажбурий равишда амалга оширилади. Бундаги сарф-харажатлар қоидабузар зиммасига юкланади.

Товар белгисидан қонунга хилоф фойдаланиш учун ЎЗР маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 177-моддасида жавобгарлик белгиланган.

3-§. ТОВАР ЧИҚАРИЛГАН ЖОЙ НОМИ

1108-модда. Товар чиқарилган жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

Товар чиқарилган жой номи уни руйхатга олиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг товарни белгилаш учун ишлатиладиган номи алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан ана шу жўғрофий объектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва бу омилларнинг узаро бирикмаси билан белгиланадиган товар чиқарилган жой номи (келиб чиқиш курсаткичи) деб эътироф этилади.

Жўғрофий объектнинг тарихий номи товар чиқарилган жойнинг номи бўлиши мумкин.

Гарчи жўғрофий объектнинг номи бўлса-да ёки шу номни ўз таркибига олган бўлса-да, аммо Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товарнинг у тайёрланган жой билан боғлиқ бўлмаган белгиси сифатида умумий истеъмолга кириб кетган белги товар чиқарилган жой номи деб эътироф этилмайди ва ушбу параграф қоидалари-

га мувофиқ ҳуқуқий муҳофаза мақсадларида руйхатдан утказилмайди. Бироқ бу ҳол бундай номдан инсофсизлик билан фойдаланиш натижасида ҳуқуқи бузилган шахсни ўз ҳуқуқларини қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан муҳофаза қилиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Товар чиқарилган жой номини патент идораси руйхатдан утказди.

Руйхатга олиш асосида товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи туғрисида гувоҳнома берилади.

Руйхатга олиш, гувоҳнома бериш, руйхатга олишни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда руйхатга олиш ва гувоҳноманинг амал қилишини тухтатиш тартиби ва шартлари қонун билан белгилаб қўйилади.

Ушбу шарҳланаётган моддада товар чиқарилган (тайёрланган) жойнинг номи тушунчаси, уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш асоси, тартиби белгилаб берилган.

Ҳар бир мамлакат, минтақа, маълум бир ҳудуд ўз иқлими, ҳавоси, тупроқ таркиби, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий шароитлари билан ўзига хосдир. Баъзан бу ўзига хослик ўша ҳудуд доирасида ишлаб чиқариладиган товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматнинг ўзига хос алоҳида сифатга, белгиларга эга бўлишини белгилайди. Бошқа жойдаги айнан ўшандай ишлаб чиқарилган товарлар, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматлар ўшандай сифатга, белгиларга эга бўлмайди. Бинобарин, маълум географик ҳудуднинг табиий шароитлари ёки бошқа омиллар (асосан ўша жойда яшовчиларнинг касб-кор малакаси, маҳорати) билан узвий боғлиқ равишда тайёрланган товарлар бошқа жойда тайёрланган айнан шундай товарларга нисбатан харидоргир, юқори сифатли, алоҳида хусусиятларга эга, рақобатбардош ҳисобланади. Бозорда ушбу товар тайёрланган жойнинг номи товарнинг маълум сифат, хусусиятга эга эканлиги ҳақида ўзига хос сертификат ҳисобланади. Масалан, “Боржоми”, “Ессенгүки”, “Тошкент” сувлари, Учқора майизи, Ургут тамакиси Янгиқўрғон анжири, Қува анори ва ҳоказо. Баъзан товар тайёрланган жойнинг табиий шарт-шароитлари эмас, бал-

ки ўша жойда яшовчи аҳолининг маълум бир касб-ҳунарга, маҳсулот тайёрлашга бўлган алоҳида маҳорати, малакаси ушбу товарнинг сифатини белгилашда муҳим омил бўлиши ҳам мумкин, масалан, Чуст пичоғи, Самарқанд нони, Хива гилами ва ҳоказо.

Товар чиқарилган (тайёрланган) жой номи сифатида мамлакат номи (Бразилия кофеси, Эрон гилами, Грузия чойи), аҳоли пункти ёки минтақавий ҳудуд номи (Тошкент суви, Чуст пичоғи), умуман қандайдир географик объект номи (масалан, Тяньшан суви) қўлланилиши мумкин. Бундай мақсадларда ўша географик объектнинг тарихий номи ишлатилиши мумкин (Шампань шароби, Кагор шароби ва ҳоказо). Бунда энг асосийси ўша жойда ишлаб чиқарилган товарнинг юқори сифати, алоҳида белгиларга эга эканлиги ва ҳудди шу ҳолат товарлар бозорида, харидорлар орасида маълум аҳамиятга эга эканлигидадир. Баъзан шу товар ишлаб чиқариш билан эмас, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолат кўпинча маълум жойларда тиббий даволаш хизмат кўрсатиш сифати билан боғлиқ бўлиб, бунда ўша жойдаги балчиқ, минерал сув, ғорлар, ҳаво таркиби, ҳаво зичлиги, атмосфера босими ва ҳоказо ҳолат муҳим белгилорчи омил бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқ ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

1) маълум жой, ҳудуд ўзининг табиий-иклим ва рельеф шарт-шароитларига кўра, унда яшовчи аҳолининг касб-кор маҳорати, малакаси туфайли ўзига хосликларга эга бўлиши;

2) бу ўзига хослик ушбу жойда, ҳудудда тайёрлангани, ишлаб чиқариладиган товарлар, кўрсатиладиган хизматларнинг алоҳида сифати, хусусияти, белгиларини таъминловчи омил бўлиши;

3) юқоридаги ҳолат товарлар бозорида маълум ва машҳур бўлиши талаб этилади.

Ана шу шартлар мавжуд бўлган ҳолдагина товар чиқарилган жой номи уни рўйхатга олиш асосида ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Баъзи ҳолларда товар номи жўғрофий объект номи билан боғлиқ ёки бир хил бўлса-да, бироқ товар бошқа жойларда ҳам айнан ушандай тайёрланиши мумкин (масалан, ахалтекин отлари), бошқа ҳолларда эса бундай ном маълум товар ёки товарлар гуруҳининг номи сифатида умум истеъмолга кириб кетган бўлиши мумкин (голланд пишлоғи, кёльн суви-одеколон ва ҳоказо). Бундай ҳолларда атама товар чиқарилган жой номи сифатида тан олинмайди ва бинобарин ҳуқуқий муҳофаза мақсадларида рўйхатга олинмайди. Бироқ, бу ҳолат бундай маълум ва машҳур номни инсофсизлик билан қўллаб харидорларни, истеъмолчиларни алдаш, паст сифатли товарларни ўтказиш воситаси сифатида фойдаланилганда ҳуқуқи бузилган шахсни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Ҳуқуқи бузилган шахс ФК нинг 11-моддасида кўрсатилган усуллардан фойдаланиб ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳақли.

Товар чиқарилган жой номи Ўзбекистон Республикаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилади. Бунда ишлаб чиқариладиган товарнинг ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган талабларга жавоб бериши ва айни ушандай товар ишлаб чиқарувчининг ўша ҳудуд доирасида фаолият юритиши ҳисобга олинади (масалан, Сурхондарёда фаолият юритаётган ҳунарманд ўз маҳсулотини Чуст пичоғи деб бозорда сотиши мақсадга мувофиқ эмас).

Патент идораси томонидан рўйхатга олиш амалга оширилганидан кейин товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома берилади.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи гувоҳномаси маълум муддатга берилади, бу муддат тугагач узайтирилиши мумкин. Рўйхатга олишда товарларни у тайёрланган жой номи билан боғлиқ равишда сифатга эга эканлигини текшириш учун экспертиза тайинланиши мумкин. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида ваколатли давлат органлари, истеъмолчиларнинг уюшмалари товарлар-

нинг махсус сифати, хусусияти, белгилари бўйича талабларга мувофиқлиги устидан доимий назорат олиб боради.

Гувоҳноманинг амал қилиши куйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор бўлади:

а) маълум ҳудуд, жой уша жойда ишлаб чиқарилувчи товарнинг махсус сифати, белгиси, хусусиятини белгиловчи табиий иқлим, рельеф ва бошқа омиллардан маҳрум бўлганда (минерал сув чиқмай қолганда, балчиқ тугаганда, маълум касб-ҳунар билан аҳоли шуғулланмай қолганда ёки малака, маҳорат йўқотилганда);

б) ишлаб чиқариладиган товарнинг махсус сифат, белги, хусусиятларга эга бўлиши ҳақидаги талабларга риоя қилинмаган тақдирда;

в) жой номи товар ёки товарлар гуруҳи номи сифатида умум истеъмолга кириб қолганда.

Товар чиқарилган жой номини рўйхатга олиш, бу номдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома бериш, рўйхатга олишни ҳақиқий эмас деб топиш, рўйхатга олиш ва гувоҳномани амал қилишини тухтатиш, бекор бўлиш тартиби ва шартлари махсус қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1109-модда. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу номни товарда, идиш ва ўровда, рекламада, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда ишлатиш ҳамда ушбу товарнинг фуқаролик муомаласига киритилиши муносабати билан жой номидан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақлидир.

Товар чиқарилган жойнинг номи ушбу Кодекс 1108-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида айтиб утилган талабларга жавоб берадиган товарни белгилаш учун бир неча шахс томонидан ҳам биргаликда, ҳам бир-биридан мустақил тарзда рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу шахсларнинг ҳар бирига тегишлидир.

Товар чиқарилган жой номини фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, уни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги бошқа битимларга ва уни лицензия асосида фойдаланиш учун беришга йўл қўйилмайди.

Ушбу шарҳланаётган моддада товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмуни белгилаб берилган.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу номи товарда, идиши ва уривода, рекламаларда, босма маълумотларда, ҳисобварақларда ишлатиш, шунингдек ушбу товарнинг фуқаролик муомаласига киритилиши муносабати билан (сотиш, ижара бериш, намойиш этиш ва ҳоказо) жой номидан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақлидир. Товар чиқарилган жой номи товар белгиси билан биргаликда ҳам, шунингдек ўзи мустақил алоҳида равишда ҳам ишлатилиши мумкин.

Саноат мулки объектларининг бошқа турларидан фарқли равишда товарларнинг келиб чиқиш жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи у ёки бу шахсга монополия (танҳолик) асосида тегишли бўлмайди. Бу ҳуқуқ тегишли мамлакат, жой, ҳудуд доирасида ўша турдаги товарни тайёрлаш бўйича ҳўжалик фаолиятини амалга ошираётган барча шахсларга тегишли бўлиши мумкин (ФК нинг 1108-моддаси 1-3-қисмларида белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда). Бинобарин, масалан, Чуст ҳудудида фаолият юритувчи барча пичоқсоз-хунармандлар “Чуст пичоғи” деган номдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида тувохнома сўраб, Патент идорасига мурожаат этишга ҳақли. Бунда бир неча хунарманд биргаликда ҳам, бир-бирларидан мустақил, алоҳида тарзда ҳам рўйхатга олинишлари мумкин. Уларнинг ҳар бири товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Юқорида кўрсатилганидек товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш мутлақ монопол ҳуқуқ эмас, бу ҳуқуқ бир вақтнинг ўзида ФК нинг 1108-моддасида белгиланган талабларга риоя қилинганда чексиз номуайян доирадаги шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Худди шу сабабли товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, уни бошқа шахсга ўтказиш, ундан лицензия асосида фойдаланиш учун беришга йўл қўйилмайди, бу ҳақдаги битим ва шартномалар ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

1110-модда. Товар чиқарилган жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этишнинг амал қилиш соҳаси

Ўзбекистон Республикасида унинг ҳудудидаги товарлар чиқарилган жойларнинг номлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Бошқа давлатдаги товар чиқарилган жой номи, башарти бу ном товар чиқарилган мамлакатда, шунингдек ушбу Кодексга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасида унинг ҳудудидаги (давлат чегаралари ичида жойлашган) товарлар чиқарилган жойларнинг (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, кишлоқлар, тоғлар, дарёлар ва бошқа жуғрофий объектлар) номлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади (яъни бу номдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари учинчи шахсларнинг тажовузларидан қўриқланади).

Бошқа давлатдаги товар ишлаб чиқарилган жой номи Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий муҳофаза қилиниши учун қуйидаги икки шарт бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши шарт:

а) агарда бу ном товар чиқарилган мамлакатда рўйхатдан ўтказилган бўлса;

б) сўнгра Ўзбекистон Республикаси Патент идорасида ҳам белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлса.

Бинобарин, бошқа давлатда товар ишлаб чиқарилган жой номи шу давлатнинг ўзида ҳуқуқий муҳофаза қилинмаса, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди.

1111-модда. Товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланганлик учун жавобгарлик

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, шунингдек истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бу номдан қонунга хилоф фойдаланаётган шахсдан номдан фойдаланишни тўхтатиш, товардан, унинг идиши ва ўривидан, бланкалар ва бошқа ҳужжатлардан қонунга хилоф фойдала-

нилаётган номни ёки ном билан адаштирадиган тарзда жуда ўхшаш белгини йўқотишни, тайёрлаб қўйилган ном тасвирларини ва ном билан адаштирадиган тарзда ўхшаш белгиларни йўқ қилиб ташлашни, башарти бунинг иложи бўлмаса товарни ва (ёки) идиш ва ўровни олиб қўйиш ҳамда йўқ қилиб ташлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу ҳуқуқни бузувчидан ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Ушбу шарҳланаётган моддада товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланганлик учун жавобгарлик чегаралари белгилаб қўйилган.

Товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланиш деганда, энг аввало бунга тегишли гувоҳномаси бўлмаган ҳолда товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш тушунилади. Шунингдек ишлаб чиқараётган товари махсус сифатга, хусусиятга, белгига эга бўлмай қолгани сабабли гувоҳномасининг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилган ёки бекор қилинган шахс томонидан товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш тушунилади.

Товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланиш натижасида энг аввало товар чиқарилган жой номидан фойдаланишга қонуний ҳақли бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари бузилади, қолаверса кўп ҳолларда товар чиқарилган жой номидан ғайриқонуний фойдаланиш натижасида истеъмолчилар алданади, уларга паст сифатли товарлар махсус сифатли, хусусиятли, белгили товар сифатида ўтказилади. Айни вақтда бу ҳолат келгусида товар чиқарилган жой номи ишлатилган ҳар қандай товарларга нисбатан ҳам ишончсизлик туғилишига олиб келади. Шу сабабли ҳам товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланишга қарши курашда товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар алоҳида мавқе ва ҳуқуқларга эга. Жумладан улар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланаётган шахсдан ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни тўхта-тишни;

2) товардан, уни идиши ва ўровидан, бланкалар, рекламадан ва бошқа ҳужжатлардан қонунга хилоф фойдаланаётган номни ёки шу ном билан адаштирадиган даражадаги ўхшаш белгиларни йўқ қилиб ташлашни;

3) агарда товардаги, унинг идиш ёки ўровидаги жой номи ёки унга ўхшаш белгиларни йўқ қилиб, учириб ташлашнинг иложи бўлмаса, тегишли равишда товарни, идиши ва ўровини олиб қўйиш, муомаладан чиқариб олиш ва йўқ қилиб ташлашни талаб қилишга ҳақли.

Қоидабузар ушбу талабларни ихтиёрий бажаришдан бош тортганда у мажбурий равишда ва қоидабузар ҳисобидан амалга оширилади.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу ҳуқуқни бузиб, жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланган шахсдан бунинг натижасида ўзига етказилган зарарларнинг тўла қопланишини талаб қилишга ҳақли. Бунда ФК нинг 14-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланади. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга етказилган зарар қўйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

1) қонунга хилоф ҳаракат натижасида бозорда унинг товарларининг ўтмай қолиши, шу сабабли ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш, тўхтатиб қўйишга мажбур бўлишида;

2) қонунга хилоф ҳаракат натижасида ололмай қолган, бироқ у содир бўлмаганда одатлаги фуқаролик муомаласида олиши мумкин бўлган даромадда (жой номи қўлланиладиган товарлар ёхуд товарлар гуруҳи бўйича);

3) қоидабузар томонидан паст сифатли товарнинг жой номидан фойдаланиб муомалага киритилиши натижасида истеъмолчиларда жой номи ишлатилган товарларга нисбатан ишончсизлик ҳолати ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича харажатларда.

Қоидабузар томонидан жой номидан ғайриқонуний фойдаланиш натижасида олинган даромад бу номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс (шахслар) ёки уша те-

гишли ҳудуд бўйича давлат бюджети ҳисобига ундирилиши мақсадга мувофиқдир.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Қонуннинг 5-6 моддасига асосан истеъмолчи товар ишлаб чиқарган шахс, унинг жойлашган жойи, товар ҳақида маълумотлар билан таъминланиши лозим.

Ушбу Қонуннинг 7-моддасига асосан агарда товар ишлаб чиқарувчи ўзи ёки товар ҳақида ёлғон маълумотлар бериши натижасида истеъмолчига сифати паст товарни утказса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва зарарнинг ундирилишини талаб қилишга ҳақли.

Товарнинг келиб чиқиш жойининг номи, саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенциясининг ҳам ҳуқуқий муҳофаза объекти ҳисобланади. Шунингдек буюмлар чиқарилган жойларни нотўғри ёки ёлғон кўрсатганлик учун (жазо чоралари ҳақидаги 1891 йил 14 апрелдаги Мадрид битимида товар чиқарилган жойи ҳақида янглишишга сабаб бўлувчи белгилар, номларни қўйганлик учун) санкциялар белгиланган. Буюмларнинг келиб чиқиш жойлари кўрсаткичларини ҳимоя қилиш ва уларни халқаро қайд этиш ҳақидаги 1958 йил 31 октябрдаги Лиссабон Иттифоқи органи товар чиқарилган жой номларини қайд этиш механизмини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда.

Дунёнинг деярли барча давлатларида товарларнинг чиқарилган жойи номларидан ғайриқонуний фойдаланиш, бу жойлар номлари ҳақида нотўғри ёки ёлғон маълумот бериш фирром рақобатнинг кўринишларидан ҳисобланади ва тегишли жавобгарлик чоралари (зарарларни тўлатиш, ҳудудига олиб келишни тақиқлаш, арест солиш, товарни йўқ қилиб ташлаш ва ҳоказо) қўлланади. Ўзбекистон Республикасининг товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Қонуннинг 8-моддасига асосан, юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижалари ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, маҳсулот-

ни, хизматлар бажаришни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунсиз фойдаланиб товар сотиш, товарнинг хусусияти, уни тайёрлаш усули ва жойи хусусида истеъмолчини чалғитиш инсофсиз рақобат ҳисобланади ва тақиқланади.

VI бўлим. ВОРИСЛИК ХУҚУҚИ

66 БОБ. ВОРИСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1112-модда. Ворислик асослари.

Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд булун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек ушбу Кодексда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкда қўйилган омонатлар сир туғилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолавланади” деб кўрсатилган.

Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи)га тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахслар (меросхўрлар)га униси ворислик ҳисобланади. Фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини вафот этганидан сўнг ҳал қилувчи фармойишни ўзи тирикликда қонунда белгиланган тартибда (ФКнинг 1120 моддаси) васиятнома билан расмийлаштиради.

Ворислик васият мавжуд бўлмаган ҳолларда қонун бўйича (1134 модда) амалга оширилади. Бундан ташқари васиятнинг қисман ёки тўлиқ ҳақиқий эмас деб топилса (1130-модда) ёки мерос мулкнинг ҳаммаси васият қилинмаган бўлса, унинг васият қилинмай қолган қисмига нисбатан қонун бўйича ворислик амалга оширилади.

Масалан фуқаро “М” ўзининг барча мол-мулкни невараси “П” га васият қилиб қолдирди. Мерос қолдирувчи “М” вафот этганидан кейин унинг 58 ёшли хотини “К” судга мурожаат қилиб, васиятномани бекор қилишни талаб қилади. Суднинг қарори билан васиятнома қисман ҳақиқий эмас деб топилиб, “К”нинг мажбурий ҳисса олиши ҳуқуқи белгилашнинг асосида қилиб, унга ФКнинг 1124 моддасига асосан қонун бўйича ворис бўлганда олаётган мерос ҳисса олиши ярми (1/2 қисми) миқдорда мажбурий ҳисса ажра-

тиб бериш белгиланган. Мерос мулкнинг қолган қисми невара “П”га васият бўйича мерос бўлиб ўтиши лозим.

Қонун бўйича ворислар фақат фуқаролар бўлиб, васият бўйича эса, давлат, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа юридик шахслар бўлиши мумкин.

1113-модда. Мерос таркиби

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг уламирдан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар:

юрidik шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга ва келик, уларга иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа қол белгиланган бўлмаса;

ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;

алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа туловлар олиш ҳуқуқи;

мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

Мерос қолдирувчинини вафот этган пайтда унга тегишли бўлиб, вафотидан кейин меросхўрларга ўтиши мумкин бўлган мол-мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос ҳисобланади.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган хусусий мулк ҳуқуқи (ФКнинг 207-211-моддалари), кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, шунингдек мулк билан боғлиқ бўлган айрим номулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳам мерос қолдирувчининг мерос мулки таркибига киради. Хусусий мулк объектининг қонун билан

ман қилинмаган ашёлардан иборат ҳар қандай мол-мулк қисми мерос таркибига киради.

Мерос таркибида хусусий мулк ҳуқуқига асосланган фуқароларга тегишли корхоналар (ФКнинг 1152-моддаси) ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек мерос ҳуқуқ бўйича вояга еттирилган ва айрим номулкий ҳуқуқлар жумласига мажбуриятлардан келиб чиқадиган талаб қилиш ҳуқуқи (ФКнинг 234-моддаси), интеллектуал мулк объектлари бўлган шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар (ФКнинг 1033-моддаси), кашфиётчилик, иxtирочилик ва муаллифликдан келиб чиқадиган мулкый ҳуқуқлар ҳам киради.

Деҳқон ҳўжалиги юритиш учун айрим шахсларга умрбод фойдаланиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан берилган ер участкалари ҳам мерос таркибига киради.

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкаларида янгидан қурилаётган уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб вужудга келади. Хусусийлаштириш тартибида вужудга келган, кооператив уй-жойга, квартирага, гараж, дала ҳовли ва бошқа биноларга, кўп қаватли уйдаги квартирага эгаллик ҳуқуқи қонунда белгиланган тартибда вужудга келган тақдирда, улар мерос мулк таркибига киради. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар, бино ва иншоотларга эгаллик ҳуқуқи вужудга келмайди ва уларни тасарруф этиш мумкин эмас (ФКнинг-212-моддаси).

Умумий биргаликдаги мулкнинг эгалари ҳар бири ўзининг улушини васият қилиш ҳуқуқига эга (ФКнинг 216-моддаси). Демак, мерос қолдирувчининг умумий мулкдаги ҳиссаси мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ бўлган қуйидаги мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос ҳуқуқи бўйича мерос мулк таркибига кирмайди:

1) юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай кооператив, жамоат ва тижорат ташкилотларига аъзолик ҳуқуқи ва улар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи, бу ташкилотларда мулк-

дан фойдаланиш ҳуқуқи улар аъзо бўлиб туриш ҳуқуқидан келиб чиқиши туфайли, бу ҳуқуқни на қонун ва на васият бўйича мерос сифатида олиб бўлмайди.

Мерос мулк таркибига, фақатгина, пай бадалига бўлган ҳуқуқ кириши мумкин.

2) Мерос қолдирувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зиён учун (ФКнинг 1005-моддаси) туланадиган товонга бўлган ҳуқуқ мерос қолдирувчининг шахсига тегишли бўлгани учун мерос таркибига кирмайди. Аммо, ҳаётлигида етказилган зарарни қоплаш ҳисобидан олиши лозим бўлган, аммо ололмай қолган сумма мерос таркибига кирди ва у умумий тартибда ворисларга утади.

3) Вояга етмаган ёш болаларига таъминот бериш мажбурияти (Оила кодексининг 96-моддаси), меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлган ота-оналарига таъминот бериш мажбурияти (109-моддаси), бошқаларга зарар етказилгандан келиб чиқадиган мажбуриятлар, боқувчиси вафот этишлиги натижасида зиён қўрган шахсларга зарарни тулаш мажбурияти (ФКнинг 1009-моддаси) ва бошқа шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига кирмайди.

4) Махсус қоидаларга, меҳнат ва таъминот туғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қуйидаги мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига кирмайди ва мерос қолдирувчининг меросхўрларига ўтмайди:

а) ижтимоӣ таъминот пули билан ногиронларга текинга берилган енгил автомашиналар мерос мулк сифатида ворисларга ўтмайди;

б) меҳнат қонунлари асосида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотгани учун нафақа олиш ҳуқуқи, ижтимоӣ таъминот қонунларига асосан пенсия олиш ҳуқуқи, қарамоғида бўлган кичик ёшдаги болалари учун нафақа олиш ҳуқуқи ва бошқа тўловларга бўлган ҳуқуқ, агар у мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ бўлса, мерос таркибига кирмайди;

в) шахсий суғурта шартномаси бўйича (ФКнинг 921-моддаси) суғурта қилинган шахснинг вафоти муносабати билан унга туланадиган суғурта пули мерос таркибига кир-

майди. Бу сумма мерос таркибига кириши мумкин, агар фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс томонидан суғурта қилинган шахсни қасддан ҳаётидан маҳрум қилган бўлса; фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс билан суғурта қилинган шахс бир пайтда вафот этган бўлсалар; фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс суғурта қилинган шахсдан олдин вафот этган бўлиб, у улушнинг фармойишини узгартирмаган бўлса; суғурта қилуви учун арман берганда суғурта қилувчи фармойиши қолдирмаган ҳолда суғурта шартномаси ҳаракатда бўлган вақтдан ушб бепор бўлган бўлса; суғурта қилувчи улушнинг фармойишида суғурта пулини меросхўрларга беришни курсатган бўлса, фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс суғурта пулини ортирдан воз кечса.

Вафот этган шахснинг алоҳида хизматлари учун берилган мукофотлар махсус қонушларга асосан мерос ҳуқуқи таркибида мерос қолдирувчининг оила аъзоларига эса ик сифатида сақланг учун топширилади.

114-модда. Умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкка мерос қилиб олиш

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчисининг уллуғи ва улуғи мол-мулкка бўлган ҳуқуқдаги улуш улушнинг аниқлиги ва бу Кодекснинг 226-моддасида белгиланган тартибда умумий мол-мулк тақсимлаш ёхуд ундан вафот этган иштирокчининг улушнинг қилиши учун асос бўлади. Бу ҳолда мерос вафот этган иштирокчининг улушига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан очилган мол-мулкни натура ҳолида тақсимлашнинг имкони бўлмаганда - бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади.

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиси умумий мол-мулк бўлган ҳуқуқдаги ўз улушини васият қилишга ҳақлидир, бу улушнинг вафотидан кейин ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ аниқланади.

Умумий мулк ҳуқуқи асосида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг эгаллигида бўлган мол-мулк уларга тегишли бўлади. (ФКнинг 216-моддаси). Мулкдорлардан ҳар қанчасининг маълум бир ҳиссаси аниқ белгилаб қўйилган бўлса,

бундай умумий мулк-ҳиссали мулк бўлади. Ҳиссали мулк иштирокчиларининг улушларини аниқлаш қонун билан тартибга солинмаган ёки белгилаб қўйилмаган, шунингдек уни белгилаш мумкин бўлмаса ёхуд умумий мулк иштирокчиларининг келишувлари билан ҳам белгиланиб қўйилмаган бўлса, умумий мулкда уларнинг ҳиссалари тенг ҳисобланади (ФКнинг 217-моддаси).

Ҳиссали мулкнинг иштирокчиси узининг улушини ФКнинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда васият қилиб қолдиришга ҳақли.

Ашённинг тайинланишига қараб ўз хусусиятини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс эгалигида бўлса, умумий биргаликдаги мулк ҳисобланади. Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бирортасининг вафоти муносабати билан мерос таркибини белгилаш учун унинг улушини аниқлаш зарурати туғилади.

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бирининг улушини аниқлаш учун дастлаб иштирокчилардан ҳар бирининг умумий мулк ҳуқуқидаги улушини аниқлашга тўғри келади. Умумий мулк тақсимланганда ва ундан вафот этганнинг улуши ажратилганда, қонунда ёки умумий мулк иштирокчиларининг бошқача келишуви бўлмаган тақдирда, ҳамма иштирокчиларнинг ҳиссалари тенг бўлади.

Мерос вафот этган умумий биргаликдаги мулк иштирокчисининг улушига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан очилади, башарти мол-мулкнинг айнан ўзини тақсимлашнинг имконияти бўлмаганда эса бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади.

Биргаликдаги умумий мулкнинг айрим турлари бўйича алоҳида қонун ҳужжатлари уларни тақсимлаш ҳамда улуш ажратиш тартиби ва асосларини белгиламаган бўлса, уни тақсимлашда Фуқаролик кодексининг 223-моддаси билан белгиланган тартиб ва асослар қўлланилади.

2. Умумий биргаликдаги мулкнинг ҳар бир иштирокчиси умумий мулкни тасарруф қилиш тўғрисида битимлар

тузишга ҳақли. Умумий мол-мулкни тасарруф этиш хусусиятидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилишидан қатъи назар, аммо у умумий мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан амалга ошириши керак. Васиятнома биргаликдаги умумий мулкда бўлган ҳиссасига қолдирилган ҳолларда, ушбу Кодексининг 226-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиб, мерос қолдирувчининг умумий мулкдаги улуши аниқланади ва шу ҳиссага нисбатан мерос очилади. Худди шуниндек, агар биргаликдаги умумий мулк иштирокчиси васият қолдирмасдан вафот этган тақдирда, унинг биргаликдаги мулкдаги ҳиссаси аниқланиб, у қонун буйича ворислар ўртасида тақсимланади.

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиси шу мулкка бўлган ҳуқуқдаги уз улушини васият қилишга ҳақли. Бунда унинг улуши вафот этганидан кейин аниқланади.

1115-модда. Деҳқон хўжалиги ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини мерос қилиб олиш

Деҳқон (фермер) хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини мерос қилиб олиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекс қоидалари билан тартибга солинади.

Ер-Ўзбекистон Республикасининг мулки, халқ бойлигидир.

Ерга мулкчилик ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси амалга оширади.

ФКнинг 188-моддасига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартлар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер Кодекси Республикада ер муносабатларини тартибга солади. Ер кодекси қабул қилингунгача ер муносабатлари асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети томонидан қабул қилинган 1990 йил 20

июндаги “Ер туърисида”ги Қонун билан унга Олий Мажлиснинг 1993 йил 7 май, 1994 йил 23 сентябрь ва 1995 йил 6 май Қонунлари билан (Олий Совет Ведомостлари 1990 йил 16-18-сон, 294 м.) қўшимчалар ва ўзгартинлар киритилиб, тартибга солиниб келинди.

Ер кодексининг 19-моддасига асосан, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи- мерос тариқасида утадиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари: 1) деҳқон хужалиги юритиш; 2) якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштириш; 3) жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ер участкаси олинш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ерга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига доир давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Давлат ҳужжатиининг шакллари, уларни рўйхатдан утказиш ва бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белги-ланади.

Ер Кодексининг 22-моддасига асосан, уй-жойга, чор-боғга булган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳаля ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жиёмоний шахсга утган тақдирда ана шу иморатларга мулк ҳуқуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига эгалик қилиш ва ушдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам утади.

Ер кодексининг 27-моддасига биноан, шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида донмий янаб турган жиёмоний шахсларга якка тартибда уй-жой қуриш ва унга хизмат кўрсатиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир

оилага 0,06 гектаргача ер участкаси берилади. Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача ер участкалари мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга белгиланган тартибда ким ошди савдоси асосида сотилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Қонунларида бошқа мақсадларда эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкалари бериш назарда тутилиши мумкин.

1116-модда. Мероснинг очилиши

Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш туғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар.

Меросга оид ҳуқуқий муносабатлар мерос очилиши билан вужудга келади. Мерос фуқаронинг вафот этиши ёки унинг суд қарори билан вафот этган деб эълон қилиниши билан очилади.

Фуқаронинг вафот этиши фуқаролик ҳолати ҳужжати-ни қайд қилиш идоралари томонидан берилган фуқаронинг вафоти ҳақидаги гувоҳнома билан тасдиқланади. Гувоҳнома фуқаролик ҳолати ҳужжатини қайд қилиш идораси томонидан вафот этганнинг шахсини аниқловчи ҳужжат (паспорт) ва тиббий муассасаларнинг вафот этиш фактини тасдиқловчи маълумотномасига асосан берилади. Бундай ҳужжатни тақдим этиш имконияти бўлмаган ҳолларда, вафот этиш факти ушбу Кодекснинг 36-моддаси тартибида фуқа-

рони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланади.

Мерос қолдирувчининг вафот этган куни, зарур ҳолларда, ҳатто, вақти, соатини аниқлаш ҳам талаб қилинади.

Мероснинг очилиш вақтини тўғри аниқлаш меросга оид ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олади. Чунки меросхўрлар доирасини (ФКнинг 1118-моддаси) ва мероснинг таркибинини (ФКнинг 1113-моддаси) аниқлаб олиш, меросни қабул қилиб олиш ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш (1146-модда), меросдан воз кечиш (1147-модда), ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мерос мулкни эгасиз деб топиш (1157-модда) ва ҳоказо меросга оид бошқа ҳуқуқий муносабатларнинг амалга оширилиши мерос очилиш пайтининг тўғри аниқланишига боғлиқ.

Ворислик ҳуқуқий муносабатларга татбиқ қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини аниқлаш ҳам мерос очилиш вақтини белгилашга боғлиқ. Ворисликка доир ҳуқуқий муносабатлар мерос очилган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги Олий Мажлиснинг 1996 йил 29 август қарорининг 12-моддасида ворислик қоидалари Кодекс амалга киритилгунга қадар очилган, аммо 1997 йил 1 мартга қадар меросхўрларнинг ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мулкига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам татбиқ этилиши кўрсатилган.

Мероснинг очилиш вақти мерос қолдирувчининг вафот этган пайти билан белгиланиб, бу пайтни тегишли далиллар билан тасдиқлашни тақозо этади. Мерос қолдирувчининг вафот этган факти ва вақти фуқаролик ҳолати ҳужжатини қайд қилиш органи томонидан берилган ҳужжатлар билан гувоҳлантирилган, вафот этгани ҳақидаги гувоҳнома билан аниқланади. Суднинг ҳал қилув қарори билан

фуқарони вафот этган деб эълон қилинганда, улим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодиса ҳалок бўлган деб тахмин қилишга асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлса, суд унинг тахмин қилинган ҳалокат кунини фуқаронинг вафот этган куни деб эълон қилиши мумкин. Суднинг қарорида фуқаронинг вафот этган вақти курсатилмаган бўлса, қарорнинг қонуний кучга кирган вақти фуқаронинг вафот этган ва мероснинг очилган вақти деб саналади.

Мерос очилган вақтни аниқлашда кун эмас, ҳатто соатини аниқлаш ҳам талаб қилиниши мумкин. Агар мерос олишга ҳуқуқи бўлган шахсларнинг биридан кейин бошқаси бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлса, уларнинг қайси бири олдин ва қайси бири кейин вафот этганлигини аниқлаш талаб қилинмайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда вафот этган деб ҳисобланади ва улар ўртасида ҳуқуқни қабул қилувчилар бўлмайди. Бундай ҳолларда уларнинг ҳар биридан кейин ўзларининг хусусий, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига нисбатан ворислик вужудга келади. Вафот этганларнинг ҳар бирининг меросхўрлари ўз навбатида ворисликка чақирилади. Вафот этганлардан бири иккинчисидан мерос ололмайди.

1117-модда. Мероснинг очилиш жойи

Мерос қолдирувчининг охири доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охири яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Ворисликка оид ҳуқуқий муносабатлар мерос очилган жойда амалда бўлган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Шу сабабдан мероснинг очилиш жойини туғри аниқлаш мерос мулкнинг меросхўрлар томонидан қабул қилиниши, улар ўртасида тақсимланиши тартибини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мерос мулкни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш (1144-модда) чораларини куриш, қонунда белгиланган тартибда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани берадиган нотариал идорасини аниқлаш, кредиторларнинг талабларини мерос очилган жойдаги нотариус томонидан қабул қилиб олиш мероснинг очилиш жойини аниқлаш билан боғлиқ.

Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Ушбу Кодекснинг 21-моддасига асосан фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади. Кичик ёшдаги (14 ёшгача бўлган) болаларнинг ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойлари уларнинг қонуний вакиллари - ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой саналади.

Мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи номаълум бўлганда, унинг кўчмас мулки (уй-жой ва бошқалар) турган жой-мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Мерос қолдирувчининг мулки бир неча жойда бўлган тақдирда, мероснинг очилиш жойи бўлиб мерос қолдирувчининг кўчмас мулкнинг асосий қисми турган жой ҳисобланади.

Мерос қолдирувчининг кўчмас мулки бўлмаган ҳолларда, мероснинг очилиш жойи унинг бошқа мулкларининг асосий қисми турган жой ҳисобланади.

Вақтинча ўзининг турар жойидан бошқа жойда, ҳарбий хизматда, ўқув юртларида, қамоқ жойларида, чет давлатларда яшаб турган шахслар вафот этган тақдирда, уларнинг аввалги доимий яшаш жойлари мерос очилган жой ҳисобланади.

Чунки уй-жой қонунларига асосан бундай шахслар уй-жойларда яшаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Мероснинг очилиш жойини аниқлаш учун мерос қолдирувчининг охирги турар жойини ёки унинг кўчмас мулки турган жойини аниқлаш лозим. Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла ва уй қўми-

талари, паспорт идоралари ва бошқа ташкилотлардан олинган ҳужжатлар асос бўлади.

Мерос қолдирувчининг охириги доимий турар жойини, унинг мулки турган жойни аниқлаш имконияти бўлмаса, мерос очилиш жойи фактини аниқлаш учун судга мурожаат қилишга тўғри келади.

Мерос мулк қаерда бўлишидан қатъи назар, уни қуриқлашга доир чора-тадбирлар мерос очилган жойдаги нотариус томонидан қурилиши керак.

Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки унинг бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақда мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинининг раисига (оқсоқолига) мерос мол-мулкнинг қуриқланишига доир чора-тадбирларни қуриш тўғрисида топшириқ юборади. Мерос мол-мулкнинг қуриқланишига доир чора-тадбирлар қўрган нотариус ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) мерос очилган жойдаги нотариал идорага қўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади ва мерос мол-мулк рўйхатининг нусхасини юборади (“Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддаси, 1996 йил 26 декабрда тасдиқланган).

1118-модда. Меросхўрлар

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Қонун билан белгилаб қўйилган қариндошлик иплари билан боғланган шахслар, мерос қолдирувчи томонидан номига васиятнома қолдирилган, вафот этганнинг мулкӣй ва мулк билан боғлиқ номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари-

ни ўз зиммасига қабул қилиб олувчилар меросхўрлар (ворислар) ҳисобланади.

Ворисларнинг доираси мерос очилгандан кейин аниқланади. Чунки меросхўр бўлиш учун улар мерос очилган пайтда ҳаёт бўлиши керак.

Ворислар қонун бўйича ҳамда васият бўйича бўлиши мумкин.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради.

Биринчидан, мерос қолдирувчидан туғилган фарзандлар ва уларнинг авлодлари, яъни туғри чизиқ билан пастга қараб туғилганлар, иккинчидан, мерос қолдирувчидан юқорига қараб туғри чизиқ бўйича туташган қариндошлар - ота-она, бобо-буви ва ҳоказолар, учинчидан, ён чизиқ бўйича қариндошлиги бўлган ака-ука, опа-сингил, тоға-амаки, амма-хола ва бошқалар қонун бўйича ворислар ҳисобланадилар.

Бундан ташқари мерос қолдирувчи ҳаётлигида ҳомила бўлиб, у вафот этгандан сўнг, яъни мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалари ҳам қонун бўйича ворис бўладилар.

Қонун бўйича меросхўрлар жумласига фақат қариндош бўлган шахслар кирса, васият бўйича фуқароларнинг ҳамма меросхўр бўлиши мумкин, шу жумладан васият қолдирувчининг ҳаётлигида ҳомила бўлиб, у вафот этгандан кейин тирик туғилган болалар ҳам. Васият бўйича, нафақат мерос қолдирувчининг, шунингдек бошқа қариндош шахсларнинг ҳомиладаги болалари ҳам меросхўр бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига асосан, ҳар бир фуқаро ўзининг хусусий мулкини хоҳлаган жисмоний ва юридик шахсга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эга. Васият бўйича меросхўр бўлиши мумкин бўлмаган жисмоний ёки юридик шахслар қонунда назарда тутилмаган.

Мерос очилган пайтда тузилиб, тегишли давлат рўйхатидан ўтган, ҳар қандай юридик шахслар давлат ва жамоат

ташкилотлари, корхона ва муассасалар ҳамда бошқа юридик шахслар улар фойдасига васият қилинган ҳолларда ворис бўла олади.

Васият қолдирувчи томонидан васиятномада кўрсатилган ва мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган ҳар қандай шахслар, шунингдек, васият қолдирувчи ҳаётлигида ҳомила бўлиб, у вафот этгандан сўнг тирик туғилган болалар ҳам васият бўйича меросхўр бўла олади.

Қонун бўйича меросхўрлар вафот этганда, унга тегишли бўлган мерос улушини унинг меросхўрлари олади, меросхўрлари бўлмаса, бошқа меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Мерос очилгангача вафот этган васият бўйича ворис мерос очилгандан кейин ўлик туғилган меросхўр боланинг улуши ва тугатилган юридик шахснинг мерос ҳиссаси бошқа меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

1119-модда. Нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишига қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар, шунингдек мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга қура зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик

билан боғлиқ мулкый оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси буйича суд томонидан белгиланади.

Ушбу модда қоидалари васият мажбуриятига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ушбу модданинг қоидалари ҳар қандай меросхўрларга, шу жумладан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуқлидир.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қоидани татбиқ қилиш учун, биринчидан, шахс томонидан содир қилинган ғайриқонуний ҳаракат мерос қолдирувчининг ёки эҳтимол тутилган ворислардан бирортасини ҳаётдан маҳрум қилиш ёки суиқасд қилиш билан боғлиқ бўлган уларнинг соғлиғига ва ҳаётига қарши қаратилган бўлиши, иккинчидан, бу ҳаракат, албатта қасддан қилинган бўлиши керак.

Қасддан қилинган ғайриқонуний ҳаракат оқибатида меросхўрлардан бирортасини ҳаётдан маҳрум қилиш орқали унга тегишли мерос мулк ҳисобидан ўз ҳиссасини купайтиришга эришиш мақсадида бўлган-бўлмаганидан қатъи назар, агар бу ҳаракат уни меросга чақирилишига имкон туғдирган бўлса, мерос олишдан четлатиш учун асос бўлади. Шу билан бирга мерос қолдирувчини ҳаётдан маҳрум қилиш билан ўзини меросга чақирилишига имконият туғдиргани ҳам қасддан қилинган тақдирда уни меросдан четлатишга сабаб бўлади.

Бундай ҳолатларда мерос қолдирувчининг ҳаётига ва эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасининг ҳаётига суиқасд қилган шахслар ҳам қонун буйича, ҳам васият буйича меросхўр бўла олмайди.

Мол-мулкани васият қилиб қолдириш мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлгани сабабли, унинг ҳаётига суиқасд қилингандан кейин ғайриқонуний ҳаракат қилган шахсга расмийлаштирилган васиятнома, агар уни бекор қилиш учун кейинчалик ҳаракат қилинган бўлмаса, ҳақиқий ҳисобланади. Бундай ворислар меросдан четлаштирилмайди.

Демак, бу қоидалар фақат қасддан ҳаракат қилган шахсларга нисбатан татбиқ қилиниб, эҳтиётсизлик билан қилинган ҳаракатлар натижасида етказилган оқибатларга тегишли эмас.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидани татбиқ қилиш учун, мерос қолдирувчининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишга тўсқинлик қилган шахснинг ҳаракати қасддан қилинган бўлиши керак. Шу билан бирга бундай ҳаракат орқали манфаатдор шахс ўзини ёки ўзига яқин шахсларнинг меросхўр бўлишига, навбатдан олдин ворисликка чақирилишига имконият яратиб берган бўлиши керак. Бундан ташқари мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мероснинг ўзига тегишли ҳиссасини ёки ўзига яқин шахсларга тегишли ҳиссаларини кўпайтиришга имконият туғдирган бўлиши керак.

Мерос қолдирувчининг васиятномадаги фармойишида ифодаланган охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилиш, биринчидан, сохта васиятнома тузиш йўли билан, иккинчидан, васиятномани тузишга мажбур этиш йўли билан, учинчидан, ворислардан бирортасини меросдан воз кечишга мажбур қилиш йўли билан ва тўртинчидан, васиятномада берилган фармойишларни ўз фойдасига ҳал қилишга қаратилган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар билан амалга оширилган бўлиши мумкин.

Бундай шахслар қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам, мерос олишдан четлаштирилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга асосан, суднинг қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар ёки қонун бўйича мерос қолдирувчига таъминот бериш мажбурияти юклатилган шахслар томонидан ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган шахслар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Ота-оналарнинг болалари вафот этганда уларнинг мол-мулкига ворис бўлишдан четлаштирилиши учун, аввало улар ота-оналик ҳуқуқидан (Оила кодекси 79-моддаси) маҳрум

қилинган бўлишлари ва мерос очилган пайтда ота-оналик ҳуқуқи тикланмаган бўлиши асос бўлади. Бундан ташқари мерос қолдирувчига таъминот бериб туриш суд қарори билан юклатилган бўлиб, уни бажаришдан бўйин товлаган шахслар ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига асосан ҳар бир ота ва она вояга етмаган болаларига, шунингдек вояга етган меҳнатга қобилиятсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериб туришга мажбурдир. Оила кодексининг 109-моддасига асосан меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлган ота-оналарини таъминлаб туриш вояга етган болаларининг бурчидир. Бундан ташқари, бобо ва бувиларнинг ўз невараларига таъминот бериш мажбурияти (ОКнинг 123-моддаси), невараларнинг бобо ва бувиларига таъминот бериш мажбурияти (ОКнинг 124-моддаси), ака-ука ва опа-сингилларнинг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз вояга етган ака-ука ва опа-сингилларга таъминот бериш мажбурияти (ОКнинг 125-моддаси), ўғай ота ва ўғай онанинг ўғай ўғил ва ўғай қизларга таъминот бериш мажбурияти (ОКнинг 127-моддаси), ўғай ўғил ва ўғай қизнинг ўғай ота-онага таъминот бериш мажбурияти (ОКнинг 128-моддаси) ва ниҳоят, доимий тарбияда бўлганларнинг тарбия олганларга таъминот бериш мажбурияти (ОКнинг 126-моддаси) белгилаб қўйилган. Кўрсатилган қонунларга асосан суд қарори билан таъминот беришга мажбур бўлган шахслар, ўзларининг зиммаларига юклатилган мажбуриятни бажаришдан бўйин товлаган ҳолларда, таъминот олиши лозим бўлган шахслар вафот этганда, уларнинг мулкларига ворис бўлиш ҳуқуқидан четлаштирилади.

Меросдан четлаштириш манфаатдор шахсларнинг даъвосига асосан суд томонидан амалга оширилади. У меросдан четлаштириш натижасида келиб чиққан ворислик билан боғлиқ мулкӣ оқибатларга дахлдор шахсларнинг даъво аризасига кўра суд жараёнида нолойиқ ворисларни меросдан четлатиш асосларини текширади.

Мерос қолдирувчининг ҳаётлигида унга нисбатан жисмоний, руҳий таъсир ўтказиш йўли билан зўрлик ишлатиб, ўзига ва яқин шахслар фойдасига васиятнома ёздиришга эришган ёки ворислардан бирортасини шундай ҳаракат орқали мерос олишдан бош тортишга мажбур қилиш ва таъминот бериш мажбуриятини қасддан бажармаган ғайриқонуний ҳаракатлар содир бўлганлигини жиноий ва фуқаролик ишлари, ички ишлар идораларидаги қидирув ва бошқа ҳужжатларга асосан текширилади.

Ушбу моддадаги қоидалар васият мажбуриятига нисбатан ҳам, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар қандай меросхўрларга нисбатан ҳам қўлланилади.

67-БОБ. ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

1120-модда. Умумий қоидалар

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятномаининг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

Мулқдор, - дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида - мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

Ўзбекистон Республикаси ФҚсининг 209-моддасига асосан ҳар бир фуқаро, қонун билан ман этилган айрим

ашёлардан ташқари, ҳар қандай мол-мулкни хусусий мулк қилиб олиши мумкин.

Конституция билан кафолатланган ҳуқуқдан фойдаланиб, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўзига тегишли хусусий мулк, мулк билан боғлиқ бўлган номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзи вафот этганидан кейин тасарруф этиш бўйича фармойиш беришга ҳақли. Бундай фармойиш васиятнома орқали расмийлаштирилади. Васиятномада мерос қолдирувчи ўзига тегишли мол-мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзи вафот этгандан кейин тасарруф этиш ҳуқуқини олиш учун ворис белгилайди.

Васиятнома васият қолдирувчининг шахси билан бевосита боғлиқ бўлгани учун ўзига хос хусусиятларга эга. Васиятнома бир томонлама битим бўлиб, мерос қолдирувчи томонидан шахсан тузилиши керак. Бошқа битимлар сингари уни вакиллар орқали ишончномага асосан, ҳатто қонуний вакиллар томонидан тузишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари васиятнома фақат тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахслар томонидан тузилиши керак. ФКнинг 27-моддасига асосан қисман муомала лаёқатига эга бўлган, битимларни қонуний вакилларининг ёзма розилиги билан тузишлари мумкин бўлган 14 ёшдан 18 ёшгача вояга етмаган болалар васиятнома тузиш ҳуқуқига эга эмас. ФКнинг 22- ва 28-моддаларида назарда тутилган ҳолларда, вояга етмаган тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлганлар васиятнома тузишга ҳақли.

Битимларнинг ҳақиқий бўлиш шартлари, уларнинг ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ҳақидаги ФКда назарда тутилган умумий қоидалар васиятномага ҳам татбиқ этилади. Қонун билан белгиланган шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди (ФКнинг 1124-моддаси). Бундан ташқари, тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган (ФКнинг 27-моддаси) ва муомала лаёқати чекланган (ФКнинг 31-моддаси), шунингдек ўзининг ҳаракатлари оқибатига ҳисоб бера олмайдиган ва ўз ҳаракатини идора қилолмайдиган ва суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс-

лар (ФКнинг 30-моддаси) томонидан тузилган васиятно-малар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Васиятнома тузувчининг муомала лаёқати васиятнома тузиш вақти билан белгиланади. Васиятноманинг ҳақиқийлиги ҳам унинг тузилган вақтида аниқланади. Мунтазам равишда ичкилик ичиб, гиёҳвандлик билан шуғулланиб, ўзининг оиласини қийин иқтисодий аҳволга келтириб қўйгани учун муомала лаёқати чекланган шахсларнинг тузган васиятномалари, оила манфаатини кўзлаб, уни ҳимоя қилиш мақсадида ҳақиқий саналади.

Мерос қолдирувчи ўзига тегишли мол-мулкнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини, хоҳлаган бир ёки бир неча шахсга, шунингдек юридик шахсларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига васият қилиши мумкин. Васиятномада айрим ашёларни маълум бир шахсга бериш ҳақида ҳам фармойиш беришга ҳақли. Васият бўйича мерос олувчи қонун бўйича ворислар доирасига кирадиган ёки кирмайдиган шахслар ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бирга мерос қолдирувчи қонуний ворислардан бирини, бир нечасини ёки ҳаммасини меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Бунинг учун мерос қолдирувчидан буни изоҳлаш талаб қилинмайди. Аммо мерос қолдирувчининг қонуний меросхўрларни меросдан маҳрум қилиш ҳақидаги фармойиши, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, тақдим этиш ҳуқуқи билан ворислик қиладиган авлодларига нисбатан ҳақиқий ҳисобланмайди. Мерос олишдан маҳрум қилинган ворис мерос очилгунча вафот этган тақдирда, унга тегишли ҳиссани олиш ҳуқуқидан унинг ворислари маҳрум бўлмайди.

Васият қолдирувчи меросхўрларни меросдан маҳрум қилишни васиятномада тўғридан-тўғри кўрсатиш йўли билан ҳамда ўзининг ҳамма мулкани бошқа шахсларга васият қилиш йўли билан амалга ошириши мумкин. Меросдан маҳрум қилиш ҳақида тўғридан-тўғри васиятномада кўрсатилган ворис, васият бўйича ворислар мерос очилгунга қадар вафот этганда ҳам, мерос олиш ҳуқуқини қўлга киритмайди, васиятномада исми кўрсатилмаган ворис эса, бун-

дай ҳолатда қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мерос қолдирувчи васиятномада ўзига тегишли бўлган мулкни, нафақат кимга мерос қилиб қолдириш лозимлигини, шу билан бирга, айти вақтда, умумий тарзда “болаларимга”, “невараларимга” деб, уларнинг қонун бўйича қайси навбатда меросхўр бўлишларидан қатъи назар, фармойиш бериши мумкин.

Мерос қолдирувчи уй-жой жиҳозлари ва рўзғор буюмларини ҳам ёки унинг айрим қисмларини васият фармойишига киритиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг васиятномада ўз ифодасини топган унга тегишли бўлган ҳар қандай мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни, мулкни талаб қилиш ҳуқуқини, мерос очилиш пайтида унга тегишли бўлган, шунингдек унга тегишли бўлиш эҳтимоли бўлган мулкнинг ҳам тақдири бўйича фармойиш бериши мумкин. Васиятнома тузилганда мерос қолдирувчига тегишли бўлмаган, аммо эгаллиги унга утиш эҳтимоли бўлган мулк ёки мулкка бўлган ҳуқуқ, мерос очилган пайтга келиб васият қолдирувчига ўтган тақдирдагина васият фармойиши ҳақиқӣ бўлади.

Қонун вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз вояга етган болалари, шу билан бирга фарзандликка олинган болалари ҳам, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-оналари, қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўрларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиб, васият бўйича уларни мерос олишдан маҳрум қилишга йўл қўймайди.

Мерос қолдирувчи васиятномада тузишда қанчалик эркин бўлса, уни истаган вақтда бекор қилиш, ўзгартиришда ҳам эркин бўлиб, унинг сабабини изоҳлашга мажбур эмас. Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада белгилаган меросхўрга ўз навбатида вафот этиш эҳтимолини назарда тутиб, васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш ҳақида кўрсатма бериш мажбуриятини юклаш ҳуқуқига эга эмас.

1121-модда. Шартли васиятнома

Васият қилувчи мероснинг олинishi учун меросхўр хулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли.

Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш туғрисидаги фармойишга киритилган ғайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди.

Васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр уз саломатлигининг аҳволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Мерос қолдирувчи ўзига тегишли мол-мулкни қонуний ворислар жумласига кирадиган ёки кирмайдиган бошқа шахсларга, шунингдек юридик шахсларга васият қилиб қолдирганда, васиятномани айрим шартлар билан изоҳлаши, васият бўйича мерос олувчига ўзининг хулқ-атворини қонун доирасида ўзгартириш учун маълум бир шартларни қўйиб, шу шартлар бажарилган ҳолда мерос мулкни олиш ҳуқуқига эга бўлишини изоҳлаб қўйиши мумкин. Аммо бу изоҳ ва шартлар қонунга зид бўлмаслиги, мерос олувчининг ва бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқларини бузмаслиги керак.

Агар васият қолдирувчи васиятнома бўйича ҳуқуқ ва бурчларнинг юз беришини ёки бермаслигини номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб қўйса, бундай битим шarti кечиктириш билан тузилган ҳисобланади. Бундай вақтда, агар шартнинг юз беришига унинг юз беришидан манфаатдор бўлмаган тараф инсофсизлик билан қаршилиқ кўрсатган бўлса, бу шарт юз берган деб ҳисобланади. Агар шартнинг юз беришига ушбу шартнинг юз беришидан манфаатдор бўлган тараф инсофсизлик билан ёрдамлашган бўлса, бу шарт содир бўлмаган ҳисобланади.

Васиятнома билан тайинланган меросхўрнинг ва бошқаларининг манфаатларига зид бўлган ғайриқонуний фармойишлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Қонун бўйича мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган ворисларни мерос олишдан маҳрум қилиш (ФКнинг 1142-моддаси) ва бошқа, ушбу

Кодекс талабларига зид бўлган фармойишнинг васиятно-мада кўрсатилган қисми ҳақиқий ҳисобланмайди.

Мерос қолдирувчи васият шартномасига ҳар қандай шартларни ҳам киритиши мумкин эмас. Васиятномага, албатта, меросхўр томонидан бажарилиши мумкин бўлган шартлар киритилиши керак. Агар васиятномага киритилган шартлар вориснинг саломатлиги ёки бошқа сабабларга кўра бажарилиши мумкин бўлмайдиган бўлса, меросхўр уларни бекор қилишни талаб қилиб судга мурожаат қилишга ҳақли.

1122-модда. Ворисдан кейинги ворисларни гайинлаш

Васият қилувчи васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёхуд ундан воз кечиши ёки нолойиқ меросхўр сифатида ушбу Кодекснинг 1119-моддасида назарда тутилган тартибда мерос олишдан четлаштирилиши эҳтимолини, шунингдек васиятнома бўйича меросхўр мерос қолдирувчининг қонуний шартларини бажармаслиги эҳтимолини назарда тутган ҳолда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин.

Ушбу Кодексга мувофиқ меросхўр бўла оладиган ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис этиб тайинланиши мумкин.

Васиятнома бўйича меросхўрнинг ворисдан кейинги ворис зарарига меросдан воз кечишига йул қуйилмайди.

Мерос қолдирувчи ўзига тегишли бўлган мол-мулкни васият қилиб қолдирганда, васиятномада белгиланган асосий меросхўрдан ташқари, қўшимча равишда ундан кейинги меросхўрни тайинлаши мумкин. Бундай фармойишни васиятномага киритиш учун, мерос очилгунга қадар асосий меросхўрнинг вафот этиши ёки васиятномада белгиланган ворис меросни қабул қилиб олишдан бош тортиши, ундан воз кечиши, мерос олиш учун белгиланган муддатни ўтказиб юбориши нагижасида меросни қабул қилиб ололмаслик эҳтимоли ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек васият қолдирувчи ўзининг васиятномада белгиланган қонуний шартларини васият бўйича меросхўр томонидан бажармаслик эҳтимолини ҳам назарда тутди. Бундай ҳолат-

ларнинг вужудга келиш эҳтимолини ҳисобга олиб, мерос қолдирувчи васиятномада аввалги ворис меросни қабул қилмаслигини ҳисобга олиб иккинчи шахс ҳақида фармойиш беради, яъни ворисдан кейинги ворисни белгилайди.

Ворисдан кейинги ворис сифатида ҳар қандай шахс қонун буйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек бошқа, қонун буйича меросхўрлар жумласига кирмайдиган шахслар ҳам бўлиши мумкин. Ушбу Кодекснинг 1119-моддасида назарда тутилган асосларда нолойиқ меросхўр деб топилиб, мерос олишдан четлаштирилган шахслар ворисдан кейинги ворис сифатида тайинланмаслиги керак.

Васият буйича тайинланган меросхўрнинг меросдан воз кечиши ёки уни қабул қилмаслиги кейинги вориснинг зарарига қаратилган бўлмаслиги керак. Шунингдек меросдан қисман воз кечишга ҳам йўл қўйилмайди.

Васият буйича асосий вориснинг мерос очилгандан кейин, уни қабул қилиб ололмасдан вафот этиши-мерос мулкни қабул қилишдан бош тортиши деб ҳисобланмайди. Бундай ҳолатда, асосий меросхўрнинг меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг ворисларига ўтади. Агар асосий меросхўрнинг ворислари бундай ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлсалар, меросни ворисдан кейинги ворис олади. Булар меросни эгаллаган ёки қабул қилиб олганликлари ҳақида ариза бериш йўли билан меросни қабул қилишни амалга оширади.

1123-модда. Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисмини мерос қилиб олиш

Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисми ушбу Кодекснинг 1134-1143-моддаларида назарда тутилган тартибда ворисликка чақириладиган қонун буйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Бу меросхўрлар жумласига мол-мулкнинг бошқа қисми васиятнома буйича мерос қилиб қолдирилган қонун буйича ворислар ҳам кирадилар.

Васиятномада кўрсатилмаган мол-мулкнинг васият қилинмай қолган қисмини ташкил қилади. Мерос қолди-

рувчи мол-мулкининг васият қилинмасдан қолган қисми-ни мерос қилиб олиш бўйича белгиланган тартиб, ушбу Кодекснинг 1154-моддаси бўйича мерос ҳиссасининг ортишига ҳам тааллуқли бўлади.

Ворисликдан четлаштирилган ёки меросни қабул қилиб олмаган, меросни олишдан воз кечган меросхўрларнинг ҳиссалари бошқа қонуний ворисларга тенг ҳиссада бўлинади. Худди шу каби мерос мулкнинг васият қилинмасдан қолган қисми ҳам қонун бўйича мерос олишга чақирилган бошқа ворислар ўртасида тенг ҳиссада тақсимланади.

Васият қилинмасдан қолган мулкдан, қонун бўйича ворисликка чақирилганлар ҳам, васиятномага асосан мерос олувчи қонун бўйича меросхўрлар ҳам тенг ҳиссада мерос олиш ҳуқуқига эга.

Мерос ҳуқуқидан маҳрум этилган меросхўрлар мерос қолдирувчи мол-мулкининг васият қилинмай қолган қисмига ҳам меросхўр бўлишдан маҳрум бўлади.

Васият қилинмасдан қолдирилган уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари мерос қолдирувчи билан унинг вафотигача камида бир йил умумий рўзғор тутиб бирга яшаган қонун бўйича меросхўрларга, уларнинг мерос мулкдаги ҳиссалари ва навбатидан қатъи назар, ўтади.

1124-модда. Васиятноmanın шаклига доир умумий қоидалар

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.

Қуйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади
нотариал тасдиқланган васиятномалар;

нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Қуйидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;

васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

тулиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

саводсизлар ва васиятномани уқий олмайдиган бошқа шахслар;

ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Васиятнома бир томонлама битим бўлиб, уни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ва тартиби ушбу Кодекснинг битимларни ҳақиқий эмас деб топишга доир умумий қоидаларига асосан ҳал қилинади.

Васиятноманинг ҳуқуқий аҳамиятини ҳисобга олиб, қонун билан унинг ёзма шакли ва нотариал гувоҳлантирилиши белгилаб қўйилди.

Қонунда белгиланган шаклга риоя қилинмасдан тузилган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди (ФКнинг 1130-моддаси).

Васиятнома ёзма шаклда васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилиб, имзоланиши лозим.

Васият қолдирувчининг жисмоний камчилиги, касаллиги ёки саводсизлиги васиятномани ўз қўли билан ёзиб имзолаш имкониятини бермаса, унинг илтимосига кўра бошқа шахс томонидан имзоланиши мумкин. Бундай ҳолларда, албатта, васиятномани гувоҳлантирувчи нотариус ёки қонун билан васиятномани гувоҳлантириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахснинг иштирокида, васиятнома васият қолдирувчи ёз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилиб имзоланиши шарт (“Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддаси).

Васият қолдирувчининг кўзи ожиз ёки у саводсиз бўлган тақдирда, нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи мансабдор шахс, албатта, васиятнома матнини

унга ўқиб бериши шарт ва бу ҳақда васиятномага белги қўйиши керак. Агар саводсиз васият қолдирувчининг қулоғи қар ё тили гунг ёки ҳам қар, ҳам гунг бўлса, васиятнома гувоҳлантирилаётган вақтда уларга тушунтира биладиган шахснинг иштирок этиши ва ўзининг имзоси билан васиятноманинг мазмуни васият қолдирувчининг эркига туғри келиши гувоҳлантирилиши керак.

Васиятномани гувоҳлантиришни сураб мурожаат қилган кишининг шахсини, унинг муомала лаёқатини нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи бўлган мансабдор шахс белгиланган тартибда аниқланиши керак.

Васиятномани имзолаш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг тизими қонунда белгилаб қўйилган.

Васиятномани гувоҳлантирувчи нотариус, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар, фойдасига васиятнома тузилган шахс, васият мажбурияти юклатилган шахс, шунингдек уларнинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неvara ва чевараси, васият қолдирувчининг қонун бўйича меросхўрлари васиятномани васият қолдирувчи ўрнига имзолашга ҳақли эмас.

Бундан ташқари, тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар, васиятномани ўқий олмайдиган саводсиз шахслар ҳамда ёлғон гувоҳлик берганлиги учун муқаддам суд жавобгарлигига тортилган шахслар ҳам васиятномани васият қилувчи ўрнига имзолаши мумкин эмас.

Васиятномани гувоҳлантириш вақтида нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс, васият қилувчининг муомала лаёқатига эга эканлигини, васиятнома васият қолдирувчининг ўз қўли билан имзоланганини текшириб, шунга ишонч ҳосил қилиши керак. Васиятнома фақат васият қолдирувчи ҳузурда тасдиқланиши лозим. Васиятнома васият қилувчининг илтимосига кўра имзолаган шахс томонидан унинг мазмуни билан танишиш ҳуқуқига эга.

1125-модда. Нотариал тасдиқланган васиятнома

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сузларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сузларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказолардан) фойдаланилиши мумкин.

Васият қилувчининг сузларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матни ни нотариус олдида тулиқ ўқиб чиқиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшитирилади, бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кура васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан (махфий васиятнома) тасдиқланади.

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини курсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”-ги Қонунига асосан васиятномаларни гувоҳлантириш давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги консуллик муассасаларининг консуллари ва шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ҳамда қонун билан ваколат берилган мансабдор шахслар томонидан гувоҳлантирилади.

Васиятнома васият қолдирувчи томонидан нотариус ёки нотариал ҳаракатни амалга оширувчи мансабдор шахс олдида ёзилиб, унинг олдида имзоланиши керак. Нотариус

ёки мансабдор шахс олдида имзоланмаган ва унинг олдида ёзилмаган васиятнома қабул қилинмаслиги ва гувоҳлантирилмаслиги керак.

Васиятнома васият қолдирувчининг сўзидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши, шу билан бирга васиятнома техник воситалардан (ёзув машинкаси, компьютер) фойдаланган ҳолда ёзиб олиниши ҳам мумкин. Бундай васиятномалар, албатта, васият қолдирувчи томонидан нотариус иштирокида имзоланиши керак. Имзолашдан олдин васият қолдирувчи нотариус ёки нотариал ҳаракатни гувоҳлантирувчи мансабдор шахс олдида васиятноманинг матнини тулиқ ўқиб чиқиб, имзолаши керак.

Васият қолдирувчининг хоҳишига кўра васиятнома исталган нотариал идорасида гувоҳлантирилиши мумкин. Янгидан тузилган васиятнома ҳам васият қолдирувчининг хоҳишига кўра исталган нотариусда гувоҳлантирилиши мумкин. Бундай ҳолларда биринчи васиятномани гувоҳлантирган нотариусга мурожаат қилиш шарт эмас.

Васиятномани гувоҳлантирилган вақти уни тузиш вақти бўлиб ҳисобланади.

Васиятномани нотариал тасдиқланган шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Васиятноманинг бошқа шахслар томонидан имзолаш тартиби ушбу Кодекснинг 1124-моддасига берилган шарҳда ёритилган.

Васият қилувчи васиятноманинг мазмуни билан танишиб чиқмасдан уни тасдиқлашни нотариусдан талаб қилишга ҳақли. Бундай васиятномалар махфий васиятнома деб аталади. Махфий васиятномани ҳақиқий саналмаслик хавфидан ҳоли қилиш учун васият қолдирувчи уни ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Бундай васиятнома камида икки гувоҳ иштирокида, уни гувоҳлантирувчи нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс ҳузурида васиятнома мазмуни билан уларни таништирмасдан хатжилдга солиниб елимланади ва гувоҳлар томонидан уларнинг фамилиялари, исм-

лари ва оталарининг исмлари, доимий турар жойлари курсатилиб, имзо чекилади ва иккинчи хатжилдга солиниб, нотариус томонидан тасдиқловчи устхат билан расмийлаштирилади.

1126-модда. Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар

Қуйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади:

касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузиб юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган васиятномаларга нисбатан ушбу Кодекснинг 1125-моддаси қоидалари қўлланилади, васиятномани нотариал тасдиқлаш туғрисидаги талаб бундан мустасно.

Нотариал идорасида гувоҳлантириш имконияти бўлмаган ҳолатлардагина ушбу шарҳланаётган моддада белгиланган мансабдор шахслар томонидан васиятномани гувоҳлантиришга йўл қўйилади. Бундай васиятномалар нотариал тартибда гувоҳлантирилган васиятномаларга тенглаштирилади.

Шарҳланаётган моддада васиятномани гувоҳлантириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар рўйхати берилган. Шу билан бирга қонунда қандай ҳолатларда уни амалга оширишга рухсат берилиши ҳам аниқ белгилаб берилган. Бу қонундан кенгроқ талқин қилишга йўл қўймайди. Курсатилган мансабдор шахслардан бошқа шахслар васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқига эга эмас.

Васиятномани гувоҳлантирувчи мансабдор шахс, албатта, васият қолдирувчининг шахсини, унинг муомала даёқатини, васиятнома ҳақиқатан ҳам васият қилувчи томонидан ўз қўли билан ёзилганлиги ва имзоланганлигини аниқлаши ва шунга ишонч ҳосил қилгандан сўнг васиятномани гувоҳлантириши лозим. Васиятномани шарҳланаётган моддада курсатилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилаб қўйган тартибда амалга оширилади.

“Нотариат туғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига асосан васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахслар унинг битта нусхасини васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун кечиктирмай юбориши шарт.

Васият қилувчининг Ўзбекистонда доимий яшаш жойи бўлмаса ёки номаълум бўлса, васиятнома Республика Адлия вазирлиги белгилаган давлат нотариал идорасига юборилади.

Ушбу моддада назарда тутилган васиятномаларнинг шаклига нисбатан Кодекснинг 1125-моддасида белгиланган қоидалар амал қилади.

1127-модда. Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш

Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармо-

йишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўзининг хусусий мулкни васият қилишни ўз ихтиёри-эрки билан амалга оширади. Шунинг учун ҳам у васиятнома тузишда эркин бўлганидек, уни ўзгартириш ёки бекор қилишда ҳам эркин ҳаракат қилади. Мерос қолдирувчи томонидан тузилган васиятнома унинг ҳаётлигида меросхўрлар учун ҳеч қандай ҳуқуқ туғдирмайди ва васият қолдирувчи учун ҳам мажбурият келтириб чиқармайди. Мерос қолдирувчи ҳаётлигида васиятномани ҳар қандай ҳолатда ҳар қачон ҳам ўзгартириш ёки бутунлай бекор қилиш ҳуқуқини йўқотмайди.

Васиятнома тўлигича бекор қилиниши ёки ундаги айрим мулкка бўлган фармойишлар қисман бекор бўлиши, ўзгартирилиши, қўшимчалар билан тўлдирилиши мумкин.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, унинг бир нусхаси нотариал идорада ва яна бири мерос қолдирувчининг қўлида бўлади. Васиятнома бекор қилинганда ёки ўзгартирилганда, бу ҳаракат васиятноманинг ҳар иккала нусхасида ҳам ўз аксини топиши керак.

Васиятнома икки йўл билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Биринчидан, янги васиятнома тузиш йўли билан, ва иккинчидан, васиятномани бекор қилиш ҳақида нотариусга ариза бериш билан аввалги васиятнома ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

Ариза бериш йўли билан васиятнома тулиғича бекор қилинганда, мерос мулк қонун бўйича меросхурларга утади. Васиятномани ўзгартириш, фақатгина янги васиятнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Бу васиятномада олдинги васиятноманинг айрим қисмларинигина бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳам мумкин.

Бундан ташқари кейинги тузилган васиятнома олдинги васиятномани бекор қилмасдан ёки ўзгартирмасдан, уни қўшимча фармойишлар билан тўлдириш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Агар олдинги васиятномада мерос қолдирувчи узининг мол-мулкидан бир қисмини васият қилиб қолдирган бўлиб, кейинги васиятномада мулкнинг қолган қисмига васиятнома тузган бўлса, мерос очилганда ҳар икки васиятнома ҳам ҳақиқий ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳар иккала васиятнома бўйича ҳам меросхурлар мерос оладилар.

Васиятнома васият қолдирувчи томонидан ёки унинг фармойишига биноан нотариус томонидан унинг барча нусхаларини йуқ қилиб ташлаш йўли билан ҳам бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш йўли билан олдин тузилган биринчи васиятнома тулалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид қисми бекор бўлади. Янги васиятнома тузиш йўли билан бекор қилинган биринчи васиятнома иккинчи васиятнома бекор қилинганда ҳам қайтадан тикланмайди.

Васиятномани бекор қилиш туғрисидаги ариза васиятномани гувоҳлантирилган нотариусга ёки нотариал ҳаракатни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахсга шахсан васият қолдирувчи томонидан берилиши керак. Ариза бошқа шахс орқали ёки алоқа идоралари орқали юборилганда, ундаги васиятномани бекор қилишни сўраган шахснинг имзоси, албатта, нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги ариза, исталган нотариал идорасига ҳам берилиши мумкин. Аризани олган нотариал идораси ўз навбатида уни васиятномани гувоҳлан-

тирган нотариусга юбориши керак. Васиятнома қўлида бўлган шахсга унга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиб, тузатишлар қилишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда мерос олиш масаласи нотариал идорасида турган васиятноманинг биринчи нусхаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Васият қолдирувчининг васиятни бекор қилишни сўраган аризасидаги имзосини васиятномани гувоҳлантириш ҳуқуқи берилган айрим мансабдор шахслар томонидан ҳамда фуқаронинг имзосини тасдиқлаш тартибида бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳам гувоҳлантирилиши мумкин.

Васиятномани бекор қилиш - бу васият мажбуриятининг бир кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун у васият фармойиши учун белгиланган қоидалар билан йўл қўйилган ҳамма шаклларда амалга оширилиши мумкин.

“Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддасига асосан, нотариуслар, васиятномани бекор қилиш тўғрисида ариза олган тақдирда, шунингдек, васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинган тақдирда васиятноманинг нотариусда сақланаётган нусхасига ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига бу хусусда белги қўяди. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзо нотариал гувоҳлантирилган бўлиши шарт.

1128-модда. Васиятноманинг сир сақланиши

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Васият қолдирувчи ўзининг васиятномада изҳор қилган фармойишини ўзи ҳаётлигида хоҳлаган вақтда ўзгартиришга, бекор қилишга ҳақли. Бу ҳақда, айниқса, меросхўрлар хабар топмаслиги керак. Шунинг учун ҳам васиятноманинг мавжудлигини хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан билган шахслар унинг мазмуни ҳақида, тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ҳақидаги маълумотларни сир сақлашга мажбур.

Васиятноманинг тузилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги фақат муайян бир гуруҳ шахсларга маълум бўлади. Булар - нотариус, қонун билан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар, васият қилувчи ўрнига васиятномани имзолаган шахслар, васиятнома ҳақида ахборотга эга бўлган бошқа шахслар бўлиши мумкин. Бу шахслар мерос очилгунга қадар васиятноманинг мавжудлиги ҳақида ҳеч кимга, шу жумладан меросхўрларга ҳам ошқора айтишга ҳақли эмаслар.

Васиятноманинг мавжудлиги ҳақида васият қолдирувчининг ўзи ошқора айтиши, ҳатто меросхўрларга васиятномани кўрсатиши ёки уларга бериб қўйиши ҳам мумкин. Аммо, васиятнома ҳақида маълумот бериш учун васиятномани гувоҳлантирган нотариусга ёки мансабдор шахсга топшириқ беришга ҳақли эмас. Бундай топшириқ бўлган тақдирда ҳам нотариус уни бажармаслиги керак.

Васиятнома ҳақида маълумот фақатгина суд, прокуратура ва тергов органларининг талаби бўйича берилиши мумкин.

“Нотариат туғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотни ошқор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошқор қилиши тақиқланади. Васиятнома ҳақидаги маълумотлар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

1129-модда. Васиятни талқин қилиш

Васиятнома нотариус, васиятни ижро этувчи ёки суд томонидан талқин қилинганида ундаги сўзлар ва ибораларнинг асл маъноси эътиборга олинади. Васиятномадаги бирон-бир қоиданинг асл маъноси ноаниқ бўлса, у бошқа қоидалар ва умуман васиятноманинг мазмуни билан таққослаш орқали аниқланади.

Васиятнома мерос қолдирувчи томонидан аниқ ва тушунарли қилиб тузилиши керак. Васиятномани гувоҳлантирган нотариус васиятнома шакли ва мазмунини ушбу Кодекснинг 1124-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда ёзилган бўлишига алоҳида эътибор бериши керак. Васиятнома мазмунини талқин қилганда бошқача тушуниш учун озгина бўлса ҳам асос бўлмаслигини таъминлаши керак.

Васиятни аниқ ва тўғри ижро этиш учун васиятномага киритилган фармойишлар тахминий ва ноаниқ мазмунда бўлмаслиги керак.

Васиятномани ижро этишда ноаниқлик, ундаги айрим ибораларнинг асл маъносини тушуниш қийин бўлган ҳолларда ва унинг ҳақиқий мазмунини мерос қолдирувчининг ҳақиқий хоҳиш-иродасини аниқлаш учун васиятномани тўғри талқин қилиш лозим.

Васиятномани талқин қилиш нотариус, васиятни ижро этувчи ёки суд томонидан амалга оширилади. Нотариус ёки васиятни ижро этувчининг чиқарган хулосасига меросхурлар йорози бўлган тақдирда уларнинг аризасига асосан васиятнома суд томонидан талқин қилиниши керак.

Васиятномани талқин қилишдан асосий мақсад васият қолдирувчининг ҳақиқий эркини, хоҳиш-иродасининг мазмунини тўғри тушуниб, масалани адолатли ҳал қилишдан иборат. Бунинг учун васиятномадаги ҳар бир сўз ва ҳар бир иборанинг асл маъноси эътиборга олиниши, васиятномадаги бирон-бир қоиданинг асл маъноси ноаниқ бўлиб, уни тушуниш қийин бўлса, у васиятнома ҳақидаги бошқа қои-

далар, умуман васиятноманинг мазмуни билан таққослаш йўли орқали аниқланиши керак.

1130-модда. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги

Тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмас. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслиги туғрисидаги қоидаларга ҳам асосланади.

Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан мулкий оқибатларга эга бўладиган шахснинг даъвоси бўйича васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби бузилиши натижасида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги васиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди.

Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Васиятнома бир томонлама битим ҳисобланиб, ушбу Кодекснинг 9-бобида назарда тутилган битимлар туғрисидаги қоидаларга бўйсунади. Васиятнома ушбу Кодекснинг 1124-моддасида белгиланган васиятноманинг шаклига доир қоидаларга асосан тузилмаган ҳолларда улар ҳақиқий ҳисобланмайди. Бундан ташқари, амалда бўлган қонун ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Шунингдек, муомала лаёқатига тўла ҳажмда эга бўлмаган шахс томонидан, муомала лаёқати чекланган шахс, уз ҳаракатнинг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган шахслар томонидан, янглишиш таъсири, алдаш, зўрлик ишлагиш, қўрқитиш йўли билан тузилган васиятномалар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Васиятнома бўйича мерос олувчи шахсларнинг, шунингдек умуман васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан иқтисодий манфаат кўрувчи шахслар даъвоси бўйича васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлаш бўйича белгиланган тартиб бузилганда, қисман ёки бутунлай ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмас деб топилиши унинг қолган қисмларига нисбатан ҳеч қандай таъсир қилмайди. Бундай ҳолларда мерос қолдирувчи томонидан васиятнома билан меросдан маҳрум қилиб қўйилган ворис, васиятнома билан маҳрум қилинмаган мерос қисмига умумий асосларда меросхўр бўла олади.

1131-модда. Васиятномани ижро этиш

Васият қилувчи васиятноманинг ижро этилишини узи васиятномада курсатган, меросхўр ҳисобланмайдиган шахсга (васиятномани ижро этувчига) топшириши мумкин. Бу шахснинг васиятноманинг ижро этувчиси бўлишга розилиги унинг уз қўли билан васиятномага ёзган устхатида ёки васиятномага илова қилинган аризасида акс эттирилиши лозим.

Меросхўрлар ўзаро келишиб, васиятноманинг ижросини меросхўрлардан бирига ёхуд бошқа шахсга топширишга ҳақлидирлар. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, васиятномани ижро этувчи бир ёки бир неча меросхўрнинг талаби билан суд томонидан тайинланиши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи васиятнома бўйича меросхўрларни олдиндан хабардор қилган ҳолда васият қилувчи томонидан уз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан истаган вақтда воз кечиш ҳуқуқига эга. Васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг аризасига биноан суднинг чиқарган қарори билан ҳам уз мажбуриятларидан озод қилиниши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи:

меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши;

барча меросхўрларни ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларни мерос очилганлиги туғрисида ҳамда улар фойдасига васият мажбуриятлари туғрисида хабардор қилиш учун имкон қадар барча чора-тадбирларни куриши;

мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиши;

мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси ва қонунга мувофиқ меросхўрларга уларга тегишли мол-мулкни бериши;

меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятларини ижро этишларини таъминлаши;

васият мажбуриятларини бажариши ёхуд васиятнома бўйича меросхўрлардан васият мажбуриятларини ижро этишларини талаб қилиши лозим.

Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ҳамда васиятномани ижро этиш билан боғлиқ суд ишларида ва бошқа ишларда ўз номидан қатнашишга ҳақли, шунингдек бундай ишларда иштирок этишга жалб этилиши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи ўз мажбуриятларини меросни қарзлардан ҳоли қилиш, мерос қолдирувчига тегишли суммаларни ундириш ва барча меросхўрларнинг меросга эгалик қилишга киришиши учун зарур бўлган оқилона муддат мобайнида амалга оширади. Ҳар қандай ҳолда ҳам кўрсатилган муддат мерос очилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетмаслиги керак.

Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ва васиятномани ижро этиш бўйича зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эга. Васиятномада уни ижро этувчига мерос ҳисобидан ҳақ тулаш назарда тутилиши мумкин.

Васиятнома ижро этиб бўлингач, васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг талабига биноан уларга ҳисобот тақдим этиши шарт.

Васият қолдирувчи васиятноманинг ижро этилишини меросхўрлар доирасига кирадиган ёки кирмайдиган бир ёки бир неча шахсларга юклаши мумкин. Васиятномани ижро этувчи меросхўрлар доирасига кирмаган киши бўлса, унинг ижро этувчи бўлиши учун, албатта, олдиндан берган ёзма розилиги бўлиши ва у васиятномага илова қилиниши керак. Васиятномада ижро этувчи махсус кўрсатилмаган бўлса, васиятномани ижро этиш мажбурияти меросни қабул қилиб олган меросхўрлар зиммасига тушади.

Васиятномани ижро этувчи меросхўрлар доирасига кирадиган шахслардан бўлган тақдирда, улар томонидан мерос мулкни қабул қилиб олиниши уларнинг васиятномани ижро этишга розилик бергани ҳисобланади.

Васиятномада уни ижро этувчиларга васиятномани тула равишда, шунингдек унинг маълум бир қисмини бажариш ҳақида топшириқ берилиши мумкин. Васият қолдирувчининг васиятномада берган фармойишини ўз вақтида ва тулалигича бажариш васиятномани ижро этувчининг вазифаси ҳисобланади.

Васият қолдирувчи томонидан васиятномани ижро этиш мажбурияти юклатилган шахс бу мажбуриятни бажа-

ришдан истаган вақтда меросхўрларни олдиндан хабардор қилиб, воз кечишга ҳақли. Бундан ташқари меросхўрларнинг аризасига асосан ҳам суднинг қарори билан васиятномани ижро этувчи бу мажбуриятдан озод қилиниши мумкин. Васият қолдирувчи томонидан васиятномани ижро этувчи тайинланмаган тақдирда, меросхўрлар узаро келишиб, васиятномани ижро этишни меросхўрларнинг бирига, бир нечтасига ёки бошқа шахсга топширишлари мумкин. Васиятномани ижро этувчини белгилашда меросхўрлар ўртасида келишув бўлмаганда, улардан бири ёки бир нечтасининг талаби билан келишмовчилик суд томонидан ҳал қилинади. Суд меросхўрлар талабларини, эътирозларини ва таклифларини муҳокама қилиб, васиятномани ижро этувчини тайинлайди.

Васиятноманинг ижро этувчисини тайинлашдан мақсад - меросхўрлар, васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчилар ва бошқа учинчи шахснинг манфаатларини таъминлаш, шунингдек, васият қолдирувчи ўзининг васиятномадаги фармойишини аниқ амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир.

Васиятномани ижро этувчи меросни қабул қилиш ва уни бошқариш, қуриқлаш ва кредиторларнинг талабларини қабул қилиб олиш, барча меросхўрларни ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларни мерос очилганлиги тўғрисида хабардор қилиш учун барча чораларни куриш, меросхўрлар ўртасида мерос мулкни тақсимлаш ва меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятларини ижро этишларини таъминлаш, мерос қолдирувчига тегишли бўлган пул маблағларни олиш вазифаларини бажариши керак. Васиятнома билан боғлиқ бўлган ҳар қандай низоларни суд органларида куриб чиқилишида қатнашишга ҳақли.

Васиятномани ижро этувчи ҳуқуқий мақомининг алоҳида ўзига хос томонлари бор. У мерос қолдирувчининг топшириғига асосан меросни қабул қилган ёки қабул қилиши мумкин бўлган меросхўрлар номидан ҳаракат қилади. Меросхўрлар мерос қолдирувчининг эрки-иродаси би-

лан боғланган булиб, васиятномани ижро этувчини унинг ваколатидан маҳрум этишга ҳақли эмаслар. Аммо меросхўрлар васиятномани ижро этувчидан ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқига эга, унинг ҳаракатларидан норози булган тақдирда судга шикоят қилишлари мумкин.

Васиятномани ижро этувчи уз навбатида, мерос мулкни кўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатларни мерос мулк ҳисобидан қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Меросхўрлар доирасига кирмаган васиятномани ижро этувчи, бошқа меросхўрлар келгунига қадар мерос мулк ҳисобидан харажат қилишга ҳақли эмас, меросхўр васиятномани ижро этувчи булганда эса, у мерос мулк ҳисобидан бошқа харажатларни ҳам қилишга ҳақли.

Васиятномани ижро этувчи барча меросхўрларнинг меросга эгаллик қилишга киришиши учун зарур булган оқиллона муддат мобайнида уни амалга оширади. Бу муддат ҳар қандай ҳолда ҳам мерос очилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетмаслиги керак.

Жисмоний шахслар билан бир қаторда юридик шахслар ҳам васиятномани ижро этувчи булиши мумкин. Умум-фойдали мақсадда фойдаланиш учун қолдирилган маблағни тасарруф қилишни маълум бир юридик шахс зиммасига юклаб, уни васиятномани ижро этувчи қилиб тайинлайди.

1132-модда. Васият мажбурияти

Васият қилувчи васият буйича меросхўрнинг зиммасига бир ски бир неча шахс (васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар) фойдасига бирин-бир мажбуриятни (васият мажбуриятини) мерос ҳисобидан бажаришни юклашга ҳақли булиб, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар васият мажбурияти бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини оладилар.

Конун буйича ворислар жумласига кирадиган, шунингдек кирмайдиган шахслар ҳам васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар булишлари мумкин.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига мерос таркибига кирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ қилиб бериш, мерос таркибига кирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун муайян ишни бажариш, унга муайян

хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар васият мажбурияти нарсаи бўлиши мумкин.

Васият қилувчи томонидан зиммасига васият мажбуриятини бажариш вазифаси юклатилган меросхўр бу вазифани ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тулаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажариши лозим.

Агар зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлса, унинг васият мажбуриятини бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ бўлган қисми билан чегараланади.

Васият мажбурияти барча ёки бир неча меросхўр зиммасига юклатилган ҳолларда, агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳар бири васият мажбуриятини меросдаги ўз улушига мутаносиб равишда бажаради.

Васият қилувчи мерос сифатида уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни оладиган меросхўр зиммасига турар жойни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, ўзгага берилмайди ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг меросхўрларига ўтмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига берилган турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи, агар васиятномада бошқача тартиб кўрсатилган бўлмаса, унинг оила аъзолари мазкур турар жойда яшаши учун асос ҳисобланмайди.

Зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр вафот этган ёки у меросни қабул қилиб олмаган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ёхуд, агар мол-мулк эгасиз бўлиб қолса, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтади.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос очилгунга қадар ёки мерос очилгандан кейин, аммо васиятнома буйича меросхўр васият мажбуриятини қабул қилиб олишга улгурган пайтга қадар вафот этган тақдирда васият мажбурияти бажарилмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар бўлмайди.

Васият қолдирувчи бир ёки бир неча шахс фойдасига бирон-бир мажбуриятни бажаришни меросхўрлар зиммасига юклаши мумкин. Бу мажбурият, яъни васият мажбурияти, мерос мулк ҳисобидан ва унинг ҳажми доирасида бўлиши керак.

Фойдасига мажбурият бажарилиши лозим бўлган шахс - васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчи бўлиб, у васият мажбуриятининг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчилар қонун бўйича меросхўрлар жумласига кирадиган ва кирмайдиган шахслар кириши мумкин. Шунингдек, юридик шахслар ҳам васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчи бўлиши мумкин.

Васият қолдирувчи васиятномада мерос мулкдан маълум бир ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ қилиб бериш, мерос мулк ҳисобига кирмайдиган бошқа мулкни мерос ҳисобидан сотиб олиб бериш, муайян бир ишни ёки хизматни бажариш ва бошқа шу каби вазифаларни бажаришни васият қилиб қолдиради. Бу васият мажбурияти ҳисобланади. Бу вазифани васият мажбурияти юклатилган меросхўр ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларнинг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажариши мумкин.

Меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган васият мажбурияти юклатилган меросхўр, васият мажбуриятини ўзига ўтган мерос мулк қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ қисми билан бажаришга ҳақли.

Васиятномада алоҳида тартиб ўрнатилмасдан васият мажбурияти барча меросхўрларга ёки улардан бир нечтаси зиммасига юклатилган бўлса, улардан ҳар бири ўз улушига мутаносиб равишда васият мажбуриятини бажаради. Васият мажбуриятини бажариш фақатгина меросни қабул қилиб олган шахс учун мажбурийдир.

Васият мажбуриятининг мазмуни ҳар хил бўлиши мумкин.

Васият қолдирувчи ўзига тегишли бўлган уй-жой, турар жой ёки квартирани оладиган меросхўрнинг зиммасига

турар жойнинг бир қисмини, маълум бир квартирани ёки хонани бошқа бирон шахсга умрбод фойдаланиш учун бериш мажбуриятини юклаши мумкин. Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтмайди, васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчининг меросхўрларига ҳам ўтмайди. Васиятномада кўрсатилмаган бўлса, васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчининг турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи унинг оила аъзоларига ҳам ўтмайди.

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсларга ўгиши ҳам умрбод уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилмайди.

Зиммасига васият мажбурияти юклатилган шахс мерос очилмасдан олдин вафот этса ёки у меросни қабул қилиб олишдан воз кечса, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ўтади.

Агар васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос очилмасдан олдин вафот этса ёки мерос очилгандан кейин, аммо васиятнома бўйича васият мажбурияти юклатилган меросхўр васият мажбуриятини қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этса, васият мажбурияти бажарилмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос қолдирувчининг қарзлари ва бошқа мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

Васият бўйича мажбурияти юклатилган меросхўр меросни қабул қилиб олгандан кейин вафот этган тақдирда, ушбу Кодекснинг 351-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, мажбурият тугатилади. Бошқа ҳолларда эса, васият мажбуриятини бажариш унинг меросхўрларига ўтади.

1133-модда. Мажбурият юклаш

Васият қилувчи васият бўйича меросхўр зиммасига бирон-бир ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаб, бу мажбуриятни бажаришни кредитор сифатида талаб қилиш ҳуқуқини ҳеч кимга бермаслиги мумкин. Умумий фойдали мақсадни амалга ошириш учун васиятномани ижро этувчининг зиммасига худди шундай мажбурият юклатилиб, бу мажбуриятни бажариш учун мерос қолдирувчи томонидан мол-мулкнинг бир қисми ажратилиши мумкин.

Мулкий хусусиятга эга бўлган хатти-ҳаракатни содир этишдан иборат мажбуриятга нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1132-моддасида баён этилган қоидалар қўлланилади.

Агар ушбу Кодексга мувофиқ, мажбуриятни бажариш зиммасида бўлган меросхўрга тегиши лозим бўлган ёки унга қарашли бўлган мерос улуши бошқа меросхўрга утса, мажбуриятни бажариш бекор бўлади.

Умумфойдали мақсад учун бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини назарда тутган меросхўр зиммасига юклатилган мерос қолдирувчининг махсус васият фармойиши - мажбуриятни юклаш ҳисобланади.

Мажбуриятни юклаш васият мажбуриятидан фарқ қилади.

Мажбурият юклаш ҳам худди васият мажбурияти сингари маълум меросхўрнинг мерос ҳиссаси ҳисобига бажарилишини назарда тутати. Васият мажбуриятида васият қолдирувчи маълум бир шахс фойдасига ўзининг мулкидан муайян бир қисмини ажратишни назарда тутати. Мажбурият юклашда эса, васият қолдирувчи васият бўйича меросхўр зиммасига мулкий ёки номулкий тарзда бўлган бирон-бир ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклайди.

Мажбурият юклаш умумфойдали мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлса, ҳаракат кимга нисбатан қилиниши лозимлиги кўрсатилмайди ва мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқини ҳеч кимга бермаслиги мумкин, чунки васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчи шахс белгилаб қўйилган бўлади. Умумий фойдали мақсадни бажариш учун юклатилган мажбурият ижросини васиятномани ижро этувчи зиммасига юклаб, бунинг учун мерос мулкнинг бир қисми ажратилиши мумкин.

Демак, васият мажбурияти фақат мулкий бўлади, мажбурият юклаш эса ҳам мулкий ва ҳам номулкий бўлиши мумкин.

Юкланган мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи манфаатдор ташкилотларга, прокурорга, васиятни бажарувчига ва бошқа ворисларга берилган.

Мажбуриятни юклаш мулкый тарзга эга булган ҳолларда ушбу Кодекснинг 1132-моддасининг 4,5 ва 10-қисмларида назарда тугилган қоидаларга амал қилинади (курсатилган модданинг шарҳига қаралсин).

Қонунда назарда тугилган асосларга кўра мажбуриятни бажариш зиммасида булган меросхўрга тегишли мерос мулкдаги улуши бошқа меросхўрларга утган тақдирда, мажбуриятни бажариш бекор бўлади.

68-БОБ. ҚОНУН БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

1134-модда. Умумий қоидалар

Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка ушбу Кодекснинг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида чақириладилар.

Қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан, туғишган қариндошларга тенглаштириладилар.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

Вафот этган шахсга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк ва мулкка бўлган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларнинг қонунда белгилаб (ушбу Кодекснинг 1135, 1141-моддаларида) қўйилган шахсларга утиши қонун бўйича ворислик ҳисобланади. Қонун бўйича ворислик белгиланган навбат билан амалга оширилади.

Мерос қолдирувчи узининг хусусий мулкини ҳеч кимга васият қилиб қолдирмаганда ёки унинг бир қисмини васият қилмаганда, шунингдек васиятнома тулиғича ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда мерос қолдирувчининг мол-мулкига қонун бўйича ворислик вужудга келади.

Бир навбат доирасида меросга чақирилган ворислар тенг ҳиссада мерос олади.

Ўзбекистон Республикасининг Никоҳ ва оила кодексининг 149-моддасига асосан фарзандликка олинганлар ўз

ота-оналарига ва уларнинг қариндошларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини йўқотади ва мажбуриятларидан озод бўлади. Шунинг учун ота-оналари тириклигида фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахсларнинг ота-оналари, бобо-бувилари, ака-укалари ва опа-сингиллари вафот этганда, уларнинг мол-мулкидан мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Шунингдек, ота-оналарининг қариндошларидан ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмас.

Фарзандликка олинган ёки унинг авлодлари вафот этган тақдирда, унинг ўз ота-оналари, бобо ва бувилари, ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда бошқа қариндошлари мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Фарзандликка бир киши (эр ёки хотин) томонидан олинган болаларга нисбатан, ота-онадан бирига ва унинг қариндошларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг сақланиб қолиши маҳаллий ҳокимиятнинг фарзандликка бериш ҳақидаги қароридан кўрсатилиши мумкин.

Никоҳ ва оила кодексининг 150-моддасига асосан, бола бир киши томонидан фарзандликка олинганида, фарзандликка олувчи эркак бўлса, онанинг истагига биноан, фарзандликка олувчи аёл бўлса, отанинг истагига биноан боланинг шу отаси ёки онасига ҳамда унинг қариндошларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари сақланиб қолиши мумкин. Ота-онадан бирига ва унинг қариндошларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг сақланиб қолиниши ҳақида фарзандликка бериш туғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Қонун буйича меросхўрнинг ҳар бир навбатнинг ворисликка чақирилиши учун, биринчидан, аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаслиги, иккинчидан, меросхўрлар меросдан четлаштирилишлиги ёки улар меросни қабул қилиб олмасдан ундан воз кечганлиги асос бўлади.

Бир навбат доирасида ворисликка чақирилган меросхўрлар уртасида мерос мулк тенг ҳиссада бўлинади. Уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари эса, мерос қолдирувчи билан унинг

вафотигача камида бир йил бирга яшаб келган қонун буйи-
ча меросхурларга утади.

1135-модда. Қонун буйича биринчи навбатдаги ворислар

Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олув-чилар) тенг улушларда қонун буйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга буладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига ки-радилар.

Мерос қолдирувчининг болалари (уғиллари ва қиз-лари), унинг эри ёки хотини ва ота-онаси қонун буйича биринчи навбатда мерос олиш ҳуқуқига эга.

Биринчи навбатда мерос олиш ҳуқуқига мерос қолди-рувчининг қайд қилинган никоҳида ёки унга тенглашти-рилган никоҳда туғилган болалари эга бўлади.

Оналари вафотидан кейин ҳар қандай ҳолатда ҳам бо-лалар мерос ҳуқуқини биринчи навбатда олади. Оталари вафот этганидан кейин эса, болаларга нисбатан оталик қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган ҳоллардагина қонун буйича биринчи навбатда мерос олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши бундай никоҳ давомида туғилган болаларнинг ҳуқуқига таъ-сир этмайди.

Узаро никоҳда бўлмаган шахслардан 1968 йил 1 ок-тябрғача туғилган болаларнинг отаси кимлиги боланинг онаси билан узини боланинг отаси эканлигини тан олган шахснинг биргаликда берган аризасига биноан Никоҳ ва оила кодексининг 67-моддасида белгиланган тартибда аниқ-ланади. Онаси вафот этган, муомала лаёқатига эга бўлма-ган, оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, шунинг-дек унинг қаерда яшаб турганлигини аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, оталик фақатгина отанинг берган ари-засига биноан ҳам белгиланиши мумкин.

Бола уз қарамоғида бўлган ва узини боланинг отаси эканлигини тан олган шахс башарти вафот этган тақдирда,

унинг болага нисбатан оталигини тан олган факти суд йули билан белгиланади.

Курсатилган тартибда ота билан онанинг биргаликдаги берган аризаси ёки боланинг отаси берган аризаси ёхуд суднинг оталикни тан олиш фактини белгилаш тўғрисидаги чиқарган ҳал қилув қарорига асосланиб, фуқаролик ҳолати ҳужжатини қайд этиш органида шу ҳақда тегишлича қайд қилинади ва боланинг туғилиши тўғрисидаги гувоҳномада ота ҳақида ёзув киритилади.

Шундай қилиб, узаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг отасини белгилаш учун уларнинг биргаликдаги аризаси талаб қилинади. Уларнинг биргаликдаги аризаси бўлмаган тақдирда ва Никоҳ ва оила кодексининг 67-моддаси тартибида болага нисбатан оталик белгиланмаган ҳолларда, боланинг ота-онасидан бири ёки вассийлик ва ҳомийлик органлари ёхуд қарамоғида бола яшаб турган шахснинг даъво аризасига мувофиқ оталик суд тартибида белгиланади. Вояга етган болаларга нисбатан оталик уларнинг розилигига қараб белгиланади.

Демак, шундай қилиб, 1968 йил 1 октябрғача туғилган бола билан ота ва онанинг қариндошлари ўртасидаги узаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар бола туғилган пайтдан бошлаб вужудга келган деб ҳисобланади.

Туғилиш гувоҳномасида ота сифатида ёзилган шахс 1944 йил 8 июлга қадар туғилган болаларнинг ҳақиқий отаси деб ҳисобланади ва улар ҳамма болалар билан бир қаторда тенг мерос олиш ҳуқуқига эга.

Мерос қолдирувчи ҳаётлигида ҳомила бўлиб, унинг вафотидан кейин ўн ой мобайнида тирик туғилган болалар ҳам биринчи навбатда қонун буйича меросхўр бўлади.

Ўғай болалар ўғай ота-онанинг меросхўрлари бўла олмайди. Шунингдек, ўғай ота ва ўғай она ҳам ўғай болаларнинг меросхўрлари бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Булар фақат меҳнатга лаёқатсиз боқимлар жумласига кирган тақдирда, белгиланган навбатда меросхўр бўлиши мумкин.

Никоҳ ва оила кодексининг 148-моддасига асосан фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандлик-

ка олган шахсларга ва уларнинг қариндошларига нисбатан фарзандликка бола олган шахслар ва уларнинг қариндошларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар жиҳатидан қариндошларга тенглаштирилади.

Фарзандликка олинган болалар Никоҳ ва оила кодексининг 134-моддаси тартибда расмийлаштирилган ҳолдагина, Қонун бўйича ворис бўла олади. Расмийлаштирилмасдан фарзандликка олиш 1926 йил 1 мартгача содир этилган бўлса, фарзандликка олинган болаларнинг ота-онаси сифатида ёзилган-ёзилмаганидан қатъи назар, ҳуқуқӣ оқибат келтириб чиқаради.

Демак, қонунда белгиланган тартибда фарзандликка олинган болалар никоҳда туғилган болалар билан бир қаторда тенг мерос олиш ҳуқуқига эга.

Эр ёки хотин вафот этган тақдирда, меросхўр бўлиб, фақат, қонунӣ никоҳда бўлган, ҳаёт бўлган эр ёки хотин саналади. Қонун йўл қўйган ҳолларда эр-хотинлик муносабатлари суд қарори билан ҳам тасдиқланиши мумкин. Миллий чегараланиш вақтида Ўзбекистон Республикаси таркибига кирган Хоразм ва Бухоро Республикалари ҳудудида 1928 йил 1 октябргача, яъни биринчи Никоҳ ва оила кодекси амалга киритилгунгача, бошқа ҳудудларда эса, 1917 йил 20 декабригача эски урф-одат ва диний маросимлар бўйича тузилган никоҳлар қайд қилинган никоҳга тенглаштирилади. Бундан ташқари, никоҳи бекор қилинган эр ёки хотин, қонунда назарда тутилган ҳолларда, меҳнатга лаёқатсиз боқим бўлганлиги учун ворис бўлиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг онаси ҳар қандай ҳолатда, отаси эса фақат никоҳдан туғилган болалардан мерос олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, агар вафот этган болаларига нисбатан оталик белгиланган бўлса, меросхўр бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

1136-модда. Қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик

Мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Бир ота ва бир онадан туғишган болалар, ота биру, он бошқа ёки она биру, ота бошқа ака-ука ва опа-сингиллар қонун буйича иккинчи навбатдаги ворислар жумласига киради.

Бундан ташқари, мерос қолдирувчининг она тарафдан бобоси ва бувиси ҳар қандай ҳолларда ҳам тенг улушда неваралардан қолган мерос мулкига меросхур була олади.

Мерос қолдирувчининг ота томонидан бобоси ва бувиси эса бола билан унинг отаси ўртасида юридик боғланиш қонуний бўлган ҳоллардагина меросхур була олади.

Навбатдаги ворисларнинг меросга чақирилиши учун аввалги навбатдаги ворислар бўлмаслиги ёки улар меросни қабул қилиб олмаган бўлиши ёхуд биринчи навбат меросхурларининг ҳаммаси ушбу Кодекснинг 1119-моддаси тартибида меросдан четлаштирилганда, иккинчи навбатдаги ворислик вужудга келади.

Никоҳга кирган эр-хотиннинг ҳар бирининг биринчи никоҳдан туғилган болалари, фақат узларининг ота-оналари мулкига биринчи навбатда ворислик ҳуқуқини олади.

Ўзаро никоҳга кирган эр ва хотиннинг аввалги никоҳларидан бўлган болалари уртасида мерос ҳуқуқи пайдо бўлмайди.

1137-модда. Қонун буйича учинчи навбатдаги ворислик

Мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун буйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонун буйича ворисликнинг умумий қоидаларига асосан ворисликнинг ҳар бир навбати буйича меросга чақирилиши учун, албатта, аввалги навбатдаги меросхурлар бўлмаслиги ёки улар меросдан четлаштирилган бўлиши ёхуд меросни қабул қилмасдан ундан воз кечганлиги асос бўлади.

Мерос қолдирувчининг биринчи навбатдаги меросхурлари бўлган унинг болалари (шу жумладан болаликка олинганлар), эри ёки хотини, ота-онаси (болаликка олганлар), шунингдек уларнинг тақдим қилиш ҳуқуқи буйича ворис-

ликка чақирилувчилар ва иккинчи навбат ворислик ҳуқуқига эга бўлган мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир, аммо ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари мерос қолдирувчиларнинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобо ва бувилари бўлмаган тақдирда ёки улар ворисликдан четлаштирилганда ёхуд меросни қабул қилиб олмасдан ундан воз кечганда, қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқи вужудга келади.

Қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига асосан меросни тенг улушда олиш учун мерос қолдирувчининг, фақатгина, бир ота ва бир онадан туғишган амасиси, тоғаси, аммаси ва холаси ворисликка чақирилади.

1138-модда. Қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик

Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар, бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ворисликка чақириладиган тўртинчи навбатдаги ворислар тенг улушларда мерос оладилар.

Қонун бўйича биринчи (1135-модда), иккинчи (1136-модда) ва учинчи (1137-модда) навбатдаги меросхўрлар бўлмаган тақдирда, шунингдек, улар меросни қабул қилиб олмаган ёки ундан воз кечган ҳолларда, ҳамма меросхўрлар ушбу Кодекснинг 1119-моддаси тартибида мерос олишдан четлаштирилганда тўртинчи навбат бўйича ворислик вужудга келади ва мерос мулк қолдирувчининг қариндошларига тенг улушда ўтади. Мерос олишда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланади.

Қариндошлик деб икки ёки бир неча шахслар ўртасидаги туғилиш туфайли келиб чиққан алоқага айтилади. Қариндошликнинг яқин-узоқлиги унинг туғишганлик даражалари билан белгиланади. Бир шахснинг бевосита бошқа шахсдан туғилиши даражани белгилайди. Ҳар бир янги туғилиш билан янги даража пайдо бўлади. Бир неча узлуксиз

қариндошлик даражаларининг алоқаси қариндошлик ша-
жараси деб аталади.

Қариндошлик шажарасининг тўғри ва ён чизиқлари бўлади. Тўғри чизиқ бўйича қариндошликда болалардан ота-оналарга ёки аксинча ота-оналардан болаларга қараб ҳисоб олиб боришига қараб, юқори томондан ёки қуйи томондан туғилиш бўйича келиб чиққан қариндошлар киради. Шунга асосан тўғри чизиқ бўйича юқоридан келиб чиқувчиларга ота, она, бобо, буви, катта бобо, катта буви ва бошқалар киради. Тўғри чизиқ бўйича қуйидан келиб чиқувчиларга ўғиллар, қизлар, неваралар, эваралар ва бошқалар киради.

Ҳаммалари учун умумий бўлган учинчи шахсдан, яъни бобо-бувилардан келиб чиққан қариндошлар ён чизиқ бўйича қариндошлар ҳисобланади. Ака-ука, опа-сингил ва уларнинг болалари, ота-онанинг ака-укалари ва опа-сингиллари ҳамда улардан келиб чиққан қариндошлар, боболар ва бувиларнинг ака-ука, опа-сингиллари ён қариндошлар ҳисобланади.

Битта умумий учинчи шахсдан келиб чиққан шахслар қариндош бўладилар.

Тўғри чизиқ бўйича қариндошлар ҳамма вақт ён чизиқ бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида ён чизиқ бўйича қариндошликнинг яқинлигини аниқлашда шу шахснинг ўзини ҳисобга қўшмасдан туриб даражаларнинг сони ва ундан туғилишлар ҳисобга олинади. Ҳисоб тўғри чизиқ бўйича юқорига қараб улар учун умумий бўлган учинчи шахсга, ундан эса пастга, улардан иккинчисига қараб олиб борилади.

Туғишган (қариндош) ака-укалар, опа-сингиллар қариндошликнинг иккинчи даражасида туради. Тоға, амаки жияни билан, амма, хола жияни билан учинчи даражада, амакивачча, холаваччалар қариндошликнинг тўртинчи даражасида туради.

Тўртинчи навбатда ворисликка чақирилган меросхўрлар тенг улушда мерос олиш ҳуқуқига эгадирлар.

1139-модда. Қонун буйича бешинчи навбатдаги ворислик

Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар ушбу Кодекснинг 1141-моддаси асосида мерос олмасалар, қонун буйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу Кодекснинг 1141-моддасига асосан мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари унинг вафотига қадар камида бир йил биргаликда яшаб, қарамоғида бўлганда, меросхўрлар доирасига киради. Қонун буйича меросхўрлар доирасига мансуб бўлиб, ворисликка чақирилган навбатнинг меросхўрлари билан бирга меросга чақирилмаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар, мерос қолдирувчи билан бирга яшаган-яшамаганлигидан қатъи назар, агар улар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида турган бўлсалар, ворисликка чақирилган навбат билан бирга мерос оладилар.

Ушбу шарҳланаётган моддага асосан эса, мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз унинг қарамоғида бўлган боқимлари, ушбу Кодекснинг 1141-моддасида белгилаб қўйилган шартларга жавоб бермаган ҳолда, бешинчи навбатда қонун буйича мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Демак, бешинчи навбатда меросхўр бўлиш учун, биринчидан, у шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлиши ва иккинчидан, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиши кифоя. Бу ерда мерос қолдирувчининг вафот этганига қадар қанча вақт унинг қарамоғида бўлиш муддати белгиланмаган ва бу шахс меросхўрлар доирасига кириши ҳам шарт қилиб қўйилмаган.

Бешинчи навбатли меросхўр бўлиш учун у мерос қолдирувчининг қарамоғида ундан узининг ҳаёт кечириши учун бирдан-бир манба сифатида моддий ёрдам олиб турган бўлиши керак. Ҳар қандай вақтинча, вақт-вақти билан ёки даврий берилган моддий ёрдам мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиш фактини тасдиқламайди.

Меҳнатга қобилиятсиз деганда, шахснинг биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ ногирони бўлиши, эркакларнинг

60 ёшдан, хотинларнинг 55 ёшдан ошган бўлиши назарда тутилади.

Меҳнатга қобилиятсиз мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган шахслар қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрлар билан бирга тенг улуш олади. Қонун бўйича меросхўрлар бўлмаган тақдирда меҳнатга қобилиятсиз мерос қолдирувчи қарамоғида бўлган шахслар мустақил равишда меросхўр бўлади.

1140-модда. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик

Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутаяди, бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Бола, неварра, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади, ён қариндошлик бўйича меросхўрликда тақдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эга бўладилар.

Мерос очилгунга қадар вафот этган қонун бўйича ворисликка чақирилиши лозим бўлган ворисларнинг меросхўрлари ўзларининг вафот этган ота-оналарига тегишли бўлган мерос мулкка ворислик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу ҳол-тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик бўлиб саналади.

Демак, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўрлик вужудга келиши учун қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар мерос очилгунга қадар ёки меросни қабул қилолмасдан вафот этган бўлишлари керак. Биринчи навбатдаги қонуний меросхўрлар вафот этиши муносабати билан уларнинг болалари (мерос қолдирувчининг неварралари) тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр бўлиб, ўзининг отасига тегишли бўлган ҳиссани мерос қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритади. Агар тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича бир неча

меросхўрлар мавжуд бўлса, вафот этган меросхўрга тегишли мерос ҳисса улар ўртасида тенг бўлинади. Бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Мерос қолдирувчининг неваралари, чеваралари ва эваралари ҳам, ўзларининг ота-оналари (мерос қолдирувчининг болалари), бобо-бувилари улушларига биринчи навбатдаги қонуний ворислар бўлиб саналади. Улар болалар, неваралар, чеваралар ва эваралар меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади.

Ён қариндошлик бўйича ворисликка чақирилган туғишган ака-ука, опа-сингил ёки амаки (тоға), амма (хола)лар мерос очилгунга қадар вафот этган бўлсалар ёки улар мерос очилгандан кейин, аммо меросни қабул қилолмасдан вафот этсалар, уларга тегишли бўлган мерос ҳиссаларини ўз ота-оналари номидан (мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари ва опа-сингиллари номидан) унинг жиянлари ёки мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари), аммаси (холаси) номидан унинг аммаваччалари (холаваччалари) эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси меросни тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик асосида қўлга киритадилар.

1141-модда. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари

Мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига киради. Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, меҳнатга қобилиятсиз боқимлар ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос олади.

Ушбу Кодекснинг 1136 - 1138-моддаларида кўрсатилган қонун бўйича меросхўрлар жумласига мансуб бўлган, бироқ ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмайдиган меҳнатга қобилиятсиз шахслар, мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган-яшамаганликларидан қатъи назар, агар мерос қолдирув-

чининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида турган бўлсалар, ана шу ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

Қонун буйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, ушбу мода асосида ворисликка чақириладиган шахсларнинг ҳаммаси биргаликда қўпи билан мероснинг тўртдан бир қисмини мерос қилиб оладилар.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида унинг вафотигача бир йилдан кам бўлмаган муддатда боқимда бўлиб турган меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг меросга чақирилишлари учун асосан уч шарт бўлиши керак. Биринчидан ва энг аввало у меҳнатга лаёқатсиз бўлиши, иккинчидан, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиши, учинчидан, камида бир йил мерос қолдирувчининг қарамоғида бирга яшаган бўлиши керак.

Меҳнатга лаёқатсиз деб 55 ёшга кирган аёллар ва 60 ёшга кирган эркаклар ҳисобланади. Бундан ташқари биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек 16 ёшга тўлмаган ёки 18 ёшга тўлмаган ўқувчи болалар бўлиши мумкин. Умумий пенсия ёшига етмасдан имтиёзли равишда пенсияга чиққан шахслар меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланиши учун, албатта, тегишли тиббий муассасаларнинг хулосаси талаб қилинади. Шунинг учун бундай шахслар фақат пенсияга чиқиши сабабли ворислар доирасига меҳнатга лаёқатсиз сифатида киритилмайди.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсизларнинг ёшларини аниқлаш уларнинг паспортларига асосан белгиланади. Соғлиғи билан боғлиқ меҳнатга лаёқатсизлик эса, пенсия дафтарчаси ёки махсус комиссиянинг хулосаси билан аниқланади.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлишлик мерос қолдирувчи томонидан бериб турган моддий ёрдам шахсининг ҳаёт кечирishi учун бирдан-бир асосий ва доимий манба бўлишини назарда тутди. Бу моддий ёрдам ихтиёрий равишда ёки суднинг қарори билан берилган бўлиши мумкин.

Даврий, вақт-вақти билан берилган моддий ёрдам мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиш фактини белгилаш учун асос бўлмайди. Берилган моддий ёрдам доимий ва ҳаёт кечириш учун асосий манба бўлиб, бу ёрдам мерос қолдирувчи вафотигача узлуксиз берилган бўлиши керак.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти суднинг ҳал қилув қарори билан тасдиқланган бўлиши мумкин. Суд эса ҳал қилув қарорини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, маҳаллий қўмиталарнинг, уй бошқармаларининг, хизмат қилиб турган жой маъмуриятининг, ижтимоий таъминот бўлимларининг берган ҳужжатлари асосида чиқаради.

Меҳнатга лаёқатсиз боқимлар ворисликка чақирилган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда тенг ҳиссада мерос оладилар. Бошқа меросхўрлар бўлмаган тақдирда, улар мустақил равишда мерос олади. Қонун бўйича ворисликка чақирилган бошқа меросхўрлар билан тенг ҳиссада, аммо ушбу модда асосида ворисликка чақирилган шахсларнинг ҳаммаси биргаликда оладиган ҳиссаси мерос мулкнинг тўртдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Агар мерос қолдирувчининг боқимида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ушбу Кодекснинг 1136-1138-моддаларида назарда тутилган қонун бўйича меросхўрлар жумласига кирган бўлиб, аммо ворисликка чақирилган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмаган бўлса, уларнинг мерос қолдирувчи билан яшаган-яшамаганидан қатъи назар, агар мерос қолдирувчи вафотигача камида бир йил унинг қарамоғида турган бўлсалар, ворисликка чақирилган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда тенг ҳиссада мерос оладилар.

1142-модда. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи

Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши

лозим булган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга булган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга булган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир.

Соғлиги ёки ёши жиҳатидан алоҳида ҳимояга муҳтож булган шахсларни моддий томондан таъминлаш мақсадида васият эркинлиги бирмунча чегараланган. Меросдан бутунлай маҳрум қилиниши мумкин булмаган шахслар дои-раси қонун билан белгилаб қўйилган. Улар васиятнома мазмунидан қатъи назар, мерос мулкдан қонунда белгиланган ҳиссани олади. Бу-мажбурий улуш дейилади. Васиятнома-ни гувоҳлантирганда нотариус бу ҳақда, албатта, мерос қолдирувчига тушунтириши керак.

Қонунда белгиланган мажбурий ҳиссани ажратиб бериш бошқа меросхўрларнинг розиликлари бор ёки йўқлигига боғлиқ эмас. Мажбурий ҳисса олувчи ворисларнинг доираси қонун билан қатъий белгиланиб қўйилган. Улар фақат биринчи навбатдаги ворислардан иборат булади. Бошқа қонуний ворислар, гарчи улар вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз булсалар ҳам мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга эмас.

Шарҳланаётган моддага кўра мерос қолдирувчининг вояга етмаган болалари, меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри ёки хотини ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналари, шу жумладан фарзандликка олганлар меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мерос қолдирувчининг невара, чеваралари тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворис ҳисобланади. Лекин гарчи улар

меҳнатга лаёқатсиз булсалар ҳам мажбурий ҳисса ололмайди. Худди шунингдек қонун бўйича иккинчи навбатдаги меросхўрлар ҳам меросдан мажбурий ҳисса олишга ҳақли эмас.

Нолойиқ меросхўрлар сифатида меросдан четлаштирилган (1119-модда)лар ҳам мажбурий ҳисса олишга чақирилмайди. Чунки мажбурий ҳиссани мерос қилиб олиш қонун бўйича ворислик асосида ўтади.

Мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқини берувчи қонунда белгиланган шартлар мерос очилган кунда мавжуд бўлиши керак. Масалан, мерос қолдирувчининг вояга етган боласи, мерос очилган пайтга келиб меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган тақдирда, у мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мерос қолдирувчи томонидан меросхўрга ҳисса ажратилмаганида, қонунда белгиланган мажбурий ҳисса сифатида мероснинг ярмидан кам қисми ажратилганида ёки васиятномада мажбурий ҳисса олувчилар умуман кўрсатилмаганида ёки у меросдан маҳрум қилинганда мажбурий ҳисса ҳақидаги қоидалар ҳаракат қилади. Бундай ҳолларда, меросхўрга, албатта, қонунда белгиланган, қонун бўйича ворис бўлганда унга тегишли ҳиссанинг ярмидан кам бўлмаган улушини ажратиб бериш лозим.

На суд ва на нотариус қонунда белгиланган мажбурий ҳисса миқдорини камайтиришга ҳақли эмас.

Мажбурий ҳиссанинг миқдорини ҳисоблашда мерос таркибига кирган ҳамма мол-мулк, шу жумладан васият мажбуриятини бажариш учун ажратилган мулк, умумфойдали мақсад учун қилиниши лозим бўлган харажат (1133-модда), оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларининг қиймати ҳам ҳисобга олиниши керак.

Мажбурий ҳисса олувчи меросхўр мерос қолдирувчи билан у вафот этган пайтда бирга яшаган бўлса ҳам, мажбурий ҳиссадан оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари ҳисобидан булса ҳам, ортиқча мерос олиши мумкин эмас. Унинг мерос қилиб олган уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари мажбурий ҳисса миқдорига қўшилади.

Мажбурий ҳисса миқдорини аниқлашда, васиятнома бўлмаганда, қонун бўйича ворисликка чақирилиши лозим бўлган ворисларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш керак. Васият бўйича ворислар эса, ҳисобга олинмайди.

Мажбурий ҳиссага ҳуқуқи бўлган меросхўр ўз ҳиссасини олишдан воз кечиши мумкин. Аммо мажбурий ҳисса олишнинг мақсадини ва уни олишга бўлган ҳуқуқининг алоҳида тоифадаги шахсларга татбиқ қилиниши ҳисобга олинганда, мажбурий ҳисса олишдан воз кечиш бошқа шахслар ёки меросхўрлар фойдасига бўлиши мумкин эмас. Мажбурий ҳисса олишни рад қилиш ҳеч ким фойдасига бўлмаслиги керак. Бундай ҳолларда мерос мулк бошқа меросхўрлар ўртасида тенг тақсимланиши керак.

Меросхўрнинг мажбурий ҳиссага бўлган ҳуқуқи бузилган ҳолларда, васиятноманинг мажбурий ҳиссага доир қисми суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгилаб қўйилган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар, фақатгина, меросхўрларга тегадиган мероснинг мажбурий ҳиссадан ортиқча қисмига нисбатан тегишли бўлади. Бундан бошқа чеклашлар ёки шартлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

1143-модда. Мерос олишда эрнинг (хотиннинг) ҳуқуқи

Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулкӣ ҳуқуқларига, шу жумладан никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди.

Агар мерос қолдирувчи билан тузилган никоҳ мерос очилгунга қадар амалда бекор бўлган бўлса ва мерос очилгунга қадар камида беш йил мобайнида эр-хотин алоҳида-алоҳида яшаганликлари исботланса, суднинг қарори билан эр (хотин) қонун бўйича ворисликдан четлаштирилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 1142-моддаси асосида мерос олиш бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Никоҳ ва оила Кодексининг 29-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳга қадар

Ўзларига тегишли бўлган мулки, шунингдек никоҳ давомида ҳада ёки мерос тариқасида олган мулклари уларнинг ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. Бундан ташқари Никоҳ ва оила кодексининг 26-моддасига асосан эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Шунингдек, эр-хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган никоҳ давомида олинган мулк ҳам, эр-хотиннинг ҳар иккаласига тегишли ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаро фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулкни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эга.

Демак, эр-хотин ўртасидаги умумий мулкнинг муайян қисмига нисбатан эр ва хотиннинг ҳар бири васият қолдириш ҳуқуқига эга бўлади. Мерос очилгандан кейин, биргаликдаги умумий мулкдан ушбу Кодекснинг 226-моддаси тартибида ҳаёт бўлган эр ёки хотиннинг улуши ажратиб олинади ва қолган қисми мерос таркибига киритилиб во-рислар ўртасида тақсимланади.

Мерос қолдирувчи эр ёки хотин ўз васиятномасида умумий биргаликдаги мулкнинг ўзига тегишли қисми ҳақида алоҳида кўрсатма бермаган ҳолларда ҳам “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 63-моддасига асосан эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эр (хотин)дан кейин хотин (эр)га никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкнинг ярми-си учун берилиши мумкин. Бу ҳақда меросхурлар ўртасида низо чиққан ҳолда суд тартибида ҳал қилинади.

Эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатлари тўхтатилиб, улар алоҳида-алоҳида бўлиб, беш йилдан кам бўлмаган муддатда яшаган бўлсалар, гарчи мерос очилган пайтда ҳали никоҳ расмий равишда бекор бўлмаган бўлса ҳам, суднинг қарори билан ҳаёт бўлган эр ёки хотин қонун бўйича во-рисликдан четлаштирилиши мумкин. Аммо, ушбу Кодекснинг 1142-моддасига асосан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

1144-модда. Қонун бўйича мерос олинганида меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш

Мол-мулкнинг бир қисми васиятнома бўйича мерос қилиб олинган тақдирда, мерос қолдирувчи томонидан тайинланган васиятнома ижрочиси бутун меросни, шу жумладан унинг қонун бўйича ворислик тартибида ўтадиган қисмини ҳам муҳофаза қилади ва бошқаради.

Ушбу Кодекснинг 1131-моддасига мувофиқ васиятнома бўйича меросхўрлар ёки суд томонидан тайинланган васиятнома ижрочиси, агар қонун бўйича меросхўрлар мероснинг қонун бўйича ворислик қилиш тартибида ўтадиган қисмига нисбатан кўрсатилган мажбуриятларни ижро этиш учун мерос бошқарувчисини тайинлашни талаб қилмасалар, умуман бутун меросни муҳофаза қилиш ҳамда уни бошқариш мажбуриятларини амалга оширади.

Меросни бошқарувчи қонун бўйича меросхўрлардан бир ёки бир нечтасининг илтимосига биноан мерос очилган жойдаги нотариус томонидан тайинланади. Меросни бошқарувчи тайинланишига ёки бу иш учун танланган номзодга рози бўлмаган қонун бўйича меросхўр меросни бошқарувчи тайинланишига қарши судга мурожаат қилишга ҳақли.

Агар қонун бўйича меросхўрлар бўлмаса ёки номаълум бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи меросни бошқарувчи тайинланишини сўраб нотариусга мурожаат этиши лозим. Қонун бўйича меросхўрлар ҳозир бўлган тақдирда, уларнинг талаби билан меросни бошқарувчи мерос ҳисобидан зарур бўлган харажатлар ва оқилона ҳақ тўланган ҳолда чақириб олиниши мумкин.

Меросни бошқарувчи ушбу кодекснинг 1131-моддасида назарда тутилган ваколатларни, агар қонун бўйича ворислик хусусиятларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, васиятномани ижро этишга нисбатан амалга оширилади.

Меросни бошқарувчи меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқаришга доир зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш, агар меросхўрлар билан келишувида бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлмаса, ҳақ ҳам олиш ҳуқуқига эгадир.

“Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддасига асосан мерос очилган жойдаги нотариус мерос мулкни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриши керак. Ўзбекистон

Республикаси фуқароларининг чет давлатлардаги мерос мулкни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги элчи ва консуллик муассасалари зиммасига юклатилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мерос очилган жойда мерос мулкни муҳофаза қилиш чораларини куриши керак.

Мерос очилган вақтда мерос қолдирувчининг мулкни ёки унинг бир қисми мерос очилган жойдан бошқа жойда бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус мерос мулк турган жойдаги нотариусга мерос мулкни муҳофаза қилиш чораларини куриш бўйича топшириқ бериши керак.

Мерос мулкнинг қаердалиги ва унинг таркибини аниқлаш, рўйхатга олиш ва сақлаш учун топшириш - нотариуснинг мерос мулкнинг сақланиши учун кўрган чоралари ҳисобланади.

Васиятнома ижрочиси бутун меросни, васиятнома бўйича олинган мулкни ҳам, қонун бўйича ворислик тартибида ўтадиган мол-мулкни ҳам муҳофаза қилиш ва бошқариши керак. Рўйхатга олинган меросни сақлаш учун меросхўрлардан бирига ёки хоҳлаган шахсга берилиши мумкин. Мерос мулкни сақлаш учун олган шахс уни бутунлигича, зарар етказмасдан сақлаш чораларини куриши керак.

Ушбу Кодекснинг 1131-моддасида назарда тутилган қоидаларга асосан васиятнома бўйича меросхўрлар ёки суд томонидан тайинланган васиятномани ижро этувчи, агар қонун бўйича меросхўрлар мероснинг қонун бўйича ворислик тартибида ўтадиган қисмига нисбатан белгиланган мажбуриятини амалга оширувчини тайинлашни талаб қилмасалар меросни бошқарувчи мерос мулкнинг ҳаммасини муҳофаза қилиш ҳамда уни бошқариш вазифасини бажаради.

Қонун бўйича меросхўрлардан бир ёки бир нечтасининг илтимосига кўра нотариус томонидан меросни бошқарувчи тайинланиши мумкин. Бунга норози бўлган қонун бўйича меросхўрнинг талаби билан низо суд томонидан курилади.

Қонун бўйича меросхўрлар бўлмаган ёки уларнинг борлиги номаълум ҳолларда меросни бошқариш учун ижрочи тайинлашни сўраб нотариусга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мурожаат қилишлари керак. Мерос очилган жойда меросхўрлар ҳозир бўлган тақдирда эса, уларнинг талаби бўйича меросни ижро этувчи мерос мулки ҳисобидан зарур бўлган харажатларни оқилона тўлаган ҳолда чақириб олиши мумкин.

Васиятномани ижро этишга нисбатан ушбу Кодекснинг 1131-моддасида назарда тутилган ваколатларни меросни бошқарувчи амалга оширади.

Мерос мулкни сақлаш учун олган шахс, агар у меросхўрлар жумласига кирмаса, тегишли ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳақнинг миқдори нотариус томонидан мулкни сақлаш учун олган шахс ўртасида келишув билан белгиланади. Бундан ташқари, мерос мулкни сақлаш билан боғлиқ харажатларни ҳам талаб қилишга ҳақли. Бу харажатларнинг ҳаммаси мерос мулк ҳисобидан қопланади.

Мерос мулкни сақлаш жараёнида унга етказилган зарарни қоплаш бўйича жавобгарлик масаласи умумий тартибда ушбу Кодекснинг 57-бобида белгиланган қоидаларга асосан ҳал қилинади.

Мерос мулкни сақлаш учун белгиланган муддат тамом бўлиши билан, мерос мулкни сақлаш чоралари бекор бўлгани ҳақида нотариус ворисларга хабар бериши керак.

69-БОБ. МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ

1145-модда. Умумий қоидалар

Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш туғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Меросни қабул қилиб олиш - бу бир томонлама битим бўлиб, меросни қабул қилишга қаратилган. Бошқа битимлар сингари меросни қабул қилиш ҳам фақат муомала лаёқатига эга бўлган шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати чекланган шахслар томонидан мерос мулкни қабул қилиб олиш ушбу Кодекснинг 27-32-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан амалга оширилади. Бу мулкни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёки давлатга ўтиш тартиби ушбу Кодекснинг 1157-моддасида белгиланган.

Мерос мулкни ворисликка чақирилган меросхўрлар қабул қилиб олиши керак. Ворисликка, аввало, биринчи навбатдаги меросхўрлар ёки васият бўйича меросхўрлар киришади. Ушбу шарҳланаётган модда қонун бўйича ва васият бўйича меросхўрлар томонидан меросни қабул қилиб олиш ҳақида ягона тартибни белгилайди. Бу тартиб мерос қолдирувчи билан бир жойда яшаб турган ворислар учун ҳам, бошқа жойда яшаб турган ворислар учун ҳам ягонадир.

Мерос мулкни бошқариш, сақлаш, ундан фойдаланиш, уни қуриқлаш, унга тегишли бўлган давлат солиқлари ва йиғимларини тўлаш ва ҳоказолар мерос мулкни қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи ҳаракатлар ҳисобланади.

Мерос мулкка эгалик қилишга киришганлик фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, маҳалла қўмиталари, уй-жой бошқармалари ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек мерос қолдирувчи ишлаган иш жойи маъмуриятининг берган ёзма ҳужжатлари билан тасдиқланиши мумкин.

Меросхўр мулкнинг ўзига тегишли қисмини ёки униг бир қисмини қабул қилиб олиб унга эгалик қилиши меросни тўла қабул қилиш бўлиб ҳисобланади.

Мерос мулкни қабул қилиб олганлиги ҳақида мерос очилган жойдаги нотариусга берилган ариза ёзма равишда бўлиши ва меросни қабул қилиб олган меросхўрни шахсан ўзи томонидан нотариусга берилган бўлиши керак. Агар ўзи шахсан келиб ариза бермасдан, уни бошқа шахс орқали ёки алоқа муассасалари орқали юборилганда, ундаги имзо, албатта, нотариал гувоҳлантирилган бўлиши керак. Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳнома беришни сўраб берилган ариза ҳам мерос мулкни қабул қилиб олган билан тенг ҳисобланади.

Мероснинг қабул қилиб олиниши билан боғлиқ харажат туфайли низо чиққан тақдирда масала суд тартибида кўрилиб, ҳал қилиниши мумкин.

Меросни қабул қилиб олганлиги ёки меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома беришни сўраб берган аризаларни қайтариб олиш ёки ундан воз кечишга йўл қўйилмайди. Бундай шахслар мерос олишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Меросни қабул қилиб олиш ҳаракатлари қонунда белгиланган 6 ой мобайнида тугатилиши шарт. Кўчмас мулк бўлган меросни қабул қилиб, уни давлат рўйхатидан ўтказиш керак.

Мерос олиш ҳуқуқи биринчи навбат ворислари меросни қабул қилиб олмаган ёки ундан воз кечган тақдирдагина иккинчи навбат меросхўрларига ўтади. Васият бўйича меросхўрлар меросни қабул қилиб олмасалар, мерос олиш ҳуқуқи қонун бўйича ворисларга ўтади. Бу шахслар меросни мерос мулкка ҳақиқий эгалик қилиш йўли билан ва меросни қабул қилганликлари ҳақида ариза бериш йўли билан ҳам қабул қилиб олишлари мумкин.

Меросни қабул қилиш вақтидан қатъи назар, мерос мулкни мерос очилган пайдан қабул қилинган бўлиб ҳисобланади.

Меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум

этилмаса, уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васиятнома ҳақиқий эмас деб топилмаса меросхўр мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

1146-модда. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш меросни қабул қилиб олган ворисларнинг мажбурияти эмас, балки уларнинг ҳуқуқлари бўлиб ҳисобланади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома фақат мерос ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳноманинг меросхўр қулида бўлмаслиги, меросни қабул қилган вориснинг бу ҳуқуқдан фойдаланишдан маҳрум қилмайди.

“Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 58-моддасига асосан мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризасига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин меросни қабул қилиб олган меросхўрларга берилади. Қонун бўйича мерос олиш ҳам, васият бўйича мерос олиш ҳам, мерос олишга ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан амалга оширилади. Меросни қабул қилиб олиш муддатини ўтказиб юборган меросхўрлар меросни қабул қилиб олган бошқа барча меросхўрлар розилиги билан меросни қабул қилиб олган меросхўрлар қаторига киритилиши мумкин.

Агар мерос мулкнинг ҳаммасига ёки унинг бир қисмига нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳнома бериши сураб мурожаат қилган меросхўрлар томонидан бошқа меросхўрлар йўқлиги ҳақида етарли ва ишончли ҳужжат тақдим қилинган бўлса ва нотариусда бу тўғрида маълумот ва шубҳа бўлмаса, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада олти ой ўтмасдан ҳам берилиши мумкин.

Бунинг учун албатта мерос мулк таркибига кирган айрим мол-мулкларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиниши керак. Масалан, мерос қилиб қолдирилган уй-жойга, автомашинага бўлган эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатлар, бундан ташқари меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома учинчи шахсларда бўлган мерос мулкни талаб қилиб олиш учун, мерос қолдирувчининг муаллифлик, ихтиро ва кашфиётлари учун бериладиган ҳақини, васият қилинмасдан қолган жамғарма банкдаги пулларни олиш учун керак бўлади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани нотариус, васият қилинган жамғарма банкдаги пулни, мерос қолдирувчининг ололмайд қолган иш ҳақи ва жамғармадаги пулни қонун билан белгиланган энг кам бир ойлик иш ҳақидан ошмаган ҳолларда, олти ойлик муддат ўтмасдан ҳам бериши мумкин.

Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома меросни қабул қилиб олган ворисларнинг ёзма аризасига асосан берилади. Ариза билан бирга мерос қолдирувчининг вафоти ҳақидаги гувоҳнома, мерос очилган жой ва вақтни мерос қолдирувчи билан меросхўрнинг қариндошлиги ҳақидаги ва бошқа қонун бўйича ворисликка чақиришга асос бўладиган муносабатларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим қилиш лозим. Бундан ташқари меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун ариза берган шахс мерос таркибини, мерос мулкнинг турган жойини, меросхўрлар ҳақидаги маълумотларни ҳам хабар қилиши керак.

Мерос қолдирувчи билан ўзларининг қариндошлик муносабатларини исботлаш учун ҳужжатлари бўлмаган ворис-

лар бошқа меросхўрларнинг розилиги билан меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномага киритилишлари мумкин. Уларнинг розилиги ёзма равишда изҳор этилиши керак.

Васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномани олиш учун юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари васиятноманинг борлиги, уни бекор бўлмаганлиги, мажбурий ҳиссага ҳуқуқи бўлган ворисларнинг доираси аниқланиши лозим.

Тергов органлари томонидан рўйхатга олинган ва хатланган мол-мулкларга нисбатан солинган бандни бекор қилинмасидан олдин меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш мумкин эмас.

Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома ворисларнинг хоҳишига кўра ҳаммаларига битта ёки уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ҳар бир вориснинг ҳиссасига берилади. Меросни қабул қилиб олган ворис меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномани олиш учун нотариусга мурожаат қилмаган бўлса, унинг ҳиссаси очиқ қолади.

Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома мерос мулкнинг ҳаммасига ёки меросхўрларнинг хоҳишига кўра, унинг бир қисмига берилиши мумкин. Мерос мулкнинг қолган қисмига эса, кейинчалик қўшимча гувоҳнома берилиши ҳам мумкин.

Мерос мулк давлатга васият қилинган бўлса ёки қонун бўйича меросхўрлар бўлмаган, улар меросдан воз кечган ёхуд меросни қабул қилмаган тақдирда, давлат эғалигига ўтиши лозим бўлса, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани мерос очилган жойдаги молия органига берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома фақат суднинг қарори билан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Мажбурий ҳиссага бўлган мерос ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома васиятнома суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилмасдан ҳам берилиши мумкин. Агар мажбурий ҳиссага бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномани беришда низо чиқиб қолса, нотариус муддат белгилаб, гувоҳнома беришни тўхта-

тади. Белгиланган муддатда манфаатдор ворислар судга му-
рожаат қилсалар, масала суд томонидан ҳал қилинади ва
суднинг қарорига асосан гувоҳнома берилади.

Меросга оид ҳуқуқ гувоҳнома бериш билан боғлиқ
ҳамма шикоятлар суд томонидан курилиб, умумий тартиб-
да ҳал қилинади.

Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномани бериш
учун қонун билан белгиланган миқдорда давлат божи оли-
нади.

Меросга бўлган ҳуқуқ туғрисидаги гувоҳномани бе-
риш тартиби, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ туғриси-
даги гувоҳномани беришнинг шартлари ва васиятнома бўйи-
ча меросга бўлган ҳуқуқ туғрисидаги гувоҳномани бериш
шартлари “Нотариат туғрисида”ги 1996 йил 26 декабрда тас-
диқланган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59, 60
ва 61-моддаларида баён этилган (“Халқ сўзи” газетасининг
1997 йил 11 январь сони).

1147-модда. Меросдан воз кечиш ҳуқуқи

Меросхур узининг ворисликка чақирилганини билган ёки би-
лиши лозим бўлган кундан бошлаб, олти ой ичида меросдан воз
кечишга ҳақли. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат суд то-
монидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш меросхур томонидан мерос очилган жой-
даги нотариуста ариза бериш орқали амалга оширилади.

Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколоти
махсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши
мумкин.

Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қай-
тариб олиниши мумкин эмас.

Меросхур меросдан воз кечиши учун ўзига берилган муддат утга-
нидан кейин бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхур мерос қол-
дирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёки уни тасарруф
этган ёхуд узининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқ-
ловчи ҳужжатларни олиш учун муурожаат этган бўлса ҳам, меросдан
воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасиданоқ йўқотади.

Меросдан воз кечиш ҳам меросни қабул қилиб олиш
каби бир томонлама битим бўлиб, ушбу Кодекснинг би-

тимлар ҳақидаги 9-бобида назарда тутилган битимлар ҳақидаги умумий қоидаларга бўйсунди. Меросдан воз кечиш фақатгина муомала лаёқатига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Муомала лаёқати чекланган шахслар эса, узларининг ҳомийлари розилиги билангина меросдан воз кечишлари мумкин. Меросдан воз кечиш муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар номидан уларнинг васийлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг 192-моддасига асосан васийликдаги шахс номидан мерос олишдан воз кечишни васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз амалга ошириш мумкин эмас. Меросдан воз кечиш, алдаш, қўрқитиш, зўрлик ишлатиш асосида амалга оширилган бўлса, суд тартибида бекор қилиниши мумкин. Меросдан воз кечиш ворисликка чақирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой давомида амалга оширилиши мумкин.

Меросни қабул қилиш бўйича қонунда белгиланган муддат ва тартибда ҳаракат қилинмаган тақдирда ҳам бундай ҳаракатлар меросни қабул қилишдан воз кечиш билан тенглаштирилади. Узрли сабаб бўлганда муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Меросдан воз кечган шахс мулкнинг бир қисмидан воз кечолмайди. Бир қисмидан воз кечганда ҳам у мероснинг ҳаммасидан воз кечган бўлиб ҳисобланади. Худди шу каби меросдан воз кечган ворис кейинчалик меросни талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади.

“Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 50-моддасида белгиланган тартибда меросдан воз кечиш тўғрисидаги ариза мерос очилган вақтдан бошлаб олти ой ичида мерос очилган жойдаги нотариусга ёзма равишда берилиши керак.

Меросдан воз кечиш бошқа ворислар фойдасига бўладиган бўлса, меросдан воз кечган шахс ўз ихтиёри билан ворисликнинг қайси навбатидан бўлмасин, хоҳлаган меросхўрни танлаши мумкин.

Мерос қолдирувчининг неvara, чеваралари қонун буйича фақатгина тақдим этиш ҳуқуқи буйича ворис бўла оладилар. Шунинг учун ҳам уларнинг фойдасига меросдан воз кечиш, фақат меросхўр бўлиши лозим бўлган уларнинг отоналари мерос очилгунга қадар вафот этган бўлсаларгина амалга оширилиши мумкин. Шунингдек неvara, чеваралар васият буйича меросхўр бўлсалар ёки мерос қолдирувчининг қарамоғида меҳнатга қобилиятсиз сифатида ундан мерос олиш ҳуқуқига эга бўлсалар, улар фойдасига мерос олишдан воз кечиш мумкин.

Меросдан воз кечиш бир ёки бир неча меросхўрлар фойдасига ҳам бўлиши мумкин. Агар меросхўр бир неча ворислар фойдасига меросдан воз кечса, уларнинг ҳар бирининг улушини белгилаб беришга ҳақли. Акс ҳолда меросдан воз кечган вориснинг мерос мулкдаги ҳиссаси фойдасига меросдан воз кечилган ҳисобланади ва уларнинг ҳаммаларига тенг тақсимланади.

Қуйидаги ҳолларда меросдан воз кечишга йўл қўйилмайди:

а) қонун буйича ҳам, васият буйича ҳам меросхўрлар жумласига кирмайдиган шахслар фойдасига;

б) мерос қолдирувчи томонидан васиятномада махсус кўрсатилган фармойиш билан меросдан маҳрум қилинганлар фойдасига;

в) мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқаролар фойдасига ҳам меросдан воз кечиш мумкин эмас (ушбу Кодекснинг 1119-моддаси).

Меросдан воз кечиш фақатгина мерос очилгандан кейин амалга оширилиши мумкин. Мерос очилмасдан меросдан воз кечиш ҳақиқий ҳисобланмайди.

Меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган ворислар мерос мулкни белгиланган муддатда қабул қилмаса ёки меросдан воз кечса, мерос қонун буйича меросхўрга ўтиши керак.

Агар меросхўр меросни қабул қилганлиги ҳақида ёки меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳнома беришни сўраб но-

тариал идорасига ариза берган бўлса, меросдан воз кечиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

Меросдан воз кечиш ваколати махсус назарда тутилган ишончномада белгиланган тарзда вакил орқали амалга оширилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш ҳуқуқини унинг учун белгиланган муддат ўтгандан сўнг, меросхўр йўқотади. Агар меросхўр мерос мулкни эгаллашга амалда киришган бўлса, уни тасарруф этган бўлса ёки мерос мулкка бўлган ўзининг ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун тегишли давлат органларига мурожаат қилган бўлса, меросдан воз кечиш ҳуқуқини бу ҳуқуқни амалга ошириш учун белгиланган муддат ўтмасдан йўқотади.

1148-модда. Меросдан воз кечиш ҳуқуқининг чекланиши

Агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка чақирилса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросхўр улушнинг ортиш ҳуқуқи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан, мероснинг қолган қисмига ворисликдан қатъи назар, воз кечишга ҳақли.

Меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлмиш бошқа шахслар фойдасига воз кечаётганини кўрсатишга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳоллардан ташқари мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар билан ёки шартлар қўйиб воз кечилишига йўл қўйилмайди.

Меросхўр ворисликка чақирилгандан сўнг, уни қабул қилиб олмасидан ҳамиша воз кечишга ҳақли. Меросхўр қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам ворисликка чақирилган ҳолда, у ҳам қонун бўйича, ҳам васият бўйича ҳар иккала асосда мерос олишдан воз кечишга ҳақли.

Бошқа меросхўрларнинг мерос олишдан бош тортганликлари, меросдан воз кечганликлари оқибатида ўз мерос

улушининг ортиши ҳуқуқи бўйича фақат ўзига тегишли бўлган меросдангина, мероснинг қолган қисмига ворисликдан қатъи назар, воз кечишга ҳақли.

Меросхўр меросдан воз кечганда (қонун бўйича ёки васият бўйича) меросхўрлар жумласига кирадиган бошқа шахслар фойдасига воз кечганлигини кўрсатишга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳоллардан ташқари қонун ҳужжатларида мерос мулкнинг муайян бир қисмидан воз кечишга ёки ҳар хил шартлар қўйиб, изоҳлар билан воз кечишга йўл қўйилмайди.

1149-модда. Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш ҳуқуқи

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи васият мажбуриятдан воз кечишга ҳақли. Қисман воз кечишга, изоҳотлар билан, шартлар қўйиб ёки бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқ айна бир пайтнинг ўзида ҳам меросхўр, ҳам васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ҳисобланган шахснинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди.

Агар васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлса, зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр бу мажбуриятни бажаришдан озод бўлади.

Васият мажбурияти бўйича ҳуқуқ олувчи, бу ҳуқуқдан ўз эрки билан ихтиёрий равишда воз кечишга ҳақли. Бундай воз кечишлик, албатта, сўзсиз қатъиян бўлиши керак. Ҳуқуқдан воз кечган шахс уни қайтадан тиклашни талаб қилиши мумкин эмас.

Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан бутунлай воз кечиш ва қисман воз кечишда изоҳлар бериб, шартлар қўйиб воз кечишга йўл қўйилмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи узининг ҳуқуқини бошқа шахсга беролмайди. Шунингдек, бошқа шахслар фойдасига ҳам, шу жумладан, меросхўрлар жумласига кирадиган шахслар фойдасига ҳам, васият мажбуриятдан воз кечиши мумкин эмас. Лекин, ушбу Кодекснинг

1119-моддасида назарда тутилган ҳолларда васият мажбурияти бўйича олиши лозим бўлган ҳуқуқдан маҳрум этилиши мумкин.

Меросхўрлар таркибига кирувчи шахс васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи бўлган тақдирда, васият мажбуриятидан воз кечиш ҳуқуқи, айти бйр пайтнинг ўзида уларнинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланиб, васият мажбуриятидан воз кечган тақдирда, васият мажбурияти бўйича зиммасига мажбурият юклатилган меросхўр бу мажбуриятини бажаришдан озод бўлади.

1150-модда. Мероснинг тақсимланиши

Меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталган бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли.

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кура ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда, суд тартибида амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари барча мерос ёки уни бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимлашга нисбатан қўлланилади.

Қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрлар меросни қабул қилиб олган тақдирда, улардан ҳар бири мерос мулкни тақсимлашда ўзига тегишли улушни ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли. Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг ўзаро келишуви билан тенг ҳиссада ёки мерос қолдирувчи томонидан белгиланган тартибда ҳар бирининг улушига мувофиқ амалга оширилади.

Меросни тақсимлашда меросхўрлар ўртасида ўзаро келишув бўлмаган тақдирда манфаатдор меросхўрнинг ёки меросхўрлардан хоҳланган бири ёки бир нечтасининг даъво аризасига асосан суд томонидан қурилиб, ҳал қилинади.

Махсус давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкнинг меросхўрлар ўртасида тақсимланиши, алоҳида шартнома билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Бун-

дай ҳолларда меросга бўлган ҳуқуқ туғрисидаги гувоҳнома шу шартномага асосан берилиши керак. Бундай шартномалар нотариал тартибда гувоҳлантирилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Бошқа мерос мулкларни ҳам тақсимлаш шартнома орқали амалга оширилиши мумкин. Меросхўрларнинг хоҳишига кура бундай шартномалар ҳам нотариал гувоҳлантирилиши мумкин. Меросхўрлардан биронтасининг мерос мулкдаги ҳиссаси пул бараварида туланган тақдирда ҳам мерос мулкни тақсимлаш ҳақидаги шартнома нотариус томонидан гувоҳлантирилиши мумкин.

Биргаликдаги умумий мулкни бўлиш ушбу Кодекснинг 226-моддасида назарда тутилган қоидаларга асосланиб амалга оширилади.

Меросхўрлар ўртасида мерос мулкни бўлишдан олдин эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкидан ҳаёт бўлган эр ёки хотинга тегишли бўлган қисми ажратилиб, қолган қисми меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Мерос қолдирувчининг ҳомиладаги боласининг ҳам улуши ажратилиб, уни сақлаш чораларини нотариал идораси куриши керак. Ҳомиладаги бола ўлик туғилган тақдирда унга тегишли ҳисса бошқа меросхўрлар ўртасида тенг тақсимланади.

Барча мерос мулк ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда ёки муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васиятнома тузилган бўлса, меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимлашга ушбу модданинг қоидалари қўлланилади.

1151-модда. Ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқлари

Агар меросхўрлар орасида турган жойи номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар, васиятномани ижро этувчи (мерос бошқарувчиси) ва нотариус уларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни ворисликка чақириш юзасидан зарур чоралар куришлари шарт.

Агар турган жойи аниқланиб, мерос олишга чақирилган-у, лекин ҳозир бўлмаган меросхўр ушбу Кодекснинг 1147-моддасида назарда тутилган муддат ичида меросдан воз кечмаган бўлса, қолган меросхўрлар меросни тақсимлаш ниятлари туғрисида уни хабардор

қилишлари шарт. Агар ҳозир бўлмаган меросхўр хабар қилинган пайтдан эътиборан уч ой ичида қолган меросхўрларнинг меросни тақсимлаш ҳақидаги келишувда иштирок этиш истаги тўғрисида хабардор қилмаса, қолган меросхўрлар ҳозир бўлмаган меросхўрга тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Агар ҳозир бўлмаган меросхўрни турган жойи мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши тўғрисида маълумотлар бўлмаса, қолган меросхўрлар мерос тақсимотини ушбу модданинг иккинчи қисми қоидалари буйича амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Агар ҳомила холида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик туғилса, қолган меросхўрлар унга тегишли бўлган мерос улушини ажратган ҳолдагина меросни тақсимлашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Мерос тақсимотида чақалоқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органининг вакили таклиф этилиши лозим.

Мерос очилиши билан мулк ворислар ихтиёрига ўтиши ва уни қабул қилиб олган бўлишлари мумкин. Аммо мерос мулкни қабул қилган ворис уни тасарруф қилишга ҳақли эмас. Мерос мулк ҳисобидан фақатгина ушбу Кодекснинг 1155-моддасида назарда тутилган ҳаракатлардан бошқа талаблар қондирилиши мумкин эмас.

Мерос мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқи қонун билан белгиланган олти ойлик муддат ўтгандан кейингина ёки ворислик ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома олинганидан кейин вужудга келади.

Мерос очилган жойда ҳамма ворислар мавжуд бўлган тақдирда, улар ўртасида келишув бўлса, мерос мулк ҳисобидан ҳамма харажатларни амалга ошириш мумкин. Бундай ҳолларда меросни кейинчалик тақсимлаганда, ворислар қилинган харажатларни ўзлари қабул қилган мерос ҳиссаларига мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

“Нотариат туғрисида”ги қонуннинг 49-моддасига асосан нотариус мерос очилганлик ҳақидаги хабарни эшитгач, бу ҳақда меросхўрларни хабардор қилиши шарт.

Мерос очилган жойда ҳозир бўлмаган ворис, мерос олишга чақирилгани ҳақидаги хабарни олганидан кейин, олти ой мобайнида меросдан воз кечиш (ФКнинг 1147-моддаси) ҳақида, меросни қабул қилиб олган ворислар томонидан мерос мулкни тақсимлаш ниятлари ҳақида унга хабар қилингандан кейин уч ой ичида уз ниятини билдирмаса, мерос мулкдан унинг қисми ажратилиб, қолган қисми узаро келишилган ҳолда тақсимланади.

Мерос очилган жойда ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи номаълум бўлса, нотариус оммавий ахборот воситаларига ошкора маълум қилиш ёки хабар бериш йули билан ҳам меросхўрни чақириши мумкин. Мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида вориснинг турган жойи аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши туғрисида маълумот ҳам бўлмаса, мерос тақсимотини қолган меросхўрлар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларга асосан амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ҳомиладаги бола туғилгандан кейин унинг улуши ажратилиб, мероснинг қолган қисми тақсимланади. Ҳомиладаги боланинг мерос олиш ҳуқуқи унинг қонуний вакили томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, меросни тақсимлаш вақтида чақалоқнинг манфаати васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳам ҳимоя қилинади. Ҳомилада бўлган, ҳали туғилмаган боланинг улушини ажратиб, қолган мулкни тақсимлаш масаласи ёки бола туғилгунгача мерос мулкни тақсимлашни тўхтатиб туриш масаласини ҳал қилиш меросхўрлар ихтиёрига қўйилган. Ҳомиладаги бола улик туғилган тақдирда унинг улуши бошқа меросхўрлар ўртасида тенг тақсимланади.

1152-модда. Корхонага ворислик

Агар мерос таркибига кирадиган корхонанинг меросни қабул қилиб олган барча меросхўрлари келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бундай мерос натура ҳолида тақсимланмайди ва

меросхўрларга тегишли бўлган улушларга мувофиқ уларнинг умумий улушли мулкига айланади.

Ушбу Кодекснинг 216-моддасига асосан умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулкни ташкил этган корхона мерос ҳуқуқи бўйича икки ёки ундан ортиқ шахсга ўтганда, ворислари уртасида унинг айна ўзи (натура шаклида) бўлинмайди.

Биргаликдаги умумий мулкда мулкдорларнинг ҳар бирининг улуши белгиланиб қўйилган бўлса, мерос қолдирувчининг умумий мулкдаги улуши мулкдорларнинг ҳар бирининг улушига қўшилади. Бундай ҳолда корхона бутунлигича қолиб, умумий улушли мулк сифатида фаолият юрилади. Корхонада улуши бўлмаган меросхўрга ўтган мерос қолдирувчи томонидан қолдирилган меросдан ҳисса билан у ҳам умумий мулкка улушли мулкдор бўлади.

Умумий улушли мулкнинг мулкдорлари умумий тартибда ушбу Кодекснинг 223-моддасида назарда тутилган қоидага асосан ўз улушларини пул бараварида ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар улушни асл ҳолида ажратиб олишга қонун йўл қўймаса ёки уни умумий мулк бўлган мол-мулкка зарар етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, ажралиб чиқаётган мулкдорга мулкнинг бошқа иштирокчилари томонидан улушнинг қиймати тўланиши керак.

1153-модда. Айрим меросхўрларнинг мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқи

Мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Мерос қолдирувчи билан мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос тар-

кибидан умумий мулк бўлган мол-мулкни асл ҳолида олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида курсатилган имтиёзли ҳуқуқлар амалга оширилганда мерос тақсимоотида қатнашаётган бошқа меросхўрларнинг мулкӣ манфаатларига риоя этилиши лозим. Агар мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида меросни ҳосил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларини бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулк товонини тулаши лозим.

Айрим меросхўрларнинг мерос таркибига кирган алоҳида мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш бошқа меросхўрларнинг, шунингдек мерос қолдирувчининг бошқа оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузмаслиги керак.

Имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш натижасида мерос таркибига кирган мол-мулк бир меросхўр эгалигига ўтиши муносабати билан бошқа ворис оғир аҳволга тушиб қолиши эҳтимоли бўлган ҳолларда улар ўртасида келишув бўлмаса, масала суд тартибида адолатли ҳал қилиниши керак.

Мерос қолдирувчи билан мерос очилган пайтгача бирга яшаб турган меросхўрлар, мерос таркибига кирган яшаб турган уй-жойга ёки квартирага нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Бундан ташқари мерос қолдирувчи билан бирга яшаб турган ворислар шу уй-жойдаги рўзғор буюмларига ва уй анжомларига нисбатан ҳам имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Бундай имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиш учун ворислар мерос қолдирувчи билан камида уч йил мерос таркибига кирган уйда яшаган бўлишлари керак.

Мерос қолдирувчи билан мерос мулкка нисбатан умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар умумий мулкнинг айнан ўзини мерос қилиб олишда имтиёзли ҳуқуқни қўлга киритадилар.

Мерос мулк таркибига кирган уй-жой, квартира, уй ашёлари ва рўзғор буюмлари ҳамда биргаликдаги умумий мулкни тақсимлаганда имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш мерос мулк тақсимотига қатнашган бошқа меросхўрларнинг мулкый манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муносабати билан меросни ташкил қилувчи мол-мулк бошқа ворисларга тегишли улушларини бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқ билан мулкнинг айнан ўзини олган ворис бошқа меросхўрларга тегишли ҳиссаларини пул бараварида ёки маълум бошқа мол-мулк бараварида қоплаши шарт.

1154-модда. Мерос улушларининг ортиши

Меросхўр меросдан воз кечган ёхуд ушбу Кодекснинг 1119-моддасида кўрсатилган ҳолатлар бўйича меросхўрлар орасидан чиқиб кетган тақдирда мероснинг унга тегадиган қисми ворисликка чақирилган қонун бўйича меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Агар мерос қолдирувчи барча мол-мулкни ўзи тайинлаган меросхўрларга васият қилган бўлса, мероснинг меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган меросхўрга тегишли бўлган қисми қолган васиятнома бўйича меросхўрларга ўтади ва агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар:

агар воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган мерос хўр ўрнига бошқа меросхўр тайинланган;

меросхўр меросдан муайян шахс фойдасига воз кечган;

қонун бўйича ворисликда меросхўрнинг воз кечиши ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетиши ворисликка кейинги навбатдаги меросхўрларни чақиришга сабаб бўлган ҳолларда қўлланилмайди.

Ворисликдан тушиб қолган меросхўрнинг мерос мулкдаги ҳиссасининг бошқа меросхўрларга ўтиши мерос улушининг ортиши ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада қонун бўйича мерос қолдирувчининг барча мол-мулкни ёки унинг васият қилинмасдан қолган қисмини, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳамма

мулки васият қилинганда мерос ортишининг ҳар хил таркиби белгиланган.

Қонун бўйича ворис меросни қабул қилиб олмаган ёки ундан воз кечган тақдирда, шунингдек ушбу Кодекснинг 1119-моддасида назарда тутилган асосларда ворисликдан четлаштирилганда, уларга тегишли мерос мулкдаги улушлари, қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида ҳар бирининг меросдаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қонун бўйича мерос қолдирувчининг барча мулки ёки унинг васият қилинмай қолган қисми, шунингдек мерос очилганда қонунда назарда тутилган асосларда меросдан четлаштирилган ворисларнинг ҳиссалари қонун бўйича ҳамма мерос мулкка ва васият қилинмасдан қолган мулкка ворислик ҳуқуқи ворисликка чақирилган меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида тақсимланади. Бундан ташқари, қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрлар меросни қабул қилиш ҳақидаги қонунда белгиланган олти ойлик муддатни узрсиз ўтказиб юборсалар, шунингдек мерос очилгандан кейин меросхўр вафот этиб, унинг тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўрлари бўлмаса, уларнинг мерос мулкдаги ҳиссалари қонуний ворислар ўртасида уларнинг улушларига мутаносиб равишда бўлинади ва уларнинг мерос ҳиссаларига қўшилади.

Мерос қолдирувчи ўзининг барча мол-мулкани васият қилган бўлса, меросдан воз кечган ва меросхўрлар қаторидан четлаштирилган меросхўрларга тегишли бўлган мерос қисми васиятнома бўйича меросхўрларга ўтади. Уларнинг улушларига мутаносиб тақсимланади.

Меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган ворислар ўрнига бошқа меросхўрлар тайинланган тақдирда ёки меросхўрлар меросдан муайян шахс фойдасига воз кечганда, бу ҳол қонун бўйича ворисликка кейинги навбатдаги меросхўрларни чақиришга сабаб бўлган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида баён қилинган қоидалар қўлланилмайди.

1155-модда. Мерос ҳисобидан тўланиши лозим бўлган харажатлар

Мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин мерос қолдирувчининг вафоти олдидан хасталиги туфайли қилинган зарур харажатлар, мерос қолдирувчини дафн этиш харажатлари, меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш туғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозим. Бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан ипотека ёки бошқа гаров билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қондирилиши лозим.

Мерос мулк ворислар ўртасида тақсимланишдан олдин мерос мол-мулк ҳисобидан тўланиши лозим бўлган харажатлар “Нотариат туғрисида”ги қонуннинг 57-моддасида белгилаб қўйилган.

Нотариус меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунга қадар, - дейилади бу моддада, - агар мерос қабул қилиб олинмаган бўлса, давлатга меросга бўлган ҳуқуқ туғрисидаги гувоҳнома берилгунига қадар, мерос мол-мулк ҳисобидан:

- мерос қолдирувчи касал бўлиб қолган вақти мобайнида унга қараб туриш, шунингдек вафот этган тақдирда уни дафн этиш ва қабрини обод қилиш;

- мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган фуқароларни таъминлаш;

- иш ҳақи бўйича даъволарни ва уларга тенглаштирилган даъволарни қаноатлантириш;

- мерос мол-мулкни қўриқлаш ва уни бошқариш, шунингдек, меросхўрларни чақириш ҳақидаги хабарни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш туғрисида фармойиш беради.

Мерос мол-мулкнинг қўриқланиши учун нотариус уни руйхатга олади ва сақлаш учун меросхўрларга ёки бошқа шахсларга топширади.

Мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқа шахслар, агар меросхўр бўлмасалар,

мерос мол-мулкни сақлаганлик учун меросхўрлардан ҳақ олишга ҳақлидирлар. Бу шахсларнинг мерос мулкни сақлаш ва бошқариш учун қилган зарур харажатлари ҳам мерос мулк ҳисобидан тўланиши керак.

Мерос мулкни қабул қилиб олиш, уни сақлаш, муҳофаза қилиш, шунингдек бошқариш бўйича ҳам бошқа харажатлар бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, мерос мулк васият қилинган бўлса, васият мажбурияти юкланган шахс томонидан васиятно-мани ижро этиш билан боғлиқ харажатлар ҳам мерос мулк ҳисобидан у меросхўрлар ўртасида тақсимланмасидан олдин ундирилиши керак.

Мерос мулкни сақлаш учун тайинланган шахсларга, уни бошқариш учун ва васиятно-мани бажарувчиларнинг хизматлари учун ҳақ тўлаш масаласи ҳам мерос тақсимлангунга қадар ҳал қилиниши шарт. Бундай харажатларни қоплаш ҳақидаги топшириқ нотариус томонидан берилади.

Агар кўрсатилган харажатлар мерос мулк тақсимлангунга қадар тўланмаган бўлса, меросхўрларнинг олган ҳиссаларига мутаносиб равишда ундирилади. Бундай харажатларни ундириб олиш учун умумий даъво муддати қўлланади.

1156-модда. Кредиторларнинг мерос қолдирувчининг қарзларини ундириб олиши

Мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятно-мани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини кўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар буладилар.

Мерос очилган кундан бошлаб олти ой ичида кредиторлар ўзларининг мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган талабларини ёзма равишда нотариат идорасига ёки меросни бошқарувчига хабар қилишлари керак. Нотариат органи кредиторлар томонидан берилган та-

аблар ҳақида меросхўрларни хабардор қилиши, шунинг-
дек, меросни бошқарувчи ёки меросни ижро этувчи ҳам
кредиторлардан тушган талаб ҳақида меросхўрларни огоҳ
қилиши керак. Кредиторлар томонидан бирон-бир ме-
росхўрга юборилган ёзма талаб ҳам қонунда белгиланган
муддатда талаб қўйилган деб ҳисобланади.

Мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича жавобгарлик
ҳақидаги қоидалар, қонун бўйича ва васият бўйича ҳамма
меросхўрларга, шу жумладан давлат ёки бошқа юридик
шахсларга ҳам, баббаравар тааллуқдир.

Меросхўрлар фақат қонун бўйича ҳуқуқни олишга йул
қўйилган мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар
буладилар. Мерос қолдирувчининг шахси билан боғлиқ қарз-
лар учун жавоб бермайдилар. Масалан, алимент тулаш бўйича
мерос қолдирувчининг қарзлари учун меросхўрлар жавоб-
гар эмас.

Меросхўрлар мерос қолдирувчининг қарзларини қоп-
лашда ўзларига теккан мерос мол-мулкнинг қиймати дои-
расида шерик қарздорлар сифатида жавоб беради. Меросхўр-
ларнинг мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар-
лиги ҳамма вақт ҳиссали бўлади. Уй анжомлари ва рўзғор
буюмларини олган меросхўрнинг ҳиссасига шу мулкнинг
қиймати қўшилади.

Мерос мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати бозор нархи-
нинг ўртача миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Мерос
мулкнинг қийматини махсус товаршунос мутахассислар-
экспертлар фикрини олиб белгилаш керак. Нарх аниқлаш
муносабати билан келиб чиққан низо суд тартибида ҳал
қилинади.

1157-модда. Эгасиз қолган мол-мулк

Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар
бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга
бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос
мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳоки-
мияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг
аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгандан

кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

Эгасиз мол-мулк у гурган жойдаги фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш мулкига ўтади, бу орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда давлат мулкига ўтади.

Эгасиз мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш ушбу Кодекснинг 1144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Мерос қолган мол-мулкни олиш учун қонун буйича меросхўрлар бўлмаганда ёки мерос мулк мерос қолдирувчи томонидан ҳеч кимга васият қилиб қолдирилмаганда, шунингдек меросхўрлар була туриб, улар меросдан воз кечганларида ва уни қабул қилиб олмаганида, меросхўрларнинг биронтаси ҳам ворислик ҳуқуқига эга бўлмаган ёки улар мерос ҳуқуқидан маҳрум қилинганларида ва ушбу Кодекснинг 1119-моддасида назарда тутилган асосларда меросхўрлар меросдан четлаштирилганларида, мерос мулк эгасиз бўлиб қолади.

Давлат васият буйича меросхўр бўлиб қолганда, бу қоида татбиқ қилинмайди. Чунки давлатдан меросни қабул қилиб олиш учун ҳеч қандай ҳаракат талаб қилинмайди ва давлат мерос олишдан воз кечишга ҳақли эмас. Давлат ташкилоти номига қолдирилган васиятнома эса, умумий тартибда амалга оширилади. Васият буйича мерос мулк давлат ихтиёрига ўтиши лозим бўлган тақдирда нотариус мерос мулкнинг рўйхати ва давлатнинг ушбу мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳномани молия органига юборади.

Мерос мулкни эгасиз деб топиш учун, албатта, суднинг қарори талаб қилинади. Бунинг учун мерос очилган жойдаги маҳаллий ҳокимият органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қолган мерос мулкни эгасиз деб топиш масаласини ҳал қилиш учун ариза билан судга мурожаат қилишлари керак.

Мерос мулкни эгасиз деб топиш ҳақидаги ариза мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин бери-

либ, суд томонидан кўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилади ва мулк фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи эгаллигига топширилади.

Мерос қолган мол-мулкни сақлаш, кўриқлаш ва бошқариш учун кетадиган харажат мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетиши мумкин бўлган ҳолда, бир йиллик муддатдан олдин ҳам судга мурожаат қилиб, мол-мулкни эгасиз деб топиш ҳақида қарор чиқаришни сўраш мумкин.

Суд қарори билан эгасиз деб топилган мол-мулк фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи эгаллигига топширилади. Эгасиз деб топилган мулк турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи эгасиз мулкни қабул қилиб олишни рад этса, мулк давлат эгаллигига ўтади.

Суд қарори билан эгасиз деб топилган мулкни кўриқлаш ва бошқариш ушбу Кодекснинг 1144-моддасида назарда тутилган қонун буйича мерос очилганда меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш буйича белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

VI-бўлим. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ХУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК- ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРГА НИСБАТАН ТАТБИҚ ҚИЛИШ

70-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1158-модда. Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш

Чет эл фуқаролари ёки чет эл юридик шахслари иштирокидаги ёхуд чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ ушбу Кодекс, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро таомиллар асосида, шунингдек тарифларнинг келишувчи асосида белгиланади.

Тарафларнинг ҳуқуқни танлашга доир келишуви очиқ ифодаланган бўлиши ёки бевосита шартнома талабларидан ва ишнинг кўриб чиқиладиган барча ҳолатларидан келиб чиқиши лозим.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашнинг имкони бўлмаса, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатлар билан энг узвий боғланган ҳуқуқ қўлланади.

Чет эл нормаси оммавий-хуқуқий хусусиятга эга бўлганлигига асосланибгина уни қўллашни чеклаш мумкин эмас.

Чет эл элементи (унсури) билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш коллизион (туқнашувчи) нормаларни бартараф этиш, яъни ҳар бир ҳолатда қандай қонун қўлланишини курсатувчи нормаларни қўллаш тўғрисида эришилади. Вужудга келган ҳар бир масаланинг моҳият мазмунининг очилишини коллизион норма ҳал қилмайди, балки у моддий ҳуқуққа, фуқаролик-хуқуқий муносабатларга тегишли қоидаларга ҳавола этиш орқали келиб чиққан масаланинг мазмунини ечади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатлар, бошқача қилиб айтганда - халқаро хусусий хуқуқ таркибида коллизия нормалар ва моддий хуқуқий нормаларнинг бирлашиши - шу соҳага тааллуқли муносабатларнинг ҳал қилиниши билан изоҳланади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида:

- а) ташқи иқтисодий фаолиятга;
- б) республикада чет эл сармоялари иштирокида таъсис этилган корхоналарга;
- в) сармоялар ҳолатига, республика корхоналарининг сармоя фаолиятига;
- г) Ўзбекистон фуқароларининг чет элдаги хуқуқий ҳолатига;
- д) Ўзбекистонда чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг фуқаролик, оила, меҳнат, процессуал хуқуққа тааллуқли нормалари мавжуд.

Фуқаролик хуқуқий муносабатларга тааллуқли Халқаро шартномалар икки томонлама ва кўп томонлама бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-хуқуқий муносабатларга тегишли қуйидаги кўп томонлама халқаро шартномаларни имзолади:

1. БМТнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумий декларацияси. 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган.
2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт. 1966 йил қабул қилинган.
3. Чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси. 1958 йил 10 июнда қабул қилинган.
4. Халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида Конвенция. 1956 йилда қабул қилинган.
5. Халқаро ҳаво йўлларида ташишга оид баъзи бир қоидаларни унификация қилиш тўғрисидаги 1929 йил Варшава Конвенцияси ва унга қўшимча, ўзгартишлар киритиш тўғрисида 1995 йил Гаагада имзоланган баённома.

6. Давлатлар ва чет эл фуқаролари уртасидаги инвестиция (сармоя) тўғрисидаги низоларни ҳал этиш тўғрисидаги 1965 йил Вашингтон Конвенцияси.

7. Консуллик алоқалари тўғрисида. 1961 йил Вена Конвенцияси.

8. Халқаро савдода товарларни олиш-соғиш тўғрисида 1980 йил Вена Конвенцияси.

9. Саноат мулкани ҳимоя қилиш тўғрисида 1983 йил Париж Конвенцияси.

10. Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида МДҲга аъзо мамлакатларнинг 1993 йил 29 январь Минск Конвенцияси.

Мазкур модданинг иккинчи қисмига оид тарафларнинг ҳуқуқини танлаш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Чет эл инвестицияси ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994 йил 23.09. ва 1995 йил 6.05. узгартириш ва қўшимчалар билан) Қонунинг 33-моддасида кўрсатилган. Бундай қоидаларда Ўзбекистон Республикасида қўшма корхоналарни таъсис этиш учун, таъсисчилар уртасидаги низога ташқи иқтисодий битимларга тааллуқли ҳуқуқ тарафларнинг келишувига биноан аниқланиши кўрсатилган.

Чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлашда халқаро хусусий ҳуқуқда қабул қилинган қоидалар мавжуд. Унга кўра ҳар бир коллизия норма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм коллизия норманинг ҳажми ҳисобланади ва бу қисм тегишли ҳуқуқий муносабатни қўллашга тааллуқли.

Коллизия норманинг иккинчи қисми коллизия боғловчи бўлиб, у тегишли муносабатга ҳуқуқий тизим (қонун)нинг қўлланилишини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда коллизия нормалар бир томонлама ёки икки томонлама бўлиши мумкин. Уларнинг бирида фақат Ўзбекистон қонуни қўлланилиши кўрсатилса, иккинчисида Ўзбекистон қонуни билан чет мамлакат ҳуқуқи қўлланилиши кўрсатилади.

Ҳар бир фуқаролик-ҳуқуқий нормалари сингари коллизия норманинг диспозитив (ҳавола этувчи) ёки императив (қатъий, мажбурий) тарзга эга бўлган қисмини узгача қўллаш туғрисида тарафлар битим бўйича ўзаро келишиб олиниши мумкин. Ушбу Кодексда коллизия нормалар мазмунини қуйидаги моддаларда кўриш мумкин: фуқаролар иштирокидаги муносабатларни тартибга солишда жисмоний шахснинг қонуни (1168-модда), жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (1169-модда), юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати (1176-модда), кўчмас ва кўчар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар (1184-модда), шартнома тузиш жойига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (1189-модда), ташқи иқтисодий битимга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (1181-модда), ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддатига тааллуқли ҳуқуқ (1182-модда), ворисликка доир муносабатларга қўлланиладиган ҳуқуқ (1197-модда) ва ҳоказо. Ташқи савдо соҳасида сотувчининг жойига тааллуқли коллизия нормалар олди-сотди шартномаларида қўлланилади.

Чет давлатларда мажбуриятларнинг бажарилиши жойи тартиби қўлланилиб, унга кўра шартноманинг мазмунига, тарафларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларига шартнома қайси бир давлатда ижро этилса, уша жойнинг қонуни қўлланилади.

Денгиз савдо соҳасида байроқ қонуни қўлланилади.

Зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ 1194-моддада белгиланган.

Республика инвестиция, савдо, транспорт, солиқ, ҳуқуқий ёрдам, консуллик, илмий-техник ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга тегишли ҳамкорлик масалаларига оид икки томонлама шартномаларни имзолаган.

1159-модда. Ҳуқуқий баҳо бериш

Юридик тушунчаларга суд ёки бошқа давлат органи томонидан ҳуқуқий баҳо берилишида, агар қонунда бошқа ҳол назарда

тутилган бўлмаса, бундай юридик тушунчаларни низо қўриб чиқи-
лаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига
мувофиқ шарҳлашга асосланди.

Агар юридик тушунчалар низо қўриб чиқилаётган мамлакат
сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига номаълум бўлса
ёки бошқа ном ёхуд бошқа мазмун билан маълум бўлса ва Ўзбекис-
тон Республикасининг ҳуқуқи бўйича талқин этиш орқали аниқла-
ниши мумкин бўлмаса, уларга ҳуқуқий баҳо беришда чет давлат
ҳуқуқи ҳам қўлланиши мумкин.

Коллизион нормаларни қўллашда, коллизион норма
ҳуқуқий тушунчаларининг ҳажм ва боғловчи қисмларини
шакллантириш масаласи юзага келади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда қабул қилинган қоидага му-
вофиқ чет давлат ҳуқуқининг коллизион нормаси Ўзбекис-
тон қонунига ҳавола этган барча ҳолларда Ўзбекистон қо-
нунни қандай қўллаётган бўлса, чет давлат суди ёки бошқа
давлат органи ҳам уни шундай қўллашга мажбур.

Ҳар қандай коллизион норма чет давлатлар ҳуқуқ ти-
зимларининг ноаниқ соҳадаги ҳаракати кучини ва унинг
таъсирида юзага келадиган субъектив ҳуқуқларни тан олишга
йўналтирилган бўлади. Шунинг учун бу норма термин ва
тушунчалар ёрдамида ифодаланиб, мазмунан тегишли ҳуқуқ
тизимлари учун умумий ҳисобланади.

Коллизион нормалардаги тушунча ва терминлар маз-
мун жиҳатидан тегишли ички (миллий) ҳуқуқдаги шундай
тушунчаларга мос келмайди. Коллизион нормаларнинг ҳара-
кат доираси (ҳажми) умумлаштирилган ҳуқуқий тушунча-
лар тарзида - ҳар хил ҳуқуқ тизимлари учун умумий бўлган
ҳолда белгиланиши лозим. Коллизион нормаларнинг боғ-
ловчисига баҳо беришда қўлланиладиган ҳуқуқ суд жой-
лашган манзил ҳуқуқига аниқ ишора билан кўрсатилиши
керак. Тегишли давлатнинг ички фуқаролик (оила, меҳнат)
ҳуқуқида мазмундан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқ тизим-
ларининг тушунчалари ифодаланади. Бундан ташқари баъ-
зи ҳолларда қонунда коллизион нормаларнинг боғловчи
тушунчаларига аниқ изоҳ берилиши талаб қилинади.

Халқаро савдо амалиётида шартнома тузилган жой масаласи турлича талқин қилинади. Кўп давлатларда ушбу масалада акцент олинган жой ҳуқуқи амал қилса, баъзиларида акцент юборилган жой ҳуқуқи билан шартнома тузилган жой баҳоланади.

Ушбу Кодекснинг 1181-моддасида “Битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунishi”, 1183-моддасида даъво муддати мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланиладиган ҳуқуқи бўйича белгиланиши кўрсатилган. Бу ҳолат суд жойлашган манзил ҳуқуқини қўллашга ишора қилади.

1160-модда. Чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш

Чет эл ҳуқуқининг қўлланишида суд ёки бошқа давлат органи унинг нормалари мазмунини бу нормаларнинг тегишли хорижий давлатда расмий талқин этилиши, қўлланиш амалиёти ва доктринасига мувофиқ аниқлайди.

Суд ёки бошқа давлат органи чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам ва тушунтиришлар сураб Адлия вазирлигига ва бошқа миллий ваколатли органлар ҳамда муассасаларга, шу жумладан чет элдаги органлар ва муассасаларга мурожаат этиши ёхуд экспертларни жалб қилиши мумкин.

Ишда иштирок этаётган шахслар ўз талаблари ёки эътирозларини асослаш учун ўзлари важ келтираётган чет эл ҳуқуқи нормаларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишга ва бу нормаларнинг мазмунини аниқлашда судга ёки бошқа давлат органларига бошқача тарзда ёрдамлашишга ҳақлидирлар.

Агар ушбу моддага мувофиқ кўрилган чора-тадбирларга қарамай, чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмуни оқилона муддатларда аниқланмаса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг суд ва ваколатли органлари чет эл қонун ҳужжатларини, агар бундай ҳолат қонун, халқаро шартнома қоидаларига ёки тарафлардан бири чет эл элементи билан Ўзбекистонлик ташкилот ўртасида тузилган битимга асосланган бўлса қўллайди. Масалан, Бельгия Фуқаролик кодексининг тегишли бир моддаси тўғрисида фикр юритилаётган бўлса, унинг қоидалари бельгия-

лик кассация суди томонидан қандай шарҳланса амалиётда шундайлигича қўлланилиши лозим. Бинобарин, Бельгияда ҳам Франциядаги каби Напалеон Кодекси амалда бўлса-да, лекин Франция Кассация суди томонидан тегишли модда-нинг бошқача шарҳланишига таъсир этмайди. Чет эл ҳуқуқи ва миллий ҳуқуқнинг нотўғри қўлланишлиги Ўзбекистон Республикасида (ГФР, Франция ва бошқа давлатлар амалиётидан фарқли улароқ) суд қарорини қайта кўриб чиқиш учун асос бўлади. Суд фақат чет эл ҳуқуқини эмас, балки ўша давлатда ҳуқуқ манбаи бўлиб ҳисобланадиган одатлар ва суд амалиётини ҳам қўллайди. Чет эл ҳуқуқи нормасининг мазмуни суд томонидан аниқланиши ҳамда ушбу ҳуқуқ нормаларини қўлланилишига манфаатдор бўлган тарафлар томонидан ҳам исботланиши мумкин. Суд чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаши шарт. Бунинг учун суд тарафларга ёрдам сўраб мурожаат қилишга, чет давлат қонунлари тегишли бўлган муассаса ва илмий ташкилотлардан сўраб олишга ҳақли. Судлар ва нотариал идоралари чет давлат қонунлари тўғрисида маълумотлар сўраб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилади ва зарурат туғилганида у тегишли тартибда тааллуқли чет давлат ташкилотидан ҳужжатни сўраб олади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги ёки ҳуқуқий ахборот айирбошлаш тўғрисидаги шартномаларга мувофиқ Ўзбекистонда амалда бўлган қонун ҳужжатларини тақдим этади. Агар ушбу моддага мувофиқ кўрилган чора-тадбирларга қарамай, чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмуни оқилона муддатларда аниқланмаса, суд Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқини қўллайди. Бу масаланинг ушбу тартибда ҳал этилиши бошқа давлатларнинг амалиётига мос. Масалан, Венгриянинг 1979 йилда қабул қилинган Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунининг 3-қисм 5-§ да “Агар чет эл ҳуқуқи нормасининг мазмуни аниқлаб бўлмаса, Венгриядаги ҳуқуқ қўлланилади” деб кўрсатилган. (Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Москва шаҳрида 1994 йил 21 октябрдаги МДҲга аъзо давлатлар-

нинг ҳуқуқий ахборотларни айирбошлаш тўғрисидаги кўп томонлама ва Туркменистон билан 1996 йил 28 ноябрь, Қирғизистон билан 1996 йил 24 декабрь тегишли икки томонлама Битимларни имзолаган. Бундан ташқари, Республика МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролик, оила, жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги 1993 йил 22 январдаги кўп томонлама, Туркия, Грузия, Латвия, Туркменистон, Қирғизистон билан икки томонлама шартномаларни имзолаган).

1161-модда. Қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш

Ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ, чет эл ҳуқуқига ҳар қандай ҳавола этиш тегишли мамлакатнинг коллизия ҳуқуқига эмас, балки моддий ҳуқуқига ҳавола этиш деб қаралиши лозим, ушбу бўлимда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Чет эл ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 1168-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларига, 1171 ва 1174-моддаларига мувофиқ қўлланилган ҳолларда қарши томон сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш қабул қилинади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ коллизия нормалардан ҳисобланади. Қонун ҳужжатларида қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш - чет эл ҳуқуқини қўллашни англатади. Лекин Ўзбекистон Республикасида чет эл ҳуқуқи коллизия нормага ҳавола этилган ҳоллар эмас, балки моддий ҳуқуқига ҳавола этилганда қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқи қўлланилади. Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари чет эл ҳуқуқига ҳавола этсаю, чет эл ҳуқуқида тегишли муносабатларни тартибга солиш назарда тутилмаган бўлса, бундай ҳолда Ўзбекистон қонун ҳужжатларини қўллаганликка асос йўқ. Чет эл элементи иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда чет эл ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 1168-моддасига, 1169-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларига, 1171 ва 1174-моддаларига мувофиқ қўлланилган ҳолларда қарши томон си-

фатида албатта Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш лозим.

1162-модда. Қонунни четлаб ўтиш оқибатлари

Ушбу Кодекс билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг ушбу бўлимнинг қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуққа доир қоидаларини четлаб ўтиб, тегишли муносабатларни бошқа ҳуқуққа бўйсундиришга қаратилган келишувлари ва бошқа ҳаракатлари ҳақиқий эмас. Бундай ҳолда тегишли давлатнинг ушбу бўлимга мувофиқ татбиқ этилиши лозим бўлган ҳуқуқи қўлланилади.

Мазкур модда ушбу Кодекс билан тартибга солинадиган барча муносабатлар иштирокчиларининг халқаро хусусий нормаларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга доир қоидаларини (ФКнинг VI-бўлими) четлаб ўтиб, тегишли муносабатларни жисмоний шахснинг қонуни (1168-модда), жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (1169-модда), юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати (1176-модда), кучмас ва кўчар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар (1184-модда), шартнома тузиш жойига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (1181-модда), ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддатига тааллуқли ҳуқуқ (1182-модда), вориликка доир муносабатларга қўлланиладиган ҳуқуқ (1197-модда) ва бошқа ҳуқуққа бўйсундиришга қаратилган келишувлар (шартномалар) ҳамда бошқа ҳаракатлар билан ҳал этиш ҳақиқий ҳисобланмаслигини курсатади. Лекин амалиётда юқорида зикр этилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга қарши ҳолат вужудга келадиган бўлса, тегишли давлатнинг ушбу бўлимга мувофиқ татбиқ этилиши лозим бўлган ҳуқуқи қўлланилиши керак.

1163-модда. Ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш

Суд ёки бошқа давлат органи ўзи куриб чиқаётганига ухшаш муносабатларга нисбатан тегишли чет эл давлатда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланиши ёки қўлланмаслигидан қатъи назар, ана шу чет давлатнинг ҳуқуқини қўллайверади, Ўзбекистон Республикаси қонунида чет эл ҳуқуқини ўзаролик асосида қўллаш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар чет эл ҳуқуқини қўллаш узароликка боғлиқ бўлса, бошқача ҳолат исботланмаганлиги сабабли у мавжуд деб тахмин қилинади.

Ҳуқуқни узаролик асосида қўллаш Халқаро шартномалар асосида амалга оширилади. Бунинг асосий мақсади давлат ўз ташкилотлари ва фуқароларига нисбатан чет элда тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини яратишдир. Давлатларнинг қонун ҳужжатлари турли хил бўлиши сабабли ҳуқуқни узаролик асосида қўллашда қийинчиликлар юзага келади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда ҳуқуқни узаролик асосида қўллаш икки кўринишда, яъни моддий ва номоддий (формал) бўлади.

Узароликнинг моддий ҳуқуқида фуқароларга тегишли бўлган маълум ҳуқуқлар ва ваколатларни чет эл юридик шахслари ва жисмоний шахсларига берилиши тушунилади.

Узароликнинг номоддий (формал) ҳуқуқда чет эл юридик шахслари ва жисмоний шахсларига маҳаллий қонунларда назарда тутилган ҳуқуқ ва ваколатлар берилиши, яъни уларнинг маҳаллий фуқаро ва юридик шахсларининг ҳуқуқий ҳолатига тенглаштирилиши тушунилади.

Ҳуқуқни узаролик асосида қўллаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида курсатилган. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли бўлган ва тегишли бўлмаган ҳуқуқларга узаролик асосида чет эл фуқаролари ҳам эга бўладилар.

Бинобарин, чет эл фуқаролари ўз давлатларида эга бўлган ҳуқуқларини талаб қила олмайдилар, агар Ўзбекистон қонун ҳужжатларида тегишли ҳуқуқлар назарда тутилмаган бўлса.

Ўзбекистоннинг чет давлатлар билан муносабатларида чет эл юридик шахслари ва фуқароларига ҳуқуқий тизимнинг бир хил эмаслигини инобатга олиб, ҳуқуқни узаролик асосида қўллаш халқаро шартномаларда фақат миллий тартиб ва энг қулай муҳит яратиш бериш мақсадида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Германия билан сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида, Россия билан икки томонлама солиқдан озод қилиш тўғрисида, Франция билан эркин ҳаракат тўғрисида, АҚШ билан инвестицияларни ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисида, Эрон Ислом Республикаси билан халқаро автомобиль ҳаракати тўғрисидаги битимларида ва бошқа халқаро шартномаларда ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллашга амал қилган. Булардан ташқари яна Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикалари ўртасидаги махсус иқтисодий ҳудудлар тузиш тўғрисидаги ҳуқуматлараро битимни ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

1164-модда. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ

Чет эл ҳуқуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланади.

Тегишли чет эл давлатининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизимидан фарқланишигина чет эл ҳуқуқини рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ушбу модда коллизион нормани ўз ичига олади.

Агар коллизион норма чет эл ҳуқуқига ҳавола этса, чет эл ҳуқуқи эса Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тартиботи асосларига (оммавий тартибда) зид келадиган бўлса, Ўзбекистон Республикасида қўлланилмайди ва бу ҳуқуққа асосланган ҳуқуқлар суд ва давлат органлари томонидан тан олинмайди.

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларига асосланган ҳолларда чет эл ҳуқуқининг қўлланиши чекланиши мумкин. Чет эл ҳуқуқи қўлланишининг чекланиши Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг 274-моддасида Ўзбекистон учун хилоф бўлган никоҳ ва оила тўғрисидаги чет эл қонунларининг қўлланиши ёки шу қонунларга асосланган фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тан олиш мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Ушбу норма аниқ бир чет эл ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиши давлатимиз тузилиши асосларига зид эканлиги ҳолатини эмас, балки, бу асосларга чет эл ҳуқуқини қўлаб бўлмаслигини англатади.

Чет давлатнинг одати ҳуқуқлари оила ва никоҳ масалаларида полигамия (кўпникоҳли)ликка йўл қўяди, аммо бундай ҳолат Ўзбекистон оила ҳуқуқи асосларига зид бўлса-да, Республикада (болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш талабларидан келиб чиқадиган ҳоллар) бундай ҳолат ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди деб тушунмаслик лозим.

1165-модда. Қатъий нормаларни қўллаш

Ушбу бўлим қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг тегишли муносабатларни, қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан қатъи назар, тартибга солувчи қатъий нормалари амал қилишига дахлдор эмас.

Бирон-бир мамлакатнинг ҳуқуқи ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ қўлланилганда, агар ана шу мамлакатнинг ҳуқуқига кўра бундай нормалар қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан қатъи назар, тегишли муносабатларни тартибга солиши лозим бўлса, суд ва бошқа мамлакатнинг ана шу муносабатлар билан узвий алоқада бўлган қатъий ҳуқуқ нормаларини қўллаши мумкин. Бунда суд бундай нормаларнинг вазифасини ва хусусиятини, шунингдек уларни қўллаш оқибатларини эътиборга олиши лозим.

Коллизион нормалар фуқаролик-ҳуқуқий нормалари сингари императив (мажбурий) тарзга эга.

Ўзбекистон Республикасининг қатъий нормалари чет эл ҳуқуқи асосида тегишли муносабатларни тартибга солувчи коллизион нормалардан устун эканлигини англатади.

Ушбу Кодекснинг 1188-модда II-қисмида кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга нисбатан бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланишини ёки 1191-моддасида чет эл иштирокида юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланиши ва тарафлар бошқа ҳуқуқни танлай олмасликлари курсатилган.

1166-модда. Ҳуқуқий тизимлари қўп бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш

Бир неча ҳудудий ёки бошқа ҳуқуқий тизим амал қилиб турган мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш лозим бўлган ҳолларда ҳуқуқий тизим шу мамлакат ҳуқуқига мувофиқ ҳолда қўлланилади.

Ушбу модда халқаро хусусий ҳуқуқда маълум бир давлатда тегишли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини икки ёки ундан ортиқ давлат ҳуқуқига бўйсунитиши тушунилади. Бир неча ҳудудий ёки бошқа ҳуқуқий тизим амал қилиб турган мамлакат АҚШ (Луизианна штати)да (ҳозирги пайтда АҚШнинг Луизианна штатида АҚШнинг федерал қонунлари, Луизианна штатининг қонунлари билан бирга эски француз қонунлари ҳали ҳам амал қилади) Европа Ҳамдўстлигининг ҳуқуқини қўллаш лозим бўлган ҳолларда ҳуқуқий тизим шу мамлакат ҳуқуқига мувофиқ ҳолда қўлланилиши лозим.

1167-модда. Реторсиялар

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларига махсус чекловлар қўйган давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига жавоб тариқасида чекловлар (реторсиялар) белгилаши мумкин.

Шарҳланаётган модда хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари (жисмоний шахслари) ва юридик шахсларининг фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини амалга оширишда чеклашлар белгилашига нисбатан жавоб тариқасида Ўзбекистон Ҳуқумати томонидан ҳам чекловлар (реторсиялар) белгиланиши кўрсатилган.

Ушбу модда талаблари чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати туғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳам ўз аксини топади. Халқаро ҳуқуқ нормаларига бинонан чеклов чоралари (реторсия)ни маълум давлат (давлат органлари, юридик шахслари, жисмоний шахслари)га нисбатан қўллаш дискриминация қилмаслик принципининг бузилиши сифатида қаралмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йил 6 май куни ратификация қилинган 1961 йилги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенциясига биноан “чет эл давлати вакиллигини аккредитация қилувчи давлат томонидан мазкур Конвенциянинг чеклов қоидаларининг қўлланиши” дискриминация деб ҳисобланмайди (47-б.).

71-БОБ. КОЛЛИЗИОН НОРМАЛАР

1-§. ШАХСЛАР

1168-модда. Жисмоний шахснинг шахсий қонуни

Жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда у қайси мамлакат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади.

Қочоққа унга бошпана берган мамлакатнинг қонуни шахсий қонуни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунида белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 9-сон, 338-модда).

Чет эл фуқаролари деб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиб ҳисобланмайдиган фуқаролар саналади.

Чет эл жисмоний шахслари - фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қайси мамлакатнинг фуқароси ҳисобланса, ушбу давлатнинг қонуни билан уларнинг фуқаролик ҳуқуқий ҳолати белгиланади ҳамда ушбу давлатнинг қонуни унинг шахсий қонуни бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролар икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда у қайси мамлакат билан кўп боғлиқ бўлса ёки унинг мол-мулкининг кўпроқ қисми жойлашган, ота-онаси, қавму-қариндошлари исти-қомат қиладиган жойнинг қонунлари, яъни ўша жой ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига

мансублигини исботлайдиган далиллари йўқ шахслар фуқароликка эга бўлмаган шахслар ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда фуқаролик ҳуқуқий ҳолати тўлиқ белгиланмаган, қайси мамлакатга мансублигини исботлайдиган далиллари йўқ ёки аниқла-нилмаган ва бирон-бир давлатда мутлақ жойга эга бўлма-ган шахслардир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди (Ўзбе-кистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги Қонуннинг 10-модда биринчи қисми).

Уларнинг асосий яшаш жойи ва шахсий қонунлари бошпана берган давлатнинг қонунларидир, яъни қайси дав-латда истиқомат қилмасин, ўша давлатнинг миллий тарти-бига бўйсунди ҳамда уларнинг фуқаролик ҳолати шу дав-латнинг қонунлари билан белгиланади.

Чет эл фуқаролари миллий тартиб томонидан берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, худди Ўзбекистон Рес-публикаси фуқаролари каби ҳуқуқ ва бурчларга, эркинлик-ларга эга бўлади. Уларнинг ҳуқуқ лаёқати фуқаролик, никоҳ ва оила, меҳнат тўғрисидаги ва бошқа қонунлар билан тар-тибга солинади.

Миллий тартиб чет эл фуқаролари ҳуқуқларининг че-гарасини ҳам белгилаб беради, яъни улар ўзига хос бўлган имтиёзларни талаб қилиш ҳуқуқларига эга эмас. Чунки бу шахсларга ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-нинг 18-моддасида кўрсатилганидек, "... имтиёзлар фақат Қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт" деган қоида татбиқ қи-линади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-мод-дасига асосан "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига муво-фиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари би-лан белгиланган бурчларни адо этадилар".

Чет мамлакатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларига махсус чекловлар қўлланилган бўлса, чет эл фуқаролари ва юридик шахсларига ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан жавоб тариқасида худди шундай чекловлар (реторсиялар) белгиланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар билан тузган ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномалар ва бошқа меъёрий тусга эга бўлган ҳужжатлар орқали ҳам амалга оширилади (масалан: Ўзбекистон Республикаси ва Туркия жумҳурияти ўртасида фуқаролик, саздо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома, 1994 йил 23 июнда Анқара шаҳрида тузилиб, иккала давлат раҳбарлари томонидан имзоланган).

1169-модда. Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари

Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари унинг шахсий қонуни билан белгиланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқ лаёқатидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахснинг битимлар ва зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятларга нисбатан фуқаролик муомала лаёқати битимлар тузилган ёки зарар етказилишидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзага келган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Жисмоний шахснинг хусусий тадбиркор бўлиш ҳамда бу билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати жисмоний шахс хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади. Рўйхатга олиш мамлақати булмаганда, хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган асосий жой бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Жисмоний шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш суд қайси мамлакатники бўлса, шу мамлакат ҳуқуқига бўйсунди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари каби бир хил ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиб, ундан тенг равишда фойдаланадилар (ФК 2-моддасининг 3-қисми).

Шарҳланаётган бўлим чет эл элементи (жисмоний шахслари) билан боғлиқ бўлган мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига қўлланиладиган қоидалар мажмуасидан иборат. Баъзи ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг қонунларида “ёки халқаро шартномаларида бошқача ҳолат ёки ҳуқуқий тартиб ўрнатилган бўлса, бундай ҳоллар мустаснодир”.

Чет эл жисмоний шахсларининг тузган битимлари асосида ва зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган деликт мажбуриятларга нисбатан битимлар тузган ёки зарар етказилган мамлакатнинг шахсий қонунлари ва шартномалари асосида жавобгарлик амалга оширилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хусусий тадбиркор бўлиш истаги, ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати, хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинган давлатнинг ҳуқуқи томонидан белгиланади, агар рўйхатга оладиган давлат бўлмаса, тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган асосий жой бўлган давлатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Чет эл жисмоний шахсларини муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топишлик суд қайси мамлакатники бўлса, шу давлат қонунларига бўйсунди.

Жуда кўпчилик чет эл қонунчилиги жисмоний шахсларнинг муомала лаёқати масалаларига ҳар хил асосда ёндошадилар. Яъни вояга етганлик ёшининг белгиланиши ҳар хил асосларда унинг амалга оширилишини, муомала лаёқатидан чеклашга йўл қўйилмаслиги, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тартиблари бир хилда бўлмаганлиги нуқтаи назаридан улар билан боғлиқ муносабатлар бўйича коллизион (бир-бирига зид) масалалар келиб чиқади.

Кўпчилик давлатларда муомалага лаёқатлилиқ масаласи фуқаронинг қайси мамлакатга мансублиги унга дахл-

дорлигини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш асосида белги-ланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасига асосан “Қонунчиликка мувофиқ, чет эллик фуқаролар деб, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигини исботловчи далиллари бўлган шахслар тан олинади”.

Чет эл фуқаролари икки тоифага бўлинади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилувчи жисмоний шахслар.

Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган чет эл элементлари билан боғлиқ бўлган шахсларга Республика қонунларида, бошқа қонунчилик ҳужжатларида, халқаро шартномаларда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қўлланиладиган миллий тартиб қўлланилади ҳамда улар бир хил ҳуқуқларга, эркинликларга эга бўлади ва бирдек мажбуриятларни ўтайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Конституция ва қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан, шунингдек ўзларига тегишли шахсий, мулкӣ, оилавий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда уларни ҳимоя қилиш учун судларга мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Улар Конституциямизнинг умумий руҳидан, моҳиятидан, мазмунидан келиб чиққан ҳолда миллатидан, ирқӣ, жинси, диний эътиқодидан қатъи назар Республикамиз фуқароларига берилган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиб, уларга ишчи ва хизматчилар, интеллектуал, никоҳ ва оила, соғлиқни сақлаш, нафақалар олиш, уй-жойга эга бўлиш, илм олиш каби бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиши учун тўлиқ кафолат яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти, идора органлари ва бошқа масъул ташкилотлари томонидан бел-

гиланган тартибда уларнинг айрим ҳуқуқлари чегаралаб қўйилиши мумкин. Жумладан, сайловларда иштирок этиш, вакиллик ҳамда бошқа давлат органларига сайлаш ҳуқуқи, умумхалқ овоз бериши (референдум)да қатнашиш ҳуқуқи ман этилиб, баъзи меҳнат фаолиятлари билан шуғулланишга, қуролли кучлар сифатида хизмат қилишлик каби муносабатларда қатнашишлари чегараланади.

1170-модда. Жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш

Жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш суд қайси мамлакатники бўлса, уша мамлакат ҳуқуқига бўйсунди.

Жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш тартиби ва шартлари чет мамлакатларда ҳар хилдир.

Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга қўлланиладиган ҳуқуқлар уртасида келиб чиқадиган низолар бўйича коллизия нормалар конкрет ҳуқуқий муносабатлар қайси давлатнинг қонунчилиги татбиқ этилиши лозимлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг бедарак йўқолган деб топилиши ва уни вафот этган деб эълон қилиниши ҳақидаги қоидалари чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиб, Фуқаролик Кодексининг 34-37 моддалари қоидалари билан тартибга солинади.

Бу фуқароларни манфаатдор шахсларнинг аризасига кўра бедарак йўқолган деб топиш учун унинг доимий турар жойига бир йил муддат давомида хабар келмаса ҳамда унинг қаердалигини аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда у суд орқали бедарак йўқолган деб топилиши мумкин.

Бедарак йўқолган шахслар ҳақидаги маълумотнинг олинган кунини белгилаш имкони бўлмаса, шу тўғрида маълумот олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунини

дан, бу ойни аниқлаш мумкин бўлмаганида эса, келгуси йилнинг биринчи кунидан ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўлган деб эълон қилиш - у вафот этганида қандай ҳуқуқий оқибатлар юзага келса, худди шундай оқибатни вужудга келтиради, яъни ҳуқуқ лаёқати тугатилишига асос бўлади.

Бу модданинг мазмунига мувофиқ фуқароларни ўлган деб эълон қилиш учун унинг доимий турар жойида маълум муддат йўқ бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларга асосланади, яъни ўлим хавфи остида бўлганлиги ёки табиий офатлар (сув тошқини, ер қимирлаши, упирилиш, чўкиш, қор босиш ва бошқа форс-мажор ҳолатлари) ҳамда муайян бахтсиз ҳодиса (ут тушиши, темир йўл, ҳаво йўли, денгиз йўллари, автомобиллар ҳалокатлари) содир этилиши натижасида ҳалок бўлганлиги ҳақида гумон қилиниши ва эҳтимол тутилиши ҳамда ундан 6 ойгача хабар келмай, бедарак йўқолган деб топилса, манфаатдор шахсларнинг аризасига кўра, у суд орқали ўлган деб эълон қилиниши мумкин.

Фуқароларни ўлган деб эълон қилишдан аввал унинг ўлим фактини, чунончи ҳужжатлар, баённомалар, ёзма хабарлар, гувоҳлар кўрсатмалари ва бошқа исботловчи далиллар орқали суд тартибида тасдиқлаш лозим. Лекин юридик аҳамиятга эга бўлган фактнинг, яъни шахснинг ўлими фактини суд томонидан тасдиқлашга фақат фуқаролик ҳолати ҳужжатини қайд қилиш органи томонидан рад этилган вақтдагина йўл қўйилади.

1171-модда. Жисмоний шахснинг исми-шарифи

Жисмоний шахснинг исмига, ундан фойдаланишга ва уни ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқи, агар ушбу Кодекс 19-моддасининг тўртинчи ва еттинчи қисмларида, 1179 ва 1180-моддаларида назарда тутилган қоидалардан бошқача тартиб келиб чиқмаса, унинг шахсий қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган чет давлатнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзини

индивидуаллаштирадиган исмга, ундан фойдаланишга ва уни ҳимоя қилиш ҳуқуқларига эгадир.

Жисмоний шахснинг исм-шарифи, шу шахснинг ўзигагина тегишли бўлиб, ундан фақат ўзи фойдаланадиган, хусусий номини англатадиган индивидуал, бошқа шахсларга ўтказиб ва бериб бўлмайдиган номулкий тарзга эга бўлган ҳуқуқдир.

Жисмоний шахслар исм-шарифининг ўзгариши унинг кредитор ва қарздорларини хабардор қилиб қўйиш чораларини кўришни ҳамда исм-шарифнинг ўзгарганлиги натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни, хавф-хатарларни ўзи томонидан бажарилишини қонун талаб этади.

Жисмоний шахслар ўз исми-шарифларининг (тахаллус қўйишдан ташқари) ўрнига бошқа шахснинг исми-шарифини қўйиб, ўзи учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиришига йўл қўйилмайди.

Фуқаролик Кодексининг 19, 20-моддаларига биноан, чет давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслари истиқомат қилаётган давлатнинг қонунларидан ва миллий одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, бу фуқаролар ўз фамилияси, номи ва отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга, шунингдек уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқларига эга бўлади.

Бу фуқаролар миллий тартиб асосида назарда тутилган ҳолларда ўз тахаллусидан ёки тўқима исмлардан фойдаланадилар.

1172-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1172-моддасига биноан Ўзбекистон республикаси ҳудуди-

дан ташқарида истиқомат қилаётган республикамиз фуқароларининг ўзаро тузилган фуқаролик ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларида тузилади ва қайд этилади.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш тузилган никоҳни эътироф этиш билан ҳам боғлиқ. Оила Кодексининг 235-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади. Оила Кодекси 203-моддасининг 3-қисмига биноан Ўзбекистон фуқаросининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномалари консул томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайд этилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилиб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг тузган фуқаролик ҳолатлари ҳужжатлари ҳам фуқароликка эга бўлган шахслар томонидан тузилган фуқаролик ҳолати ҳужжатлари билан тенглаштирилади ҳамда баб-баравар ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва баб-баравар бурчларни адо этадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзаро ўрталаридаги тузилган фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ҳамда улар билан чет давлатлар фуқаролари томонидан амалга оширилган фуқаролик ҳолати ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса, бундай ҳужжат тузилган давлатнинг қонунида белгиланган расмийликка риоя этган ҳолда, бу ҳужжатлар Фуқаролик Кодексининг 1172, 1173-моддаларига ҳамда Оила кодексининг VIII- бўлими моддаларининг талабларига тўлиқ жавоб берса, Ўзбекистон Республикасида бу ҳужжатлар ҳақиқий деб тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларида фуқаролик ҳолати ҳужжатларини рўйхатга олиш чоғида манфаатдор шахслар турли давлатларнинг фуқаролари бўлса, уларнинг ўзаро келишувларига мувофиқ бир давлатнинг

қонунлари татбиқ этилади, бунда келишмовчилик келиб чиқса, масала фуқаролик ҳолати ҳужжатини қайд қилувчи консулнинг қарорига биноан ҳал қилинади.

1173-модда. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлат органлари томонидан берилган ҳужжатларни тан олиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тегишли давлатларнинг қонунлари бўйича тузилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган ҳужжатлар расмийлаштирилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.

Чет эл давлатларининг ваколатли органлари ва идоралари томонидан берилган ҳамда талаб қилинадиган тартибда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон давлати фуқароларига, чет давлатларнинг фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахслар номига расмийлаштирилган фуқаролик ҳолатини тасдиқловчи барча ҳужжатлар консуллик йўли билан расмийлаштирилган тақдирда, Ўзбекистон давлатида ҳақиқий деб тан олинади. Масалан Оила Кодексининг 235-моддасига биноан Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади. Оила Кодексининг 216-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролари бўлмаган шахслар билан никоҳ тузганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон давлат фуқаролари томонидан тузилган барча фуқаролик ҳолати ҳужжатларини келтириб чиқарувчи ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг шу мамлакатдаги консуллик муассасаларида рўйхатга олинади.

1174-модда. Васийлик ва ҳомийлик

Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсизлар ёки муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар устидан васийлик ёки ҳомийлик суд қайси мамлакатга тегишли бўлса, уша мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади ва бекор қилинади.

Васийнинг (ҳомийнинг) васийликни (ҳомийликни) қабул қилиш мажбурияти унинг васий (ҳомий) томонидан белгиланадиган шахсий қонуни бўйича аниқланади.

Васий (ҳомий) ва васийликка (ҳомийликка) олинган шахс уртасидаги ҳуқуқий муносабатлар муассасаси васийни (ҳомийни) тайинлаган мамлакат ҳуқуқи бўйича аниқланади. Бироқ васийликка (ҳомийликка) олинган шахс Ўзбекистон Республикасида яшаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи, башарти бу мазкур шахс учун қулайроқ бўлса, қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари устидан белгиланган васийлик (ҳомийлик), агар Ўзбекистон Республикаси тегишли консуллик муассасасининг васийлик (ҳомийлик) белгиланишига ёки унинг тан олинishiга қарши қонунга асосланган эътирозлари бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.

Ўзбекистон давлати ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсизлар ёки муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар қайси мамлакатда яшаб турган бўлса, ушбу давлатнинг тегишли қонунларига биноан суди томонидан васийлик ёки ҳомийлик тайинланади.

Бундай тоифадаги фуқароларга васийлик ёки ҳомийликни белгилашда Ўзбекистон давлати консуллик муассаса раҳбарияти розилигини олиш лозим. Агар васийлик ёки ҳомийликнинг тан олинishiга қарши эътироз билдирилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу ҳаракат ҳақиқий деб тан олинади.

Васий ёки ҳомийнинг васийликни ёки ҳомийликни қабул қилиш мажбурияти унинг васий ёки ҳомий томонидан белгиланадиган шахсий қонуни бўйича аниқланади, ҳамда улар уртасидаги ҳуқуқий муносабатлар доираси ҳам

шу мамлакат қонунлари шахсий қонунлари билан тартибга солинади.

Шахсий қонун томонидан белгиланадиган миллий тартибга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунлари қулайроқ, афзалроқ бўлса, бундай ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари қўлланилади.

Васийлик ва ҳомийликни белгилашда Фуқаролик Кодексининг 32-моддасида ва Оила Кодексининг 21-бобида назарда тутилган умумий қоидаларга амал қилинади.

1175-модда. Юридик шахснинг қонуни

Юридик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи мазкур юридик шахснинг қонуни ҳисобланади.

Чет мамлакатларнинг юридик шахслари ташқи иқтисодий муносабатларнинг субъектлари сифатида албатта муайян бир давлатга ёки унинг ҳуқуқий тартиботига боғлиқ бўлади. Бу муносабат чет эл юридик шахсларининг муайян бир давлатга боғлиқлигини ҳамда унинг шахсий (миллий) қонуни асосида ўз фаолиятини амалга оширилишини ифодалайди.

Чет мамлакатларнинг юридик шахси деганда унинг шахсий қонуни билан тартибга солинадиган ёки юридик шахсни ташкил этган таъсисчилар берган ваколатлар асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган, шу мамлакатга мансуб бўлган ва миллий қонунлари асосида ўз фаолиятини тузадиган ташкилотлар тушунилади.

Чет эл юридик шахсларининг миллийлигини ҳамда қўлланилиши лозим бўлган қонунни белгилашда унинг асосий турар манзили ҳамда унинг давлат рўйхатидан ўтказилган жойи асосий аҳамиятга эга.

1176-модда. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати

Юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати юридик шахснинг қонуни билан белгиланади.

Чет эл юридик шахси ўз органи ёки вакилининг битим тузиш ваколатларидаги чет эл юридик шахсининг органи ёки вакили би-

тим тузган мамлакатнинг ҳуқуқи учун номаълум бўлган чекловларни важ қилиб келтириши мумкин эмас.

Чет эл юридик шахслари ўзининг таъсис ҳужжатларида ёки қабул қилинган қонунларида назарда тутилган фаолият мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўладилар.

Юридик шахсларнинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг Устави, Низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати шу юридик шахснинг жойлашган манзилидаги давлатнинг қонунлари билан белгиланади.

Чет эл юридик шахслари ўз органи ёки вакили томонидан бошқа давлат юридик шахслари билан тузган битимларида, битим тузган давлатнинг ҳуқуқий нормаларида чекловлар бор экан деган важни келтириши мумкин эмас.

Чет давлатлар юридик шахсларининг ҳуқуқ лаёқати, ўзаро келишилган ҳолда, ушбу Кодекс, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро тамоийиллар асосида ҳам белгиланиши мумкин.

1177-модда. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари фаолиятининг миллий тартиби

Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунида чет эл юридик шахслари учун бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган тadbиркорлик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Чет эл юридик шахслари тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлсалар, улар Ўзбекистон Республикасида тadbиркорлик фаолиятини тартибга солувчи мазкур

Фуқаролик Кодекс, “Қорхоналар тўғрисида”ги, “Тадбир-корлик тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бошқариб борилади.

1178-модда. Чет эл элементи билан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда давлатнинг иштирок этиши

Чет эл элементи билан давлат иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу бўлим қоидалари умумий асосларда қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси - суверен давлат сифатида фақат халқаро оммавий ҳуқуқнинг субъекти сифатида танилибгина қолмасдан, балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам алоҳида субъекти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси чет эл элементи билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида ҳам ўз суверенлигини, мустақиллигини сақлаб қолади ва ҳеч қандай бошқа давлатларга ёки унинг органларига бўйсунмайди.

Ўзбекистон давлати ўзининг ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига уй-жой, бино ва иншоотларни сотиб олиш, чет эл элементлари билан мулкий битимларга киришиш, чет давлатларда очилган меросни қабул қилиш муносабатларида ҳам чет эл қонунларига ёки чет эл суд органларига бўйсунмасдан давлат дахлсизлиги(иммунитети)ни сақлаб қолади.

2-§. ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

1179-модда. Шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш

Шахсий номулкий ҳуқуқларга нисбатан бундай ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб учун асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Маълумки шахсий номулкий ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқининг номоддий неъматларидан бўлиб ҳисобланувчи объектлар гуруҳини ташкил этади. ФКнинг 99-моддасида

шахсий номулкий ҳуқуқлар доираси белгилаб қўйилган. Бунга асосан шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, ўз қиёфаси тасвирига бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар унинг ўзидан бегоналаштирилмайди ва бошқага бирор тарзда, усулда бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган шахсга тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан, ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилишини ва ҳимоя этилиши мумкин.

Юқоридаги ҳуқуқлар инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Баённомасида (1949й.), фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро ПАКТ (1966 й.), саноат мулкани муҳофаза қилиш ҳақидаги Париж конвенцияси, адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиши ҳақидаги Берн Конвенцияси ва бошқа қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда бевосита ёки билвосита ўз ифодасини топган.

Фуқаролик-ҳуқуқий субъектларнинг шахсий номулкий-ҳуқуқларини хорижий мамлакатларда ҳимоя қилишни талаб қилишда қайси давлат қонуни қўлланиши масаласи ушбу шарҳланаётган моддада белгилаб қўйилган. Бунга асосан:

а) шахсий номулкий ҳуқуқ қайси давлат ҳудудида бузилган бўлса, бузилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳақидаги талабга нисбатан ўша давлат қонуни қўлланади;

б) шахсий номулкий ҳуқуқни мавжудлик фактини (маълум субъектга нисбатан) эътироф этиш ҳақидаги талабга нисбатан шахсий ҳуқуқни тан олиш маълум ҳуқуқий оқибат вужудга келтирадиган ҳудуддаги (жойдаги) давлат қонуни қўлланилади.

Юқоридаги ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилиш ёки эътироф этиш ўша давлат қонунларида шахсий номулкий ҳуқуқ тегишли тури ўз ифодасини топган бўли-

ши шарт. Бироқ ушбу қоидадан истиснолар ҳам мавжуд. Масалан, маълум мамлакат фуқаросининг муаллифлик шахсий ҳуқуқи бошқа мамлакат ҳудудида бузилган бўлса, бироқ муаллифлик шахсий ҳуқуқи бу мамлакат қонунларида ўз ифодасини топмаган бўлса, бироқ ҳар иккала давлат ҳам Берн конвенцияси иштирокчиси бўлса, у ҳолда шахсий номулкий ҳуқуқи ҳимоя қилиниши масаласи ижобий ҳал этилади. Бу ўринда шахсий номулкий ҳуқуқни амал қилишга нисбатан ўзига хос “экстерриториоллик презумпцияси” амал қилиниши фараз қилинади. Бироқ бундай истисно ҳолатининг амал қилиш механизми ишлаб чиқилмагани сабабли у амалиётда деярли қўлланмайди.

Баъзи ҳолларда шахсий ҳуқуқларга нисбатан бир давлат ҳудудида ҳимоя талаб қилиб мурожаат қилинганда бошқа давлатнинг тегишли қонуни қўлланиши мумкин, агарда ҳимоя талаб қилиш учун асос бўлган юридик факт ўша давлат ҳудудида содир бўлган бўлса.

Масалан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳақидаги қонуннинг 4-моддасига асосан, асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қўриқланиши лозим бўлса, унинг муаллифи ҳудудида муаллифлик ҳуқуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт содир бўлган давлатнинг қонуни билан белгиланади.

1180-модда. Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш сўраладиган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ ҳақидаги шартномалар ушбу бўлимнинг шартнома мажбуриятлари туғрисидаги қоидаларга мувофиқ белгиланадиган ҳуқуқ билан тартибга солинади.

Интеллектуал мулк тушунчаси, унинг объектлари доираси, турлари, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар турлари, ҳажми, мазмуни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Қонун меъёрлари халқаро конвенциялар, битимлар, бошқа ривожланган давлатлар қонунлари мазмунига тула мос кела-

ди. Шу сабабли ҳам бу ҳақда ФКнинг 1031-1040-моддалари шарҳига қаралсин.

Маълумки, давлат суверенитетининг энг муҳим белгиси ушбу давлат ҳудудида фақат уша давлат қонунларининг амал қилиши ва қўлланиши ҳисобланади. Ушбу қоида интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан қаерда қандай қонун қўлланиши ҳақидаги масалани ҳал этади, белгилаб беради. Бунга асосан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ бу ҳуқуқлар қайси мамлакатда қўлланса, амалга оширилса, ҳимоя қилишга зарурат туғилса уша давлатнинг тегишли қонуни асосида қўлланади, амалга оширилади ва ҳимоя қилинади.

Халқаро конвенцияларда, давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама битимларда бир давлат фуқароларини интеллектуал мулкнинг айрим объектларига нисбатан бўлган ҳуқуқлари бошқа давлатда ҳам имтиёзли муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилиши мумкин. Жумладан, бундай қоидалар саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж Конвенциясида мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенциянинг иштирокчиси ва Париж Иттифоқининг аъзоси ҳисобланади. Ушбу конвенцияга асосан унинг иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат бу Конвенция иштирокчиси бўлган бошқа давлат фуқароларига саноат мулки объектларини муҳофаза қилишда ўз фуқароларига қандай ҳуқуқлар берса, худди шундай ҳажмда ҳуқуқлар беради (миллий режим ёки унга тенглаштириш ҳақидаги тамойил). Конвенция иштирокчиси бўлган бир мамлакат ҳудудида саноат мулки объектига патент берилиши ҳақида талабнома топширилиши Конвенция қатнашчиси бўлган бошқа давлатларда кейинчалик худди шундай талабнома топширилиши устуворлик санасига таъсир қилади.

Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида Берн Конвенциясига асосан ушбу Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат конвенция иштирокчиси бўлган бошқа давлат фуқароларига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қандай ҳуқуқ берса худди шундай ҳуқуқлар беради ва муҳофаза қилади.

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ ҳақидаги шартномалар (бундай мулк объектларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича ҳуқуқлар бўйича шартномалар)га ФКнинг 1189-1192 моддаларида белгиланган шартномалар мажбуриятлари ҳақидаги қоидалар қўлланади. Ушбу шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида ушбу қоида ўз ифодасини топган. Шу сабабли ҳам интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ ҳақидаги шартномалар бўйича 1189-1192-моддалар шарҳига қаралсин.

3-§. БИТИМЛАР. ВАКИЛЛИК. ДАЪВО МУДДАТИ

1181-модда. Битимнинг шакли

Битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунди. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Лоақал иштирокчиларидан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташқи иқтисодий битим, қаерда тузилаётганидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилади.

Кўчмас мулк хусусидаги битимнинг шакли бу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунди, Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан эса, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунди.

Ушбу моддада Халқаро коллизия нормани белгилаб, битимнинг шакли тўғрисида қайси давлат қонунлари - Ўзбекистон Республикаси ёки бирон-бир хорижий давлат қонунларининг татбиқ этилиши лозимлиги белгиланади.

Шу билан биргаликда амалда республика нормаларининг коллизияси (туқнашуви) билан боғлиқ бўлган масала ҳам рўй бериши мумкин. Бундай ҳолда ФКнинг 105-моддасига мувофиқ битимнинг шаклига нисбатан, агар битим республика ҳудудида тузилган бўлса, шу жойнинг қонуни қўлланиши лозим.

Бундан ташқари, башарти битимнинг шаклига оид Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва шу билан бир вақтда битим қайси хорижий давлат ҳудудида тузилган бўлса, бу давлатнинг ҳам қонунларида назарда тутилган махсус талабларга риоя қилинмаганидагина битим Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмидаги махсус норма, Ўзбекистон Республикаси юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ташқи иқтисодий битимлари учун истисно тариқасида битимнинг шакли ва тузилиши тартибига оид масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари татбиқ этилиши лозимлигини белгилайди.

Мазкур модданинг 3-қисмида белгиланган бошқа махсус норма кўчмас мулк жойлашган ҳар қандай мамлакат ҳудудида тузиладиган битимларга тааллуқлидир.

ФКнинг 105-моддаси киритилган умумий коллизион нормалардан фарқланиб, 1184-моддадаги битимнинг шакли масаласида унинг тузилиш жойи қонунига эмас, балки кўчмас мулк турган жойнинг қонунига ҳавола этилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан тузиладиган барча турдаги битимлар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунуши кераклиги қатъий норма қилиб кўрсатилган.

1182-модда. Ишончнома

Ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддати ишончнома берилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, ишончнома шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 135, 139-моддаларида ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддатига тааллуқли талаблар белгиланган.

Ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддатига тааллуқли қоидалар хорижий мамлакатларнинг ҳудудида ҳам кўрсатилган бўлиб, агар хорижий мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ушбу ФКнинг 134-моддаси та-

лабларини бажарган бўлиб, лекин ФКнинг 135-моддасига риоя этмаган бўлсалар, бундай ишончнома ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмаслигини англатади.

1183-модда. Даъво муддати

Даъво муддати мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланилаётган ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Даъво муддати татбиқ этилмайдиган талаблар, агар тегишли муносабатнинг қатнашчиларидан лоақал биттаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Мазкур модда халқаро коллизия нормани белгилаб даъво муддати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 12-боби қоидалари ёки бирон-бир хорижий давлат қонунларининг татбиқ этилиши лозимлигини белгилайди.

Даъво муддати татбиқ этилмайдиган талаблар, агар тегишли муносабатнинг қатнашчиларидан лоақал биттаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси бўлса, ФКнинг 163-моддаси қоидалари қўлланилади.

4-§. АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР

1184-модда. Ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги умумий қоидалар

Кўчмас ва кўчар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Мол-мулкнинг кўчмас ёки кўчар ашёларга мансублиги, шунингдек мол-мулкнинг бошқача юридик баҳоланиши ана шу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи мол-мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқига асосан белгиланади. Бу умумий қоида. Лекин қонунда бошқача тартиб ўрнатилган бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Масалан, 1188-модданинг ик-

кинчи қисмига биноан мол-мулк бошқа мамлакат ҳудудида жойлашган бўлишидан қатъи назар, агар у Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрида қайд этилган бўлса, бу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

Мол-мулкнинг кучмас ёки кучар ашёларга мансублиги ва унинг хусусиятларига кўра бошқача юридик баҳолаш, мол-мулк қайси мамлакатнинг ҳудуди доирасида жойлашган бўлса, уша мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида жойлашган мол-мулкнинг кучмас ёки кучар ашёлар туркумига мансублиги, уларнинг турлари, уларни таснифлаш ва ушбу хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда уларга нисбатан қўлланиладиган қоидалар мазкур Кодекснинг 7-бобидаги 83-96-моддаларида назарда тутилган.

1185-модда. Ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши

Мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ёхуд бекор бўлиши учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир бўлган пайтда бу мол-мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Битим нарсаси бўлган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши, агар тарафларнинг келишувидан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу битим бўйсундирилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тугаган пайтда мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи билан аниқланади.

Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши асослари, сабаблари Кодекснинг 15-бобида киритилган 182-206-моддаларда назарда тутилган.

Мазкур моддада турли мамлакатлар ўртасида ўрнатиладиган мулкий муносабатларда мол-мулкка нисбатан эга-

лик ҳуқуқининг қандай асосларга кўра вужудга келиши ҳамда бекор бўлиши пайти ва унинг қайси мамлакатнинг ҳуқуқи билан белгиланиши мумкинлиги тўғрисидаги саволга жавоб берилади. Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи олди-сотди шартномасига асосан вужудга келиши мумкин. Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини бекор қилиш мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, ундан мол-мулкнинг сотиб олиниши, суд қарорига асосан мол-мулкнинг олиб қўйилиши (197-модда), мол-мулкни миллийлаштириш (национализация) ёки реквизиция қилиниши (199-модда) каби асосларга кўра амалга оширилади.

Олди-сотди шартномаси бўйича унинг нарсаси (предмети) бўлган мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи сотувчидан сотиб олувчига, агар тарафлар бошқа вақтни белгиланган бўлмаса, уни топширган пайтдан бошлаб вужудга келади. Шу пайтдан бошлаб сотувчидаги мол-мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи бекор бўлади. Мол-мулк суд қарорига асосан олиб қўйиладиган бўлса, қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб мулк эгасидаги унга нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи бекор бўлади. Демак, олиш-сотиш шартномаси ёки суд қарорига асосан олиб қўйиш пайтида мол-мулк қайси мамлакатда турган бўлса, унга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши ҳам ўша мамлакатнинг ҳуқуқи билан белгиланади.

Битим нарсаси (предмети) бўлган мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши тўғрисида алоҳида қоида назарда тутилади. Бунга кўра, агар тарафлар ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, битим қайси мамлакатнинг ҳуқуқи билан тартибга солинадиган бўлса (1190 - модданинг шарҳларига қаралсин), мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши ҳам ўша мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат Ўзбекистон Республикасининг мазкур Кодекси 187-моддаси билан биринчи марта белгиланди. Ол-

динги Кодексларда бундай модда йўқ эди. Янги моддада мол-мулкнинг кучар ва кучмас хусусиятга эга бўлиши эътиборга олингани ҳолда турли муддатлар назарда тутилади. Лекин бошқа мамлакатларнинг қонунларида узгача муддатлар белгиланган бўлиши мумкин.

Ушбу моддага биноан эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тугаган пайтда мол-мулк қайси мамлакатда жойлашган бўлса, унга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқининг вужудга келиши уша мамлакатнинг ҳуқуқи билан аниқланади.

Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг у жойлашган мамлакат ҳуқуқига асосан вужудга келиши, ушбу мол-мулкнинг бошқа мамлакатга ўтиши билан унга нисбатан эгалик ҳуқуқининг бекор бўлишига олиб келмайди. Чунки бош-қа мамлакатда ҳам унга ўтган мол-мулкка нисбатан худди шундай қоида қўлланиши мумкинлиги назарда тутилади. Масалан, ўз мамлакатларининг қонунларига асосан мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуққа эга бўлган ва ушбу мол-мулкни Ўзбекистонга олиб келган чет эл фуқаролари ва юридик шахслари Ўзбекистон қонунларига асосан ушбу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

1186-модда. Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар

Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар бу транспорт воситалари ёки мол-мулк рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Ушбу моддага биноан давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкларга нисбатан эгалик ҳуқуқи улар рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи билан белгиланади. Масалан, сотиб олинган автомашина ёки бошқа мол-мулк Россия Федератив Республикасида рўйхатга олинган бўлса, сотиб олувчининг қайси давлат фуқаролигига мансуб бўлишидан қатъи назар, ушбу

автомашина ва бошқа мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи Россия Федератив Республикаси ҳуқуқи билан белгиланади. Ўзга мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига келтирилган ва унинг давлат реестрида қайд этилган транспорт ва бошқа сотилган мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1187-модда. Йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар

Битим бўйича йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар тарафларнинг келишуввида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бу мол-мулк жўнатилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Мазкур моддага мувофиқ кўчар мол-мулк товар сифатида импорт ёки экспорт қилинган бўлиб, уни қабул қилиб олувчига етиб келмасдан йўлда транспортда бўлган тақдирда унга нисбатан эгалик ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқ қайси давлатнинг ҳуқуқига асосан вужудга келиши белгиланади.

Йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқни вужудга келиши биринчи навбатда шартномада тарафларнинг келишуви билан белгиланган бўлиши керак. Агар тарафлар бу ҳақда келишмаган бўлса, мол-мулк жўнатилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Йўлда бўлган мол-мулкка нисбатан эгалик ёки ашёвий ҳуқуқнинг кимга нисбатан қаерда вужудга келишини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур Кодекснинг 175-моддасига мувофиқ мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи мулк эгасининг зиммасига юклатилади. Ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс ҳам мазкур Кодекснинг 228-232-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлиши билан мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавфини ўз зиммасига олади.

Шундай экан, агар кўчар мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқ мол-мулк жойлашган, бироқ ҳали

транспорт орқали жўнатилмаган мамлакатда вужудга келган бўлса, унинг йўлда нобуд бўлиш, бузилиш хавфи мол-мулкни сотиб олувчи ёки қабул қилиб олувчи зиммасида бўлади.

Агар ушбу мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқ уни транспорт орқали сотиб олувчига ёки қабул қилиб олувчига етказилгандан кейин утишига келишилган бўлса, унга бўлган эгалик ҳуқуқи ё ашёвий ҳуқуқ уни жўнатувчи тарафда сақланиб қолади ва товарнинг йўлда тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи унинг зиммасига юклатилади.

1188-модда. Ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш

Мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга нисбатан ариза берувчининг танлови бўйича мол-мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи ёки суд қайси мамлакатга қарашли бўлса, уша мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга нисбатан бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади. Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрида қайд этилган мол-мулкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмига биноан фуқаро ёки юридик шахсга мулк ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун кенг имконият берилади. Ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида ариза берувчи томоннинг танлови бўйича ушбу тегишли мол-мулк турган мамлакатнинг ёки унинг аризасини кўрадиган суд қайси мамлакатга қарашли бўлса, уша мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Модданинг иккинчи қисмида кўчмас мулкни ҳимоя қилиш учун алоҳида қоида белгиланган. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқни ҳимоя қилишга нисбатан бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқини шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқини ҳам ушлаш мумкин. Демак, кўчмас мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган ариза ҳам ушбу мамлакатга тегишли суд томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрида қайд этилган мол-мулк унинг қайси мамлакат ҳудуди доирасида жойлашган ёки турган бўлишидан қатъи назар бундай мулкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади. Бундай мулк транспорт воситаларидан ёки бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин.

5-§. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ

1189-модда. Шартнома тарафларининг келишувига кура ҳуқуқни танлаш

Шартнома, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кура танланган мамлакат ҳуқуқи билан тартибга солинади.

Шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкин.

Қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар томонидан шартнома тузилаётганда ҳам, ундан кейин ҳам исталган вақтда танланиши мумкин. Тарафлар, шунингдек исталган вақтда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартириш туғрисида келишиб олишлари мумкин.

Ушбу моддага биноан шартнома тарафларига уни гузишда, унинг мазмунини белгилашда, унга асосан вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишда у ёки бу мамлакатнинг ҳуқуқини танлаш учун кенг ҳуқуқ берилади. Ушбу моддада акс эттирилган қоидалар мамлакатлараро иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Мустақил давлат - Ўзбекистон ва унда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи барча ҳужалик ширкатлари ва уюшмалари бошқа давлатлар ва уларнинг фирмалари, компаниялари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни бевосита ўрнатиш имкониятига эришиди. Ўтмишда Ўзбекистон бундай ҳуқуқдан маҳрум эди. Чунки собиқ СССР Конституцияси 73-моддасининг 10-бандига асосан ташқи савдо ва

ташқи иқтисодий фаолиятни юргизиш давлат монополияси ҳисобланиб, СССРнинг тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилар эди.

Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан хусусий мулк шаклининг ҳам таркиб топиши ва улар асосида бозор муносабатларининг ривожланиши, шунингдек жамиятни бошқарув тизимида тегишли демократик таъмоиллар ҳамда усулларидан фойдаланиш натижасида, хорижий давлатлар ва уларнинг корхоналари, фирмалари, бирлашмалари билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига фаол таъсир ўтказиш ва халқаро ҳуқуқ андозаларига жавоб берадиган қонун-қоидаларни ўрнатиш зарураги туғилди. Бундай зарурат ушбу модда ва Кодекс VI бўлимининг бошқа моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Моддага мувофиқ турли мамлакатлар тадбиркорлари ўртасида тузиладиган шартномани, яъни уни тузиш ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишда қайси мамлакат ҳуқуқини танлаш ва ундан фойдаланиш зарурлиги, шунингдек мақсадга мувофиқлиги туғрисидаги масалани шартноманинг тарафлари ўзаро келишган ҳолда ҳал қиладилар. Бу умумий қоида, агар Ўзбекистон қонунларида ёки хорижий давлат қонунларида ташқи иқтисодий, савдо-сотиқ муносабатларида иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, яъни уларнинг мажбурият бўйича “битимнинг зарурий мақоми” (“обязательный статус сделки” - халқаро амалиётда ишлатиладиган атама) ўзгача белгиланмаган бўлса, шунингдек шартномада мажбуриятнинг баъзи турлари бўйича истисно сифатида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, барча турдаги шартнома мажбуриятлари учун тааллуқлидир.

Қонунда белгиланиши мумкин бўлган “битимнинг зарурий мақоми” тарафларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати (1169, 1176-моддалар) ҳамда битимнинг шаклига (1181-модда) тааллуқли эмас.

Битта шартномага нисбатан битта ёки бир неча мамлакатнинг ҳуқуқи танланиши ва татбиқ қилиниши мум-

кин. Бу ҳам тарафларнинг келишувига боғлиқ. Масалан, транспорт экспедицияси шартномасига мувофиқ юкни транспорт ташкилотидан қабул қилиб, уни мижоз мазмунига етказиб бериш ва топшириш бўйича хизматларни бажариш ҳамда ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш учун мижоз жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқий меъёрларини қўллаш ҳақида келишилган бўлса, экспедиторга бериладиган ҳужжатлар, божхона расмиятчиликлари, юкни мижозга жўнатиш учун тегишли транспорт ташкилотига етказиб бериш ва топшириш билан боғлиқ муносабатларни юк ишлаб чиқилган жой ва жўнатиш учун тайёрланган мамлакатнинг ҳуқуқий меъёрлари билан тартибга солиш ҳақида тарафлар ўртасида келишилган бўлиши мумкин.

Шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш бўйича маълум бир вақт (муддат, сана)га риоя қилиш мажбурий эмас. Тарафлар қўлланиладиган ҳуқуқни шартномани тузиш пайтида ҳам, ундан кейин ҳам исталган вақтда узаро келишув йули билан танлашлари мумкин. Тарафлар, шунингдек исталган вақтда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартиришларига ҳам йўл қўйилади. Лекин бу ҳақда улар олдин, яъни шартнома тузиш пайтида келишиб олган бўлишлари керак.

1190-модда. Тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ

Қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ туғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда, бу шартномага нисбатан:

- олди-сотди шартномасида - сотувчи;
- ҳадя шартномасида - ҳадя қилувчи;
- ижара (мулк ижараси) шартномасида - ижарага берувчи;
- мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномасида - ссуда берувчи;
- пудрат шартномасида - пудратчи;
- йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасида - ташувчи;
- транспорт экспедицияси шартномасида - экспедитор;
- қарз шартномасида ёки бошқа кредит шартномасида - кредитор;
- топшириқ шартномасида - ишончли вакил;
- воситачилик шартномасида - воситачи;

омонат сақлаш шартномасида - сақловчи;
суғурта шартномасида - суғурталовчи;
кафиллик шартномасида - кафил;
гаров тўғрисидаги шартномада - гаровга қўювчи;
алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномасида - лицензиар ҳисобланувчи тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда, ушбу модда биринчи қисмининг қоидаларидан қатъи назар:

кўчмас мулк тўғрисидаги шартномага нисбатан - бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи;

биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага ва қурилиш пудрати шартномасига нисбатан - ана шундай фаолият амалга оширилаётган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи;

кимошди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан - кимошди савдоси, танлов ўтказилаётган ёки биржа жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатиб утилмаган шартномаларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, бундай шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони амалга ошираётган тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони аниқлашнинг имконияти бўлмаган тақдирда, шартнома энг узвий боғланган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Олдинги 1189-моддада шартномани тузиш пайтида ва ижро этиш давомида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишда у ёки бу мамлакатнинг ҳуқуқини танлаш бўйича тарафларга бериладиган ҳуқуқлар тўғрисида қоидалар белгиланган бўлса, мазкур 1190-моддада ҳуқуқни танлаш тўғрисида тарафлар ўзаро келиша олмани тақдирда мажбуриятларнинг алоҳида турлари бўйича шартномага нисбатан қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш мумкинлиги ҳақидаги қоидалар назарда тутилади.

Бинобарин, агар олди-сотди шартномасида қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш тўғрисида тарафлар ўзаро келишиб олган бўлмасалар, бундай шартнома мулкни сотувчи жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи билан тартибга солинади. Моддада шунга ўхшаш бир неча шартномалар назарда тутилади.

Агар алоҳида ҳуқуқлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, патент ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар бўйича (Кодекснинг 862-моддасига берилган шарҳларга қаралсин) фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномасида қайси мамлакатнинг ҳуқуқидан фойдаланиш тарафлар ўртасида ўзаро келишилган бўлмаса, лицензиар ҳисобланувчи тараф таъсис этилган бундай шартномага нисбатан турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Ушбу моддада алоҳида шартномалар бўйича тарафлар ўртасида ўзаро келишув бўлмаган тақдирда, уларга нисбатан қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Масалан, ҳадя шартномаси, ижара шартномаси, пудрат ва бошқа шартномалар бўйича.

Ушбу модданинг биринчи қисмида шартномаларнинг алоҳида турлари бўйича, уларга хос хусусиятлар ва улардан фойдаланиш мақсади ҳисобга олинган ҳолда, агар тарафлар ўртасида келишув бўлмаган тақдирда қайси мамлакат ҳуқуқини қўллаш зарурлиги ҳақида қоида белгиланган. Модданинг иккинчи қисмида унинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган шартномалардан қатъи назар айрим шартномаларга нисбатан у ёки бу мамлакат ҳуқуқини қўллаш лозим эканлиги тўғрисида қоидалар назарда тутилади. Булар қаторига қуйидаги шартномалар киради:

1. Кўчмас мулкка (ер, ер ости бойликлари, ер устидаги бинолар, иншоотлар ва ҳоказо) оид шартномалар, масалан олди-сотди шартномаси, ижара шартномаси, гаровга қўйиш шартномаси ва бошқа шартномаларга нисбатан, кўчмас мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

2. Биргаликдаги фаолият тўғрисидаги ва қурилиш пудрати шартномаларига нисбатан - ана шундай фаолият амалга

ошириладиётган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратилаётган мамлакатнинг ҳуқуқлари қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон ва Туркия тадбиркорлари иштирокида Ўзбекистон ҳудудида биргаликда фаолият амалга ошириш, чунончи корхона ташкил қилиш тўғрисида тузилган шартномага Ўзбекистон қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар татбиқ қилинади. Агар ушбу биргаликдаги корхонанинг маҳсулоти Туркияда истеъмол қилиш учун қайтадан ишлаб чиқилиши зарур бўлса ва товар ҳолатига келтирилса, бундай товарнинг олди-сотди шартномасига нисбатан Туркия ҳуқуқи қўлланилади.

3. Кимошди савдоси, танлов эълон қилиш ёки биржалар тузиш қайси мамлакат ҳудудида амалга оширилган бўлса, булар тўғрисидаги шартномаларга нисбатан уша мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Масалан, фан ва техника ёки селекция ютуқлари бўйича Ўзбекистонда танлов эълон қилинган бўлса, танловда иштирок этувчи шахс қайси мамлакатнинг фуқаролигига мансуб бўлишидан қатъи назар, у билан тузиладиган шартномага нисбатан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи татбиқ қилинади.

Модданинг учинчи қисмида унинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатиб утилмаган, лекин амалиётда вужудга келиши мумкин бўлган шартномага, агар унга нисбатан тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш лозимлиги тўғрисида қонда белгиланган. Бундай шартномага нисбатан унинг мазмунини ҳал қилувчи аҳамиятга эга ижронини амалга ошираётган тараф таъсис этган, турар жойга эга ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқини қўллаш назарда тутилади. Масалан, лизинг шартномасига нисбатан қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш тўғрисида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, ушбу шартномани ижро этиш биринчи галда лизинг берувчига боғлиқ. Агар шартномада лизинг олувчи - фойдаланувчи мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш ҳақида келишилган бўлмаса, унга нисбатан лизинг берувчининг манзили жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Шартноманинг мазмунини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаган ижрони аниқлашнинг имконияти бўлмаган тақдирда, шартномага энг узвий боғланган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

1191-модда. Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ

Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Ушбу моддага биноан Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлари билан бошқа давлат, масалан Германия Федератив Республикаси тадбиркорлари иштирокида Ўзбекистон Республикасида юридик шахс тузиш ҳақида шартнома тузиладиган бўлса, ушбу шартномага нисбатан юридик шахсни таъсис этган, уни тегишли равишда рўйхатдан ўтказган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади. Бунинг акси ҳам бўлиши мумкин, яъни бундай юридик шахсни Германия Федератив Республикасида тузиш ҳақида шартнома тузилса, бундай шартномага нисбатан юридик шахсни таъсис этган Германия Федератив Республикасининг қонун-қоидалари қўлланилади. Бирон-бир давлатнинг қонун-қоидаларига асосан таъсис этилган юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми, фаолият доираси ҳам уша давлат қонун-қоидаларига асосан белгиланади.

1192-модда. Қўлланиладиган ҳуқуқнинг амал қилиш доираси

Ушбу параграфнинг қоидаларидан келиб чиқиб шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ:

шартноманинг талқинини;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;

шартноманинг ижросини;

шартномани умуман ёки тегишли даражада ижро этмаслик оқибатларини;

шартноманинг тўхтатилишини;

шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги ёки ҳақиқий эмас деб топилиши оқибатларини;

шартнома муносабати билан талабларнинг баҳридан ўтиш ва қарзни ўтказишни қамраб олади.

Ижро этиш усуллари ва тартибига, шунингдек тегишли даражада ижро этилмаган тақдирда қурилиши лозим бўлган чоралар борасида қўлланилаётган ҳуқуқдан ташқари ижро амалга оширилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи ҳам эътиборга олинади.

Мазкур параграфга киритилган юқорида шарҳланган моддаларда шартнома муносабатларини тартибга солиш учун у ёки бу мамлакатнинг ҳуқуқини танлаш бўйича тарафларга берилган ҳуқуқ, алоҳида турдаги шартномаларга нисбатан, тарафлар ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, у ёки бу давлатнинг ҳуқуқини қўллаш ҳақидаги қоидаларга эътибор берилди. 1192-моддада эса, ушбу шартномалар ва улар асосида вужудга келадиган муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқнинг амал қилиш доираси белгиланади.

Мазкур модда шартномага нисбатан ҳуқуқнинг амал қилиш доираси уни, яъни шартномани талқин қилиш, унинг асосида вужудга келадиган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шартноманинг ижросини аниқлаш ва унинг бажарилишини тегишли кафолатлар билан таъминлаш, шартнома умуман ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги сабабли вужудга келадиган оқибатлар ва унга қўлланиши керак бўлган ҳуқуқий чораларни назарда тутиш, шартноманинг тугатилиши асослари ва сабабларини белгилаш, шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмаслиги ёки ҳақиқий эмас деб топилши натижасида юз бериши мумкин бўлган оқибатлар, шартнома муносабатлари билан кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахс фойдасига воз кечилиши ёки қарздорнинг ўз мажбуриятини бажарилиши бошқа шахсга ўтказилишига оид масалаларни қамраб олади. Ушбу масалаларни ҳал қилишда мазкур Кодекс III бўлимнинг 20-28-бобларида назарда тутилган умумий қоидаларга амал қилиш лозим.

Шартномани талқин қилиш ҳуқуқи муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш унинг воситасида чет эл тадбиркорлари ва юридик шахслари билан Ўзбекистон тад-

биркорлари ўртасида тузиладиган шартноманинг мазмуни, ундаги суз ва ибораларнинг асл маъносини тушуниш ҳамда аниқлаш учун имконият яратади. Тузилаётган шартноманинг бирон бир шarti ва ундан фойдаланиш мақсади аниқ бўлмаса, асл маъно унинг бошқа шартларини ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқланади (мазкур Кодекснинг 363-моддасига қаралсин).

Шартнома расмий, амалий ва илмий равишда талқин қилиниши мумкин. Унинг мазмунини ташкил қилувчи шартлари ва қўлланиш мақсади шартноманинг амалиётда қўлланишини, Ўзбекистонда ва тегишли хорижий давлатда илмий равишда изоҳланишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Шартномани рўйхатдан ўтказувчи идоралар ёки суд органлари шартнома мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам олиш учун қабул қилинган тартибга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва бошқа ваколатли идораларга мурожаат қилиши, шунингдек экспертларни жалб этиши мумкин.

Шартнома тузишда манфаатдор бўлган тарафлар ўз талаблари ёки эътирозларини исботлаш учун шартнома тузишда улар томонидан ҳавола қилинган Ўзбекистон Республикаси ва тегишли хорижий давлатнинг ҳуқуқий меъёрларини тавсия қилишлари ва шартноманинг мазмунини аниқлаш мақсадида судга ва бошқа ваколатли идораларга тегишли ёрдам беришлари мумкин.

Шартномани талқин қилишдан асосий мақсад унга нисбатан қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллашни аниқлашдан иборат. Агар тузиладиган шартнома 1190, 1191-моддаларда кўрсатилган шартномаларнинг туркумига кирмаса, шунингдек юқорида кўрсатилган чораларнинг амалга оширилишига қарамай унинг мазмуни ва қайси турдаги шартнома эканлигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 1189-моддага берилган шарҳларда таъкидлаб ўтилишича, халқаро тажри-

бада “битимнинг мажбурият мақоми” деб ҳисобланади. Ушбу мақомга биноан шартноманинг мазмунига, жумладан, унинг умуман бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли вужудга келадиган оқибатларига, мажбурият бажарилмаганлик учун жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган ҳолатларга тааллуқли бўлган барча масалалар ҳал қилинади.

Шартномани ижро этиш усуллари ва тартибини белгилашга, шунингдек шартнома тегишли даражада ижро этилмаган тақдирда қўлланиши лозим бўлган чораларни белгилашга нисбатан қўлланаётган бирон-бир мамлакатнинг ҳуқуқидан ташқари ушбу шартноманинг ижроси амалга оширилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи ҳам эътиборга олиниши лозим. Масалан, олди-сотди шартномасига нисбатан Қозоғистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланиладиган бўлиб, унинг ижроси Ўзбекистон Республикасида амалга оширилса, унинг ижро этиш усуллари ва тартиби, ижро этилмаганда қўлланиши лозим бўлган чоралар фақат Қозоғистон Республикаси эмас, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан ҳам белгиланиши лозим.

6-§. ШАРТНОМАДАН ТАШҚАРИ МАЖБУРИЯТЛАР

1193-модда. Бир тарафлама ҳаракатлардан иборат мажбуриятлар

Бир тарафлама ҳаракатлардан (мукофотни ошкора ваъда қилиш, ўзганинг мақсадини кўзлаб топшириқсиз амалга ошириладиган фаолият ва бошқалардан) иборат мажбуриятларга нисбатан ушбу бўлимнинг 4-параграфи қоидалари қўлланади.

Бир тарафлама ҳаракатлардан иборат мажбуриятлар ўзганинг мақсадини кўзлаб топшириқсиз амалга ошириладиган фаолиятдан (826-модданинг шарҳларига қаранг), мукофотни ошкора ваъда қилиш (981-модданинг шарҳларига қаранг) ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин. Ушбу мажбуриятларга нисбатан мазкур VI бўлимнинг 4-параграфи қоидаларини қўллаш назарда тутилади.

Демак, бир тарафлама ҳаракатлардан иборат мажбуриятларнинг мазмуни, яъни тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу ҳаракатлар бажариладиган мамлакатнинг ҳуқуқи билан аниқланади. Ҳаракатни бажарувчи ва бундай ҳаракатдан манфаатдор бўлган тараф қайси давлат фуқаролигига мансуб бўлишларидан қатъи назар, уларнинг мажбуриятларига нисбатан ҳаракат бажарилган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Лекин шу масала бўйича муайян мамлакатнинг қонун ҳужжатларида бошқача қоида ва тартиб ўрнатилган бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Масалан, бошқа шахснинг манфаатини кўзлаб давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар Кодекснинг 826-моддасига биноан мажбурият ҳосил қилмайди.

1194-модда. Зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар

Зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар зарарни ундиришни талаб қилиш учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат юз берган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Чет элда зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва бурчлар, агар фуқаролар ёки юридик шахслар айти битта давлатдан бўлсалар, шу давлат ҳуқуқи билан белгиланади.

Агар зарар ўрнини қоплаш туғрисидаги талаб учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича ғайриқонуний бўлмаса, чет эл ҳуқуқи қўлланмайди.

Кодекснинг 57-бобига киритилган 985-1004-моддаларда зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар ва уларнинг вужудга келиш асослари ҳақида тегишли қоидалар назарда тутилган.

Мазкур моддага мувофиқ ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки бошқа сабаблар туфайли фуқаро ёхуд юридик шахснинг мол-мулкига ёки шахсига етказилган зарар қайси мамлакат ҳудуди доирасида юз берган бўлса, уни унди-

ришга қаратилган талаб ўша мамлакатнинг ҳуқуқи билан белгиланади.

Чет элда зарар етказишдан вужудга келган мажбуриятнинг тарафлари, яъни зарар етказган ва зарар кўрган шахслар айти битта давлатнинг фуқаролари ёки юридик шахсларидан иборат бўлса, ушбу зарарни ундиришни талаб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва бурчлар ўша давлат ҳуқуқи билан белгиланади. Масалан, чет элда зарар етказишдан вужудга келган мажбуриятнинг тарафлари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, ташкилотларидан иборат бўлса, уларнинг мажбурият бўйича ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига асосан белгиланади. Агар улар бошқа-бошқа давлатларнинг фуқароларидан иборат бўлса, зарар етказишдан вужудга келган мажбурият бўйича уларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчлари зарар қайси давлатнинг ҳудуди доирасида юз берган бўлса, ўша давлатнинг ҳуқуқи билан белгиланади.

Зарар етказиш учун сабаб деб баҳоланган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича ғайриқонуний ҳисобланмаса ва бундай зарарни ундириш бўйича қоида белгиланган бўлмаса, аммо чет эл қонунларида бундай қоидалар бўлган тақдирда ҳам у Ўзбекистон Республикасида қўлланилмайди. Масалан, мазкур Кодекс 57-бобининг 4-параграфида маънавий зарарни қоплаш туғрисидаги қоидалар олдинги Кодексда бўлмаганлиги туфайли Франция Гражданлик Кодексининг маънавий зарарни қоплашга бағишланган 1392-моддаси Ўзбекистон Республикасида қўлланилмаган.

Агар зарар шартномага асосан ва бошқа ғайриқонуний деб ҳисобланмаган ҳаракатларга кўра етказилган бўлса, ушбу модда қоидалари қўлланилмайди.

1195-модда. Истеъмолчига етказилган зарар учун жавобгарлик

Товарни сотиб олиш, ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш муносабати билан истеъмолчи кўрган зарар ўрнини қоплаш туғрисидаги талабга нисбатан истеъмолчининг хоҳишига кўра:

истеъмолчининг турар жойи жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи; ишлаб чиқарувчи ёки ишни бажарган, хизмат кўрсатган шахснинг турар жойи ёки манзили жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи; истеъмолчи товарни сотиб олган, иш натижасини қабул қилган ёки унга хизмат кўрсатилган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади.

Ушбу моддага мувофиқ товарни сотиб олиш, ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишда қайси мамлакат ҳуқуқини танлашда истеъмолчига кенг ҳуқуқ берилади. Истеъмолчининг талабига кўра унинг хоҳиши билан узининг турар жойи ёки ишлаб чиқарувчи, ишни бажарган, хизмат кўрсатган шахснинг турар жойи ё у истиқомат қилиб турган мамлакатнинг ҳуқуқини қўлланишини танлаши мумкин. Шунингдек истеъмолчи ўз талабини қаноатлантириш учун маълум шахснинг эмас, балки у товарни сотиб олган, иш натижасини қабул қилган ёхуд унга хизмат кўрсатган мамлакатнинг ҳуқуқини қўлланишини танлаши ҳам мумкин.

Товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишдаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида мазкур Кодекснинг 1017-1020-моддаларига берилган шарҳларга қаранг.

1196-модда. Асоссиз бойлик орттириш

Асоссиз бойлик орттириш натижасида вужудга келадиган мажбуриятларга нисбатан бойлик орттирилган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Агар асоссиз бойлик орттириш мол-мулкни сотиб олиш ёки тежаб қолишга доир асослар бекор бўлиши натижасида вужудга келса, қўлланиладиган ҳуқуқ бу асос бўйсундирилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Асоссиз бойлик орттириш тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Ушбу моддага биноан асоссиз бойлик орттириш қайси мамлакат доирасида юз берган бўлса, бунинг натижасида вужудга келадиган мажбуриятларга нисбатан ўша мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Масалан, чет эл тадбиркорларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асоссиз бой-

лик орттириши натижасида вужудга келадиган мажбуриятга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, жумладан, мазкур Кодекснинг 58-бобига киритилган 1023-1030-моддалари қўлланилади.

Агар асоссиз бойлик орттириш мол-мулкни сотиб олиш уни тежаб қолиш каби бекор қилинган асослар натижасида вужудга келган бўлса, яъни қонун билан чекланган ёки ман қилинган асосларга кўра орттирилган бўлса, унга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ бу асосларни ўрнатган ва жорий қилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Асоссиз бойлик орттириш тушунчаси мазкур Кодекснинг 58-бобида назарда тутилган қоидалар бўйича белгиланади.

7-§. ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ

1197-модда. Ворисликка доир муносабатлар

Ворисликка доир муносабатлар, башарти ушбу Кодекснинг 1198 ва 1199-моддаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, мерос қолдирувчи охирги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Ўзбекистон ҳудудидаги мерос қилиб олиш билан боғлиқ ҳамма ворислик ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

Аммо баъзан мулкни мерос қилиб олишнинг айрим жиҳатларини ҳал қилишда чет эл ҳуқуқини татбиқ қилиш эҳтиёжи туғилади. Ўзбекистон Фуқаролик Кодексининг 1197 моддасига биноан мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танламаган бўлса, мерос қолдирувчининг васияти унинг охирги доимий турар жойидаги мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Шарҳланаётган модда қоидасига кўра, Афғонистон Республикасида яшаб турган шахс Ўзбекистон фуқаролигини

йўқотмагани ҳолда васиятномада ўзининг Афғонистонда жойлашган уй-жойи, бошқа мулкларини шу давлатда қабул қилинган мерос ҳуқуқи қонунларига асосан ҳал қилинишини кўрсатган бўлса, мулк мероси шу васиятномада кўрсатилган давлат қонуни билан ҳал қилинади. Башарти Ўзбекистон фуқароси Афғонистонда сафарда бўла туриб, васиятнома тузган бўлса, васиятномада қайси мамлакат нормасини татбиқ қилиниши кўрсатилмаган, аммо ўзининг доимий охириги яшаш жойи (уй-жойи ва бошқа асосий мулки) Эрон давлатида жойлашган тақдирда васият буйича мерос мулкни тақсимлаш, Эрон Ислом Республикаси қонунлари билан ҳал қилинади.

Хулоса қилиб айтганда фуқаро васиятнома билан ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танламаган бўлса, мерос мулкни тақсимлаш унинг охириги марта доимий яшаб турган давлатининг ҳуқуқий тартиби билан белгиланади. Агар унинг доимий яшаб турган жойини аниқлашнинг иложи бўлмаса, асосий мулки (кўчмас мол-мулкни, яъни уй-жой, ишлаб чиқариш комплексига оид мулклари) жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқий нормаси билан ҳал қилинади.

1198-модда. Шахсларнинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, васиятноманинг ва уни бекор қилиш ҳужжатининг шакли

Шахснинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, шунингдек васиятноманинг ва уни бекор қилиш ҳужжатининг шакли, агар мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, ҳужжат тузилаётган пайтда мерос қолдирувчи доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи буйича аниқланади. Бироқ васиятнома ёки унинг бекор қилиниши, агар шакл ҳужжат тузилган жойнинг ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи талабларини қаноатлантирса, шаклга риоя этилмаганлиги натижасида ҳақиқий эмас деб топилмайди.

Жисмоний шахсларнинг шахсий қонунлари бўлиб, у қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакатнинг қонуни ҳисобга ўтади. Шахс икки ёки ундан ортиқ мамлакатнинг фуқароси бўлса, у қайси мамлакат билан энг кўп

узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон ҳамда Афғонистон фуқароси бўлган жисмоний шахснинг асосий мулки, яъни уй-жойи, қариндошлари Ўзбекистонда жойлашган бўлса ва шу боис фуқаро шу ерда кўпроқ яшаса, Ўзбекистонда амалда бўлган қонунлар унинг шахсий қонун ҳисобланади. Фуқаролини бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонундир. Қочоққа бошпана берган мамлакатнинг қонуни унинг учун шахсий қонун.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролини бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқи лаёқатидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқини томошванг Ўзбекистон фуқаролари муомала лаёқатида махсус чекловлар қўйган давлатнинг фуқароларига нисбатан жавоб тариқасида чекловлар (реторсиялар) белгиланиши бундан мустасно. Жисмоний шахснинг муомала лаёқатини чекланган деб топишда суд қайси мамлакатники бўлса, шу ернинг ҳуқуқига бўйсунилади (ФКнинг 1169-модда, 5-қисми).

Демак, юқорида айнигилидек, фуқароларнинг умуман муомала лаёқати, хусусан васиятнома билан ўз мол-мулкни мерос қилиб қолдиришга бўлган муомала лаёқати унинг шахсий қонун билан белгиланади.

Умумий қондага кўра, мулкни мерос қилиб қолдириш ёки олиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг ички қонунлари билан тартибга солинади. Халқаро Конвенциялар эса ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни қисман тартибга солади. Жумладан, васиятноманинг халқаро шакли ҳақидаги 1973 йил 26 октябрь ҳамда васиятноманинг шаклидан келиб чиқадиган низолар масаласидаги 1961 йил 5 октябрь халқаро конвенциялари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисиди ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик қилишни кафолатлайди (ЎзР Конституциясининг 22-моддаси).

Шарҳланаётган модда қонундан икки нарсани аниқ билиб олиш лозим:

1. Агар шахс васиятнома тузиш, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ниятида бўлса, у фуқаролигини қабул қилган мамлакат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васиятнома тузади ё ўзгартиради; васиятномани тузишда, ўзгартириш ёхуд бекор қилишда васиятноманинг шакли ҳам шу ернинг қонунида назарда тутилган тартиб ва қоидага мувофиқ бажарилади.

2. Башарти фуқаро васиятномада ўзи фуқаро бўлган мамлакат қонунини танламаган бўлса, васиятнома тузиш, уни ўзгартириш ёки бекор қилишга бўлган лаёқати ўзи доимий яшаб турган мамлакат ҳуқуқи тартиби асосида амалга оширилади. Васиятнома тузиш, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги фармойишнинг шакли шу ҳужжат тузилган мамлакат ёки Ўзбекистон қонун ҳужжатларига мувофиқ келса, шаклга риоя қилинмаганлиги унинг ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлмайди.

Мероснинг очилиши учун васиятномани тузган, уни ўзгартирган ёки бекор қилган жисмоний шахснинг вафот этганлиги факти тасдиқланиши лозим. Башарти унинг вафот этганлигини унинг бедарак йўқолиши билан аниқланиши мумкин бўлмаса, манфаатдор тарафнинг аризасига мувофиқ уни бедарак йўқолган ва вафот этган деб эълон қилиш лозим. Бундай юридик фактни аниқлаш тартиби қаердаги судда куриляётган бўлса, уша мамлакатнинг ҳуқуқига бўйсунилади.

Васиятнома тузиш, уни ўзгартириш ёки бекор қилишга бўлган фуқаронинг лаёқатини чеклаш ҳоллари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Ўзбекистон фуқаролари ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларига махсус чекловлар қўйган давлатнинг фуқаролари ва юридик шахс тартибига нисбатан жавоб тартиқида чекловлар (реторсиялар) белгиланиши мумкин.

1199-модда. Кўчмас мулкка ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган мол-мулкка ворислик

Кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича, Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мулкка ворислик эса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида жойлашган уй-жой қурилмалари, бошқа жойга қўзғатиб бўлмайдиган кўчмас мулкка оид мулккий комплексларни мерос қилиб олиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи (Қонунлар) билан тартибга солинади ва ҳал қилинади. Суд ёки ҳуқуқни татбиқ қилувчи бошқа идора, масалан, нотариат бу тоифадаги низоли ишларни куришда низоли ҳуқуқий муносабат нарсаси бўлган мулк кўчмас мулкми ёки бошқа умумий мулк жумласига кирадими ё йўқми, бундан қатъи назар, бу масалани аниқ ҳал қилиши керак.

Бу масаланинг аниқ ва тўғри ҳал қилинишида ҳуқуқи татбиқ этилаётган мамлакат қонунларида аниқ ҳамда равишан кўрсатмаларнинг бўлиши асосий роль ўйнайди. Кўчмас мулклар жумласига ер, қурилмалар, уй-жойлар, куп йиллик ўсимликлар (“дарахтлар”) ва ер билан узвий боғлиқ бошқа мулклар киритилиши шубҳа туғдирмайди. Шарҳланаётган модда қонунда кўра кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк қасрда жойлашган бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади, деб кўрсатилган. ФК 83-моддасига биноан “Қонунда бошқа мол-мулк қаторида киритилиши мумкин”. Бундай мол-мулкка бўлган ҳуқуқ кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ сифатида қаралади. Агар бундай мулк Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган бўлса, уни мерос қилиб олишга бўлган ҳуқуқий муносабатлар фақат Ўзбекистон Қонунига асосланиб ҳал қилиниши керак. Масалан, Ўзбекистон қонунчилиги бўйича дарёда фойдаланиладиган катер ва қайиқлар, шунингдек автомашина, тракторлар ва бошқа ҳаракат воситалари давлат идоралари рўйхатида турганлиги учун кўчмас мулклар жумласига киритилган. Демак, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган

кучмас мулкларни ворислик ҳуқуқи асосида мерос қилиб олишда чет элдаги Ўзбекистонлик фуқаролар томонидан васият бўлиши ё бўлмаслигидан қатъи назар Ўзбекистон қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Кучмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ФК 84-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-рақам билан тасдиқланган Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

МУНДАРИЖА

Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига умумий тавсиф (учинчи жилд).....	5
---	---

IV бўлим. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

59-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1031-модда. Интеллектуал мулк объектлари	20
1032-модда. Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш	24
1033-модда. Интеллектуал мулк объектларига шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар	29
1034-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар	34
1035-модда. Мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши	41
1036-модда. Лицензия шартномаси	48
1037-модда. Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома	57
1038-модда. Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи	61
1039-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати	63
1040-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари	68

60-БОБ. МУАЛЛИФ ҲУҚУҚИ

1041-модда. Муаллифлик ҳуқуқи билан қуриқланадиган асарлар (муаллифлик ҳуқуқи объектлари)	77
1042-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари	79
1043-модда. Асарнинг қисмлари ва ҳосила асарлар	81

1044-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган асарлар ва уларга ухшаш фаоллият нагизлари	85
1045-модда. Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларига бўлган ҳуқуқлар	87
1046-модда. Асар муаллифи. Муаллифлик презумпцияси	89
1047-модда. Ҳаммуаллифлик	92
1048-модда. Ҳосила асарларнинг муаллифлари	95
1049-модда. Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари	97
1050-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгилари	99
1051-модда. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари	101
1052-модда. Муаллифлик ҳуқуқи	105
1053-модда. Муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ	108
1054-модда. Асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ	110
1055-модда. Асарни эълон қилиш ҳуқуқи	113
1056-модда. Муаллифнинг асардан фойдаланиш ҳуқуқи	115
1057-модда. Асардан фойдаланиш ҳуқуқини тасарруф этиш	118
1058-модда. Муаллифлик ҳуқуқларининг чекланиши	120
1059-модда. Ўзганинг асарини шахсий мақсадларда такрорлаш	121
1060-модда. Асарларни омма олдига эркин ижро этиш	124
1061-модда. Суд мақсадлари учун асарларни эркин такрорлаш	124
1062-модда. Хизмат асарига бўлган ҳуқуқ	125
1063-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши	127
1064-модда. Муаллифлик ҳуқуқи амал қилишининг бошланиши	128
1065-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати	128
1066-модда. Асарнинг ижтимоий мулкка айланиши	130
1067-модда. Муаллифлик шартномаси	131
1068-модда. Муаллифлик шартномасининг шартлари	134
1069-модда. Муаллифлик шартномасининг шакли	137
1070-модда. Муаллифлик шартномаси бўйича жавобгарлик	139
1071-модда. Муаллифлик лицензия шартномасининг амал қилиш муддати	142
1072-модда. Асардан шартнома тузмаган ҳолда ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик	143
1073-модда. Муаллифлик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш	145

61-БОБ. ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР

1074-модда. Турдош ҳуқуқлар объекти	146
1075-модда. Турдош ҳуқуқларининг субъектлари	146
1076-модда. Турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгилари	147
1077-модда. Ижрочининг ҳуқуқлари	148
1078-модда. Ижрони ёзиб олган шахснинг ҳуқуқлари	149
1079-модда. Эфир орқали курсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари	151
1080-модда. Кабель орқали курсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари	152
1081-модда. Турдош ҳуқуқлардан фойдаланиш туғрисидаги шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик ва асардан шартнома тузмаган ҳолда ғайриқонуний равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик	154

62-БОБ. САНОАТ МУЛКИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ (ИХТИРО, ФЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ)

1082-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш	155
1083-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш ҳуқуқи	160
1084-модда. Патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш	164
1085-модда. Муаллифлик ҳуқуқи	166
1086-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг ҳаммуаллифлари	168
1087-модда. Хизмат ихтиролари, фойдали моделлари, саноат намуналари	169
1088-модда. Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга утказиш туғрисидаги шартноманинг шакли	170
1089-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш рухсатномасининг (лицензиясининг) шакли	172
1090-модда. Патентни бузганлик учун жавобгарлик	173

63-БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ВА ХАЙВОНЛАРНИНГ ЯНГИ ЗОТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ

1091-модда. Ўсимликларнинг янги навлари ва хайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш	175
1092-модда. Селекция ютуғи муаллифининг ҳақ олиш ҳуқуқи	178
1093-модда. Патент эгасининг ҳуқуқи	179
1094-модда. Патент эгасининг мажбурияти	180

64-БОБ. ОШКОР ЭТИЛМАГАН АХБОРОТНИ НОҚОНУНИЙ ФЙДАЛАНИШДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

1095-модда. Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқи	182
1096-модда. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик	186
1097-модда. Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга утиши	188

65-БОБ. ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ШАХСИЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

1-Ў. ФИРМА НОМИ

1098-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқ	191
1099-модда. Юридик шахснинг фирма номидан товар белгисида фойдаланиш	193
1100-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг амал қилиши	194
1101-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш	195

2-Ў. ТОВАР БЕЛГИСИ (ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИСИ)

1102-модда. Товар белгисини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш	196
--	-----

1103-модда. Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи	199
1104-модда. Товар белгисидан фойдаланмаганлик оқибатлари	200
1105-модда. Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга утиши	201
1106-модда. Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартноманинг шакли	202
1107-модда. Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун жавобгарлик	204

3-5. ТОВАР ЧИҚАРИЛГАН ЖОЙ НОМИ

1108-модда. Товар чиқарилган жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш	206
1109-модда. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи	210
1110-модда. Товар чиқарилган жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этишнинг амал қилиш соҳаси	212
1111-модда. Товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланганлик учун жавобгарлик	212

V бўлим. ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ

66-БОБ. ВОРИСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1112-модда. Ворислик асослари	217
1113-модда. Мерос таркиби	218
1114-модда. Умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш	221
1115-модда. Деҳқон хужалиги ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини мерос қилиб олиш	223
1116-модда. Мероснинг очилиши	225
1117-модда. Мероснинг очилиш жойи	227
1118-модда. Меросхўрлар	229
1119-модда. Нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш	231

67-БОБ. ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

1120-модда. Умумий қоидалар	236
1121-модда. Шартли васиятнома	240
1122-модда. Ворисдан кейинги ворисларни тайинлаш	241
1123-модда. Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисмини мерос қилиб олиш	242
1124-модда. Васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар	243
1125-модда. Нотариал тасдиқланган васиятнома	246
1126-модда. Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар	248
1127-модда. Васиятномани бекор қилиш ва узгартириш	249
1128-модда. Васиятноманинг сир сақланиши	252
1129-модда. Васиятни талқин қилиш	254
1130-модда. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги	255
1131-модда. Васиятномани ижро этиш	256
1132-модда. Васият мажбурияти	259
1133-модда. Мажбурият юклаш	262

68-БОБ. ҚОНУН БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

1134-модда. Умумий қоидалар	265
1135-модда. Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик	267
1136-модда. Қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик	269
1137-модда. Қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик	270
1138-модда. Қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик	271
1139-модда. Қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик	273
1140-модда. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик	274
1141-модда. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари	275
1142-модда. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи	277
1143-модда. Мерос олишда эрнинг (хотиннинг) ҳуқуқи	280
1144-модда. Қонун бўйича мерос олинганида меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш	282

69-БОБ. МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ

1145-модда. Умумий қоидалар	285
-----------------------------------	-----

1146-модда. Меросга булган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш	287
1147-модда. Меросдан воз кечиш ҳуқуқи	290
1148-модда. Меросдан воз кечиш ҳуқуқининг чекланиши	293
1149-модда. Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш ҳуқуқи	294
1150-модда. Мероснинг тақсимланиши	295
1151-модда. Ҳозир булмаган меросхўрларнинг ҳуқуқлари	296
1152-модда. Корхонага ворислик	298
1153-модда. Айрим меросхўрларнинг мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқи	299
1154-модда. Мерос улушларининг ортиши	301
1155-модда. Мерос ҳисобидан тўланиши лозим булган харажатлар	303
1156-модда. Кредиторларнинг мерос қолдирувчининг қарзларини ундириб олиши	304
1157-модда. Эгасиз қолган мол-мулк	305

VI Бўлим.

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРГА НИСБАТАН ТАТБИҚ ҚИЛИШ

70-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1158-модда. Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим булган ҳуқуқни белгилаш	308
1159-модда. Ҳуқуқий баҳо бериш	311
1160-модда. Чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш	313
1161-модда. Қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш	315
1162-модда. Қонунни четлаб утиш оқибатлари	316
1163-модда. Ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш	316
1164-модда. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ	318
1165-модда. Қатъий нормаларни қўллаш	319

1166-модда. Ҳуқуқий тизимлари кўп бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш	320
1167-модда. Реторсиялар	320

71-БОБ. КОЛЛИЗИОН НОРМАЛАР

1-§. ШАХСЛАР

1168-модда. Жисмоний шахснинг шахсий қонуни	322
1169-модда. Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари	324
1170-модда. Жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш	327
1171-модда. Жисмоний шахснинг исми-шарифи	328
1172-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш	329
1173-модда. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлат органлари томонидан берилган ҳужжатларни тан олиш	331
1174-модда. Васийлик ва ҳомийлик	332
1175-модда. Юридик шахснинг қонуни	333
1176-модда. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати	333
1177-модда. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари фаолиятининг миллий тартиби	334
1178-модда. Чет эл элементи билан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда давлатнинг иштирок этиши	335

2-§. ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

1179-модда. Шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш	335
1180-модда. Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ	337

3-§. БИТИМЛАР. ВАКИЛЛИК, ДАЪВО МУДДАТИ

1181-модда. модда. Битимнинг шакли	339
1182-модда. Ишончнома	340
1183-модда. Даъво муддати	341

4-§. АШЁВИЙ ХУҚУҚЛАР

1184-модда. Ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги умумий қоидалар	341
1185-модда. Ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши	342
1186-модда. Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар	344
1187-модда. Йўлда бўлган кучар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар	345
1188-модда. Ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш	346

5-§. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ

1189-модда. Шартнома тарафларининг келишувига қўра ҳуқуқий танлаш	347
1190-модда. Тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ	349
1191-модда. Чет эл иштирокидаги юридик шахснинг тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ	353
1192-модда. Қўлланиладиган ҳуқуқнинг амал қилиш доираси	353

6-§. ШАРТНОМАДАН ТАШҚАРИ МАЖБУРИЯТЛАР

1193-модда. Бир тарафлама ҳаракатлардан иборат мажбуриятлар	356
1194-модда. Зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар	357
1195-модда. Истеъмомчига етказилган зарар учун жавобгарлик	358
1196-модда. Асоссиз бойлик орттириш	359

7-§. ВОРИСЛИК ХУҚУҚИ

1197-модда. Ворисликка доир муносабатлар	360
1198-модда. Шахсларнинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, васиятноманинг ва уни бекор қилиш ҳужжатининг шакли	361
1199-модда. Кучмас мулкка ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган мол-мулкка ворислик	364

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИНИНГ

**ИККИНЧИ ҚИСМИГА
ШАРҲЛАР**

III жилд

Нашр учун масъул:

юр.ф.н., Убайдуллаев Зиёдулла

Менежер: Муслимов Бахтиёр

Нашриёт муҳаррири: Файзиёва Дилбар

Саҳифаловчи: Қодиров Хуршид

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик
Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар.
3 жилд /Раҳмонқулов Ҳожи-Акбарнинг
умумий таҳрири остида; Масъул муҳаррир:
И.Анортоев. - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ
дунёси", 1998.-384 б.

Сарл. олдид: Ўзбекистон Республикаси
Адлия Вазирлиги.

ББК 67.99(5У)92

№ 256-98

Алшпер Навоий номдаги Ўзбекистон
Республикасининг давлат кутубхонаси

Нуха 4000

Карт. нухаси 8000

Бичими 54x90 $\frac{1}{16}$. Ҳажми 24 б.т. Адади 10000
Буюртма № К-6172

"Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи
Мустақиллик майдони, 2
Тел.: 144-03-88

Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги
Тошкент матбаа комбинатида босилди,
Тошкент, Навоий кучаси, 30.

ҚУШИМЧА ҒЗУВЛАР УЧУН

ҚУШИМЧА ҒЗУВЛАР УЧУН

ҚҰШИМЧА ЁЗУВЛАР УЧУН

ҚЎШИМЧА ЁЗУВЛАР УЧУН

ФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ КОМПЛЕКС

ШАРШЛАП

63